

**Абдулла Аъзам**

**АРУЗ**

**Алишер Навоий ва Заҳириддин  
Муҳаммад Бобур сабоқлари**

**Аруз хусусида мубоҳасалар  
Аруз эскирганми?  
Арузий шеър қандай ўқилади?  
Арузда шеър қандай ёзилади?  
Арузнинг содда назарияси  
Арузнинг келажаги**

83.3(5У)

А 94

- Аъзам, Абдулла.  
А94 Аруз: Алишер Навоий ва Заҳриддин  
Муҳаммад Бобур сабоқлари/ Абдулла Аъзам. — Т.:  
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти, 2006. — 224 б.

ББК 83.3 (5У)

Ушбу китоб Шарқ мумтоз шеърятининг асосий ўлчови бўлган арузни ўрганиш ва ўргатишга бўлган катта эҳтиёжни ҳисобга олиб ёзилган. Унда аруз ҳеч қачон эскирмаслиги, билгакс ўзига хос маҳорат мактаби эканлиги хусусида баҳс юритилган, арузни ўзлаштиришнинг осон ва қулай услуби баён қилинган, Навоий ва Бобурдек улуғ сўз санъаткорларининг арузни қўллаш бобидаги маҳоратни мисоллар таҳлили асосида очиб берилган.

Китоб барча тоифадаги адабиёт мухлисларининг талаб ва эҳтиёжларига жавоб беради. Уни аруз билан қизиқувчи барча талабалар, тадқиқотчилар, ҳаваскор шоиру бастакорларга қўлланма сифатида тавсия этиш мумкин.

№ 185 - 2006

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий  
кутубхонаси нашриёти. 2006 й.

## Мундарижа

Сўзбоши.....	4
<b>I боб. Аруз баҳси.....</b>	<b>6</b>
Газалнависликка мойил ижодкорлар билан мубоҳасалар.....	6
Шеър ёзиш осонми?.....	47
<i>I бобга илова: “Аруз – шариф илмдур”.....</i>	<i>57</i>
<b>II боб. Аруз илми (содалаштирилган назария ва амалий тавсиялар).....</b>	<b>59</b>
Муқаддима.....	59
Вазн схемаси.....	60
Рукн ва туроқ.....	63
Қисқа ва чўзиқ унлилар.....	64
Аруз алифбеси: қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижолар.....	68
Аруз ва бармоқ вазнида ўлчов тафовути.....	72
Ундош кўчиши натижасида ҳижо қисқариши.....	75
Арузда интернационал сўзлар.....	79
“Кўнгул”.....	80
Арузий шеърни ифодали ўқишга тайёрлаш.....	84
Ҳижо ва рукнлар талаффузининг давомийлиги.....	87
Афоъийлу тафоъил.....	91
Мисраъ ва рукн.....	100
Аруз вазнини ўзлаштириш.....	113
Қулайлаштирувчи воситалар.....	121
Ўзбек арузида феъл.....	127
<i>II бобга илова: Мумтоз аруз ва ҳижо системаси.....</i>	<i>132</i>
<b>III боб. Аруз завқи.....</b>	<b>150</b>
Навоийнинг қофия санъати.....	150
“Толиби илм керак...”.....	166
Аруз тақдири.....	176
Икки жаҳонни икки илқида тутган шоир.....	186
Назмнинг еттинчи осмони.....	201
<b>Сўнги зўз.....</b>	<b>219</b>

## СЎЗБОШИ

Неча минг йиллик ва бой тарихий қадриятларимиз рўйхатида мумтоз ўзбек адабиёти салмоқли ўрин эгаллаши яхши маълум. Бу буюк адабиётнинг катта қисми аруз вазнида битилган назм жавоҳирларидан иборат. Шунинг учун аруз илми ҳам, ҳеч шубҳасиз, миллий қадриятларимиздан биридир. Бу эса арузнинг чироғи сўниб қолишига йўл қўймасликни талаб этади, аксинча, ижодкорларимизнинг иқтидор ва истеъдоди кучи билан у яна ҳам равшанроқ ёнишига, сеҳрли зиёси билан одамлар қалбини ёритишига ҳисса қўшишни тақозо этади. Лўнда килиб айтганда, арузни ўрганиш, ўргатиш лозим. Мана шу мақсада қаратилган хилма-хил услубдаги китоблар қанча кўп бўлса, шунча яхши эканлиги аён.

Аруз тўғрисида унинг ҳамма қирра ва унсурларини қамрайдиган, бутун имконият ва нафосатини очиб берадиган китоб битиш қийин, албатта. Шундан келиб чикиб, ушбу китобдан конкрет мақсадлар кўзланган.

Китоб уч қисмдан иборат. 1-боб “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида чоп этилган аруз мавзуидаги мақолалардан таркиб топган бўлиб, китобхоннинг эътиборини бу вазннинг асил қийматини ҳозирги ҳолатини қиёслашга, аруз муаммоси устида фикрлашга ундаши лозими. Шунинг учун бу бобда мақолалардаги публицистик ва танқидий руҳ сақлаб қолинди. 2-боб аруз илми бўйича қисқача қўлланмадан иборат. Унда бу илм имкони борича содда, шу туфайли ноанъавий баёнда берилди. Учинчи бобда юқорида зикр этилган газета ҳамда “Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналларида босилган аруз мавзуидаги мақолалар

туркумидан таркимб топган. Унинг мақсади – китобхонни аруз уммонига шўнғишга кўмаклашиш.

Умид қиламизки, аруз мухлислариа тақдим этилаётган бу китоб ана шу мақсадларга хизмат қилади, ўсиб келаётган авлодни арузни қадрлашга, уни ўрганишга ундаш, бу йўлдаги қийинчиликларни енгиб ўтишда озми-кўпми кўмаклашади.

## I боб

### АРУЗ БАҲСИ

#### Ғазалнависликка мойил ижодкорлар билан мувоҳасалар

– Аруз эскирган, даври ўтиб бўлган.

– Бу шундай туюлади. Аслида адабиётда бирон-бир йўналиш йўқки, у даври келганда гуркираб гуллагану сўнг “эскириб, музей экспонати”га айланган бўлсин.

Қиёс учун эртақ жанрини олайлик. Юқоридаги каби мушоҳада юритиладиган бўлса, адабиётнинг бу энг қадимий тури аллақачон “мўмиё”га айланиб кетган бўлиши лозим эди. Лекин бундай бўлгани йўқ. Аксинча, 20 аср – адабиётда эртақ жанрининг энг мутараққий даври бўлди. Айнан шу асрда К.Чуковский (Айболит образи билан), А.Толстой (Буратино), Ж.Родари (Чиполлино), А.Милн (Винни Пух), А. де Сент-Экзюпери (Кичкина Қирол), П.Бажов (Уста Данила), Л.Баум (Оз мамлақати), Н.Носов (Билмасвой), П.Трэверс (Мери Поппинс), А.Линдгрэн (Карлсон), Т.Янссон (Муми-Тролль), Э.Успенский (Чебурашка) ва яқиндагина донг таратган Жоан Ролинг (Гарри Поттер ҳақидаги бестселлерлар муаллифи) каби ўнлаб эртақнавислар бу жанр тарихидан муқим ўрин эгаллади.

Бундай олиб қараганда эртақ ёзишдан осон иш йўқдай туюлади: бир чеккадан тўқиб кетаверасан. Ҳа, эртақ “ёзиш” осон, аммо давр ғалвиридан ўтиб яшаб қоладиган,

тиллердан тилларга ўгирилиб, турли миллат болалари қалбини, дунё китоб бозори ва мультипликация студияларини забт этадиган эртақни ёзиш қийин. Бунинг учун ноёб қобилият зарур. Шу жиҳатдан адабиётнинг жанрлари, турлари ва йўналишлари ўртасида фарқ йўқ – қайси соҳага ана шундай истеъдод соҳиби кириб келса, шу соҳа гуркирайди, акс ҳолда эса у... йўқ, ўлмайди, фақат, “Минг бир кеча”даги кўзага жойланиб денгиз тубига ташланган жиндек, кимдир келиб қайтадан “уйғотишини” кутиб ётади, холос.

Хуллас, у ёки бу адабиёт турининг фаол ривожланиш даври унинг ички хусусиятларидан кўра кўпроқ истеъдод деб аталадиган мўъжизага боғлиқ.

Ўзбек адабиётида, айнан аруз вазнидаги назм тарихида бундай ҳодиса вақти-вақти билан рўй бериб турган. Балки шу бугун у “уйқудадир, мудраётгандир”, лекин асло ўлмаган ва ҳеч қачон ўлмайди.

– **Аруз, айниқса, ғазал турининг имконияти ғоят чекланган, шоирга “қанот ёзиб” ижод қилишга торлик қилади.**

– Бу тезис “фақат аруз вазнида ижод қилиш” деган иддаога нисбатан тўғри. Ҳолбуки, аруз бошқа вазнларни инкор қилмайди. Шундай экан, у шоир ижодини чекламайди, аксинча, бойитади, имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Сарбастбоп ҳис-ҳаяжонни бармоқда “айтиш” уни жўнлаштиради, арузга солишга уриниш ҳам бесамара бўлади. Худди шу сингари, “арузий” кечинмаларни бошқа вазнда ифодалаш ҳам мушкул. Мисол учун, арузда мисралар 20 ҳижогача (!) бўлиши мумкинки, бу шоир учун муаяйн имкониятдир. Агар сарбаст ва бармоқда шу қадар узунликдаги сатрлар билан шеър ёзилса, у насрга ўхшаб қолади.

Бу борада Чўлпон тажрибаси диққатга молик. Мана унинг бир йил давомида ёзилган шеърларидан бир банддан:

Кел менга, кел, кел менга,  
Қучоғимни очганман.  
Турмуш – ҳақиқат бўлса,  
Борлиғимни отганман... *(замонавий бармоқ)*

Боғчаларда гуллар сўлди, сезмадим,  
Ўстирганлар етим бўлди, сезмадим,  
Кўнгилларга қора тўлди, сезмадим,  
Сездим сенинг кетганингни кўнгилдан...  
*(бармоқ, халқ йўлида)*

Нима учун ёвларингни бир замон  
Йўқ қилгундай темирли ўч йўқ сенда?  
Эй, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган хур ўлка,  
Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар кўланка?  
*(сарбаст)*

Ул олос кўзлар юмулган...куйни ёндиргачгина,  
Кўп гўзал кўзларни юмдиргач, уялдиргачгина... *(аруз)*

Мақтадим, кўкка кўтардим сизни мен,  
Энди менга сизга етмаклик қийин.  
Мақтамоққа бир киришгач мақтайин,  
Тўхтасам, сўнгни тинимда тўхтайин.  
*(ҳам аруз, ҳам бармоқ)*

Сенки, кулмак билан вужудимни  
Баъзида севгига кўтарардинг:  
Сўнгра бирдан яна чўқар эрдинг  
Эски, беҳуда, кенг хаёлларга.  
О, кўлимни бир ол-да кўлларингга,  
Кўкка беҳуда қўйма дудимни! *(верлибр)*



Ўз пайтида Чўлпон анъанавий (яъни арузий) адабиёт замон кўндаланг кўя бошлаган саволларга жавоб бера олмайгани, ундан кўнгли тўймаётгани тўғрисида нолиган. Одатда шоирнинг бу “шикояти” аруз вазнига нисбат берилди. Аслида Чўлпоннинг норозилиги вазнга эмас, балки мумтоз адабиёт ва унинг қолипидан чиқиб кетолмаётган замондошларига, ўша даврдаги ижодий жараёнга қаратилган. Ахир, аруз – услубни ифодаловчи шунчаки абстракт тушунча бўлса, унда нима гуноҳ?

Қолбуки, айнан Чўлпоннинг ўзи умрининг охиригача аруз вазнига мунтазам мурожаат этиб турган. У ҳатто Пушкиннинг “Булбул ва гул” шеърини аруз вазнида таржима қилган (1936 йил, ҳажаз мусаммани солим):

*Ба-ҳор чо-ғи | да ҳо-ли боғ | да бир зул-мат | ли тун эр-ди,  
 Га-риб бул-бул | фи-ғон ай-лаб, | “Гу-лим, раҳ-м ай | ла-гил” дер-ди.\**

v — — — | v — — — | v — — — | v — — —

Чўлпон лирикасининг энг юксак кўққиларидан бири бўлган “Қаландар ишқи” шеъри ҳам айнан арузда ёзилган.

20 аср ўзбек адабиётида Собир Абдулла, Ҳабибий, Чустий аруз “чироғини” ўчирмасликка интилдилар. Гафур Ғулом ҳам вақти-вақти билан арузга мурожаат этиб турган. Бу анъана шеърятимизнинг бугунги валломатлари ижодида ҳам кузатилади.

Ҳа, аруз ҳозиргача йўқолиб кетмаган, вақти-вақти билан ижодкорларни ўзига жалб қилиб турган экан, унинг жозибаси, сўз билан ифодалаш қийин бўлган қандайдир хусусияти бор. Навоий ва Бобурнинг машҳур ғазаллари, рубоийларини ўқиганда ана шу хусусиятни ҳис этиш мумкин.

Шунингдек, ўзбек кўшиқчилик санъати аруз вазни билан ҳам тарихан, ҳам мусиқа орқали чамбарчас

---

\* Арузий шеър вазнини яққол кўрсатиш учун қўлланадиган белгилар ҳақида ... -бетга қаранг.

боғланганини ёдда тутиш лозим. Мисол учун, Имомжон Икромов басталаган “Муножот” куйига Навоийнинг машҳур “Кеча келгумдир дебон” ғазали вазнидаги (фoъилотун фoъилотун фoъилотун фoъилун) арузий шеър тушаверади, аммо уни бармоқ вазнидаги шеър билан куйлаб бўлмайди.

Хуллас, аруз ўз ўрнига эга бўлган вазн бўлиб, у бошқа вазнлар ўрнини босолмаганидек, бошқа вазнлар ҳам унинг ўрнини босолмайди.

– **Аруз араб алифбосига асосланган ёзув учун қулай, лотин ва кирил алифбосидаги ёзув учун ноқулай.**

Ҳақиқатан, Навоийнинг “Мезон-ул авзон”, Бобурнинг “Мухтасар” рисолаларида аруз қонун-қоидалари араб алифбосидаги ёзув асосида: **ҳаракатли ва сокин ҳарфлар** тушунчалари орқали баён этилган. Арузий шеър араб ёзувида ёзилганда, унинг вазни анча осон аниқланади (2-боб иловасига қаранг). Лекин, бир томондан, ўзбек тилида бу қоидага тушмайдиган истиснолар, тўғрироғи, ўзига хосликлар Навоий давридаёқ ҳисобга олинган, бу ҳақда шоирнинг мазкур рисоласида етарлича маълумот берилган.

Иккинчи томондан, араб алифбоси ўрнига лотин ёзуви жорий қилиниши муносабати билан арузнинг тақдири хавф остида қолишини олдиндан пайқаган Фитрат домла “Аруз қоидалари” рисоласида бу вазннинг янги назариясини баён этган. Унга кўра аруз вазни ҳаракатли ва ҳаракатсиз ҳарф тушунчаларига эмас (чунки бундай тушунчалар янги алифбода йўқ), балки **қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижо** тушунчаларига асосланади. Рукн ҳамда мана шу уч тушунчани ўзлаштириб олган киши учун аруз вазнида шеър ёзишнинг (айниқса, ўқишнинг!) сира қийинчилиги қолмайди. (II бобга қаралсин.)

Аруз қоидаларини Навоийдан мисол билан изоҳдайлик:

**Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат,  
Ҳажридин беҳудлуғум афсона бўлди оқибат.**

**Ақлу дониш лофини урған кўнгул йиғлай юруй,  
Ул париваш ҳажрида девона бўлди оқибат.**

**Борголи ул хусн ганжи ғам бузуғ кўнглумдадир,  
Аждаҳо уйи бизинг вайрона бўлди оқибат.**

Иккинчи байт вазн нуқтаи назаридан бармоққа яқин: 15 ҳижо ва ҳар бир ҳижо роппа-роса бир бўғиндан иборат:

1-руkn				2-руkn				3-руkn				4-руkn		
фо	ъи	ло	тун	фо	ъи	ло	тун	фо	ъи	ло	тун	фо	ъи	лун
—	√	—	—	—	√	—	—	—	√	—	—	—	√	—
Ақ-	лу	до-	ниш	ло-	фи-	ни	ур-	ған	кў-	нгул	йиғ-	лай	ю-	руй,
Ул	па-	ри-	ваш	ҳаж-	ри-	да	де-	во-	на	бўл-	ди	о-	қи-	бат.

Биринчи байтнинг иккинчи мисраси ҳам шу қолипда. Лекин биринчи байтнинг биринчи мисрасига қайтсак, у атиги 13 бўғиндан иборат! Бармоққа ўрганган “ғазалнавис” Навоийни вазни кўпол тарзда бузишда айблаши ҳам ҳеч гап эмас (астағфуруллоҳ). Ҳолбуки, “ғазал мулкининг султони” назмида, шеърнинг бошқа барча унсурлари каби, вазн идеал даражада мукамалдир.

Гап шундаки, зикр этилган мисрада **икки марта ўта чўзиқ ҳижо** иштирок этапти: “оҳким” ва “ошно” сўзларидаги биринчи ҳижолар. Ғазални ўқиганда ёки куйлаганда, бу икки ҳижони “оо-ҳ<sub>и</sub>-ким” ва “оо-ш<sub>и</sub>-но” тарзида, яъни “о” ҳарфини чўзиб, ундан кейинги ундошда озгина тўхталиб талаффуз қилиш лозим. Бу эътиборга олинмас экан, ғазал вазнга тушмайди. Шу боис аруздан беҳабар суҳандонлар, актёрлар, декламация қилувчилар Навоий шеърларини ўқиганда бармоқ вазнига сололмай қийналишади, сунъий туроқ билан, бўғинлаб ўқиш оқибатида шеър кўпинча қулоққа назм эмас, сажъ бўлиб эшитилади.

Ваҳоланки, “Ўта чўзиқ ҳижо битта чўзиқ ва битта қисқа ҳижога тенг” қондасини қўлласак, вазндаги мукамаллик дарҳол намоён бўлади:

О-	ҳ-	ким,	ул	о-	ш-	но	бе-	го-	на	бўл-	ди	о-	қи-	бат,
Ҳаж-	ри-	дин	бе-	худ-	лу-	ғум	аф-	со-	на	бўл-	ди	о-	қи-	бат.

Учинчи байтнинг биринчи мисраси 14 бўғин, лекин ҳижолар сони, табиийки, 15 та, чунки бу ерда ўта чўзиқ ҳижонинг бошқа турини учратамиз: “ҳусн ганжи” иборасида учта ундош – “с”, “н”, “т” ёнма-ён келмоқда. Бундай ҳолда “ҳусн” ўта чўзиқ ҳижо ташкил этади:

Бор-	за-	ли	ул	ҳус-	н,	ган-	жи	ғам	бу-	зуғ	кўн-	лум-	да-	дур.
------	-----	----	----	------	----	------	----	-----	-----	-----	------	------	-----	------

Кўришиб турибдики, лотин ва кирилл ёзувида ҳам арузнинг вазни ўзига хослигини билиш қийин эмас.

Шунинг учун, қанчалик аччиқ бўлмасин, таъкидлашга тўғри келади: аруз талабларига яқин келмайдиган “ғазал” ижодкорлари бу вазннинг алифбоси билан ҳам таниш эмаслар.

– Аруз вазни талабларига қатъий амал қилиб шеър ёзиш қийин.

– Ана холос! Юзлаб, балки минглаб катта-кичик ўзбек шоирлари 500 йилдан ортиқ давр мобайнида шеърини шу жанрда ёзишни уйдалаган, наҳотки “компьютер асри”да яшаётган ижодкорлар учун қийинлик қилса? Бундай бўлиши мумкин эмас. Шу давр ичида физика, кимё, мантиқ ва ҳоказо каби фанларни ўзлаштириш қийинлашса қийинлашгандир, аммо аруз вазни ўзидан-ўзи қийинлашиб қолгани йўқ.

Тўғри, Навоий замонида ҳамма шеър арузда ёзилган, бўлажак шоирнинг “тили арузда чиққан”, бу эса назмга мойил болада аруз вазни туйғусини шакллантирган. Бугун энди, болалар бармоқда ёзилган шеър мухитида улғаяди.

(Афсуски, мактабларда аруздаги шеърларни шу вазн ритмида ўқитишни ўргатадиган муаллимлар жуда кам. Бунинг боиси эса, ўз навбатида, университетларнинг филология факультетларида арузни биладиган ўқитувчилар сафи сийраклашиб бораётганида).

Лекин, бошқа томондан, Навоий замонида аруз назарияси қийин бўлгани учун бу вазн техникаси узунроқ йўл билан – кўпдан-кўп ғазал, дoston ёдлаш воситасида эгалланган бўлса, ҳозир арузнинг анча содда, ўрганишга қулай услубиёти мавжуд (II бобга қаранг).

Қолаверса, шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур болалигидан арузни ўрганган, 12 ёшлигида салтанат учун кураш юки елкасига тушганига қарамай, унинг сирларини ўрганишда давом этган. Унинг дастлабки шеърийёқ бу вазн қонунларига ҳам бадиият талабларига бекаму-кўст жавоб беради. Бобур ғазалларига нисбатан ҳеч ким “аруз қобиғи ижодни бўғади” деган айбни қўя олмайди.

Биз унинг дастлабки ғазали қачон ёзилганини айта олмаймиз, аммо “Бобурнома”нинг 1501/02 йил воқеаларига бағишланган бобида қуйидагича маълумотни ўқиймиз: “*Ул газалеким, тугаттим, ушбу кун ушбу юртта тугаттим. Ул туганган газал будур:*

**Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга махрами асror топмадим.**

*Бу газал етти байт турур. Мундин сўнг ҳар газалким, туганди, ўшул тартиб била-ўқ битилди”.*

Бобурнинг бу ғазали, биринчи машқ бўлишига қарамай, вазни бўйича мураккаб баҳрда битилгани ҳайратли\*:

---

\* Нащрларида бу ғазал нима учундир олти байт.

—	—	√	—	√	—	√	√	—	—	√	—	√	—
Жо-	ним-	ди-	н ўз-	га	ё-	ри	ва-	фо-	до-	р	топ-	ма-	дим
Кўнг-	лим-	ди-	н ўз-	га	мах-	ра-	ми	ас-	ро-	р	топ-	ма-	дим
Жо-	ним-	де-	к ўз-	га	жон-	ни	ди-	лаф-	го-	р	кўр-	ма-	дим
Кўнг-	лум	ки-	би	кў-	нгул-	ни	ги-	риф-	то	р	топ-	ма-	дим
Ус-	рук	кў-	зи-	га	то-	ки	кў-	нгул	бўл-	ди	муб-	та-	ло
Ҳар-	гиз	бу	тел-	ба-	ни	я-	на	хуш-	ё-	р	топ-	ма-	дим
Но-	чо-	р	фур-	қа-	ти	би-	ла	хўй	эт-	ми-	шам,	не-	тай
Чун	вас-	ли-	ға	ў-	зум-	ни	са-	зо-	во-	р	топ-	ма-	дим
Бо-	ре	бо-	рай	э-	ши-	ки-	га	бу	нав-	ба-	т, эй	кў-	нгул
Не-	ча-	ки	бо-	ри-	б э-	ши-	ки-	га,	бо-	р	топ-	ма-	дим
Бо-	бур,	ў-	зунг	ни	ўр-	га-	та-	кўр	ё-	р-	сиз	ки,	мен
Ис-	таб	жа-	ҳон-	ни	мун-	ча	қи-	либ	ё-	р	топ-	ма-	дим

Вазнинг мураккаблигига қарамай аруз қоидалари маҳорат билан қўллангани, ҳар бир байт сўз санъатининг нафис намуналари билан жилолангани, ўта чўзиқ ҳижолаҳар шеърга алоҳида оҳангдорлик бағишлаши ва, айниқса, муаллиф туйғуларининг самимий ва истиғноли ифода этилганидан кўринадики, Бобур 18 ёшидаёқ арузни ҳам, ғазал санъатини ҳам етук даражада эгаллаган.

Шунинг учун 21 асрда ғазалга қўл урмоқчи бўлганлар Навоийга эргашиб, Бобурдан ўрнак олишга интилиш ўрнига “арузда шеър ёзиш қийин” деб ҳисоблашлари ва “бармоқ ғазали”га зўр беришлари, юмшоқ қилиб айтганда, таажжублидир. “Қийинчилик” тагида, бизнингча, асли бошқа нарса ётади: арузда ёзилган шеърларни ўқиймайдилар, етарли миқдорда ғазаллар ёд олмайдилар.

Асил сабаб ҳатто ҳафсаласизлик, совуққонликда, буюк адабий меросни қадрламаслик, менсимасликда.

Ҳолбуки, нафақат арузнинг, балки, умуман шеърятнинг асил мураккаблиги бошқа нарсада. У ҳам бўлса, юксак савияда ёза олиш, бадиий кашфиёт ярата билиш. Бу масалада эса, вазн ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас – буни Чўлпон ижоди яққол исботлаб турибди.

– Ҳозирги шеърятдан мисоллар келтира оласизми? Ғазал ёзишга ҳавасмандларга қандай тавсиялар бериш мумкин?

– Аруз талабларидан йироқ “ғазал” намуналари китоб ва газета саҳифаларида тўлиб ётибди. Шунинг учун бир-икки типик мисоллар билан чекланамиз.

Титради, гул | баргида бир | қатра шабнам | титради,  
Боғ аро шў | рида булбул | кўзида нам | титради.

Ҳар чечак ат | рини пуркаб, | кезди мажнун | вор сабо,(?)  
Ёр кучоғи | да санамдек | фасли кўклам | титради.(?)

Тоғу сахро | лар ичинда | вола қилмиш | лолалар, (?)  
Майсалар чай | қалди сархуш | мисли олам | титради.

Тоқи кўкдан | қатра-қатра | ёғди абри | найсонлар,(?)  
Хайригул, нар | гиз қўлида | косаи Жам | титради.(?)

Кўксида дил | бар соғинчи, | ёқди жисму | жонини,  
Ҳажр аро ўр | танди Анвар, | оҳидин шамъ | титради.(?)  
(ЎзАС, 2004 йил, 39-сон).

Шеър арузнинг энг кенг тарқалган рамали мусаммани маҳфуз баҳрига деярли тушади (ҳар мисрада уч карра *фọъилотун* ва охирги рукн *фọъилун*.) Аммо шакл ва мазмундаги бир қатор сакталиклар шеър савиясини пасайтирмақда. Чунончи:

– иккинчи байтда “мажнунвор” сўзидаги “вор” кўшимчаси ҳамда “ёр” сўзи ўта чўзиқ ҳижолар эканлиги эътиборга олинмаган;

– учинчи байтда “вола” сўзи ноўрин қўлланган (вола – мафтун, ҳайратга тушган);

– тўртинчи байтдаги “найсонлар” камида учта чўзиқ ҳижодан иборат (ўртадаги ҳижо ҳатто ўта чўзиқ). Шу сабабли охирги рукни ташкил этган бу сўз фобилун (— v —) қолипига мутлақо тушмайди;

– бу байтдаги “абри найсон”, яъни апрель булутлари ёғилиши ғалат; “жоми Жам” (Жамшид жоми) ибораси мавжуд, аммо “косаи Жам” ўринли ихтироъ эмас: Шарқ шеъриятида коса билан жомнинг фарқи катта;

– “шамъ” (охирги байт), “жамъ”, “лаъл”, “саъб” каби сўзлар рукн бошида ёки ўртасида учраса ва ортидан ундош келса, ўта чўзиқ ҳижо ташкил қилади.

М и с о л:

**Пардага кирган кеби хуршиди рахшон ҳар кеча,  
Азми хилват айлар ул шамъи шабистон ҳар кеча.**

**Ул кулуб аҳбоб бирла субҳдек, мен шамъвор  
Ўртаниб, кўнглум тўкармен дурри ғалтон ҳар кеча. (ҒС)\***

Навоийнинг бу ғазали ҳам рамали мусаммани маҳзуф баҳрида битилган. Иккинчи мисрада “шамъ” кетидан унли ҳарф келгани учун, “ъ” ҳарфи кейинги ҳижога ўтган. Агар “шамъи” ўрнига “шами” ёзилса, биринчи бўғин қисқа ҳижога айланиб, вазн бузилар эди.

Навоий ғазалининг учинчи мисраси алоҳида диққатга молик – ундаги бўғинлар сони 12 та, яъни аввалги икки

---

\* Қисқартмалар: ҒС – «Ғаройиб ус-сиғар», НШ – «Наводир уш-шабоб», БВ – «Балойиъ ул-васат», «ФК – Фавойил ул-кибар», ББ – «Бадойиъ ул-Бидоя», НН – «Наводир ун-ниҳоя», ММТ – “Мукаммал асарлар тўплами”.



мисрадагидан 3 тага кам! Табиийки, бу байтни бармоқ вазнида ўқиш мутлақо мумкин эмас. Ҳолбуки, вазн қатъий: “аҳбоб” сўзининг “боб” бўғини ҳамда “субҳ” ва “шамъ” сўзлари ўта чўзиқ ҳижолар – ҳар бири иккитадан ҳижо ҳосил қилади!

Юқоридаги мисолнинг охириги мисрасида бу қоида бузилган: “шамъ титради” деб ёзилган ва бўғинлар 15 та-ю, ҳижолар сони 16 та бўлиб қолган.

Яна бир неча мисол (2005 йилда газеталарда босилган шеърлардан):

Бахтинг тонги отгани рост бўлсин дейман, юртим,  
Бошингга қўниб турган ҳумоларингни кўрсам,

– биринчи мисра аруздан мутлақо йироқ;

Дедим: Сен сирли бир қушсан қафас ичра,  
Харидорингдан ҳам кўпдир-ку даллолинг,

– биринчи мисра ҳазажи мусамман баҳрига яқинлаштирилган, аммо иккинчи мисранинг иккинчи рукни (“-дан ҳам кўпдир”) арузга хилоф;

Ижодкор шеър яратганда сўзида маъни рост бўлсин,  
Замонига оҳангдошу ғазалхонига мос бўлсин,

– биринчи мисрадаги “-жод”, “-кор”, “шеър”, “рост” бўғинларининг ҳар бири Навоий ғазалларида икки ҳижоли бўлиб келади. Яъни, бу “байт”нинг биринчи мисраси 20 ҳижо, иккинчи мисра эса 16, нари борса 17 ҳижо – мумтоз адабиёт нуқтаи назаридан шеърда вазн йўқ. Шундай экан, “байт”да ишора қилинаётган “ғазалхон” Навоий ва Бобурни ўқимайдиган одам, деган хулоса чиқади.

\*\*\*

– Бармоқ вазнида ёзилаётган ғазалларнинг аруздан фарқи каттами?

– Албатта, ҳар икки вазннинг ўз ўлчови, ўз қонун-қоидалари бор. Ғазал бу – аруз вазнининг жанри, шунинг учун бармоқда ёзилган шеър – ғазал эмас.

Бармоқ вазнида ўлчов бирлиги – бўғин, арузда – ҳижо. Яъни, аслан бармоқ – силлабик шеър вазни, аруз эса тоник шеър турига яқинроқ туради. Фақат Европа халқлари адабиётига хос тоник шеър вазни урғули ва урғусиз ҳижола тартиби билан белгиланса, арузда чўзиқ ва қисқа ҳижола тартиби шеърни вазнга солади. Шу боис, масалан, Навоий ғазалларини ўқиганда ҳижола тартибининг чўзиқлиги ва қисқалигига амал қилинмас экан, шеърнинг нафосати намоён бўлмайди, ҳатто шеърга ўхшамай қолади.

Иккинчидан, мисралар узунлиги 9 ва ундан кўп бўғиндан иборат бўлса, бармоқ вазнида туроқ талаб этилади, арузда эса туроқ бўлмайди (истисно тарзида учраши мумкин), балки мисралар рукнлардан ташкил топади.

Ҳар икки вазни қиёслаш учун мисолларга мурожаат этайлик:

Ёр кетдию <sup>1</sup>ёнимдан, <sup>11</sup> азоби бун <sup>1</sup>да қолди,  
Дард ўртади <sup>1</sup>жонимни, <sup>11</sup> тезоби бун <sup>1</sup>да қолди.

Бунда қолди <sup>1</sup>тонгларим <sup>||</sup> яширгувчи <sup>1</sup>булутлар,  
Васлин қуё <sup>1</sup>шин гизлаб <sup>||</sup> каззоби бун <sup>1</sup>да қолди.

Жон томирим таранглаб <sup>||</sup> турганида ўкинчлар,  
Минг мақомга ўйнатиб <sup>||</sup> музроби бунда қолди. ...

(“Истиқлол умидлари” альманахи, 2000).

– шеър *аа, ба, ва, ...* тарзида қофияланган бўлса-да, аммо ғазал жанрига мансуб эмас. Масалан, мисралар бошида мустафъилун (– – v –) ва фобилотун (– v – –) қолипдаги рукнлар аралашиб келади; тўртинчи мисрада олтига чўзиқ

хижо (остига чизилган) кетма-кет келяптики, бу аруз вазнига бегона. Шунингдек, *азоб* сўзи *каззоб* сўзига бармоқда қофиядош, арузда эса қофиядош бўлмайди, вазни ҳам бузади – бири фа-бул қолипида, иккинчиси фаъ-лон қолипида. Қолаверса, *каззоб* (ёлғончи) ва *кизб* (ёлғон) сўзлари чалкаштирилган, ниманинг (ёки кимнинг) каззоби қолгани ҳам мужмал.

Бошқа томондан, шеър 7+7 туроғи билан ёзилган. Шунинг учун у аслида бармоқ вазнига хос интонация билан ўқилади:

Ёр кетдию ёнимдан,  
азоби бунда қолди,  
Дард ўртади жонимни,  
тезоби бунда қолди.

Бунда қолди тонгларим  
яширгувчи булутлар,  
Васлин қуёшин гизлаб  
каззоби бунда қолди.

Жон томирим таранглаб  
Турганида ўкинчлар,  
Минг мақомга ўйнатиб  
Музроби бунда қолди....

Бармоқ вазнида ёзилган “ғазаллар”нинг аксарияти мана шу йўсинда тадриж қилиниши – байтлар тўрт мисрали бандларга айлантирилиши мумкин. (Байтлар газета устунига сиғмаса, шу тарзда чоп этилган “ғазаллар” оз эмас.) Шунда дарҳол таажжуб уйғотадиган ҳолат юзага келади: “ғазал” дегани – ҳар банди тўрт қаторли оддий шеърнинг ўзгинаси экан-да? Ҳатто тузукроқ қофияланиши ҳам шарт эмас экан. Ахир бармоқ вазнида тўрт мисрали бандлар камида *бава* тарзида, ўзини ҳурмат қиладиган шоир шеърда эса *ааба*, *аааб* ёки *абаб* тарзида

қофияланади, наҳот, ғазал битиш бармоқ вазнида шеър ёзишдан жўнроқ иш бўлса?

Йўқ, албатта. Арузда чўзик ва қисқа ҳижоларнинг қатъий тартибда такрорланиши фақат шу вазнга хос бўлган оҳангдорликни, таъбир жоиз бўлса, “оҳанг қофия”сини вужудга келтиради. Буни англаш учун Бобурнинг мана бу нафис ғазалига мурожаат этамиз. Унинг ҳар мисраси 4+3+4+3 ҳижоли рукнларга бўлинади:

2 ва 4-рукнлар				1 ва 3-рукнлар		
—	—	√	—	√	—	—
Хат-	тинг	а-	ро	у-	зо-	ринг
саб-	за	и-	чин-	да	ло-	ла,
Ул	чаш-	ми	пур-	ху-	мо-	ринг
ло-	ла-	да-	ғи	за-	зо-	ла.
...						
Юз	сах-	фа-	син-	да	хат-	лар
ёш-	дин-	ки	ҳар	та-	раф	бор,
Иш-	қинг-	да	Бо-	бу-	рай-	лар
бу	нав-	ъ	юз	ри-	со-	ла.

Бобур бу равон ғазални худди ҳаваскор ғазалнависларга дарс бўлсин дея намуна сифатида ёзгандай.

Хуллас, ҳар банди икки мисра, мисралари *аа, ба, ва, ...* тартибида қофияланган шеър ҳали “ғазал” дегани эмас. Бунга яна бир далил: **ҳар қандай тўрт мисрадан иборат шеър рубоий бўлавермайди.**

Тўртлик арузда ҳам, бармоқда ҳам, сарбастда ҳам ёзилиши мумкин. Қофияланиши *аааа* дан тортиб *абвг* (оқ шеър)гача бўла олади. Мисралар узунлигига ҳам, ҳатто вазн ўлчовига ҳам чеку чегара қўйилмайди – “тўртлик” вассалом. Масалан:

Слиб бошин кетмоқдадир ой

Тоғ-ла юлдузлар ҳам  
Ой нури бир-ла

Ҳар не мумкин бу кеча.

(“*Жаҳон адабиёти*, 2004, ноябрь)

Рубоий эса аруз жанри, у махсус вазнларда ёзилади. Навоий ва Бобурнинг аруз ҳақидаги рисолаларида рубоий вазнига алоҳида тўхталинганининг сабаби ҳам шунда. Ҳозир бу мавзуга чуқурлашишнинг мавруди эмас. Лекин “*ааба* тарзда қофияланган номики тўртлик рубоий бўлавермайди” деган тасдиқ моҳиятан “*аа, аб, ав ...*” тарзида қофияланган шеър – бу ҳали ғазал эмас” деган тасдиқ билан бир кучга эга.

– “Ғазал дегани бу – *аа, аб, ав ...* тарзда қофияланиб аруз вазнида ёзилган шеър” демоқчисиз-да?

– Йўқ. Арузда вазн билан қофияга талаб қанчалик қатъий бўлмасин, шунинг ўзи кифоя эмас. Чунки улар бари бир шеърнинг ташқи унсурлари. Битик “ғазал” деган табаррук номга муносиб бўлиши учун у яна бир муҳим шартни қаноатлантириши лозим:

*ғазалнинг ҳар бир байтида  
камида битта бадиий янгилик, камида  
битта сўз саънати мавжуд бўлсин.*

Агар вазну қофиягина ғазални ғазал қилганда, бу – бармоқдаги назмбозлик каби жуда жўн юмуш бўлар эди. Зеро, вазн техникасини – у хоҳ бармоқ бўлсин, хоҳ аруз – эгаллаган одамга мисраларни тизиб ташлайвериш қийин эмас. Лекин ўйлаб кўрайлик: нима учун Навоий ўз ғазалларининг “етти байту, тўққиз байт, ўн бир байту ўн уч байт” эканлигини алоҳида қониқиш билан таъкидлаган? Нима учун “Хазойин ул-маоний”нинг ҳар бир девонига кўллаб қитъалар – “ниҳоясига етмаган ғазаллар”

киритилган? Навоийдек сўз устасига уларни етти байтли ғазал ҳажмига етказиш қийин бўлганми? Асло. Ҳойнаҳой, “ғазал мулкининг султони” шоирларга сабоқ бўлсин дегандир: “ғазални сунъий тарзда, лекин сўз санъатиға хилоф тарзда узайтиргандан, қитъа тарзида қолдирган маъкул”.

Нима учун Бобур “биринчи ғазалимни етти байт битидим, кейинги ғазалларни ҳам шу тартибда битишга қарор қилдим” деб ёзган бўлса-да, девонида 5 ва 6 байтли ғазаллар кўп? Гап шундаки, Бобур шоҳ бўлса ҳам, ғазални хурмат қилган. Зотан чин ғазалда, вазн ва қофия бекаму кўстлигидан ташқари, ҳар бир байтнинг ўз нуқтаси, ўқиганни қойил қолдирадиган санъати бўлиши шарт – шундагина у ғазалдан жой олишга муносиб бўлади. Навоий, Бобур каби даҳо шоирлар учун ғазалнинг сифат мезони яна ҳам юксакроқ: ҳар бир байтда бирор бадий янгилик, бир эмас, икки-уч ва ундан-да зиёд сўз санъати бўлиши талаб этилган!

Бунинг ибратли намунаси “Мажолис ун-нафоис”да келтирилган:

*“Мирзобек – инсоният ва ҳуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Табъ ва фаҳм ва отару тутарда (ҳарб иши ва ов маҳоратида – А.А.) бу икки мулк йигитлари орасида саромади замона (лидер), бу навъ таърифлардан мустағний (мақтовни ёқтирмас эди). Бу матлаъ анингдурким:*

**Кўзунг не бало қаро бўлуштур,  
Ким жонга қаро бало бўлуштур,**

*зулқофиятайндур ва қофиялари тарди акским...”*

Навоий “менга фарзанд мартабасида эрди” деб эслаган йигитнинг байтида уч санъатни қайд этмоқда:

1) байтнинг қўшқофияга эгалити, яъни иккитадан сўз қофиялангани; 2) тарди акс санъати – биринчи мисрадаги

*бало* ва *қаро* сўзлари иккинчи байтда ўрин алмашиб келаётгани; 3) тарди акс айнан қўшқофия ташкил этган сўзларда рўй бераётгани.

Шунингдек, “не бало” иборасидаги *бало*, “қаро бало” иборасидаги *қаро* сўзлари кўчма маънода келаётгани, “бўлуптур” сўзи икки мисрада икки хил маънода эканлиги (биринчи мисрада – “қора кўзли бўлиб туғилибсан”, иккинчи мисрада – кўзинг ақлу хушдан айирадиган, фитнакор бўлибди”) – булар ҳам санъат. Шунча сўз санъати аруз нуқтаи ихчам – атиги 10 ҳижоли мисраларда ифодаланганки, бу – юксак маҳорат.

Навой юқоридаги жумлани шундай тугатади: “...*жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдур*”.

Бу жумлада Навойнинг буюклиги яна бир карра муҳрланган – улуғ шоир ва юксак мартабали давлат арбоби “мен бундай байт битишга ожизман” дея ёш вафот этиб кетган йигитни алқайди.

Ҳазрат бу билан чекланмайди:

*“Агарчи анинг тилига бу навъ абёт кўп ўтар эрди, аммо ҳаргиз нарво қилиб бир ерда битимас эрди. Бу матлаъин фақир тугатиб, анинг ёдгори девонда битибмен. Ҳайф ва юз ҳайф ва дариг ва юз минг даригким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умри нахли мевасидин бар емади. Мазори Самарқанд маҳфузасида... Макони раъзаи жаннат ва руҳига фирдавси аълода макон бўлсун!”*

Навой бу истеъдодли, айни пайтда ниҳоятда камтар йигит байтини ғазалга етказиб, “Бадойиъ ул-бидоя” девонига киритган. Шунинг билан чекланмай ҳатто бутун девонни унинг хотирасига бағишлаган.

Кўшиққа айланган бу ғазални ўқиб, биз ҳам ҳар икки аждодимиз руҳини шод этайлик:

Кўзунг *не бало* <sup>1</sup> *қаро бўлуптур*  
Ким, жонга *қаро* <sup>1</sup> *бало бўлуптур*.

Мажмуъи даво <sup>1</sup>ни дар-д қилди  
Дардингки, манго <sup>1</sup> даво бўлуптур.

Иш-қ ич-ра анинг <sup>1</sup> фидоси юз жон,  
Ҳар жонки, санго <sup>1</sup> фидо бўлуптур.

Бегона бўлуп <sup>1</sup> тур-р о-ш·нодин,  
Бегонага о <sup>1</sup> ш·но бўлуптур.

То қилди юзунг <sup>1</sup> ҳавоси жоним,  
Юз сори анго <sup>1</sup> ҳаво бўлуптур.

Боқий топар ул <sup>1</sup> ки, бўлди фоний,  
Раҳравга бақо <sup>1</sup> фано бўлуптур.

То тузди Наво <sup>1</sup> йи ояти ишқ,  
Иш-қ ахли аро <sup>1</sup> наво бўлуптур.

Ғазалнинг барча байтида зулқофиятайн ва тарди акс санъатлари давом эттирилган. Аммо Мирзобек байтидаги Навоийга алоҳида завқ бағишлаган учинчи санъат кейинги байтларга хос эмас. Буни шоирнинг ўзи қайд этгани – унинг ўз ижодига нисбатан ҳам холис ва ўта талабчанлик билан ёндашганидан далолат.

Ўйлашимизча, Навоийнинг ёш шоир шеърига “...жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдур”, дея эътироф этиши бутун дунё адабиёти тарихида мисли йўқ бир ходисадир.

Адолат юзасидан қайд этиш лозимки, Навоий байтларида тарди аксли кўшқофия ўрнида бошқа нозик санъатлар етилган анорнинг шарбатидай лик тўла. Масалан, “То қилди...” деб бошланган байтда юз сўзи икки ўринда икки маънода келмоқда (тажнис). Бу байтда яна бир уникал сўз санъатини учратамиз: **ҳавас** (араб алифбосида ёзилиши “ҳавос”) сўзининг таркибида **ҳаво** сўзи борлигидан тарди акс ясалган. Тўртинчи байтнинг оригиналлиги шундай кўриниб турибди. Унга яна бир бетақроп санъатни хос – **ошно** сўзининг биринчи ҳарфи



охирги ҳарфига қофия бўлиб келмоқда! Равшанки, бундай байтларни сунъий равишда, вазнга солинган мисраларни қаторлаштириш билан “тўқиб” бўлмайди, уларнинг ҳар бири маҳорат деб аталувчи тилсимнинг маҳсулидир.

Не саодатким, Мирзобек биргина байти билан Навоийнинг олқишига сазовор бўлмиш. Не аломатким, адабиёт тарихида ўчмас из қолдириш учун иқтидорсиз битилган минглаб мисралардан наф йўғ-у истеъдод барқ уриб турган биргина байт кифоя экан.

– Демак, ғазал – сўз ўйинидан иборат экан-да?

– Мумтоз адабиётга қўйиладиган бу таъна ҳам анча кенг тарқалган. Авваламбор, “адабиёт – сўз санъати” эканини ҳали ҳеч ким рад этмаган. Албатта, Навоий, Бобур ғазаллари орасида соф сўз ўйинига бағишланганлари йўқ эмас. Лекин уларнинг асосий қисми сира ҳам шунчаки сўз ўйинидан иборат эмас.

Мисол учун юқоридаги ғазалнинг мактаъини (сўнги байтини) олайлик. Унинг маъноси камида икки қават: 1) Навоий ишқ ҳақида шу даражада шеър битдики, уни (Навоийнинг ўзини) таърифлай бошладилар; 2) Навоий-ку бутунлай бошқа ишқ мавзусида шеър битган эди, ошиқлар уни (шеърни) ўзларининг ишқи ҳақида деб тушуниб куйлай бошладилар. Биринчи талқин шоир биографиясига оид кичик бир чизги бўлса, иккинчи талқинда Навоий ижоди хусусида дунё тургунча давом этадиган баҳс башорат қилинган.

Ё бўлмаса, Бобурнинг дастлабки ғазали матлаъини олайлик:

**Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим  
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.**

Бу байтда у “ёр” сўзи ийҳом санъатининг намунаси бўлиб, у “маъшуқа, маҳбуба, севикли” деб тушунилса, байт муҳаббат мавзуидаги лирик шеър бўлиб ўқилади. Бу

ўринда “ёр” сўзининг “ҳамдам”, “ҳамнафас”, “шерик”, “садоқатли дўст” маъноси кўпроқ мувофиқ. Ҳар икки мисрада “жон” ва “кўнгил”, “ёр” ва “маҳрам” сўзларининг параллел келиши байтга жило берган. Шу билан бирга, ғазал кишининг кўз олдига Амир Темури салтанатини тиклаш учун кураш бошлаган, аммо хиёнатлардан тўйиб кетган навқирон шахзоданинг мағрур сиймосини гавдалантиради. Байтда одамзод табиатига хос бўлган, Бобургача ҳам, ундан кейин ҳам неча-неча мутафаккирларни ўйга чўмдирган лоқайдлик, худбинлик, меҳру вафонинг тақчиллиги каби ҳодисалар билан боғлиқ фалсафий мушоҳадалар бадийий йўсинда ифода этилган.

– Ғазал арузга тушади, тушмайди – мазмуни, бадийий савияси муҳим-ку?

– Бу анча кенг тарқалган янглиш мулоҳаза.

– Ғазал аруз вазнида ёзилиши шартми? Бармоқ вазнида ёзилса, осмон узилиб ерга тушади?

– Ҳа. Шеърят осмонининг каттагина бўлаги узилиб тушади. Ҳатто бир қарашда парадокс бўлиб туюладиган иддаомиз ҳам йўқ эмас: Бармоқ вазнида ёзилган ғазал бемаза бўлса-ку садқан сар, аммо у қанча сифатли бўлса, шунча “зиён”и кўпроқ.

\*\*\*

– Бармоқда ёзилган ғазалнинг “зиён”и нимадан иборат экан?

– Албатта, шартли равишда “зиён” – бу сўз қўштирноқ билан ёзилаётгани ҳам шундан. Ҳарқалай, мумтоз адабиёт аруз вазнига асосланган экан, бу адабиёт билан танишиш, ундан баҳраманд бўлиш арузнинг ҳеч бўлмаса алифбесини билишни, ғазал ва дostonларни, жилла курса, Навоий афоризмларини ўз вазнида ўқий олишни тақозо этади. (Юкорида бир неча бор қайд этилганидай, арузда ўқишни ўрганишнинг асло қийинлиги йўқ.) Масалан, Навоийнинг

ниҳоятда машҳур “Одами эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами” байтини олайлик. Унинг биринчи мисраси 11 бўғин, иккинчи мисраси эса 10 бўғин – бармоққа ўрганган шеърхон учун ғалат. Ҳолбуки, “халқ” сўзи кетидан ундош келаётгани боис у ўта чўзиқ ҳижо ҳосил қилади. Арузда битта ўта чўзиқ ҳижо бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижога тенг юргани учун, Навоий байтида мазкур сўз вазн ҳисобида “хал-қ” шаклида олиними, ўқиганда эса “ха-а-ал-қ” тарзида талаффуз этилиши керак. Бу оддий қоида вазни (муфтаъилун муфтаъилун фоъилун) шу тариқа мувозанатга келтиради. Шундан сўнг, байтдан туроқ изламай, у рукнларга бўлиб ўқилса, алоҳида оҳанг билан жаранглайди:

О-да-ми-й\_эр | санг де-ма-гил | о-да-ми,  
 О-ни-ки йўқ | хал-қ га-ми | дин га-ми.

(оники ўрнига аники, ониким ёки онингки деб ёзиш ва ўқиш нотўғри.)

Бугун бармоқда ёзилган ҳар бир яхши ғазал ўсиб келаётган авлод наздида “ғазал ҳам оддий шеър, бармоқ вазнида ёзилади ва шу вазнда ўқилади”, деган тушунчани пайдо қилади, борини эса мустаҳкамлайдики, айнан шу сабабли у “зиён”дан холи эмас. Чунки бундай тушунчани сингдириб олган ғазал мухлиси Навоий, Бобур ёки Нодира девонини қўлига олса, шеърларнинг вазнини топа олмайди. Шу сабабли у “мумтоз шоирлар ўз шеърларини вазни бузиб ёзган” деган бемаъни хулосага келса, ажабланишга ўрин қолмайди.

Тажриба учун, мактаб ўқувчисига унинг дарслигидаги мана бу ғазални ўқитиб кўринг (мисралар охирида бўғинлар сони кўрсатилди):

Сендек менга бир ёри жафокор топилмас, (13)  
 Мендек сенга бир зори вафодор топилмас. (13)

**Бу шакли шамойил била худ парисен, (12)**  
**Ким жинси башар ичра бу микдор топилмас. (13)**  
**Агёр кўз олидаю ул ёр аён йўк, (12)**  
**Ғам хори кўнгул ичраю ғамхор топилмас. (13)**

**Эй гул, мени зор этмаки хуснунг чаманида, (14)**  
**Кўзни юмуб очкуча бу гулзор топилмас. (13)**

**Бобур сени чун ёр деди, ёрлиғ этгил, (12)**  
**Оламда кишига йўк эса, ёр топилмас. (13)**

Бу дилбар ғазал бармоқнинг қайси вазнига тушади? Арузни билмайдиган “ғазалхон” уни қандай ўқийди? Умуман, Бобурнинг назм маҳорати хусусида қандай фикрга келади? Бармоқ вазнида ғазал ёзадиган шоирлар шу ҳақда ўйлаб кўришларини истар эдик.

Яна бир иллат – бармоққа ўрганган ўқувчи истар-истамай мисраларни туроқларга ажратишга уринади. Юқоридаги ғазалда эса, бўғинлар сони турличалигидан ташқари, кўриниб турибдики, туроқ йўк. Шунинг учун ойнаи жаҳондами, радиодами, анжуманлардами машхур ғазалларни декламация қилганда суҳандонлар, артистлар уларни сунъий тарзда туроқларга бўлиб, вазнини бузиб ўқийдики, оқибатда шеърнинг файзи кетади.

Бундай ҳолларда буюк шоирларимизнинг руҳи чирқилласа керак: наҳотки 15 асрда юзлаб катта-кичик шоирлар бемалол уддалаган вазнини (Навойнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида номлари зикр этилган шоирлар ижодидан намуналарга қаранг) 21 асрда компьютер илмини эгаллаган авлод эшлай олмайди?

Бобур Мирзонинг пок руҳи ҳурмати юқоридаги ғазал вазни нақадар мукамал эканини намоён қилайлик. Бунда, китобхонларга ҳар қанча эриш туюлмасин, яна жадвалга мурожаат этамиз – бу нафақат вазнини яққол кўрсатиш, айти пайтда ғазални тўғри ўқиш учун ҳам керак (мисралар

икки усулда рукнларга бўлиниши мумкинлигига эътибор қилинг):

Мус-гаф-ъи-лу				маф-ъув-лу				ма-фо-ъий-лу				ма-фо-ъил			
Мус-гаф-ъи-ла-тун				фо-ъи-ла-тун				фо-ъи-ла-тун				фо			
—	—	√	√	—	—	√	√	—	—	√	√	—	—	—	—
Сен-	дек	ме-	нга	бир	ё-	ри	жа-	фо-	ко-	р	то-	пил-	мас		
Мен-	дек	се-	нга	бир	ё-	ри	ва-	фо-	до-	р	то-	пил-	мас		
Бу	шак-	лу	ша-	мо-	йи-	л	би-	ла	ху-	д	на-	ри-	сен		
Ким	жин-	си	ба-	шар	ич-	ра	бу	мик-	до-	р	то-	пил-	мас		
Ағ-	ё-	р	қў-	з о	ли-	да-	ю	ул	ё-	р	а-	ён	йўқ		
Ғам	хо-	ри	қў-	нгул	ич-	ра-	ю	ғам-	хо-	р	то-	пил-	мас		
Эй	гул,	ме-	ни	зо-	р эт-	ма,	ки	хус-	нунг	ча-	ма-	ни-	да		
Кўз-	ни	ю	му-	б оч-	кун-	ча,	бу	гул-	зо-	р	то-	пил-	мас		
Бо-	бур	се-	ни	чун	ё-	р	де-	ди,	ё-	р-	лиғ	эт-	гил,		
О-	лам-	да	ки-	ши-	га	йў-	қ э-	са	ё-	р	то-	пил-	мас		

Ҳа, Навоий ва Бобур ғазалларига идеаллик хусусияти хос. Ҳам вазн, ҳам қофия, ҳам бадийят ва, албатта, мазмун жиҳатидан. Буни англаб етиш учун, биринчи навбатда, уларни тўғри ўқишга ўрганиш лозим. Яна такрорлаймиз, бунинг ҳеч бир қийин жойи йўқ – бир оз кунт кифоя. Суҳбат асносида аруз ҳақида муайян тушунча беришга уринилапти. Китобнинг иккинчи боби эса тўлиқ шу мақсадга қаратилади. Қолаверса, сўнгги ўн йилнинг ўзида арузга оид қатор рисола ва қўлланмалар чоп этилдими, истаган ўқувчи аруз илмини ва санъатини эгаллаб олишига ҳеч бир тўсиқ йўқ. Муаммо, чамаси, бошқа нарсада – мумтоз адабиётга меҳр, Навоийни, Бобурни ўқишга, ўрганишга ҳафсала етишмаслигида.

Қолаверса, асосий гап вазннинг бекаму кўслигидагина эмас. Аслида шеърларда вазн ва қофия каби шаклий унсурларнинг мукамаллиги шоирнинг умумий маҳорати

билан чамбарчас боғлиқ. Биз бу масалага қуйроқда қайтамыз.

Шу нуқтаи назардан, “ғазални қайси вазнда ёзиш, вазн талабига қай даражада амал қилиш – бу менинг ишим” дейдиган “ғазалнавислар” янглишади. Қолаверса, ғазал ёзиш ниятидаги шоирки, арузни тан олгиси келмас экан, мумтоз адабиёт мавзуидаги дарсларни чала-чулпа ўтадиган ўқитувчилардан гина қилиб бўладими?

Ҳозирча эса, мумтоз адабиётимиздан ёш авлоднинг бегоналашуви жараёни чуқурлашиб бораётир. Шеърят боғини оласизми, эстрада майдониними – нафосат гулларини дидсизлик хорларию саёзлик хаслари босиб кетаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам шунда. Навоий, Бобур каби классикларимиз сўз санъатининг тимсоллари, уларнинг ижоди эса сўз санъати ва истеъдод мактабларидир. Бу мактабдан ўтган одам, қайси жанрда, қайси соҳада шуғулланмасин, ўйлаброқ ижод қилишга ўрганади, ўзига талабчанликни кучайтиради, бундан эса унинг ўзи ҳам, мухлис ҳам, умуман халқимиз ҳам ютади.

– **Ижодкорлар Навоийни, Бобурни ўқийдилар. Ҳар йили уларнинг таваллуд кунларига атаб газеталарда махсус саҳифалар берилади.**

– Ҳа, хусусан, бу табаррук кунлар муносабати билан уларнинг ғазалларига боғланган кўплаб мухаммаслар чоп этилади. Ўз ҳолича бу яхши ният, хайрли иш. Аммо ижрочи, сифат-чи? Афсуски, талаб даражасидаги мухаммаслар жуда кам. Мисолларга мурожаат этайлик.

Камалак кучоқ очса тоғлардан ошган чашмада, (?)  
Нозини сабо айлаб поёндозини – ғамзадан – (?)  
Қирлар бағрин ёндирган эй лолавор, эй гулбадан! (?)  
**Лаългун май тутқил олтин жом бирла сабзада**  
**Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.**

Мухаммас асли тўлиқ – етти бандли (“*Ҳуқуқ*” газетаси, 2005 йил, 9 февраль), бу ерда бешинчи банди келтирилдики, унинг савияси ҳақида фикр юритиш учун кифоя: вазн ва қофия аруз талабларига мутлақо жавоб бермаслиги кўриниб турибди.

Мухаммас боғланган ғазални олсак, унинг ноёб хусусияти навоийшуносликда қайд этилган: байтларда уч ранг шунчаки саналмайди, балки уларнинг ҳар бири алоҳида объект билан боғланади – мантиқан асосланади. Акс ҳолда “қизил, сориғ, яшил” деган билан шеър чиқмас эди. Чунончи, юқоридаги байтда май – лаългун (қизил), жом – олтин (сарик) ва сабза (яшил) – майсазор жуфтликлари санъат яратган. Токи мухаммасда мана шу хусусият ривожлантирилмас экан, уни ғазалга муносиб деб бўлмайди.

Вазн нуқтаи назаридан қиёслаш учун Навоий қаламига мансуб бу машхур ғазалнинг тақтиъини келтирамиз:

Хил-ъа-тин то | ай-ла-миш жо | нон қи-зил, со | риғ, я-шил,  
Шуъ-ла-и о- | хим чи-қар ҳар | ён қи-зил, со | риғ, я-шил.

...

Лаъ-д-гун май | тут-қи-л ол-тин | жом бир-ла | саб-за-да  
Ким бу-лар-дин | ях-ши йўқ им | кон қи-зил, со | риғ, я-шил.

...

( — √ — — | — √ — — | — √ — — | — √ — )

Қарангки, мисрадаги тўрт рукндан иккитаси радиф билан банд бўлишига қарамай, шоир дастлабки икки рукнда ана шу уч рангга далил келтиришга улгуради. Чунончи, биринчи мисрада – жовон кийимининг ранги (кўз олдига келтириш мумкин: дурраси сарик, куйлаги қизил, нимчаси яшил), иккинчи мисрада – шуъла ранги қизил, сарик ва кўк рангга бўлиши.

Арузга хилоф тахмисга яна бир яна бир мисол.

Айлағай дилларни сармаст, шул сабаб жонлар тирик,

Сеҳридин хушбўй таралмиш, нафъидур минг бор фирих, (?)  
 Ол ёноқинг бирла ҳар дам қўшилиб кетгай зирих,  
 Оч-га-нинг-да | не-ча ҳар то | ри а-ро-дур | юз ги-рих,  
 Гар кў-нгул-лар | банд-д қил-май | дур са-ро-сар | ко-ку-линг.  
 (“Мулоқот”, 2004 йил, № 1.)

Навоийга тегишли банд тақтиъидан кўриниб турибдики, бу ғазал ҳам олдинги мисол каби арузнинг энг кенг тарқалган рамали мусаммани маҳзуф (ҳар мисрада уч карра фо-ъи-ло-тун ва бир марта фо-ъи-лун) баҳрида ёзилган. Тахмисга келсак, иккинчи мисрада “наф-ъи-дур” сўзи арузга мувофиқ тарзда қўлланган, аммо ўта чўзиқ ҳижолар бармоқ вазнида олинган. Чунончи, Навоийга тегишли байтда бир бўғинли “банд” сўзи ўта чўзиқ ҳижо бўлгани учун —√ ўлчовида келмоқда. Тахмисда ҳам шу қоидага амал қилиниши шарт эди. Аммо биринчи мисрадаги “сармаст” сўзининг иккинчи бўғини худди шу —√ ўлчовида бўлишига қарамай, бир бўғин деб олинган.

Энди ўзимизни бу ва бунга ўхшаш мухаммасларни ўқийдиган ўқувчининг ўрнига қўйиб кўрайлик: арузда ўқиса, биринчи мисра бир ҳижо ортиб кетади, бармоқда ўқиса, бешинчи мисрада бир бўғин етмай қолади. Ҳозир кўпчилик иккинчи усулга мойил бўлгани учун, бу мухаммасни ўқиганга айнан Навоийга тегишли мисра “сакта” бўлиб туюлади. Натижа: Навоий ғазалига бармоқ вазнида мухаммас ёзишдан ният дуруст, аммо кўп ҳолларда оқибати бунга зид.

Аруз вазнини бузиш ҳоллари форс тилидаги мумтоз адабиёт таржималарида жуда кўп учрайди. Арузий шеърни бармоқ вазнида ёки арузга бармоқни аралаштириб таржима қилиш ғоят таассуфли ҳолат.

Мисол (Фоний девонидан таржима, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”):

Нигорим турку тожикдур, қилур юз хона вайрона,



Аё кичриклари тожиквашу ҳам чашми туркона,

...

Қаноту куйруғи ҳам дил қушининг кечалар куйгай,  
Ахир шамъ теграсида тунлари парвона-парвона.

Дилимнинг ишқ биносига эшикдур дарзи кўксумнинг  
Алифдурким эшик ёни, текис хатларки – дандона.

...

Ғазалнинг асли:

*Ни-го-ри тур | ку то-жи-кам | ку-над сад хо | на вай-ро-на,  
Ба-д-он ми-ж-го | ни то-жи-ко | на-ву чаш-мо | ни тур-ко-на.*

...

*Би-ҳо-дад мур | ги дил-ро сўх | т о-хир бо | лу пар, як шаб  
Зи бас гир-ди | са-ри он шам | ь ме-гар-дад | чу пар-во-на.*

*Би-но-и иш | қ-ро дар дил | ши-ко-фи сий | на дар бо-шад,  
А-лиф-ҳо паҳ | лу-и ҳам бар | да-раш хат-ҳо | и дан-до-на....*

(МАТ, 19-жилд)

Таржимада ғазал вазни сақланган, фақат Навоий байтларидаги ўта чўзиқ “шамъ”, “ишқ” каби сўзлар бармоқ вазнига хос ўлчовда олингани мақбул эмас.

Мухаммас ҳақида гап кетганда, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ғазалга ҳам тахмис боғлаб бўлавермайди. Зеро, бу жанрнинг ўз қонун-қоидалари, эстетик талаблари мавжуд. Масалан, орттирилган мисралар ҳар жиҳатдан ғазал байтларига муносиб бўлиши лозим: қофияси сийқа ёки сактали бўлмаслиги, вазннинг тўғрилиги, асил байтда қўлланган бадий санъатларга жавоб айтилиши ва, энг муҳими, улар мазмунан ғазал билан узвий боғланиб кетиши, шеърнинг умумий руҳини бойитишга хизмат қилиши лозим. Хусусан, ҳозирги замон шеърлятида қўлланадиган тоник қофия ғазалнинг ҳуснини бузади. (Масалан, юқоридаги мисолда “тирик”, “фирих” ва “зирих” сўзлари бармоқ вазида яхши қофия, аммо аруз

нуқтаи назаридан қофиядош эмас). Муҳаммасга бармоқ вазни аралашса, назмни оқсоқ қилиб қўяди, бадииятдан холи, сўник ва жўн мисралар эса “атлас кўйлакка бўз ямоқ” деганларидай шеърнинг гўзаллигига путур етказди.

Тахмис боғлашга жазм қилган шоир ўзини Навоийнинг хузурида деб ҳисоблаши, ҳазрат назарини ҳис этиб туриши керак. Бундай истиҳола, айниқса, Навоий таҳаллуси қаторига ўз таҳаллусини қўяётганда жуда ҳам зарур.

Умуман, ғазал шеър санъатига бой, мазмунан тугал бўлса, уни муҳаммас даражасига етказиш осон эмас. Навоий ҳам муҳаммас жанрига жуда кам мурожаат қилган – “Хазойин ул-маъоний” таркибидаги ҳар бир девонда 650 тадан ғазал бўлгани ҳолда, атиги 3-4 тадан муҳаммас бор, холос. Аруз ҳақида мукамал рисола ёзган Бобур ижодида эса, муҳаммас деярли учрамайди. Буни шоирнинг қўлидан келмаганидан эмас, балки муҳаммасга қўйиладиган талаб туфайли, деб тушуниш керак.

Шу ўринда таъкидлаймизки, юқоридаги мулоҳазалардан мақсад – асло замондош шоирларни мумтоз адабиётимиз намуналарига тахмис боғлашдан совутиш эмас. Муддао – интилиш натижаси имкони борича “тилла узукка кўздек” ярашадиган бўлсин, ўқиганда муаллифга “офарин” дегинг келсин. Шунда муҳаммаслар арузни ўрганишга, тарғиб қилишга, алал-оқибат Навоийни тушунишга ҳисса бўлади.

**– Тахмис боғлаш санъатига намуна келтирилса, яхши бўлар эди.**

– Мумтоз адабиётда бундай намуналар кўп. Огаҳий, Муқимий каби шоирлар муҳаммас жанрида ҳам баракали ижод қилганлар. Бу ерда ибратли бир мисолни батафсилроқ таҳлил этайлик.

Навоийнинг

**Бир пари пайкар ғами ошуфтаҳол этмиш мени,  
Элга аҳволим демақдин гунгу лол этмиш мени,**

матласи билан бошланадиган ғазалига битилган мухаммас машхур – у Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг “Гульзурим” кўшиғига асос қилиб олинган. Кейинроқ бу кўшиқни бошқа машхур ҳофизлар, айниқса Расул қори Мамадалиев маромига етказиб қуйлаган.

Кўшиқда мухаммас уч ёки тўрт банд миқдоридида ижро этилади. Ғазал асли етти байт, шундан неча байтига тахмис боғланганини ҳам, тахмис муаллифи ким эканлигини ҳам аниқлай олмадик. У Ҳожи Абдулазиздан олдинроқ яшаган ёки унга замондош шоирлардан бири бўлса керак. Мақомшунос О.Матёкубов фикрича, муаллиф атоқли ҳофизнинг ўзи бўлиб чиқиши ҳам истисно эмас. (Кўшиқда ҳар байтдан сўнг “Эй гульзурим, раҳм айла, нигорим; раҳм айла, нигорим, бергил муродим, қўйма мени зор йиғлатиб, нигорим” сўзлари нақорат қилиб олингани ҳам шундан далолат беради. Бу кўшиқ аслида диний мазмунда бўлгани, кейинчалик, шўро мафқураси талаби билан, айрим сўзларни ўзгартиришга тўғри келгани ҳақида мулоҳазалар ҳам йўқ эмас.)

Тахмис боғлаган муаллиф ким бўлса ҳам охирати обод бўлсин, биз учун муҳими – мухаммас намунаси билан танишиш. Шу мақсадда мазкур ундан бир бандни олайлик:

Го·х Маж·нун<sup>1</sup> эл·га гаҳ мен<sup>1</sup> со·г\_и·ла тенг<sup>1</sup> (б)ўл·ми·шам,  
Ҳас·ра·тинг·дин<sup>1</sup> ло·ла янг·лиғ<sup>1</sup> до·г\_и·ла тенг<sup>1</sup> (б)ўл·ми·шам,  
Ким, ха·зон фас<sup>1</sup> ли·да·ги яп<sup>1</sup> ро·г\_и·ла тенг<sup>1</sup> (б)ўл·ми·шам.  
Ё·р кў·йи<sup>1</sup> ич·ра·ким туп<sup>1</sup> ро·г\_и·ла тенг<sup>1</sup> (б)ўл·ми·шам,  
Иш·қ сав·до<sup>1</sup> си бу янг·лиғ<sup>1</sup> по·й·мол эт<sup>1</sup> миш ме·ни.

Тазмисга асос бўлган ғазал байтининг ҳар мисрасида иккитадан ўта чўзиқ ҳижо бор. Муаллиф тахмис боғлар экан, вазнга амал қилган – ҳижолар сони 15 тадан. Хусусан, биринчи мисрада “гоҳ” сўзини аввал ўта чўзиқ ҳижо, иккинчи ўринда эса “гаҳ” тарзида оддий чўзиқ ҳижо сифатида қўллаган. Демак, у аруз вазнини яхши билган.

Шу билан бирга, дастлабки икки мисрада Навоий шеърятига хос бўлмаган жиҳатлар кўзга ташланади: биринчи мисрада Мажнун билан соғ ўзаро таққосланганки, тазод санъатининг бу шакли у қадар муқобил эмас – лирик қаҳрамонни Мажнунга тенглаш жоиз ўхшатиш, аммо “соғ билан тенг бўлдим” дейиш биров ғалат. Иккинчи мисрада эса, лола доғ билан тенг бўлиб қолмоқда. Лекин кўшиқни тинглаганда бу камчиликлар сезилмайди. Қолаверса, учинчи мисрадаги ноёб поэтик кашфиёт уларни “ювиб” кетади:

### **Ким, хазон фаслидаги япроқ ила тенг (б)ўлмишам.**

Бу мисра учун Навоий тахмис муаллифига “офарин” деган бўлармиди? Зеро, бу мисрани шеърятнинг энг юксак намуналаридан бири сифатида тан олиш лозим: “Тулъузорим” кўшиғи шу мисрага етганда тингловчининг кўз олдида кинодагидай ёрқин образ – куз ҳавоси, сарғайиб, изғиринда титраётган, узилиб шамол ихтиёрида уча бошлаган, ҳолсиз ерга кўнган япроқ гавдаланади. Кейинги мисра бу картинани давом эттиради: лирик қаҳрамон “ёр кўйида тупроқ билан тенг бўлар экан”, бу шунчаки эмас, балки “хазон фаслидаги япроқ” тақдири каби содир этилгани тасвирланади. Ҳолбуки, Навоий байтида япроқ образи йўқ!

Хуллас, биргина мисра туфайли муҳаббат ва ҳижрон ҳақидаги байтнинг мавзу доираси ниҳоятда кенгайди – тақдир куюнида қолган инсон руҳий ҳолатининг бадиий ифодасига айланади. Ҳазални мухаммасгача мана шу йўсинда тўлдириш – тахмис санъатининг намунаси, қолаверса, арузнинг қудратига яна бир далилдир.

\*\*\*

– Ғазал мумтоз адабиёт талабларига мувофиқ бўлиши, хусусан, вазни ҳам, қофияси ҳам аруз меъёрларига жавоб бериши керак, дея иддао қилмоқдасиз. Ҳолбуки, “чучвара ейишдан мақсад – хамир эмас, гўшт чайнаш” деган гап бор. Шеърдан маъно ва мақсад – қофия ва вазн эмас, мазмун ва завқ-ку?!

– Бадиий асарда шакл ва мазмун бир-бирини истисно қилса ёки бири иккинчисига халақит берса, бу – ижодкор маҳоратининг етишмаслиги, ҳатто малакасининг пастлигидан аломатдир.

– Кечирасиз, на вазн, на қофияга қатъий риоя қилган, аммо ижоди адабиётнинг олтин хазинасидан ўрин олган шоирлар кўп.

– Тўғри, лекин улар бошқа вазнларда ижод қилганлар, ғазалнавис эмаслар.

– Эркин Воҳидовнинг “Ёшлик девони”даги ғазаллар-чи?

– Бу – балки биргина истиснодир. “Ёшлик девони”да аруздан жузъий четлашишлар учраб туради – буни шоирнинг ўзи “Дебоча”сида қайд этган. Лекин шуни унутмаслик керакки, “эскирган” деган сохта шиор остида адабиёт майдонидан мумтоз адабиёт жанрлари, хусусан, ғазал сиқиб чиқарилаётган, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий каби ғазалнавислар расмий адабиёт пойига суриб қўйилган бир пайтда “Ёшлик девони”нинг нашр этилиши катта аҳамиятга молик ҳодиса бўлган эди.

Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Мустақил Ўзбекистон давлати вужудга келиб, тарихий қадриятларимиз ҳаётдан ўз ўрнини эгаллай бошлади. Аруз вазни ҳам ана шу қадриятлардан бири, буюк мумтоз адабиётимизнинг ажралмас бўлагидир. Қолаверса, аруз Навоий, Бобур, Машраб, Увайсий каби шоирлар “нафаси теккан” табаррук вазн. Бугун энди арузни ўқиш ва ўрганиш учун шароит

бошқа. Уни кадрлаш – ҳар бир ўзбек зиёлисининг вазифаси, ўрганиш – ҳар бир ижодкорга фарз, арузни тиклаш эса бугунги адабиёт аҳлининг зиммасидаги қарзидир.

– Аруз – шаклан мураккаб вазн, бу хусусият шеър мазмунини қисшига олиб келади. Худди шу сабабли, Навоий ва Бобурдан сўнг арузда юзлаб ижод қилган шоир ўтганига қарамай, улардан буюклар қаторига кўшиш мумкин бўлганлари бармоқ билан санарли.

– Буюк шоир чиқиши вазн ёки услубга боғлиқ ҳодиса эмас, балки қонуният ҳозиргача топилмаган илоҳий бир мўъжиза. Биз суҳбатларимизда шунчаки меъёр устида фикр юритмоқдамиз.

– Бари бир аруз талабларига қатъий амал қилиб шеър ёзиш бармоқ вазнига нисбатан қийин.

– Қанча қийин бўлса, шунча афзал эмасми?

– Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак.

– Чин санъат ҳеч қачон осон юмуш бўлган эмас. Маҳорат сирларига етишнинг бешаққат йўли мавжуд эмас. Арузда айтилганидай, “риёзат чекмагунча, шамси анварга етиб бўлмас”.

Ҳар икки вазннинг ўзаро қиёсига келсак, чиндан ҳам ўртамиёна ғазал ёзиш бармоқ вазнида ўртамиёна шеър ёзишга қараганда қийинроқ. Лекин шунчаки тизмалар эмас, балки яхши асар яратиш, қойилмақом шеър ёзиш бармоқ вазнида ҳам асло осон эмас. Айтайлик, бир йилда нечта шеър эълон қилинди-ю, шундан нечтаси эл оғзига тушиб, адабиёт хазинасидан ўрин олди?

Ҳа, асло асар яратиш қайси вазнда, қайси жанрда бўлмасин, машаққат билан эришиладиган ҳодиса. Мана шу нуқтаи назардан олганда арузнинг алоҳида қийин жойи йўқ.

Юқоридаги мушоҳадалардан шундай аччиқ хулоса келиб чиқади: аруз бузиб ёзилган “ғазаллар” аксар

ҳолларда ўртамиёнадан ҳам суст бўлади. Чунки ҳаваскор аруз техникасини эгалламасдан туриб “ғазал” ёздими, демак, у ўз устида ишламаган. Бу ҳам майли, “ғазалнавис” аруз билан бармоқнинг фарқига бормайдими, ғазал вазнига бармоқни аралаштирадими, демак, у Навоийни ўқимаган, Бобурни ўрганмаган. Ўқиган тақдирда уларнинг ғазалларидаги вазнга лоқайд бўлган, демак, вазн мукамаллигини ҳам туймаган.

Ахир ўқиган бўлса, ўз ёзганлари билан вазндаги фарқни сезмасмиди? Наҳотки, Навоий вазнга амал қилмаган, дея ажабланмасмиди? Бу синоатнинг тагига етишга, охиروقибат арузни ўрганишга жаҳд қилмасмиди?

Навоийнинг ғазал мактабидан ўтмай туриб, ғазалнависликка даъво қилиш – “ғазал султонининг мулкига” тажовуз билан баробар-ку!

Додингни кимга айтасан?

Ҳолбуки, Навоий ғазалини аруз вазнида ўқий билиш – бу ҳали буюк шоир назм оламининг атиги дарвозасига қадам босиш дегани, холос.

Аруз устида баҳс юритар эканмиз, арузга тушмайдиган, демак, аслини олганда арузни менсимай ёзилган “ғазаллар” тўғрисида имкон қадар уларнинг муаллифларини аяб фикр юритдик. Аммо айтилган сўзлар ва келтирилган далиллар бесамар қолаётганга ўхшайди. Таассуфки, ҳатто “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Шарқ юлдузи” журналида бармоқда ёзилган “ғазаллар” мунтазам чоп этилиб турибди. Шу сабабли, аччиқ ботса-да, арузни фаолроқ ҳимоя қилишга тўғри келмоқда. Ният холис – нима қилиб бўлса ҳам, ғазал ёзишга мойил шоирларни арузни ўрганишга ундаш. 21-асрга қадам қўйган авлод учун буни уддалай олмаслик – уят.

Албатта, аруз ҳам имло қоидалари, грамматика сингари илм. У аввалда шундай аталган – илми аруз. Шунинг учун аввал уни эгалламоқ лозим. Бусиз вақтли матбуотда бир-

икки шеър бостириб, “ғазалнавислик” даъвоси билан чиқиш лаган чертиб юрган одамнинг куй басталаши билан баробар.

Арузни эгаллаш учун кунт қилиш, керак бўлса, куч сарфлаш керак. Лекин ҳар қандай меҳнат, бу ўринда маҳорат сирларини эгаллаш йўлидаги уриниш шунга яраша ҳосил беради. Айниқса, аруз, бу – шундай усулки, уни эгаллаш жараёнининг ўзидаёқ иждоқор маҳорати ўса бошлайди.

Биринчидан, аруз вазнини эгаллаш учун авваламбор унинг ритмини “ўзиники” қилиб олиш керак. (Бу ерда ритм ўлчов эмас, балки замзама – юрак уриши, нафас олиш каби маънода.)

Ўзбек тили учун бармоқ ритми – табиий, у боланинг қонига она алласи биланоқ сингий бошлайди. Аруз эса – ихтиро қилинган ва аждодларимиз томонидан ўзлаштирилган вазн. Бундан аруз бизга бегона вазн деган хулоса чиқмайди, албатта. Қиёслаш учун, бармоқ вазнида ёзилган кўплаб ажойиб шеърларнинг строфикаси Европа адабиёти услубига хос, лекин шунга қарамасдан у бугунги шеърятимиз учун табиийга айланган.

Аруз ритми шоирнинг “ўзиники”га айланишига келсак, бунинг учун у айнан шу вазндаги минглаб шеърларни ўқиши, юзлаб ғазалларни ёдлаши керак. “Мезон ул-авзон”ни мутолаа қилмаган тақдирда ҳам, ҳеч бўлмаганда “Ғаройиб ус-сигар” девонини ўқиб чиқиши шарт. Албатта, ғазалларнинг вазнини толиб, ритмига амал қилиб. Бу ишни Ҳусайн Бойқаронинг девонидан бошлаш ҳам дуруст – ундаги барча ғазаллар арузнинг энг енгил баҳрида ёзилган.

Афсуски, ҳозир арузий шеърларни ўқиганда вазнини ўрнига қўядиган сухандонлар қолмади ҳисоб, бунга ўргатадиган домлалар ҳам бармоқ билан санарли. Ҳолбуки, арузий шеърни тўғри ўқиш “Қуръон” кироатидай ўзига хос малака – у ўргатилиши, тарбияланиши лозим. Шу билан



бирга мустақил ўқиб-ўрганаман деган кишига устоз доим топилади. Масалан, Навоий шеърляти.

Алишер тили чиқа бошлаган ёшидан аруз ритмини тинглаб улғайган, дейиш мумкин. Аллоҳ ато этган истеъдод, ўзига хос муҳит ҳамда шеърга муҳаббат омухта бўлиб, аруз ритми бўлғуси даҳонинг қон-қонига сингиб кетган. Бугунги ижодкорлар учун бу энди эришиб бўлмас ҳолат. Лекин Навоий феноменининг тилсимларсиз изохлаш мумкин бўлган бошқа қирраси ҳам бор. Алишер қанча шеър ўқиган-у, қанчасини ёд олган? “Муҳокамат ул-луғатайн”да шундай эътирофни учратамиз: **“Ўқурға давовиндин (девонлардан) бу фақир мутолаасига кўп машғул бўлмағон девон оз эркан”**. Навоий демоқчики, “(форсий тилда битилган) девонлардан мен ўқимаганим деярли қолмаган”.

Яна бир иқтибос: **“(Жомий шеърларининг) барчасига кўп қатла ўтупмен, балки кўпин ёд тутупмен”**. Ҳолбуки, Жомий ниҳоятда сермахсул шоир бўлган – ундан уч йирик девон, етти дoston, кўплаб қасида ва маснавийлар қолган. Навоий, шунингдек, “Муҳокамат ул-луғатайн” рисоласида Хусрав Деҳлавий, Хожа Салмон, Ҳофиз каби назм пирларининг ғазал ва қасидаларидан талайини ёд билганини айтиб ўтади-да, кўшимча қилади: **“Булардин доғи бошқа, йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутупмен”**. Бу сатрларда буюк шоир форсий назмдан ёдлаганларини эслатмоқда. Тушуниш керакки, у туркий назм намуналаридан бундан кам бўлмаган миқдорда ўқиган ва ёд билган.

Чамалаб кўрилса, Навоий ёд билган байтлар миқдори уч-тўрт юз мингдан ошади! Адабиётга, ижодга даҳонинг муносабати бу.

Хўш, бугун ғазал ёзишга уннаётганлар неча байт арузий шеър ёд биладилар?

Аруз ритми мумтоз адабиётни яхши биладиган шоир ижодида, гарчи у асосан бошқа вазнларда ижод қилса ҳам, ўзини намоён қилиб туради. Бу ҳодисани Чўлпон меросида кузатиш, Ғафур Ғулом ижодида кўриш мумкин. Яна бир ибратли мисол бу – Абдулла Ориповнинг “Онам вафотига” шеъри:

**Ма-кон-да ло<sup>1</sup>ма-кон-сан, эн<sup>1</sup>ди қай-дан из<sup>1</sup>ла-гай-дур-ман,  
Фи-ғо-ним ким<sup>1</sup>га ай-тиб, ким<sup>1</sup>га сен-дин сўз<sup>1</sup>ла-гай-дур-ман.  
Би-ров-лар мо<sup>1</sup>та-ми-да о<sup>1</sup>ху фар-ё-д\_ай<sup>1</sup>ла-ган эр-дим,  
Се-нинг-чун, эй, <sup>1</sup>га-ри-бим, ич-<sup>1</sup>и-чим-дан бўз<sup>1</sup>ла-гай-дур-ман.**

Кўриниб турибдики, шеър – арузий, у ҳажазии мусаммани солим баҳрига тушади. Тўртликни муаллиф атайин аруз вазнида ёзмаган – шеър ёзилаётган онда шоирнинг руҳияти вазн танлайдиган ҳолатдан йироқ бўлган. Шеър ўз-ўзидан арузда чиққан ва бунга сабаб – биринчидан, кўплаб арузий шеър ўқиш ва ёдлаш натижасида шаклланган аруз ритми, арузий замзамадир, иккинчидан, шундай туйғулар борки, улар айнан аруз вазнидагина оптимал ифодаланади.

Арузни эгаллаш масаласида Бобур Мирзо мисоли айниқса ибратли. У шеърларида вазнга қатъий амал қилган. Шартмиди? Ахир 12 ёшида тахтга ўтирган шаҳзода бўлса! “Бобурнома”да ҳам, “Мухтасар”да ҳам муаллиф арузни қай йўсинда ўзлаштиргани ҳақида бевосита хотираларни учратмаймиз. Аммо аруз назариясига оид ўша даврда маълум манбаларни ўқиб чиққани қайд этилган. Жумладан, Навоийга номаълум қолган Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ал-балоға” рисоласини ҳам ўқиган дейишга асос етарли.

Энди мана бу мисолларга диққат қилайлик:

“Туз бокмоқлик ё сўз қотмоқликнинг худ имкони йўқ эди. Юз ҳижоб ва ташвиш била ўтулди. Муҳаммад Солиҳнинг бу байти хотирға келди. Байт:

*Ша-вам шар-ман<sup>1</sup>да ҳар-ғаҳ ё<sup>1</sup>ри худ-ро дар<sup>1</sup> на-зар би-нам,  
Ра-фи-қон сў<sup>1</sup>и ман би-нан<sup>1</sup>ду, ман сў-и<sup>1</sup> ди-гар би-нам”.*

Ёки: (Шоҳғариб Мирзо) “Ғарибий” таҳаллус қилур эди, девон ҳам тартиб қилиб эди, туркий ва форсий шеър айтур эди. Бу байт анингдурким:

*Дар ди-гар ди<sup>1</sup>дам на-ри-рў<sup>1</sup>е шу-дам де<sup>1</sup>во-на-аш,  
Чис-т но-ми<sup>1</sup> ў ку-жо бо<sup>1</sup>шад на-до-нам<sup>1</sup> хо-на-аш”.*

Демак, Бобурнинг ўзига маъқул келган шеърларни ёд олиш одати бўлган. У, айниқса, Навоий ижодини яхши билгани, кўплаб ғазалларини ёддан такрорлаб юргани аниқ. Бу борада қуйидаги факт диққатга сазовор. “Бобурнома”нинг 1499/1500 йилларга бағишланган бобида у ўз руҳиятида вужудга келган безовталиқ ҳақида сўзлар экан, дил изҳорини баён этади:

“Гоҳи телбалардек ёлғуз пушта ва даштқа борур эдим. Гоҳи боғот ва маҳаллотни кўча-бакўча ахтарур эдим. Не юрумоқта ихтиёрим бор эди, не ўлтурмоқта, не бормоқта қарорим бор эди, не турмоқта. Шеър:

*Не борурға қувватим бор, не турарға тоқатим,  
Бизни бу ҳолатқа сен қилдинг гирифтор, эй кўнгул”.*

Бу – Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги 385-рақамли ғазалнинг учинчи (!) байти. Демак, Бобур бу ғазални тўлиқ ёд билган ва мазкур ўринда руҳиятига мос келган учинчи байтини эсга олган.

“Хазойин ул-маънойй”да атиги биргина мусамман (ҳар банди саккиз мисрали шеър) учратамиз. У айнан зикр этилган ғазалга боғланган. Бобур бу мусамманни ҳам тўлиқ ёд билган, десак хато қилмаймиз. Чунки аруз

ритмикасини ўзлаштиришда мусамман – энг қулай восита. Арузга интилувчи ҳаваскорлар ўзлари ишонч ҳосил қилишлари учун мусамманнинг биринчи бандини тўлиқ келтирамиз:

— √ — — | — √ — — | — √ — — | — √ —  
**Ҳар та-раф аз м\_ай-ла-б\_ул шў-хи си-там-го-р\_эй кў-нгул,**  
**Тий-зи ҳаж-ри-дин не-ча бўл-ғай-би-з\_аф-го-р\_эй кў-нгул,**  
**Чун са-фар ай-лаб э-ди бир | қат-ла дил-до-р\_эй кў-нгул,**  
**Дар-ди ҳаж-ри-ға бў-луб\_эр-дук ги-ри-ф-то-р\_эй кў-нгул,**  
**Буй-ла-ким, таъ-ри-ф\_э-тиб гур-бат-ни бис-ёр\_эй кў-нгул,**  
**Шах-ру киш-вар-дин ма-ло-лат | ай-ла-б\_изхо-р\_эй кў-нгул,**  
**Анг-ла-динг ё | йўқ-му-ким, ай-лар са-фар ё-р\_эй кў-нгул,**  
**Вах-ки, бўл-дук | я-на ҳаж-ри | ил-зи-дин зо-р\_эй кў-нгул.**

(Ҳар мисрада атиги биттадан ўта чўзиқ ҳижо бор – у кофия ҳосил қилувчи бўғин: ситамгор, афгор, дилдор, гирифтор ва ҳ.к. Лекин “р” ҳарфи кейинги хижога ўтгани учун, оддий чўзиқ ҳижога айланган. Натижада бу банд, тuroкни ҳисобга олмаганда, 15 бўғинли бармоқ вазнига тушади. Лекин бу ҳолат толиби арузни чалғитмаслиги, ўта чўзиқ ҳижоларни тўғри қўллай билиш – арузнинг асосий шартларидан бири эканлигини доим назарда тутиш керак.)

Бобур девонида шу мусамманга қофиядош (“Шоҳ ва шоир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур” китобидаги 1, 23, 24, 42, 56, 58, 73, 101, 109, 116, 118 рақамли) ғазаллар кўплигини у Навоийнинг мазкур мусамманини тўлиқ ёдлагани билан изоҳлаш мумкин.

“Бобурнома”дан яна бир ибратли шаҳодат: “Одина кун, ойнинг йигирма учиде Алишербекнинг тўрт девонидин бухур (аруз баҳрлари), авзони (аруз вазнлари) тартиби билан ғазаллар ва абётким, интихоб қилиладур (танланар) эди, итмомиға (ниҳоясига) етди”.

Демак, Бобур бир неча бор Навоий девонларини бошидан охиригача мутолаа қилган.

Яна бир бор таъкидлаймиз, аруз ритми мунтазам машқ натижасидагина ўзлашади. Мумтоз адабиёт вакилларининг ижоди

**байт → рубой → қитъа → ғазал, мухаммас → маснавий → қасида → дoston –**

схемасига мувофиқ тушиши ҳам шундан. Ўтмишда шоирлар қасида ва дoston жанрига камдан-кам ҳолларда етиб боргани ҳам айнан шу билан изоҳланади.

Бобур бу хусусда гувоҳлик беради: “Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эрдим. Вале ғазал тугатмайду эрдим (яъни, қитъа машқ қилинган. – А.А.). (Қосимбекка) биргина туркий рубой йибордим”.

Ёки: “Ул кўхистонда бу расмдурким, тошқа қазиб абёт (байтлар) ва нималар битирлар. Бу матлаъни ўшул айёмда айтиб эрдим:

*Та-кал-луф ҳар<sup>1</sup> не-ча су-рат<sup>1</sup>та бўл-са он<sup>1</sup>ди-н\_ор-туқ-сен,  
Се-ни жон дер<sup>1</sup>ла-р\_ам-мо бе<sup>1</sup>та-кал-луф жон<sup>1</sup>ди-н\_ор-туқ-сен”.*

Эътибор қилинг: Бобур байт ёзганидан мамнунлигини яширмаяпти. Гап шундаки, шеърни вазнга зўриқиб туширишга тўғри келса, бу – профессионализм етишмаслигидан. Чунки ҳақиқий шеър ўз вазни билан туғилади, “ўз-ўзидан куюлиб келади”. Бир илҳом эпкинни билан байт айтилгану, у аруз вазнига мос тушган экан, бу – ёш Бобур учун аруз “ўзиники” бўла бошлаганининг аломати эди ва мана шу ҳолат унда мамнунлик туйғусини уйғотган.

Бугун ҳам арузда шеър ёзган одам ҳар байтдан сўнг шундай туйғуни бошдан кечирishi керак.

“Бармоқ ғазали моҳир”ларини эса, биргина байт ёзишдан мамнун бўлиш ажаблантиради, албатта. Зеро, улар, Бобурдан фарқли ўлароқ, “байт-майт” ёзиб

ўтирмайдилар, бир йўла “ғазал” ёки “мухаммас” ёзиб ташлайверадилар.

Иккинчидан, аруз шоирдан катта ҳажмдаги фаол сўз бойлигини талаб этади. Ахир чўзиқ ва қисқа ҳижола тартибини ўрнига қўйиш керак-да. Шоирнинг “сўз сандиғида”да хилма-хил синонимлар, қофиядош сўзлар ҳам етарлича бўлиши керак. Ғазал ёзганда икки-учтадан эмас, камида олти-еттиталаб. Устига-устак уларнинг ичида теша тешмаганлари бўлиши ҳам талаб этилади.

Аслида бу қойдалар барча вазнлар учун ўринли, фақат бармоқда ёзадиган шоирлар сўз бойлигини аниқлаш махсус тадқиқот талаб этса, аруз буни дарҳол ошкор этиб қўяди – сўз бойлиги етарли бўлмаган шоир қалами қоқилиб, вазни оқсата бошлайди.

Ижодкорнинг луғати қай йўсинда бойишига келсак, бу яхши маълум – бунинг учун мутолаа лозим, минглаб китоб ўқилиши керак. STOP! Бу – ўта муҳим нуқта: минглаб китоб ўқиган одамнинг нафақат сўз бойлиги ўсади, параллел равишда унинг тушунчаси ҳам бойийди, дунёқараши кенгайди, тафаккури чуқурлашади, тасаввури тиниқлашади, истеъдоди улғаяди. У ўз ҳаёти ва ижодини ўқиганларига қиёслаб бошлайди. Ўқиганлари ичида буюк асарлар бўлса, ёзганларини шунга мутаносиб “қарич билан ўлчаш”га ўрганади. Жаҳон адабиётининг олтин хазинасидан ўрин олган китоблардан қанча кўп ўқиса, ўз ёзганларига нисбатан шу қадар талабчан бўла боради. Буларнинг бари, бир томондан, шоир шеърлари шаклан мукамаллик касб этишини таъминласа, иккинчи томондан, асарларининг мазмуни теранлашиб, бадиий савияси юксалишига асос бўлади.

Шу сабабли вазн, қофия, шеъринг санъат каби шаклий жиҳатларда сакталиқка йўл қўядиган муаллифнинг ёзганларида мазмун ҳам шунга яраша бўлади. Ва аксинча, ўлмас асарлар ёзган шоирлар шеърларида доим мазмун ва

шакл мукамаллиги ўзаро уйғун келишини кузатиш мумкин. Мисоллар келтириб ўтиришга ҳожат йўқ, чунки бу адабиётнинг қонунидир.

## ШЕЪР ЁЗИШ ОСОНМИ?

Бугун бу саволга “ҳа” дея жавоб беришга тўғри келади. Матбуот саҳифаларида, кўпдан-кўп қалин ва юққа китобларда босилаётган сон-саноксиз тизмалар, туркум, дoston, тўплам ва шеърый романлар статистикаси шунга мажбур этади.

Балки бу яхши ҳодисадир, маънавият ва маърифатнинг бир кўриниши дейиш ҳам мумкиндир. Баҳс мавзуси шеърнинг сифати хусусида. Қайд этамизки, “ўзбек шеърияти” деб аталган улкан ва тошқин дарёга ҳар йили янги-янги жилғалар қўшилиб турибди. Улар орасида шеърятнинг моҳиятини пайқайдиган, сўзни қадрлайдиган, ўзига хос овозга эга бўлган навниҳол ижодкорлар оз эмас. Бу умидбахш оқим танқиддан кўра кўпроқ таҳлил ва тадқиқга муносиб. Лекин, афсуски, жамоатчилик “дастурхонига тортилаётган шеър”ларнинг мутлақ кўпчилиги адабиёт талабларидан жуда паст.

Демак, “шеър” деб босилган ашё чиндан ҳам шеърми ё шеър эмасми – фарқлаш лозим. Бой адабий мерос ва юксак бадиият намуналарига эга адабиётимиз мезонларидан келиб чиқиб, ҳар бир шеърдан савия талаб этишга ҳақлимиз.

Мана шу талабдан келиб чиқилса, шеър ёзиш осон эмас.

Том маънодаги шеърни адабиёт боғидаги гулга қиёслаш жоиз.

Хўш, гулни ҳашақдан ким ажратади?

Ҳаққоний савол. Лекин жавоб бериб бўлмайдиган, умуман жавоби мавжуд бўлмаган савол. Аристотель

замонидан буёнки унга жавоб топилмаган экан, бундан буён ҳам топилиши маҳол. Қолаверса, ким учун тикан ҳам гул, кимга эса гул – пичан. Бу мавзуда баҳс юритиш бесамара туюлади.

Бироқ ўзбек адабиётида бир улуг устоз борки, унинг сабоғи гулни хасдан ажратилгани ўргатишга қодир. Албатта, сўз Алишер Навоий ҳақида.

Навоий ижоди мўъжиза – бу мунозарасиз ҳақиқат. Шеър савияси ҳақидаги кўп муаммолар Навоийни ўқимасликдан, унинг буюк меросига эътиборсизликдан келиб чиқаётгани. Чунки Навоий асарларининг муҳим бир хусусияти борки, у Навоийни ўқимайдиган, Навоийдан ўрганмайдиган одамга яхши маълум эмас.

Бу хусусият – шакл ва мазмун уйғунлиги, шаклнинг ҳам, мазмуннинг ҳам мукамаллиги.

Мисол учун Навоий ижодининг гултожи, чўққиси бўлмиш “Хамса”ни олайлик. Буюк шоир “Хамса” ёзишга бир умр тайёргарлик кўргани қайд этилган. Мана шу нуқтада фикр қилайлик. Йигирма ёшида йирик ва мукамал девон соҳиби бўлган шоир нега бешта дostonдан иборат бу китобни ёзишга ёши қирқдан ошгач киришган? Наҳот 3000 дан зиёд ғазал битган сўз мулкининг султони “Хамса” ёзиш учун шу қадар узоқ тараддуд кўрган? Навоий бу асар ёзилишига жуда катта аҳамият берганининг боиси нима? Ғофил учун таажжубли ҳол, албатта. Нега энди адабиётимиз тарихида иқтидорли шоирлар жуда кўп ўтганига қарамай, Навоийгача ҳам, у зот замонида ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч ким “Хамса” ёзишга уннамаган? Истамаганми? Ёки умр бўйи бештагина дoston ёзишга иқтидорлари етмаганми?

Беихтиёр қиёслайсан: буюртмачи топилса, ҳар ойда биттадан дoston ёза оладиган шоирлар бугун озми?

**Қатъий қайд этиш лозим: бармоқ вазидаги дostonларни Навоий дostonлари билан сира ҳам**



қиёслаш мумкин эмас. Ҳатто уларни бошқа-бошқа жанрларга мансуб деса ҳам тўғри бўлади. Ҳатто уларни бошқа-бошқа сўзлар билан аташ керак. Образли қилиб айтадиган бўлсак, бу ерда ҳолат обикор ва лалмикор деҳқончиликка ўхшайди – шароит ҳам бошқа, парвариш ҳам, олинадиган ҳосил ҳам.

Дарвоқе, ҳосил ҳақида. Хоҳ бармоқда бўлсин, хоҳ сарбастда – мумтозликка муносиб дostonлар ёзилиши мумкин – бу шубҳасиз. Ёзилган ҳам. Ва аксинча, арузда битилган ва бугун ҳеч ким эсламайдиган дostonлар ҳам кўп. Ҳозир гап бошқа жиҳат устида.

Навоий “Ҳамса”си шунчаки беш дoston мажмуаси эмас. Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, ниятимиз – юқоридаги саволларга қисман бўлса-да, ойдинлик киритиш, Навоий “Ҳамса”си нақадар буюк маҳорат ва жасорат маҳсули эканини яққоллаштириш, шеърят мухлисларига Навоий даҳоси ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашиш, уларни ўқиб-ўрганишга ундаш. Токи туман тушганда тоғнинг улуғворлиги кўзга ташланмагани каби, “Ҳазойин ул-маоний”, “Ҳамса”дай чўққиларнинг юксаклигини бошқа баландлик ва тепаликлар билан чалкаштирмасинлар. Энг муҳими, ёш ижодкорлар ана шу чўққига интилиб, имкониятларини ана шу чўққи билан бўйласинлар, Навоий руҳидан мадад олиб юксак асарлар яратишга интилсинлар – вазн, жанр, мавзу ва ҳоказодан қатъи назар.

Шеър ёзиш осонми? (Бу сафар Навоий тушунчасидаги шеър кўзда тутилади.)

Бу саволни англаш учун биринчи навбатда Навоий поэзияси аруз вазнида ёзилганини алоҳида қайд этиш лозим. Факт сифатида бу яхши маълум, албатта. Лекин кўпинча айнан аён ҳақиқат назардан қочади. Ўйлаб кўрайлик: арузда шеър ёзиш осонми? Арузда биргина ғазал ёзиш осонми?

Йўқ, осон эмас! Аруз талаби ғоятда инжиқ – шеър бошдан-оёқ қатъий бир вазнда ёзилиши лозим: мисрадан мисрага ҳижола, руқнлар тартиби мунтазам такрорланиши керак. Такрорланганда ҳам шеър ва дostonнинг бошидан охиригача! Бу нуқтаи назардан аруз вазни худди темир исканжа. Ҳолбуки, вазнга солинган нутқ – бу шунчаки қолип, холос. “Галатеянинг тош ҳайкали”. Шоирнинг вазифаси эса ҳайкал эмас, балки жонли асар яратиш, “тошга руҳ бахшида” этиш. Шу маънода ҳақиқий шеър илоҳий илҳом аралашувисиз дунёга келмайди.

Ўйлаб кўрилса, одамнинг ақлини шоширадиган ҳақиқат: “Хамса”даги бешала дoston арузнинг ана шу “темир исканжаси”га мувофиқ ёзилган! Мисол тариқасида Навоий дostonларидан энг йириги бўлмиш “Садди Искандарий”га эътибор қилайлик:

### 1-боб. (Оллоҳга ҳамд)

1-руқн			2-руқн			3-руқн			4-руқн		
Ҳижола											
√	–	–	√	–	–	√	–	–	√	–	–
Ху	до	ё,	ху	до	лиқ	му	сал	лам	са	нго	
Би	рав	шаҳ	ки	даъ	би	га	до	лиқ	са	нго	
Ху	до	ван	ди	бе	мис	лу	мо	нап	д	сен	
Ху	до	ван	д	лар	га	ху	до	ван	д	сен	
За	бар	дас	т	лар	зе	ри	дас	тинг	се	нинг	
Би	йик	лар	ке	либ	бор	ча	пас	тинг	се	нинг	

Мусаллам – инкорсиз.

Даъб – хислат.

Худованд – хужайин.

Зер – паст тутувчи.

Са-нга кўргу-зуб мавж дар-ёи жуд,  
 Се-н\_ай-лаб | а-ён кор-го-хи | ву-жуд.  
 Ву-жу-д\_аҳ-ли-нинг | ко-ми жу-дунг | би-ла,  
 Ке-либ жуд ко-йим | ву-жу-дунг | би-ла.  
 Ву-жу-дунг | қа-чон қил-са | зо-хир | қа-дам,  
 Бў-луб бар-ча | аш-ё | ву-жу-ди | а-дам.

Жуд – инъом

Коргоҳ – ишхона; дунё

Ком – истақ, манфаат

Қойим – тик; тенг

Адам – йўқ

Кавнайин – бу ва у дунё

За-мо-неки кав-найн маъ-дум\_\_э-ди,  
А-дам танг-но-йи да мак-ту'м\_\_э-ди,  
Не кун ора-зи-дин | бо-р\_эр-ди | ни-шон,  
Не тун турра-си анда ан-бар|фи-шон.

...

Я-қин англа-сам ғайр бор-дур | а-дам,  
Ў-зунг о-ши-қу иш-қу маъ-шуқ ҳам.  
Чу маъ-шуқу о-шиқ | Се-н ўл-дунг | та-мом,  
Са-нга иш-қу уш-шоқ-дин вас-са-лом.

49-боб. Тузлук таърифида...

Э-шит-тимки бир шаҳ-за бўл-ди | ни-ёз,  
У-йин айла-мак бир | су-тун узра соз.  
Ке-зиб топ-ти-лар бир | йи-ғоч буйла туз  
Ва ле-кин | а-нинг моли-ки – бир | а-жуз.  
Бе-риб ўн | ба-ҳо, балки юз, балки минг,  
Ри-зо берма-йин хо-ти-ри зол-нинг.  
Чу бай-ъу | ша-ро топма-йин инти-ҳо,  
Бе-риб зол ҳамсанги ол-тун | ба-ҳо.  
Я-со-ди-ла-р ул уйни гав-ҳарни-гор,  
Су-тун-ни | ва-ле қилди-лар зарни-гор.  
Ҳа-мо-ноки кел-ди | та-мо-шога зол,  
Йи-ғо-чин | ў-пуб, сурди мун-доқ | ма-қол,  
Ки: “Сол-динг, | чу Ҳақ туз | я-рат-ти | се-ни,  
Ҳа-м\_ў-зунг|ни ол-тун | а-ро, ҳам | ме-ни”.  
Ни-ҳо-леки ул туз | бўлур жилва-соз,  
Би-ри элни мун-доқ | қи-лур бени-ёз.  
А-гар тузлу-к ўл-са | ки-ши-нинг | и-ши,  
Не вас-ф\_айла-ёл-ғай | и-ши-ни | ки-ши?!

Маъдум – мавжуд эмас  
Тангной – тор, бўғиз  
Мактум – махфий  
Турра – кокил  
“ғайр бордур адам” –  
бошқа нарса йўқ

Туз – тўғри.

Нийёз – истак.  
Сутун – устун, колонна  
Буйла – шунчалик.  
Молик – эга.  
Ажуз – ожиз, қайсар  
“Чол сотишга кўнмади”  
Байъу шаро – савдо  
“Чолнинг вазнига тенг”  
Гавҳарнигор – гавҳар  
билан безатилган.  
Зарнигор – олтин билан  
безатилган.

Ҳам ўзинги, ҳам мени  
олгинга кўмдинг.”  
“Биттасидан элга  
шунча наф”  
“Ким ҳам  
таърифлай олади?”

...  
*На-во-ий, | қи-либ* Тенг<sup>ри</sup> ко-минг<sup>1</sup> | ра-во,  
*Са-нга рӯзи* эт-ти<sup>1</sup> | а-жо-йиб<sup>1</sup> | на-во.  
 Узот Тенг<sup>ри</sup> шук-ри<sup>1</sup> | на-во-си<sup>1</sup>за тил,  
 На-во ор<sup>ту</sup>ғ\_ис-тар<sup>1</sup> | э-санг, шук<sup>р</sup> қил!  
 ...

Анча узун иқтибос келтирилганидан мақсад шуки, ўқувчи арузнинг “темир исканжаси”ни тасаввур қилсин. Бу вазнда бир байт айтиш осон эмас... “Садди Искандарий” эса 7215 байтдан иборат. Ҳаммаси бир вазнда!

Жами 25615 байтли “Ҳамса” дostonларининг ҳар бири шу йўсинда!! Навоийнинг юз минг байтдан зиёд шеърятти – ана шу аруз вазнида!!!

Тўғри, мумтоз адабиёт намуналарида аруз талабларига тушмайдиган мисралар учраб туради – улар сакталиқ деб аталади. Ҳар бир сакталиқ шоир ижодининг кемтиги ҳисобланиб, маҳоратига соя ташлайди. Лекин “Ҳамса”да бирон сакталиққа йўл қўйилмаган. Вазн – қатъий!

Биргина истисно – “Ҳайратул-аброр”нинг биринчи байти, бу байтнинг биринчи мисраси...

Бу дoston арузнинг анча мураккаб (сарий) баҳрида ёзилгани шу дostonга мансуб “Одами эрсанг, демагил одами / Оники, йўқ халқ ғамидин ғами” байти баҳонасида қайд этилган эди:

муф-та-ъи-лун, муф-та-ъи-лун, фо-ъи-лун.

— √ √ — | — √ √ — | — √ —

Бугун “Ҳамса”да фақатгина биринчи мисра бу схемага тушмайди. Аммо у оддий мисра эмас:

**Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим,  
 Риштага чекти неча дурри ятим.**

Навоий нима учун шоҳ асарини айнан шу мисра билан бошлангани тушунарли, албатта. Лекин қайд этиш лозимки, Навоий “Хамса”ни бу оят билан бошлар экан, биринчи дoston учун арузнинг шу оятга вазн жиҳатидан энг яқин баҳрини танлаган. Сўнг барча байтлар қатъий шу вазнда битилган.

Таъкидлаш жоизки, арузнинг талаби биргина вазн “исканжа”си билан чекланмайди, аруз қофияга ҳам шу қадар қатъий талаб қўяди.

Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида балхлик шоир Атоий ўз замонасида кўп шухрат тутганини таъкидлагач, унинг ижодидан мана бу матлаъни таърифлайди:

**Ул санамким, сув яқосинда паридек ўлтурур,  
Ғояти нозуклигинин сув била ютса бўлур.**

Сўнг “қофиясида айбгинаси бор” дея изоҳлаб кетади. Ҳозирги кўшлаб шеърнависларга бу байт қофиясида ҳеч бир айб йўқ бўлиб туюлса ажаб эмас. Гап шундаки, ҳар икки мисрадаги феълларнинг “-ур” кўшимчаси соқит қилинса, “ўлтур” ва “бўл” ўзаклари қолади, улар эса қофиядош эмас.

Ўз даврида машҳур бўлган шоирнинг бу байти Навоийга маъқул бўлган экан, танбеҳини китобига киритмаслиги мумкин эди. Лекин шеърдан мукамаллик талаб этган “ғазал мулкининг султони” кейинги авлодлар сабоқ олсин, деган бўлса керак. Зотан, етук санъатда майда-чуйда нарса бўлмайди.

Навоий нафақат ўзи шеър ёзганда арузга қатъий амал қилган, балки арузни бузадиган шеърни – шеър, шоирни шоир ҳисобламаган!

Яъни, “Шоирлик даъвонгиз борми? Марҳамат, аруз техникасини эгалланг, бунинг учун ўқиб-ўрганинг, машаққат чекинг, сўнг қўлингизга қалам олинг”.

Гап шундаки, **биринчидан**, шеърнинг бадий савиясини баҳолаш осон эмас. Қолаверса, баҳо бари бир субъектив бўлади – кимгадир ёққан асар бошқа одамга жўн бўлиб туюлиши ҳеч гап эмас. Лекин шеър арузга мосми ёки мос эмасми – бу вазн тарозисида ўлчаб, объектив баҳолаш мумкин бўлган жиҳат.

Хўш, аруз вазнига тушса, шеър яхши бўлиб қолаверадими? Йўқ, албатта. Аммо гап бошқа томонда: аруз вазнида шеър битиш осон эмас экан, бу шоирдан катта меҳнат, кўплаб мутолаа талаб қилади, муҳими, катта сўз бойлигига эга бўлишни талаб этади. Сўз бойлиги эса ўз навбатида ифода бойлигини келтириб чиқаради. Ифода бойлиги эса туйғуни гўзалроқ тасвирлашга, фикрни чуқурроқ баён этишга, хуллас, эркинроқ ва мазмунлироқ ижод қилишга асос бўлади. Сўз бойлигини орттириш жараёнида ижодкорнинг диди, савияси ўсиши тўғрисида юқорида мушоҳада қилган эдик.

Хуллас, Навоий замонасида вазн ўзига хос ғалвир вазифасини ўтаган. Қиёслаш учун: бармоқ вазнида бундай ғалвирнинг тешиклари жуда катта, сарбастда – йиртик, верлибрда эса умуман ғалвир йўқ, деса катта хато бўлмайди.

Ҳа, арузда шеър ёзиш осон эмас. Шунинг учун бус-бутун дoston ёзиш камдан-кам шоирга насиб этган. “Хамса” ёзганлар эса, умуман жаҳон адабиётида бармоқ билан санарли. Улардан адабиёт хазинасини бойитганлари – Низомий, Хисрав Дехлавий, Жомий (форс тилида) ва Навоий (туркий тилда ягона).

Навоий “Хамса” яратилганга бир умр тайёргарлик кўргани ва бу ишга 42 ёшга етгач жасорат қилганининг сабабларидан бири мана шунда.

Бу мулоҳазаларни ўқиган ўқувчида яна бир марта истехзою таъна омухта савол туғилиши мумкин: “Мумтоз

адабиётда шакл мазмундан устун туради”, деган фикр тўғри экан-да?”

Асло! Агар қайси бир шеърда шакл бору мазмун ғариб бўлса, бу арузнинг айби эмас, балки ўша шеър хусусияти, агар қайси шоир ижодида шакл ё мазмун оқсаса, ёки улар орасида номутаносиблик бўлса, бунга мумтоз адабиёт жавобгар эмас. Акс ҳолда гекзаметр вазнида ижод қилган Рим шоирларини ёки сонет жанрида ижод қилган Уйғониш даври классикларини ҳам шаклбозликда айблаш мумкин бўлар эди.

Навий шеърларида, улар қанчалик аруз “исқанжа”сида ёзилган бўлмасин, шакл мазмундан устун дейиш ҳақиқатга мутлақо хилоф иддаодир. Уларда шакл мукамаллигига яраша мазмун ҳам осмон қадар юксаклигини исботлашга заррача бўлсин зарурат йўқ. Аммо масалага шакл ва мазмун диалектикаси томонидан ёндашиш фойдадан холи эмас. Бадий ижоднинг бутун тарихи тасдиқлайдики: шакл ва мазмун айна бир ҳодисанинг турли жиҳатларидир, бирини иккинчисидан айириш нафақат нотўғри, аслида мутлақо мумкин ҳам эмас. Шакл ва мазмун ҳар доим бир-бирига мутаносиб бўлади. Шаклсиз мазмун мавжуд бўлмаганидай, баланд мазмун албатта гўзал шакл билан ҳамоҳанг келади.

Гап шундаки, шеърнинг шакли – вазн, қофия, бадий санъат ва ҳоказодан иборат эмас, буларнинг бари – шунчаки шакл унсурлари, холос. Аслида, **шеърнинг шакли – сўз**. Худди шу сингари, шеърнинг мазмуни – матнда ифодаланган маъно, деб тушуниш бадий адабиётга примитив ёндашув натижасидан бошқа нарса эмас. **Шеърнинг мазмуни – ундаги руҳ**.

Шеър шоир руҳиятининг эпкинидан туғилиши маълум. Лекин қайд этиш лозимки, бу – ҳақиқатнинг бир томони, холос. Зеро, шеър ёзишга уннаган одамнинг хаёлига нималар келмайди, бошида қандай фикрлар туғилмайди?

Эси бор одам уларнинг ҳаммасини вазну қофияга солиб ё солмай, “шеър” деб эълон қилавермайди. Бадиий ижоднинг иккинчи, муҳимроқ томони – қоғозга туширилган ёзув, уни ўқиганнинг қалбига ҳам таъсир қила оладиган, ўқувчини хаяжонлантира оладиган, энтиктириб, дилини яйратадиган, кўзини намлаб, руҳиятига қанот бағишлайдиган хусусият касб этиши лозим. Акс ҳолда матн шеър деб аталгани билан, мисраларда қандайдир маъно бўлгани билан, у росмона шеър эмас, жонсиз, руҳсиз бир тизмаки, ҳозир бунақасини компьютерлар ҳам қойил қила олади.

Навоий назмининг буюк хусусияти – шаклда навоийона мукамаллик, мазмунда навоийона руҳ борлигида.

Навоий сўз устида шу даражада қаттиқ шуғулланганки, натижада аруз “исканжа” эмас, балки илҳом қанотларига куч-қудрат бағишловчи омилга айланган.

Фараз қилайлик, Навоий XX-XXI асрларда яшаб, бошқа вазнларда, бошқа жанрларда ижод қилган тақдирда шу даврнинг энг буюк асарларини яратишига ким шубҳа қила олади? Мукамаллик – замон ва маконга нисбатан инвариант (боғлиқ бўлмаган) ҳодиса. У ижодкорнинг бадиий диди, ўзига нисбатан талабчанлиги, сўз олдидаги масъулиятни қай даражада ҳис этиши, ёзганларига қай даражада танқидий кўз билан қарай олиши, шеърдан шеърга, асардан-асарга маҳоратининг улғайиб бориши билан боғлиқ.

Ҳар бир шоирдан мумтозлик даражасида шеър ёзишни талаб этиш – бемаънилик, албатта. Лекин бундан “шеър” деган муқаддас тушунчага нисбатан ҳурматсизлик қилиш ҳуқуқи келиб чиқмайди. Навоийдек устозимиз, ҳакамимиз, пиримиз бор экан, шеърга нисбатан ҳурмат ва масъулиятни ҳис этишни ўргансак, муаллиф ҳам, ўқувчи ҳам ютади.

Бунинг учун фараз қилиш кифоя: Навоийга манзур бўладиган шеър ёзиш осонми?



## Ї БОБГА ИЛОВА

### “АРУЗ ФАНИ ШАРИФ ФАНДУР” (Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” рисоласидан парча)

...Аммо билгилким, аруз фаниким, назм авзонининг мезонидур (*шеър вазнларининг тарозусидир*), шариф фандур. Невчунким, назм илмининг рутбаси (*мартабаси, даражаси*) бағоят бийик рутбадур. Андоқки, Ҳаққ субҳонаҳу ва таолонинг каломи мажидида (*яъни, “Қуръон”и каримда*) кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди (*қоидалари*) била ростдур. Ул жумладин бу оятдурким:

“Лан та·но·лу | бир·ра хат·то | тун·фи·ку” –

(“Оли Имрон” сураси, 92-оят), рамали мусаддаси маҳзуф (*фоъилотун фоъилотун фоъилун*) воқеъ бўлубтур. Ва яна будурким:

“Вал·мур·са|ло·ти ур·фан, | фал·о·си|фо·ти – ас·фан”

(“ал-Мурсалот” сураси, 1- ва 2-оятлар), вазни мафъувлу фоъилотун мафъувлу фоъилотундур, музориъи мусаммани ахраб воқеъ бўлубтур. Ва яна:

“Жанноти адний фадхуллуҳо холидин” –

ким, вазни мустафъилун мустафъилун мустафъилондур ва ражази мусаддаси музол вокеъ бўлубтур .

Ва Каломуллоҳда кўп ерда бу навъ вокеъдур. Ва Расул саллаллоху алайҳи васаллам аҳодисида дағи бу тарийқ тушубдур (*ҳадисларда ҳам яна шу тарздаги ҳолатлар бор*). Ул жумладин бири будурким,

“Ман ак-ра<sup>1</sup>ма о-ли-ман<sup>1</sup> фа қад ак-ра<sup>1</sup>ма-ни” –

(“*Ким олимларни иззат қилса, мени иззат қилган бўлади*”), ким, вазни мафъувлу мафъилун мафъийлу фаъулдур ва рубой вазнида ҳазажи аҳраби мақбузи макфуфи мажбуб вокеъ бўлубтур...

**Бас, собит бўлдим, аруз фани шариф фандур.**

---

\* Чамаси, “Мезон ул-авзон”нинг нашрига асос бўлган қўлёзмаларда саҳвга йўл қўйилган. Биринчидан, мазкур жумла ражази мусаддаси музол вазнига тушмайди. Иккинчидан, “Мукамал асарлар тўплами”нинг нашрида бу жумланинг бошидаги “жанноти аднин” сўзлари “Сод” сурасининг 50-оятидан, “фадхуллуҳо холидин” ибораси эса “Зумар” сурасининг 70-оятидан олинган, дея изоҳ берилган. Бизнингча, Навоий мисолни бу йўсинда танлаган бўлиши ҳақиқатдан йирек.

## II боб

### АРУЗ ИЛМИ (СОДДАЛАШТИРИЛГАН НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР)

#### МУҚАДДИМА

Мумтоз аруз назарияси араб тили ва эски ўзбек ёзувига хос бўлган **ҳаракатли ва сокин ҳарф** тушунчаларига асосланган. Шайх Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобурнинг арузга бағишланган рисолаларида айнан шу назария баён қилинган.

XX аср бошларида эски ўзбек ёзуви ислоҳ қилинади – ўзбек тилига хос бўлмаган товушларни ифодаловчи ҳарфлар чиқариб ташланади, ҳаракатли ва сокин ҳарф тушунчаларидан воз кечилади, уч унли ҳарф (а, у, и) ёнига яна уч унли (о, э, ў) ҳарф қўшилади, ҳуллас, “бир товуш – бир ҳарф” принциpigа асосланган алифбога (жадид алифбосига) ўтилади.

Кейинчалик лотин, кирил, сўнг яна лотин алифболари жорий қилинганда моҳиятан ҳарфларнинг шакли ўзгарган, холос, алифбо таркиби эса “бир товуш – бир ҳарф” принциpigа мувофиқлигича сақланган.

Эски ўзбек ёзуви ислоҳ қилиниши натижасида аруз ёзувдаги асосини йўқотди, натижада унга бармоқ вазнига хос унсурлар аралаша бошлади. Увайсий, Нодира, Фурқат аруз вазнига қатъий амал қилган бўлсалар, Ҳамза, Ибрат, Тавалло каби жадид шоирлари шеърларида аруздан четлашиб одатий ҳолга айланди. Оқибатда аруз умуман унутилиш, демак, бегоналашиб хавфи остида қолди. Шундай вазиятда бу хавфни туйган ва унинг тарихий-

маънавий кадриятларимиз учун бутун салбий оқибатларини яхши ҳис этган Абдурауф Фитрат **ҳижо тушунчасига** асосланган аруз назарияси тўғрисида рисола битди.

Албатта, филология факультетларида эски ўзбек ёзувига асосланган мумтоз аруз ўргатилиши керак. Аммо ундан бугунги ижодкорлар амалиётда фойдалана олишлари даргумон. Бу жиҳатдан Фитрат назарияси ҳар томонлама ўнғай. Шунга қарамасдан, аруз вазнига бағишланган китобларда бу вазн ҳамон муомаладан аллақачон чиқиб кетган ёзув билан боғлиқ бўлган сабаб, ватад, фосила каби тушунчалар асосида баён қилинмоқда. Бу эса бугунги ижодкорларни арузни ўрганишга даъват этиш ўрнига, ундан чўчитмоқда. Ҳолбуки, яна такрорлаймиз, Фитрат баёнидаги ўзбек арузи гоят содда, ўрганишга осон, амалиёт учун ҳам қулай. Ушбу бобдан бош мақсад – ғазалхон ва ғазалнависларга шу ҳақда тушунча бериш.

## ВАЗН СХЕМАСИ

Ўзбек арузи ҳижо тушунчасига асосланади. Ҳижолар вазн ўлчови бўйича икки хил: **қисқа ҳижо** ва **чўзиқ ҳижо**.

*Арузнинг биринчи қоидаси:  
шеърнинг барча мисраларида қисқа ва чўзиқ  
ҳижолар сони ҳам, тартиби ҳам бир хил.*

Арузий шеър вазни икки унсурдан таркиб топади: мисралардаги ҳижолар сони ва қисқа-чўзиқ ҳижолар тартиби. Уларни яққол тасвирлаш мақсадида **вазн** **схемасидан** фойдаланилади. Бунда қуйидаги белгиларни қўллаймиз:

қисқа ҳижо:	√
чўзиқ ҳижо:	—
мисра охиридаги ўта чўзиқ ҳижо:	~
руқн чегараси:	

М и с о л. “Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади” мисраси билан бошланадиган машҳур ғазалнинг вазн схемаси: — √ — — | — √ — — | — √ — — | — √ —.

**Арузнинг иккинчи қондаси:**  
**барча мисралар бир хил тартибда руқнларга бўлинади.**

**Келишув:** шеър вазнини яққолроқ кўрсатиш ва вазнга солиб ўқишни енгиллатиш мақсадида матнда қисқа ҳижоларни курсив билан ажратамиз, чўзиқ ҳижоларни эса тик шрифтда қолдирамиз. Ҳижоларни ўрта нуқта (яъни, ишпораси) билан ажратамиз, ҳижо чегараси икки сўз орасига ёки руқн чегарасига тушган ҳолда бу ишора қўйилмайди. Агар бир ҳижо икки сўзга тегишли ҳарфлардан таркиб топса, бу ҳолатни остки чизиқ ишпораси билан туташтириш воситасида кўрсатамиз.

Хусусан, юқоридаги мисранинг ҳижо ва руқнларга бўлиниши:

Ке-ча кел-гум|дур де-бо-н\_ул | сар-ви гул-рў | кел-ма-ди.

М а ш қ. Схемага асосланиб, “Муножот” кўшиғига асос бўлган Навоий ғазалининг яна уч мисрасини олинг, руқнлар чегарасини қўйиб чиқинг ҳамда ҳижоларнинг қисқа-чўзиқлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.

Шундай қилиб, арузнинг муҳим хусусияти: шеър атиги икки мисрали фард бўладими, ёки бус-бутун дoston бўладими – бошидан охиригача бир хил вазнда ёзилади ва ўқилади. Мисол учун, Навоийнинг “Лисон ут-тайр”

достонида барча мисра уч рузн ва 11 ҳижодан таркиб тошган:

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11  
 Хо-жа Аб-дул<sup>1</sup>ло-ҳ Ан-со<sup>1</sup>рий де-ди,  
 Ул-ки бу йўл<sup>1</sup> аҳ-ли-ға хо<sup>1</sup>дий э-ди:

– Ким ки-ши со<sup>1</sup>з\_ай-ла-бон о<sup>1</sup>ҳан-ги руд,  
 – Туз-са ул о<sup>1</sup>ҳанг а-ро лаҳ<sup>1</sup>ни су-руд,

Ле-к бу руду су-ру-ри<sup>1</sup>дин му-род  
 Бўл-са Тенг-ри<sup>1</sup> ё-ди, эй по<sup>1</sup>к\_э-ти-қод,

Ях-ши-роқ-ким, <sup>1</sup>ғаф-ла-т\_о-ҳангин ту-зуб,  
 Ў-қу-ғай мус<sup>1</sup>ҳаф, ти-ло-ват <sup>1</sup>кўр-гу-зуб.

Бўл-са лаҳ-ну<sup>1</sup> нағ-ма-да о<sup>1</sup>го-ҳ-лиғ,  
 Беҳ-ки то-ат<sup>1</sup> вақ-ти-да гум<sup>1</sup>ро-ҳ-лиғ”.

Достоннинг вазн схемаси: — √ — — | — √ — — | — √ — .  
 Арузда вазн нақадар мунгазамлигини айниқса мана бундай жадвал яққол намоеън этади (“Фарҳод ва Ширин” достонининг бошланиши):

√	—	—	—	√	—	—	—	√	—	—
Би	-ҳам	-дик	фат	-ҳу	аб	-во	-бул	ма	-о	-ний
На	-си	-б_эт	кўнг	-лу	-ма	фат	-ҳ_ўл	-ма	-қ_о	-ни
Кў	-зум	-га	ул	э	-шиқ	куф	-лин	па	-ди	-д_эт
А	-нинг	фат	-ҳи	-за	кил	-ким	-ни	ка	-ли	-д_эт

М а ш қ. Жадвални давом эттиринг.

## РУКН ВА ТУРОҚ

Аруздаги рукн билан бармоқ вазнидаги туроқ тушунчасини қиёслайлик. Бармоқ вазнида мисралар узунлиги 9 ва ундан ортиқ бўғин бўлса, туроқланади – мисра қисмларга бўлиниб, пауза билан ўқилиши шарт.

Мисоллар:

Нафс йў-ли-га / кир-ган ки-ши / рас-во бў-лур,  
Йўл-дан о-зиб, / то-йиб, тў-зиб / гум-роҳ бў-лур,  
Ёт-са, қўп-са / шай-тон би-лан / ҳам-роҳ бў-лур,  
Нафс-ни теп-кил, / нафс-ни теп-кил, / эй бад-кир-дор.

(Аҳмад Яссавий, туроқлаш схемаси: 4+4+4).

Қар-ға-лар уч-са қа-рай-лик / Мар-ғи-лон-нинг йў-ли-га,  
Ке-зи кел-са маст бў-лай-лик / ҳан-да-лак-нинг бў-йи-га.

(Халқ қўшиғи, туроқлаш схемаси: 8+7).

Гу-наф-ша-хон, / гу-наф-ша,  
Ку-лиш-ла-ринг / чи-рой-ли,  
Бо-ғи-миз-да / о-чи-либ,  
Ту-риш-ла-ринг / чи-рой-ли.

(Зафар Диёр, туроқлаш схемаси: 4+3).

Арузда туроқ бўлмади – рукнлар чегараси икки сўз орасига тўғри келиши шарт эмас, сўз ўртасига ҳам тушаверади. Гап шундаки, арузда шеър мисралари ичида пауза қилинмайди, балки ўзига хос оҳанг, таъбир жоиз бўлса, куй, қироат билан ўқилади. Бунда рукнлар тўлқинсимон тарзда талаффуз қилинади:

Ке-ча кел-гум|дир де-бо-н\_ул | сар-ви гул-рў | кел-ма-ди,  
Кўз-ла-рим-га | ке-ча тонг от|кун-ча уй-ку | кел-ма-ди.  
1\_\_\_\_\_3    1\_\_\_\_\_3    1\_\_\_\_\_3    1\_\_\_\_\_3  
1-тўлқин        2-тўлқин        3-тўлқин        4-тўлқин

Дикқат қилсак, байтнинг ҳар мисраси – тўрт рукн, бунда икки жойда рукнлар чегараси сўз ўртасига тушяпти: келгум<sup>1</sup>дир, от<sup>2</sup>қунча. Мана бу байтда эса бирорта ҳам рукн сўз оралиғига тушмаган:

Дав<sup>1</sup>р\_э<sup>2</sup>ли со<sup>3</sup>ға-ри<sup>4</sup>-ни қил<sup>5</sup>ди ма<sup>6</sup>-йи но<sup>7</sup>б тў<sup>8</sup>-ла,  
Жуз ме<sup>9</sup>-ни-нг\_э<sup>10</sup>ски са<sup>11</sup>-фо-лим<sup>12</sup>-ни-ки, ху<sup>13</sup>-но<sup>14</sup>б тў<sup>15</sup>-ла.(ҒС)

И з о ҳ. Бу байтда Навоийнинг ўз даври ва замондошларига маломати ифодаланган: *атрофимдагилар, даврга мослашганлар ўз қадаҳларини шодлик майи билан тўлдириб, кайфу сафо билан банд бўлсалар, давр менинг “қадаҳимни қон” билан тўлдирди.* Бу бобда, айрим ҳолларни истисно этганда, шеърларнинг мазмуни устида тўхталинмайди – келтириладиган мисоллар асосан **вазн нуқтаи назаридан** қаралади.

## ҚИСҚА ВА ЧЎЗИҚ УНЛИЛАР

Маълумки, бармоқ вазнида ўлчов бирлиги – бўғин бўлиб, бўғинлар қандай ҳарфлардан таркиб топгани билан бир-биридан фарқланмайди. Аруз вазнида эса, биринчидан, ўлчов бирлиги – ҳижо, иккинчидан, ҳижолаар ўлчов ҳисобида икки хил: қисқа ва чўзиқ.

Хўш, ҳозирги тилимизда ҳижонинг чўзиқ-қисқалиги қандай аниқланади? Бу – **унли товушларнинг қисқа ё чўзиқ талаффузи** билан боғлиқ.

Қисқа ва чўзиқ унлиларни ўзаро қиёслаш учун шер ва шеър сўзларидаги “э” товуши, даво ва даъво сўзларидаги “а” товуши, доно ва дон сўзларидаги “о” товуши талаффузидаги фарққа эътибор қилиш кифоя.

**Араб тилидан ўзлашган сўзларда** унлининг чўзиқ-қисқалиги тайин бўлади. Шунинг учун қисқа унли албатта қисқа, чўзиқ унли албатта чўзиқ талаффуз этилиши лозим. Масалан, **фаол** сўзи арабча **фаъал** сўзидан келиб чиққан.



Ундаги биринчи “а” қисқа, иккинчиси эса чўзиқ. Шунинг учун ўзбекча талаффузга мосланиб, чўзиқ “а” товуши “о” ҳарфига айланган: **фаол**, арузий шеърда бу сўз фа-о-о-ол тарзида айтилиши лозим.

Яна бир неча мисол.

**шуур** сўзида биринчи “у” қисқа, иккинчиси чўзиқ,  
**хофиз** сўзида “о” чўзиқ, “и” қисқа, **хафиз** сўзида эса,  
“а” қисқа, “и” чўзиқ, **махфуз** да “а” қисқа, “у” чўзиқ,  
**анвар** (энг нурли) сўзида ҳар икки унли қисқа, **анвор**  
(нурлар) сўзида эса, иккинчи унли чўзиқ;  
**иблис** сўзида биринчи “и” қисқа, иккинчи “и” чўзиқ,  
**овон** (**он** сўзининг кўплиги, **онлар**) сўзида биринчи  
“о” қисқа, иккинчи “о” чўзиқ (шунинг учун кўпинча **а-вон**  
ёзилади),

**адаб** сўзида ҳар икки унли қисқа, унинг кўплиги бўлган **одоб** сўзида эса ҳар икки унли чўзиқ ва ҳ.к.

**Олий** сўзида биринчи унли чўзиқ, иккинчиси қисқа. У билан ўзакдош сўздан ясалган **Али** исмининг ўзбекча талаффузида ҳар икки унли қисқа, аслида эса иккинчи унли чўзиқ. Шу сабабли мумтоз адабиётимиз алломаси академик А.Рустамов китобларини “Алийбек Рустамов” дея имзоламоқда.

Шу сингари ҳозирги жонли тилимизда араб тилидан ўзлашган сўзларда чўзиқ унлиларни қисқа талаффуз этиш ҳоллари кўп учрайди, лекин мумтоз адабиётда бунга йўл қўйилмаганини назарда тутиш лозим.

**М и с о л л а р.** Киши исмини билдирувчи **О-лим** сўзида биринчи “о” қисқа талаффуз этилади, аслида эса, у чўзиқ, ҳижодан иборат;

**раҳм** (**шафқат**) ва **Раҳим** (киши исми) сўзлари тилимизда деярли бир хил талаффуз этилади, лекин **раҳим** сўзида “и” чўзиқ: **раҳийм** (аммо бу сўзни **роҳийм** деб ўқиш мақбул эмас – “ро” ҳижоси чўзиқ бўлиб қолади). Навоий бу сўзга **ятим** сўзини вазндош қилиб олган:

**Бисмиллохир-рахмонир-рахим,  
Риш-та-га чекди неча дурри я-тим.  
("Хамса"нинг бошлангич байти)**

Пайғамбар Масиҳ исми ҳозир **Исо** шаклида ёзилади ва айтилади, аслида ундаги “и” товуши чўзиқ, шунинг учун у мумтоз адабиётда **Ийсо** тарзида талаффуз қилинади.

**Оллоҳ** ва **омон** сўзларида эса, акс ҳодиса рўй берган: қисқа “а” товуши “о”га айланган. Бу икки сўзда биринчи унли қисқа, иккинчи унли – чўзиқ. Шунинг учун мумтоз адабиёт матнида улар **Аллоҳ** ва **амон** шаклида ўқилиши мақсадга мувофиқ.

**Форс тилидан ўзлашган сўзларда** “о” асосан чўзиқ, “а” эса қисқа унлига тўғри келади. Шунингдек, кўпинча (аммо доим эмас) “и” қисқа, “э” чўзиқ, “у” қисқа, “ў” чўзиқ.

Мисоллар:

**Зарафшон, зарфишон** – “о” товуши чўзиқ, “а” билан “и” қисқа;

гўянда – “ў” чўзиқ, ҳар икки “а” қисқа;

гумроҳ – “у” қисқа, “о” чўзиқ;

гулдастабанд – ҳамма унли қисқа;

оромгоҳ – ҳамма унли чўзиқ;

**гириҳ** – ҳар икки “и” қисқа, аммо унинг **гирех** шаклида “е” чўзиқ;

**гардунжаноб** – ҳар икки “а” қисқа, “у” билан “о” эса чўзиқ;

**оташкада** – биринчи ва охириги унли чўзиқ, ўртадаги икки “а” қисқа;

пушт – “у” қисқа,

пўш – “ў” чўзиқ ва ҳ.к.

Арабча сўзларда қисқа ва чўзиқ унлилар ўзгартирилиши мумкин эмас – бу маъно бузилишига олиб келади. Ундан фарқли форс тилидан ўзлашган сўзларда бу ҳодиса тез-тез учрайди:

**Шох – шах, гоҳ – гаҳ, гоҳи – гаҳе, гўй – гў – гу, зиҳи – зиҳе, лиму – лийму, пой – по, жой – жо, корфармо – корфармой, кулоҳ – кулаҳ ва ҳ.к. Шу сингари, -кушо, -афзо, -физо, -намо каби сўз ясовчи кўшимчалар вазн тақозоси билан -кушой, -афзой, -физой, -намой шаклида ҳам ёзаверилади.**

**Туркий тилларда** унлилар чўзиқ-қисқалиги билан фарқланмайди. Шунинг учун асил туркий сўзларда унлилар қисқа ҳам, чўзиқ ҳам талаффуз этилавериши жоиз.

**М и с о л л а р** (Бобурнинг асосан туркий сўзлардан тузилган байтларидан):

Бор·га·й\_эр·дим | бо·ш\_и·ла кўйи·га, най·лай, | Бо·бу·ро,  
Ҳар қа·чон бор|са·м\_э·ши·ги|га, ке·лур о·ри о·нинг.

\*\*\*

Кўй·мо·ғум·дур | э·та·гинг кет|сам и·лик·дин | ҳар не·ча,  
Бор·мо·ғум·дур | о·с·то·нинг|дин а·гар бор|са бо·шим.

\*\*\*

О·чи·ли·б\_икки со·чи юзи·га ё·пил|миш·лар,  
Ё·рук жа·хон|ни кў·зум·га | қа·рон·зу қил|миш·лар.

Асил туркий сўзлардаги унлилар талаффузидаги бундай эркинликка қарамай айрим хусусиятларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

1. Талаффуз вақти ва сарф бўладиган нафас оқимига кўра “о” унлиси чўзиқликка мойил, “а” унлиси эса кўпинча қисқа. Хусусан, қа·ро, ма·нго, са·нго, а·нго, а·ни сўзларида биринчи унли қисқа, иккинчиси чўзиқ, о·ни, о·нинг сўзларида эса “о” чўзиқ, “и” қисқа.

**Яширин, асраган** сўзларининг биринчи бўғинидаги “а” товуши қисқа. Мана бу байтда улар “о” билан алмаштириб чўзилган:

На·во·ий, не | ма·й\_эр·ди·ким, | и·чиб о·лам|за фо·ш\_эт·тим  
У·лустин ёшурун йил·лар | кўнгул·да асра·ғо·ним·ни.

2. Асил туркий сўзларнинг ёпиқ бўғинларида унли ҳар доим қисқа – бу қоидадан истиснолар учрайди, лекин жуда кам. Очиқ бўғинларга келсак, ҳолат бир оз мураккаб: сўз охиридаги унлилар чўзиқликка мойил. Масалан, **лаҳза-лаҳза, қатра-қатра, унда-мунда** сўзларида биринчи “-за”, “-ра”, “-да” ҳижолари қисқа, иккинчилари эса чўзиқ. Бу қоида ҳижога нисбатан ҳам қўлланади: ҳижо охиридаги очиқ бўғин унлиси – чўзиқ.

**М и с о л.** Навоийнинг деярли тўлиқ асил туркий сўзлардан тузилган мана бу байтини қарайлик:

**Де·ма·н·гиз:** “Ул<sup>1</sup>·ким, се·вар·сен, <sup>1</sup>не·га қо·нинг<sup>1</sup>ни тў·кар?”  
– **Дут·ф** ор·тук <sup>1</sup>кўр·гу·зур ор<sup>1</sup>тук·си·роқ сев<sup>1</sup>дур·га·ли.

Бу ерда **демангиз, нега** сўзларида “э” товуши чўзиқ, **севдургали** сўзида эса қисқа, **қонингни, севдургали** сўзларида “и” товуши чўзиқ, **ортуксироқ** сўзида қисқа.

## **АРУЗ АЛИФБЕСИ:** **ҚИСҚА, ЧЎЗИҚ ВА ЎТА ЧЎЗИҚ ҲИЖОЛАР**

Ҳижо бармоқ вазнига хос бўлган бўғин тушунчасидан яна бир жиҳати билан кескин фарқ қилади. **Бўғин билан қиёслаганда ҳижолар уч хил:** қисқа ҳижо, чўзиқ ҳижо ва ўта чўзиқ ҳижо.

***Қисқа ҳижо – қисқа унлили очиқ бўғин***

**М и с о л л а р:** ва, ки, у, ма, на (не); ва·фо, кўн·гул, ма·нго, ме·ни, қа·ни, ма·лак, па·ри, гу·ноҳ, ти·рик; то·ки, аҳ·ли, ич·ра, ло·ла, уш·бу; ис·та·ди, ай·ла·ма, ма·қо·ла, у·ка, та·ла·бим, си·ги·ниб, ку·ли·шинг, ю·гу·ра·сан ва ҳ.к

*Чўзиқ ҳижо – чўзиқ унлили очиқ бўгин ва  
қисқа унлили ёпиқ бўгин*

М и с о л л а р. Чўзиқ унлили очиқ: ё, то, рў, не; до-но, ҳо-ло, бе-жо, бо-ну, то-бе; ме-ни, ме-нга, ма-нго, са-нго, а-нго, ва-фо, и-ки; то-ки, фў-та, а-ло-ло, ма-бо-до, та-мо-шо ва ҳ.к.

Қисқа унлили ёпиқ: ҳам, гар, чун, мен, сен, эй, ким, юр, ўт, ол, бўл, кун, ёз (фёъл); маҳ-кам, қул-луқ, сак-қиз, тўқ-қиз, ет-миш, англ-лар-миш, кўр-сат-гай, қир-чил-лат-моқ, тар-қал-мас-дан, қир-сил-лат-ган-дай; кў-шиқ, ма-кон, би-лим, ва-тан, де-мақ, де-бон; мақ-тан-ма-чок, ал-бат-та, ик-кин-чи, и-кин-чи; мам-ла-кат, ис-та-дим, кўр-ма-дим, топ-ма-мон, му-ал-лақ, му-хам-мас, та-лаб-чан, та-бас-сум ва ҳ.к.

Аралаш: Лай-ло, тан-ҳо, сав-до, сий-мо, бе-жиз, но-кас, ҳо-сил; На-во-ий, бе-ма-жол, му-ло-қот, та-ман-но, ит-тифо-қо, ит-ти-фо-қан, муб-та-ло-лар-га ва ҳ.к.

*Ўта чўзиқ ҳижо – чўзиқ унлили ёпиқ бўгин ва  
қисқа унлили кўш ундош билан тугайдиган бўгин*

Келишув: ўта чўзиқ ҳижо остки кўшчизик билан таъкидланади.

М и с о л л а р. Чўзиқ унлили ёпиқ бўгин: шоҳ, ҳол, ёр, ёз (фасл), тоғ, тиғ, бўй, ҳеч, ош-қор, под-шоҳ, дос-тон, бом-под, қор-гоҳ, дар-гоҳ, ос-мон, Дех-ла-вий, жўш-қин, зор-лик, қор-хо-на ва ҳ.к.; “-ор”, “-од”, “-оз” қофияли сўзларнинг деярли ҳаммаси: ни-гор, аф-гор, бе-мор, но-чор, душ-вор, шам-шод, ёд, Фар-ҳол, о-бод, ус-тод, бар-бод, ноз, роз, ма-жоз, на-моз, ал-фоз, боз ва ҳ.к.

Мана бу байтда соф ўзбекча тош сўзи ўта чўзиқ ҳижо ташкил этган:

Бир бузуғ уз<sup>1</sup>ра жу-нун куш<sup>1</sup>ла-ри кўн-ган<sup>1</sup> ке-би-дур,  
То-ш-ким, ёғ<sup>1</sup>ду-ру-р\_ул шў<sup>1</sup>хи си-там-го<sup>1</sup>р ма-нго. (FC)

Кўшундош билан тугаган қисқа унлили бўгин: халқ, васл, хажр, дард, бахс, арз, амр, умр, ахд, илк, илм, вакт, уфк, тўрт, кирк, дард-манд, торт-торт, паст-ба-ланд, қасд-ма-қасд ва ҳ.к.

Аралаш: сарв-ноз, пой-тахт, гул-қанд, ёр-дўст, даст-ёр, пой-баст, мушк-фом, хайр-бод, сер-фар-занд ва ҳ.к.

*Арузнинг учинчи қоидаси:*  
*ўта чўзиқ ҳижо мисранинг бошида ва*  
*ўртасида икки ҳижога – битта чўзиқ*  
*ва битта қисқа ҳижога тенг*

М и с о л.

Жаврда нодир, зулмда мохир,  
Ишвада қодир, ғамзада устод, (*Бобур*)

– бу байтда жавр, зулм ўта чўзиқ ҳижолари ишва, ғамза сўзлари билан вазндош бўлиб келаётгани юқоридаги қоидани яққол намоёиш этади.

*Арузнинг учинчи қоидасидан муҳим истисно:*  
*ўта чўзиқ ҳижо мисранинг охирида бир ҳижога юради*

Шу сабабли мисра охиридаги ўта чўзиқ ҳижо вазн схемасида алоҳида белги ~ билан кўрсатилади. Бундай ҳижо ўзига хос хусусиятга эга: вазн ўлчовида оддий чўзиқ ҳижога тенг, аммо талаффузда ундан бир озгина чўзикрок.

Эслаб қолинг: вазн схемасида мисранинг боши ва ўртасидаги ўта чўзиқ ҳижони алоҳида белгилашга ҳожат йўқ, унинг ўлчови: — v бўлади.

М и с о л (вазн схемаси: v — — — | v — — — | v — ~):

**Қа-динг деб сар<sup>1</sup>с-ни жон бўл<sup>1</sup>са хур-санд,  
А-жаб ёл-ғон<sup>1</sup>ду-р\_ам-мо рос<sup>1</sup>т-мо-нанд.**

**Келишув.** Бундан буён ўта чўзиқ ҳижо деганда фақат мисра бошида ва ўртасида келадиганларини тушунамиз, мисра охиридаги ўта чўзиқ ҳижо ҳақида гап кетганда буни алоҳида таъкидлаймиз.

Агар мисрада ўта чўзиқ ҳижо учрамаса (охиридагиси мустасно!) ундаги ҳижолар ва бўғинлар сони тенг бўлади. Мумтоз адабиётда бундай байтлар кўп, албатта, аммо ўта чўзиқ ҳижодан холи ғазал жуда кам учрайди. Бобурнинг мана бу шеъри шундай истиснолардан бири:

**Жа-мо-линг вас<sup>1</sup>фи-ни, эй Ой, <sup>1</sup>не-ча эл-дин <sup>1</sup>э-шит-гай-мен,  
Не кун бўл-ғай <sup>1</sup>ви-со-линг-ға <sup>1</sup>ме-ни дил-хас<sup>1</sup>та ет-гай-мен.**

**Та-рах-хум ю<sup>1</sup>зи-дин ю-зунг<sup>1</sup>ни кўр-мак-ка <sup>1</sup>бу-юр-гай-сен,  
Ху-ш\_ул-ким о<sup>1</sup>ра-зинг-ни кўр<sup>1</sup>га-мен, сў-зунг <sup>1</sup>э-шит-гай-мен.**

**И-тинг-дур-мен, <sup>1</sup>со-чинг зан-жи<sup>1</sup>ри-ни бўй-нум<sup>1</sup>га маҳ-кам қил,  
Ки во-ди-йи <sup>1</sup>фи-ро-қинг ич<sup>1</sup>ра кўр-қар-мен<sup>1</sup>ки йит-гай-мен.**

**Та-рах-хум қил<sup>1</sup>ма-санг ё боқ<sup>1</sup>ма-й\_ис-тиғ-но <sup>1</sup>би-ла ўт-санг,  
Та-зар-руъ қил<sup>1</sup>га-мен ё йиғ<sup>1</sup>ла-гай-мен, ўз<sup>1</sup>га нет-гай-мен.**

**Му-яс-сар бўл<sup>1</sup>ма-са бо-шим<sup>1</sup>ни қўй-моқ-лиғ <sup>1</sup>а-ё-ғи-ға,  
Бо-шим-ни оли-б\_эй Бо-бур, <sup>1</sup>а-ёқ ет-ган<sup>1</sup>ча кет-гай-мен.**

**Эслаб қолинг:** Мумтоз адабиётда тиниш белгилари қўлланмаган. Ҳозирги имлога мувофиқ тиниш белгиси, масалан, вергул ёки тире грамматик маъно нуқтаи назаридан тўғри қўйилган бўлса-да, аммо бу – ғазални ўқиганда шу жойда пауза қилиш кераклигини ёки ҳатто руқн чегараси бўлишини билдирмайди. Юқоридаги байтда **ёлғондур** ва **аммо** сўзлари орасида, кейинги ғазалда эса **олиб** ва **эй** сўзлари орасида, имлога кўра, вергул бўлиши лозим. Бироқ вергуллар қўйилиб, ўқиганда пауза қилинса,

“-дур” ва “-либ” ҳижолари чўзиқ бўлиб қолади ва вазнга путур етади.

## АРУЗ ВА БАРМОҚ ВАЗНИДА ЎЛЧОВ ТАФОВУТИ

Ўта чўзиқ ҳижо учрайдиган мисрада бўғинлар сони ҳижолар сонига тенг бўлмайди: ҳар бир ўта чўзиқ ҳижо бўғинлар сонини шунчага камайтиради.

М и с о л. (“*Фарҳод ва Ширин*”дан):

**Аларға ошкорою ниҳони,  
Кўз ичра ашқдек асратқил они.**

Достон 11 ҳижоли вазнда ёзилгани қайд этилган эди. Келтирилган байтда эса, ҳар икки мисра 10 бўғиндан иборат. Бу – ўта чўзиқ ҳижолар эвазига: биринчи мисрадаги ош-ко-ро сўзида ош- бўғини билан иккинчи мисрадаги ашқ сўзи ўта чўзиқ ҳижодан иборат. Демак, уларнинг ҳар бири икки ҳижо ҳисобига ўтади. Бу ҳолатни эътиборга олсак, мисралар 11 ҳижоли экани ойдинлашади:

А-лар-ға ош-ко-ро-ю | ни-ҳо-ни  
Кў-з\_ич-ра ашқ-дек ас-ратқил\_о-ни.

М и с о л. Навоийнинг машҳур ғазалидан дастлабки икки байт:

**Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,  
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.**

**Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин  
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.**

Биринчи байт (матлаъ)да ҳар икки мисра 15 бўғинли ва 15 ҳижоли, учинчи мисра эса... 13 бўғин. Сабаби яна равшан: биринчи ва иккинчи мисраларда ўта чўзиқ ҳижо



Ўшқ. Ушқунчи мисрада раса нини ра оқ ойбонин бун бўлганчи ра

Байт вазнини таҳлил қилайлик:

1. **Ишқ** ўта чўзиқ ҳижо, аммо унинг қисқа ҳижоси бўлган “қ” кейинги сўздаги “а” ҳарфи билан кўшилиб, жумла **иш-қ\_аҳ-ли-ни** тарзида талаффуз этилади, натижада ҳижолар сони ортмайди.

2. Икки бўғинли **орзу** сўзининг биринчи бўғини ўта чўзиқ ҳижо, шу боис бу сўз уч ҳижо беради: **о-р-зу**.

3. -манд бўғини ҳам ўта чўзиқ ҳижо, аммо у мисра охирида келгани учун, бир ҳижо ҳисобига ўтади. Шундай қилиб:

**А-нга иш-қ\_аҳ-ли-ни қил о-р-зу-манд,**  
**А-нинг бир-ла | а-лар-ни ҳам | ба-ру-манд.**

Навбатдаги қоида чекловчи эмас, енгиллаштирувчи табиатдли:

*Арузнинг тўртинчи қоидаси:*

**қофияланмайдиган мисраларнинг охириги ҳижоси қатъий тартибда такрорланиши шарт эмас – мисра охирида чўзиқ ҳижо билан ўта чўзиқ ҳижо аралаш келиши, улар қаторида ҳатто қисқа ҳижо қўлланиши ҳам жоиз.**

М и с о л (“*Ғаройиб ус-сизар*”, 352-газал):

...

Ду-ди о-ҳим | сар-ғ-дек чик<sup>1</sup>ти-ю гул-гун | бўл-ди ашқ,  
Қил-га-ли тар<sup>1</sup>ки ва-фо сар<sup>1</sup>ви гу-лан-до<sup>1</sup>мим менинг.

...

До-на-и тас<sup>1</sup>би-ҳ май-ли | ай-ла-мас кўнг<sup>1</sup>лум ку-ши  
Риш-та-и зун<sup>1</sup>но-ри зул-фунг<sup>1</sup> | бўл-га-ли до<sup>1</sup>мим ме-нинг.

Эй На-во-ий, | мен-де-к\_ул бут<sup>1</sup> кў-йи со-ри | кир-ма-ким,  
Куф-р\_и-ла бўл<sup>1</sup>ди ба-дал бу | йўл-да ис-ло<sup>1</sup>мим ме-нинг. (ҒС)

Бу ғазалда тоқ рақамли мисралар охирида келаётган “**ашк**” – ўта чўзиқ, “**-ши**” – қисқа, “**-нинг**”, “**-ким**” – оддий чўзиқ ҳижолардир. Улар айнан мисра охирида келгани учун чўзиқ-қисқалиги вазнга ҳам, оҳангдорликка ҳам таъсир этмайди.

## ҲИЖО ҚИСҚАРИШИ

Юқорида кўрилган мисолларда бир ҳижонинг охиридаги ундош ундан кейин келадиган ва унли билан бошланадиган ҳижога ўтиш ҳодисаси кузатилди. Уни ундош кўчиши деб атаймиз. Энди бу ҳодисага батафсилроқ тўхтайлик.

Ундош кўчиши дунёнинг кўп тилларига хос (жумладан, француз тилида муҳим ўрин тутади). Ўзбек ва форс тилларида ҳам мунтазам учрайди: бор, э → бо-ре, кўп ажиб → кў-па-жиб, ёш оқизди → ё-шо-қизди, ёд этгил → ё-дет-гил, келсанг эди → кел-са-нге-ди, келиб ол → ке-ли-бол, қўй, энди → қў-ен-ди, ўн икки → ў-ник-ки, бош оғриқ → бо-шоғ-риқ; даст аввал → дас-тав-вал, дил афгор → ди-лаф-гор, пеш айвон → пе-шай-вон, намак об → на-ма-қоб, ғам-алам → ға-ма-лам; ҳей, ука → ҳе-ю-ка, ахлоқ-одоб → ах-ло-қо-доб, обод эт → о-бо-дет, баҳор айёми → ба-ҳо-рай-ё-ми ва ҳ.к.

Аруз вазнида ундош кўчиши муҳим роль ўйнайди. Чунки ундош кўчиши натижасида ўта чўзиқ ҳижо оддий чўзиқ ҳижога айланади; агар ундош узатган ҳижо оддий чўзиқ бўлса, у қисқа ҳижога айланади (ҳар икки ҳолда ҳам ундош қабул қилган ҳижонинг чўзиқлиги ўзгармайди). Масалан, юқоридаги ғазалнинг сўнгги байти (мақтаъи)да -дек оддий чўзиқ ҳижосининг “к” ҳарфи кейинги “ул” ҳижосига кўчиши туфайли қисқа -де- ҳижосига айланди, **куфр** ўта чўзиқ ҳижо, аммо унинг “р” ҳарфи ила сўзига ўтиб, **куф**- оддий чўзиқ ҳижосига айланди.

Лозим ҳолда ундош кўчишига амал қилинмаса, ёки аксинча, ундош кўчмаслиги лозим ҳолда, кўчирилгудай бўлса, вазн бузилади.

**М и с о л:**

**Гулшан этгим ишқ саҳросин самуми оҳдин  
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.**

Гулшан сўзининг ҳар икки ҳижоси оддий чўзиқ ва шу шаклда вазнга тушмайди, аммо бу ерда “н” ҳарфи “эт-” ҳижосига ўтиши натижасида, “-шан” қисқа ҳижога айланади: **Гул-ша-н\_эт-тим.**

Дашт сўзи ўта чўзиқ ҳижо, лекин **аро** сўзи таъсирида у оддий чўзиқ ҳижога айланади: **Даш-т\_а-ро.**

Ким, эсар иборасида бу ҳодиса рўй бермайди, яъни **ким** сўзининг “м” ҳарфи “э” билан қўшилмайди, чунки бу ҳолда биринчи ҳижо “ки”га айланиб, қисқариб қолар ва вазн бузилар эди.

Этгим сўзининг “м” ҳарфи ҳам кейинги **ишқ** сўзига кўчмайди – бу энди бошқа сабаб туфайли: **ишқ** сўзи аслида “ъ” (айн) ундоши билан бошланади (ушбу боб иловасига қ.).

Мана бу байтдаги ундош кўчишларига диққат қилинг.

Эй **На-во-ий**, | ҳал-қ дер: жон | бе-ру ё ке<sup>1</sup>ч\_иш-қи-дин,  
Гар-чи бу душ<sup>1</sup>во-р\_э-рур, ле<sup>1</sup>ки-н\_ул\_о-сон<sup>1</sup>дур ма-нго.

Диққат қилинг: ул сўзининг ҳар икки томонида ундош кўчмоқдаки, бу ҳам вазн маҳоратига намуна.

Шундай қилиб ундош кўчиши ва бўғин қисқариши ҳодисаси ҳар доим қатъий содир бўлавермайди. Эски ёзувда бу ҳодиса махсус восита – васла белгиси билан кўрсатилган. Ҳозирги ёзувда қачон ундош кўчади-ю, қачон кўчмайди – умумий қоида мавжуд эмас. Лекин мутлак кўпчилик ҳоллар учун қуйидаги тавсиялар кифоя:

1. Келиб чиқишига кўра туркий сўзларнинг биринчи харф унли бўлса, одатда унга ундош кўчади.

М и с о л:

Э-рур чун ола-м\_ич-ра жо-х фоний, ях-ши от – бо-кий,  
Ба-с\_эл ко-мин | раво ай-ла | ў-зунг-ни ко-м-рон кўр-гач.

(Шоҳ – мансаб, мартаба; фоний – ўткинчи, омонат; бокий – абадий, асил; ком – истак, мақсад, саодатга интилиш; комрон – ўз мақсадига эришган, бахтли).

Ғоят мазмундор бу байт вазни

√ — — — | √ — — — | √ — — — | √ — — —

Ундош кўчишлар:

чун олам иборасида “н” ундоши “о”га кўчмайди –  
чун ҳижоси қисқариб қолар эди,

олам сўзининг “м” харфи ичра сўзига кўчиши  
туфайли “лам” чўзиқ ҳижоси қисқаради,

худди шу ҳодиса бас, эл иборасида ҳам содир  
бўлмоқда.

Яна бир м и с о л:

Васл\_аро парвона ўртанди, ҳамоно билдиким,  
Қилғудекдур субх\_ани шамъи шабистондин жудо

– ундош кўчиши оқибатида васл ва субх ўта чўзиқ  
ҳижолари оддий чўзиқ ҳижога айланган.

2. Арабча “ал-“ олдкўшимчаси (аниқлик артикли)  
билан бошланган сўз ўзидан олдин келган ҳижонинг  
охиридаги ундошни албатта ўзлаштиради. Бу қоида,  
табиий, “ал-“ кўшимчасининг “ан-”, “ар-”, “ас-”, “аз-”, “ат-”,  
“ап-“ ва уларнинг турланган шакллари бўлмиш “ул-“,  
“ил-“, “ун-“, “ир-“ ва ҳоказоларга ҳам тааллуқли.

Мисол (“*Лисон-ут-тайр*”дан):

Он-да Сул-тон | со-йи-м\_уд-дахр |\_эр-ди кун,  
Ул-си-фат-ким | қо-йи-м\_ул-лай |\_л\_эр-ди тун

– бу байтда “сойим ал-дахр” (доим рўза тутувчи) ва “қойим ал-лайл” (тунлари бедор бўлиб ибодат қилувчи) иборалари ҳамда дostonнинг “Лисон ат-тайр” номидаги “ал-“ кўшимчалари бош келишиқда “уд-” ва “-ул” шаклига кирган ҳамда олдинги ҳижодан ундош қабул этган.

Мисол:

Жуз Навоий бориға жоми каромат туттунг,  
Айю-ҳ\_ас-соқий, ми-н\_ул-каъси фано ай-н\_ул-ано? (ҒС)

Бу хосса **Бис-мил-ло-ҳир-рах-мо-нир-ра-ҳийм** оятида уч марта қўлланади: бисми ал-илоҳи → бисмиллоҳи, бисмиллоҳи ар-рахмони → бисмиллоҳир-рахмони → бисмиллоҳиррахмони ар-раҳийми → **Бисмиллоҳир-рахмонир-раҳийм**.

Машиқ. Навоий асарларининг номларида ундош кўчиш ҳолларини санаб чиқинг. Масалан, “Маҳбуб ал-қулуб” → Маҳ-бу-б\_ул-қу-луб.

3. Араб тилидан ўзлашган сўзлар “айн” ундоши билан бошланса, ўзбек имлосида ёзилганда ташлаб кетилади, натижада бу сўзлар ҳозирги ёзувда гўё унли билан бошланади. Ҳолбуки, аслида бу сўзларнинг биринчи ҳарфи ундош экан, олдинги ҳижодан ундош кўчмайди. Бу қоида қисман “ҳамза” ундоши билан бошланадиган сўзлар учун ҳам ўринли (*Иловага қ.*).

Мисол: **Гул узор** – бу иборада “л” ҳарфи кейинги ҳижога кўчмайди, чунки **узор** сўзи “айн” билан бошланади. Шу жиҳатдан уни **гулъузор** шаклида ёзиш ва ўқиш тўғри. Бордию “ъ” эътиборга олинмаса, яъни, “л” ҳарфи “узор” сўзига кўчса, гул ҳижоси қисқариб қолади.

М и с о л: Аҳад (“бир”) сўзи “ҳамза” билан бошланиб, унда ҳам ундош кўчиши ҳодисаси рўй бермайди. Шу боис Абдул’аҳад деб ўқилиши лозим, Абду-лаҳад эмас.

4. Бошқа ҳолларда ундош кўчиши ҳам, кўчмаслиги ҳам мумкин – бу вазндан келиб чиқиб аниқланади.

М и с о л (“*Ғаройиб ус-сизар*”, 8- ва 18-газаллардан):

Шаҳ·га сид·қ ах<sup>1</sup>ли да·ми·дин<sup>1</sup> маш·ъа·ли дав<sup>1</sup>лат ё·рур,  
Меҳ·р·дек·ким,<sup>1</sup> суб·ҳ ан·фо·си о·чар талъат а·нга.

Гар ка·ло·минг<sup>1</sup>ни Ма·си·х ан·фо·си де·дим,<sup>1</sup> эй ҳа·биб,  
Ай·б қил·ма·ким, га·лат го·ҳе ту·шар “Қуръо·н” а·ро,

– биринчи байтда **анфос** (нафаслар) сўзига ундош кўчмаган, иккинчи байтда эса кўчган **Масих** сўзининг иккинчи ҳижоси – ўта чўзиқ!

## АРУЗДА ИНТЕРНАЦИОНАЛ СЎЗЛАР

Туркий тилларда (араб ва форс тилларида ҳам) бўғин икки ва ундан ортиқ ундош билан бошланмайди: ё унли билан, ёки бир ундош билан бошланади. Масалан, Навоий асарларида Искандар исми вазн тақозоси билан баъзан Скандар ёзилади. Аслида бу ҳолда “С” дан кейин қисқа унли талаффуз этилади, яъни “С” ҳарфи қисқа ҳижо ташкил этади. Ҳозир тилимизда учрайдиган кўплаб интернационал сўзларда бўғин бошида ҳам кетма-кет ундошлар ёзилаверади. Уларни шу ҳолатда арузга солиб бўлмайди – бунинг учун керакли ўринларда қисқа унлилар кўшиб ёзиш ва ўқиш керак.

М и с о л л а р. **психика** – п<sub>я</sub>·сий·хи·ко, **спектр** – ис·пек·тир, **программа** – п<sub>я</sub>·раг·рам·му ёки пий·ро·ги·рам·ма, **стратегия** – ис·ти·ра·те·ги·ё, **контрстратегия** – кон·тир·ъис·ти·ра·те·ги·ё ва ҳ.к. 20-аср

бошларида **кровать**– каравот, **стакан** – истакон, **трактор** – тарактур шаклида айтилгани ҳам шундан.

М и с о л: Ғафур Ғулумнинг мана бу ғазалида (“Шарк юлдузи”, 1966 йил, №11-12) Европа тилларидан кирган сўзлар қандай арузга мосланганига эътибор беринг:

Эй у·ка, бир | кел·са·нгиз ҳам | бе·ма·лол ай|лаб ке·линг,  
Ам·ри·қо зо|лим·ла·рин ум|рин за·вол ай|лаб ке·линг.

Но·з\_и·ла бир|·бир бо·сиб, а|том ре·ак·тур|ни кў·риб,  
Хи·ми·я ил|ми·да до·ниш|ни ка·лом ай|лаб ке·линг.

Бир ра·кет от|моқ би·лан ав|жи фа·лак·ка | ет·ка·зиб,  
Мо·ҳи·то·бон|ни я·на со|ҳиб·жа·мол ай|лаб ке·линг.

Аг·ра·нум·лар|дай бо·қиб бер|зен·т\_э·тик·лар|ни қо·қиб,  
Чак·ка·га пах|та та·қиб, ши|рин ма·қол ай|лаб ке·линг.

...

Ер ю·зи·да | шуҳ·ра·т\_ол·ди | “Пах·та·кор” фут|бол·чи·лар  
Бир те·пиб фо|шис·т\_э·лин син|ган са·пол ай|лаб ке·линг.

То·ш·кан·га | ет·ка·зиб Жар|қоқ·Бу·хо·ро | газ·зи·ни,  
Ан·э·рен·да | ГЭС қу·риб, сув|ни зи·лол ай|лаб ке·линг.

Лай·н·циг шах|ри·да·ги шах|мат ў·йин·да | зўр чи·қиб,  
Бур·жу·о шах|мат·чи·син “Мот” | деб у·вол ай|лаб ке·линг.

...

Зо·ра сиз ҳам | бу са·фар тил|ло за·йўм·дан | ют·са·нгиз,  
Ел·ва·гай ай|лаб са·фар, шар|қу ши·мол ай|лаб ке·линг.

### “Кўнгул”

Ўзбек тилидаги асосий товушлардан бири – “нг”. Бу товуш инглиз тилида бор: **Инглиш, мониторинг,**



**Вашингтон** ва ҳ.к. Рус тилида бундай товуш йўқ, шу туфайли юқоридаги сўзлар Ин-г-лиш, мониторинг-г, Вашинг-г-тон каби битта “г” орттириб талаффуз этилади. “Нг” товуши араб тилида ҳам йўқ. Эски ўзбек ёзувида у, қарийб ҳозиргидай, икки ҳарф билан “нк” тарзида ёзилган. Шу туфайли мумтоз адабиётда “нг” бирикмаси икки хил равишда учрайди.

Айрим ҳолларда у икки ҳарф сифатида келади.

М и с о л:

**Оғ-зи-дин** чиқ|қан ҳа-ди-си | но-зу-ку ранг|гин-ни бил,  
**Лаъ-л** суф-ти|дин чи-қар-ған | риш-та-дур ранг|ги қизил.(ҒС)

Мана бу мисолда **ранг** сўзи ўта чўзиқ ҳижо бўлиши яна ҳам яққолроқ кўринади:

**Ша-ҳи-д** ўл-сам | ли-бо-си ло|ла-гун сар-ви | ра-во-ним-дин,  
**Я-санг** қаб-рим | у-за ми-ле, | бў-янг гул-ранг2 қо-ним-дин.(ҒС)

Одатда бу тоифа “нг” тайин нарсани билдирувчи турдош отлар ўзагида келади: **ранг, чанг, жунг** (катта кема, корабль) ва б. Шунингдек, **гул-шан-га, майдон-га** ва ҳ.к.; **ла-бинг-га, қо-ма-тинг-га** ва ҳ.к., **тин-ган, сўн-ган** ва ҳ.к. (сифатдошлар), **лан-гар, тан-га,** ва ҳ.к.; форсчадан ўзлашган сўзларда: **ан-гушт, мотаман-гиз, ан-габин, сан-гин, шин-гарф** ва ҳ.к.

Айни пайтда юқоридаги мисолда **ясанг, бўянг** сўзларида “нг” бир ҳарф ўрнида келаётганини кўрамиз.

Эслаб қолинг: Мумтоз адабиётда “нг” асил туркий сўзларда деярли ҳар доим бир товуш бўлиб, ажралмас бир ҳарф вазифасида келади.

Мисоллар. **Анг-ламоқ,** анг-г-ламоқ эмас, **инг-мак** (истамоқ), ин-г-мак эмас, **му-нгуз,** мун-гуз эмас (ҳайвон шохи), **и-нгич-ка,** ин-гичка эмас ва ҳ.к.

Э-нги гул-зо<sup>ри</sup>-да кўп ранг<sup>1</sup> и-ла бу,  
Ла-би ай-нул<sup>1</sup>-ҳа-ё-ти-дин<sup>1</sup> и-чиб сув. (ФШ)

Энг бир-ла<sup>1</sup> ме-нинг ях-ши,<sup>1</sup> са-қо-гинг<sup>1</sup> ях-ши. (ФС)

Оддий нутқда кўпинча “нг” қандай талаффуз қилинишининг аҳамияти йўқ, аммо арузий шеърларда бу муҳим – “нг” икки ҳарфга ўтган жойда бир товуш билан ўқиш ҳам нотўғри, ва аксинча, бир ҳарфга ўтган жойда иккига бўлиб ёки “г” орттириб ўқиш ҳам нотўғри бўлади.

Қайси ҳолда қандай ўқилишини аниқлаш эса қийин эмас.

Қиёслаш учун м и с о л: сўнг сўзида “г” орттирилса, маъноси ўзгариб кетади: сў-нги – охири, ниҳояси, агар у сўн-ги деб ўқилса, талаффузда сўнг-ги чиқади ва охирги, ниҳоясидаги дегани бўлади. Шу каби – то-нги ва тонг-ги.

Жуда тор бу мавзуга алоҳида тўхталишимизнинг боиси шуки, 20-асрнинг иккинчи ярмидан “нг” товушини ҳамма жойда “н” + “г” тарзида иккига бўлиб ёки “г” орттириб “нг” + “г” тарзида талаффуз қилиш одатга айланди: си-нгил ўрнига син-гил ёки синг-гил, кели-нгиз ўрнига келин-гиз, ми-нгинчи ўрнига мин-гинчи, “иши-нгиз ў-нгидан келсин” дейиш ўрнига “ишин-гиз, ўнг-гидан келсин” ва ҳ.к. Масалан, ҳозир ен-гил деб талаффуз қилиш табиий бўлиб кетган. Ҳолбуки,

Эй а-жал, кўй<sup>1</sup>-и-да бо-шим<sup>1</sup> қил о-ғир-ким,<sup>1</sup> ай-ла-миш  
Ҳаж-р аш-ким<sup>1</sup> сай-ли-н\_ил-дам,<sup>1</sup> заъ-ф жис-мим<sup>1</sup>ни е-нгил (ФС)

– бу байтни ен-гил дея якунлаш мумкин эмас, вазн бузилади, енг-гил дея талаффуз этилса, вазн бузилишидан ташқари маъно ҳам ўзгариб кетади: енгмоқ феълининг буйруқ майлида “заъифлик, жисмимни енгиб қўя қол” маъносчи ҳосиб бўлади.

Енгил сўз-ку жуда кам учрайди. Аммо бузиб ўқилаётган сўзлар сирасида мумтоз шеърятда муҳим ўрин тутувчи кўнгил сўзи борлиги жуда афсусланарли.

**КЎНГУЛ** сўзи ўзбек мумтоз адабиётида, айниқса Навоий ва Бобур шеърларида энг кўп учрайдиган сўзлардан биридир. Хусусан, “Хазойин ул-маоний”да 16 та “кўнгул” радифли ғазал бор!

**Эслаб қолинг:** Мумтоз адабиётда кўнгил сўзи ҳамма ерда √ — қолипида ишлатилган ва у ҳар доим кўн-гил эмас, кў-нгил ёки кў-нгул тарзида талаффуз этилиши лозим.

**М и с о л:** Мана бу байтни кўнгул сўзини аввал кў-нгул тарзида, сўнг кўн-гил ёки кўнг-гул тарзида ўқиб, қиёсланг:

**Ях·ши·лиғ аҳ<sup>1</sup>ли жа·ҳон·дин<sup>1</sup> | ис·та·ма Бобур ки·би,  
Ким кў·руб·тур, | эй кў·нгул, аҳ<sup>1</sup>ли жа·ҳон·дин<sup>1</sup> | ях·ши·лиғ?!**

Шу сингари, аруз шеърятда: ме·нга (мен-га эмас), ма·нго, қил·са·нгиз (қил·санг·гиз эмас), сў·нгак (сўн·гак эмас) ва ҳ.к.

**М и с о л** (“Фавойид ул-кибар”дан):

**Шук·р\_э·рур, эй<sup>1</sup> кўз·ки, ҳар ўқ<sup>1</sup>ким о·тар ул<sup>1</sup> қо·ши ё,  
Ё са·нго·дур, | ё ба·ғир·ға, | ё кў·нгул·ға, | ё ма·нго.**

**М и с о л** (Бобур “Девон”идан):

**То ё·р ким<sup>1</sup>ни ис·та·ру | кўнг·ли·га ким<sup>1</sup> ё·қар,  
Таш·ви·ш бе·жи·хат·ту·рур | о·хир са·нго, | ма·нго.**

**Бошқа м и с о л:**

**Мен чу ўл·дум | ё·шу·руб иш<sup>1</sup>қин, га·р\_эм·ди | сўр·са ёр,  
Ҳо·ла·тим·ни | сиз не бил·ган<sup>1</sup>ни де·нгиз, ё·шур·ма·нгиз (БВ)**

– иккинчи мисрадаги “нг” товушларини асло иккига бўлиб бўлмайд.

Куйидаги мисраларда “нг” турли ўринларда турлича талаффузда келади:

Бо-*ги* хус-ну<sup>г</sup>нг<sup>1</sup>ким зу-л\_оч-ти<sup>1</sup> ран-г-ран-г, эй<sup>1</sup> муғ-ба-ча... (FC)

Бе-*на*-во кўн<sup>г</sup>лум-ни ғам чан<sup>г</sup>ти-ди-н\_о-зо<sup>1</sup>д\_ай-ла-нгиз. (Бобур)

“Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 1988 йилги нашридаги 486 рақамли ғазал шундай яқунланган:

**Ҳар не ёзмиш оллингга килки қазо кўрмак керак,  
Эй Навоий, қочмоқ ўлмас тенгрининг тақдиринин.**

Бу ерда оллингга сўзи оллингга шаклида ёзилиши ва ол-ли-нга ўқилиши керак, уни ол-линг-га ёки ол-лин-га деб ўқиш тўғри эмас:

Ҳар не ёз-миш<sup>1</sup> ол-ли-нга кил-ки қазо кўр-мак ке-рак,  
Эй На-во-ий,<sup>1</sup> қоч-мо-қ ўл-мас<sup>1</sup> Тенг-ри-нинг тақ-ди-ри-дин.

## АРУЗИЙ ШЕЪРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШГА ТАЙЁРЛАШ

Аруз вазнида ёзилган шеърни ҳар доим ҳам бир ўқишда ифодали чиқариш осон эмас. Бундай малака анча-мунча машқ ва амалиётдан сўнг ҳосил бўлади. Шунинг учун кўпинча даставвал шеърни ўқишга тайёрлаб олишга тўғри келади. Бу, масалан, куйидаги йўсинда бажарилади.

**1-босқич. Қисқа, чўзиқ ёки ўта чўзиқ эканлиги аниқ бўлган ҳижоларни ҳамда аниқ ундош кўчган ҳолларни қайд этиб чиқамиз.**

М и с о л (қисқа ҳижолар курсив, чўзиқ ҳижолар оддий шрифт билан ажратилган, ўта чўзиқ ҳижолар остига кўшчилик тортилган, ундош кўчиши аниқ бўлган ҳоллар ҳам белгиланган. Шу билан бирга қисқа-чўзиқлиги вақтинча номаълум ҳижоларга ? белгиси билан қўйилган).

Ғазалда<sup>?</sup> уч ки<sup>?</sup> ши<sup>?</sup> таври<sup>?</sup> дур\_ул навъ,  
Ким, андин яхши<sup>?</sup> йўқ назм\_эхтимоли<sup>?</sup>.

Би<sup>?</sup>ри<sup>?</sup> муъжиз баёнлиғ сохи<sup>?</sup>ри хинд  
Ки, (ъ)ишқ\_аҳли<sup>?</sup>ни<sup>?</sup> ўртар сўзу холи<sup>?</sup>.

Би<sup>?</sup>ри<sup>?</sup> Ийсо нафаслик ринди Шероз,  
Фано дайри<sup>?</sup>да<sup>?</sup> масту<sup>?</sup> лоуболи<sup>?</sup>.

Би<sup>?</sup>ри<sup>?</sup> қудси<sup>?</sup> асарлик (ъ)ори<sup>?</sup>фи Жом  
Ки жоми Жамду<sup>?</sup>рур синған сафоли<sup>?</sup>.

Навой назми<sup>?</sup>ға<sup>?</sup> боқсанг<sup>?</sup> эмастур  
Бу<sup>?</sup> учнинг холи<sup>?</sup>дин ҳар байти<sup>?</sup> холи<sup>?</sup>.

Ҳамоно кўзгу<sup>?</sup> дурким, (ъ)акс солмиш  
Анга<sup>?</sup> уч шўх<sup>?</sup> маҳвашнинг жамоли<sup>?</sup>.

**2-босқич.** Ҳижолари аниқланган рукнларни топиб, бошқа рукнларни улар билан таққослаймиз ва ? белгили ҳижоларнинг чўзиқ-қисқалигини аниқлаймиз.

Хусусан, кўрилаётган мисолда “Навой наз-“ жумласида ҳижола тартиби √ — — — эканлиги аниқ. Бу тўрт ҳижо биринчи рукни ташкил этади\*. Иккинчи-тўртинчи байтлардаги “баёнлиғ со-“, “нафаслик рин“ ва “асарлик о-“ жумлалари ҳам худди шу √ — — — тартибида бўлиб, иккинчи рукни ҳосил қилади. Демак, охирги мисрадаги шўх сўзи ўта чўзиқ ҳижодан иборат.

Учинчи рукн уч ҳижоли бўлиб, биринчиси қисқа, иккинчиси чўзиқ эканлиги кўриниб турибди. Охирги ҳижо эса аралаш келяпти, юқорида айтилганига кўра, уни чўзиқ деб олиш мумкин: √ — —.

---

\*Шеър рукнларини аниқлаш *тақтиъ* деб аталади. Бу амалга қуйироқда тўхталинади.

Ниҳоят, бешинчи байтда боқсанг сўзининг “нг” ҳарфи кейинги ҳижога ўтиши ҳам, ўтмаслиги ҳам мумкин – бу вазнга таъсир этмайди. Натижа:

√ — — — | √ — — — | √ — —  
*Ға-зал-да уч | ки-ши тав-ри|ду-р\_ул навъ,  
 Ки-м\_ан-дин ях|ши йўқ наз-м\_эх|ти-мо-ли?*

*Би-ри муъ-жиз | ба-ён-лиғ со|ҳи-ри хинд  
 Ки, иш-қ\_ах-ли|ни ўр-тар сўзу хо-ли.*

*Би-ри Ий-со | на-фас-лик рин|ди Ше-роз,  
 Фа-но дай-ри|да мас-ту лоу-бо-ли.*

*Би-ри қуд-си | а-сар-лик о|ри-фи Жом  
 Ки жо-ми Жам|ду-рур син-ған | са-фо-ли.*

*На-во-ий наз|ми-ға боқ-санг | э-мас-тур  
 Бу уч-нинг хо|ли-дин ҳар бай|ти хо-ли.*

*Ҳа-мо-но кўз|зу-дур-ким, (ъ)ак|с сол-миш  
 А-нго уч шўх маҳ-ваш-нинг | жа-мо-ли.*

И з о ҳ: Бу қитъада Навоий ўзининг шеърларига уч сифат хослигини таъкидламоқда: 1) мукаммал шаклнинг гўзаллиги; 2) самимий туйғунинг юксаклиги; 3) орифона мазмуннинг чуқурлиги. Ўқувчи қўлидаги рисола мана шу уч хусусиятдан биринчисига, шунда ҳам атиги шакл гўзаллигининг энг бошланғич нуқтаси бўлмиш вазн мукаммаллигига бағишланган.

Навоийхонлик бу – унинг назмий меросидаги ана шу уч жиҳатни англаб етишга интилиш ва завқ олишга муяссар бўлишдир.

Ғазални ўқишга тайёрлаш жараёнининг муҳим учинчи босқичи – ундаги сўз ва иборалар маъносини чақиш, луғатга, керак бўлса, навоийшуносларга мурожаат этиш.

Мисол учун луғат:

тавр – 1) тарз, йўсин; 2) одат;

муъжиз – оживлантирувчи, ҳайратга солувчи, муъжизакор;

**соҳир** – сеҳрловчи, гипнозчи; **Соҳири хинд** – шоир Амир Хусрав Деҳлавий;

**ринд** – кайфга, ишратга берилган; **Ринди Шероз** – шоир ва сўфий Ҳофиз Шерозий;

**дайр** – бутхона, кўчма маънода – майхона, **фано дайри** – бу ўткинчи, бевафо дунё;

**лоуболи** – бепарво, лоқайд (**Фано дайрида масту лоуболи** – ўткинчи дунё ҳою-ҳавасларига бефарқ, ўз ишқи билан маст, яъни ўз тариқатига берилган);

**қудс** – муқаддаслик;

**асар** – хусусият;

**Жом** – Ҳирот яқинидаги қишлоқ; **Орифи Жом** – Абдурахмон Жомий;

**Жам** – афсонавий Эрон шоҳи Жамшид; **жоми Жам** – Жамшиднинг қимматбаҳо олтин (айрим ривоятларга кўра, сеҳрли) жоми, қадаҳи.

## **ҲИЖО ВА РУКНЛАР ТАЛАФФУЗИНИНГ ВАҚТ ДАВОМИЙЛИГИ**

Арузий шеърни ўқиганда ҳижоларни қисқа-чўзиқ талаффузига амал қилиш керак, албатта. Бунда чўзиқ ҳижонинг талаффуз вақти тақрибан, шартли равишда 1 секунд, қисқа ҳижонинг талаффуз вақти эса, унинг ярмича – тақрибан ярим секунд бўлиши лозим.

Хўш, ўта чўзиқ ҳижонинг талаффуз вақти-чи? Вазн ўлчовида бундай ҳижо битта чўзиқ ва битта қисқа ҳижога тенг юришини айтган эдик. Бундан ўта чўзиқ ҳижонинг талаффузи тақрибан бир ярим секунд давом этиши лозимлиги келиб чиқади. Лекин бу дегани – бир ярим секундли битта ҳижо дегани эмас, ҳижолар бари бир иккиталигича қолиши шарт.

Шунингдек, ўта чўзиқ ҳижони битта чўзиқ ва битта қисқа ҳижо тарзида талаффуз этиш ҳам тўғри бўлмайди. Биринчидан, ўта чўзиқ ҳижонинг иккинчи, яъни қисқа ҳижоси ҳар доим битта ундош товушдан иборат бўлади, уни эса, қисқа очиқ бўғин сингари ярим секунд давомида

талаффуз қилиб бўлавермайди. Иккинчидан, бунинг имкони бўлган тақдирда ҳам шеър ифодали чиқмайди. Мисол учун, “ёр” сўзни “ё-ррр” ёки “ё-ри” деб ўқиш мақбул эмас. Бу ҳолатдан чиқиш учун қуйидаги қондани қабул қиламиз:

**Ўта чўзиқ ҳижонинг биринчи (яъни, чўзиқ) ҳижоси тақрибан биру чорак секунд давомида, қисқа ҳижоси эса тақрибан чорак секундда талаффуз қилинади.**

Бу қондани “**биру чорак ва чорак қондаси**” деб атаймиз. Уни қўллаш натижасида ҳижолар сони ҳам сақланади, мисраларни ўқишга сарфланадиган вақт давомийлигига ҳам риоя қилинади – тақрибан бир ярим секунд бўлади.

Ўта чўзиқ ҳижолар – арузни қийинлаштириш учун ўйлаб топилган, сунъий нарса эмас. Аксинча, айнан ўта чўзиқ ҳижолар талаффуз хусусиятига кўра аруз вазнига ўзига хос оҳангдорлик, жозиба бахш этади. Арузий шеърда ўта чўзиқ ҳижоларнинг камлиги уни мана шу маънода қашшоқлаштиради.

Хуллас, айнан ўта чўзиқ ҳижолар ва уларнинг ўзига хос талаффузи арузни аруз қилувчи муҳим омилдир.

Энди рукни ўқишга келайлик. Рукн талаффузининг давомийлиги ҳижолар вақтидан таркиб топади. Бунда аруз вазнида шундай қонун кучга эга:

***бир рукн бир нафас олиб чиқариш давомида талаффуз қилинади.***

Худди шу сабабли тўрт ҳижодан иборат рукнли вазн кенг тарқалган: унинг талаффуз давомийлиги 3-3,5 секундга тенг бўлиб, айнан нафас ритмига мувофиқ. Беш







ҳижоли рукнлар талаффузи 4 секундни ташкил этиб, хотиржам нафас олишга мос келади, уч ҳижоли рукнлар эса 2-2,5 секундни ташкил этиб, бир оз тез нафасга мос тупади. Бир ва икки ҳижоли рукнлар асосан мисра охирида учрайди ва уларнинг кетидан пауза келгани учун, талаффузи қанча давом этиши у қадар муҳим эмас.

Яна бир муҳим қоида:

**бир рукннинг кетидан иккинчи рукнга  
пауза билан эмас, балки рукнаро ун билан  
ўтилади**

Рукнаро оралик ун, сўнгги ҳижонинг ёпиқ ёки очиклигига қараб, тақрибан нимчорак секунддан ярим секундгача бўлиши мумкин.

Юқорида айтилганларни диаграмма тарзида қуйидагича тасвирлаш муайян тасаввур беради:

-  – чўзиқ ҳижо,  $\approx 1$  секунд,
-  – қисқа ҳижо,  $\approx \frac{1}{2}$  секунд,
-  – бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижо,  $\approx 1 + \frac{1}{2} = 1\frac{1}{2}$  секунд,
-  – ўта чўзиқ ҳижо,  $\approx 1\frac{1}{4} + \frac{1}{4} = 1\frac{1}{2}$  секунд.

**М и с о л** (*Шириннинг Фарҳодга номасидан*):

Де-мон бир шамъи-дин пар-во-<sup>|</sup> на со-ри,  
 Са-ман-дар-дин<sup>|</sup> би-р о-таш-хо-<sup>|</sup> на со-ри,  
 Ки яъ-ни мен<sup>|</sup> за-и-фи хас-<sup>|</sup> та жон-дин,  
 Ма-ло-лат қал-<sup>|</sup> ья-си-ға по-<sup>|</sup> с-бон-дин,

Са-нга-ким қалъа-нг ўл-миш кў<sup>1</sup> хи ан-дух,  
 Га-му дар-ду | фи-ро-қинг кў<sup>1</sup> х то кўх.  
 На-дур ах · во-ли-нг эй зо · ри га-ри-бим,  
 Ви-со-лим дав-ла-ти-дин бе-на-си-бим?

М и с о л (“*Ғаройиб ус-сигар*”дан):

Вай-ро-на · е | дур мас-ка-ним, | ан-дин ман-га | бис · ё-р ғам,  
 О · хим би-ла<sup>1</sup> | э · шик-та ўрт, | аш-ким би-ла<sup>1</sup> | де · во-р нам.  
 Нў-ши-ди-н эл-га | гуф · ти · гў, | эй хаж-р, | и-чар мен ме-н о · ғу,  
 Ко-ш ўл-са-му<sup>1</sup> | кўнг-лум-ни бу<sup>1</sup> | ан · ду · х · дин<sup>1</sup> | кут · ко · р-сам.  
 Қил иш-к дай<sup>1</sup> | ри-да ма-қар, | сук · ко-ни-ға | сол-ғил на-зар,  
 Ким, бор бу маж<sup>1</sup> | маъ ич-ра ҳар | дур-дий-ка-ши | ҳам · мо · р Жам.  
 Ҳар ер-ки ан-да | бир на-фас, | иш-рат-қа топ | сам дас-т-рас,  
 Юз қат-ла ай<sup>1</sup> | лар · мен ҳа-вас | ким, бўл-са эр<sup>1</sup> | ди ё-р ҳам.  
 Со-кий, бу-гун | май-ни у · нут, | мен-дек да · ме | ху · но · ба ют,  
 Мут-риб на-во<sup>1</sup> | йи нав-ҳа тут, | со-зинг-ға боғ<sup>1</sup> | ла то · р бам.  
 Де-сам-ки, эй<sup>1</sup> | бад-меҳ · р ў-ғул, | ю-зунг кў-риб<sup>1</sup> | ой тут · ти йўл,  
 Дер: Ер ку-йи | гар бор-ди ул, | бир шаб-ра-ви | ай · ё-р кам.

Мис·кин На·во<sup>1</sup>ий бер·са жон, <sup>1</sup>эй дий·да, ҳар <sup>1</sup>дам тўк·ма қон,  
Ул ҳар не·ча <sup>1</sup>қил·са фи·ғов, <sup>1</sup>сен ас·ра·ғил <sup>1</sup>зин·хо·р дам.

**Арузий шеърларни тўғри ўқишнинг бош қондаси:  
биринчи байтнинг вазн схемасини тўғри аниқлаб олиш  
ва кейинги мисраларни шу схемага тушириб ўқиш.**

Бундай малака муайян ҳажмдаги машқдан сўнг шаклланади – автоматизм касб этади.

## АФОҶИЙЛУ ТАФОҶУЛ

Аруз вазнида шеър ёзиш шоирдан биринчи навбатда аруз ритмикасини эгаллаб олишни талаб этади. **Аруз ритмикаси** уч унсурдан иборат:

**Биринчи унсур** – ҳижо, яъни шеърда ҳижонинг қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқлигини ҳисобга олиш.

**Иккинчи унсур** – рукн, ҳар бир рукнни бир нафас олиб чиқаришда ўқишга мувофиқлаш.

**Учинчи унсур** – баҳр, яъни шеър мисраларидаги рукнлар таркиби унинг раванлигини таъминлайдиган схемалардан бирига мос келиши.

Аруз таълимотида ҳар уч унсурни эслаб қолиш, умуман, аруз ритмикасини эгаллаш учун **афоҶийлу тафоҶул** деб аталадиган ўнғай восита ўйлаб топишган.

У билан танишиш мақсадида ўзбек тилидаги асосий сўз туркумларидан бири феъл эканлигини эсга олайлик.

**Феъл** арабча сўз бўлиб, *ҳаракат қилиш, ишлаш, бажариш, фаоллик кўрсатиш* маъноларига эга. **Фаол, фаолият** сўzlари у билан ўзакдош (аслида **фаъол, фаъолийят**).

Араб тилидаги сўзларнинг 90 фоиздан зиёди уч ҳарфли ўзакдан ясалади. Масалан, **ф**икр, **а**ф**к**ор, **ма**ф**к**у**ра**, **та**ф**а**қ**қ**у**р**, **мута**ф**а**қ**қ**ир сўзларининг ўзаги ФКР (“ф”, “к”, “р” ҳарфлари), **к**ит**о****б**, **к**ут**т****о****б**, **к**ит**о****б****(т)**, **к**о**т****и****б**, **к**о**т****и****б****а**, **к**у**т****у****б****(хона)**, **ма**к**т**у****б**, **ма**к**т****а****б** сўзларининг ўзаги КТБ ва ҳ.к. Бу ўринда биз учун муҳим бўлган феъл сўзининг ўзаги ФЪЛ – “ф” (фо), “ъ” (айн) ва “л” (лом) ҳарфларидан иборат.**

Энди ўзбек ва араб тилида сўз ясаш тарзини қиёслайлик. Ўзбек тилида сўз ўзаги исталганча ҳарфли бўлишидан ташқари, янги сўз ясаш ва сўз ўзгартириш асосан шу сўз охирига қўшимча қўшиш билан амалга оширилади. Масалан,

**юв**→**ювин**→**ювинтир**→**ювинтирув**→  
**ювинтирувчи**→**ювинтирувчилар**→**ювинтирувчиларга**,  
**нон**→**нонвой**→**нонвойхона**→**нонвойхонада**→**нонвойхонадаги**→**нонвойхонадагими**?

Араб тилида сўз ясовчи қўшимчалар (аффикслар) сўзнинг бошига ҳам, ўртасига ҳам, охирига ҳам қўшилаверади. Мисол учун “СЛМ” ўзагидан ясалган ва ўзбек тилида учрайдиган сўзларни қарайлик (ўзакка қўшилган ҳарфлар остига чизилган):



М а ш қ. МЛК ўзагидан ясалган (яъни мулк, малак сўзлари билан ўзакдош) ўзбек тили луғатига кирган 10 та сўз кўрсатинг. ЁЛМ ўзагидан ясалган (илм сўзи билан ўзакдош) нечта сўзни биласиз?

М а ш қ. Араб тилидан олинган киши исмлари ўзагини аниқлаб, улар билан ўзакдош сўзлар топинг. Масалан, **Фаттоҳ** → ўзаги ФТХ → ўзакдош исмлар: **Фатҳиддин, Фатҳулла, Фотих, Муфтах.**

Ўзакдан сўзлар муайян қолип (формула, парадигма) бўйича ясалади. Қолип сифатида эса ФЪЛ ўзагидан ясалган сўзлардан фойдаланилади. Бундай сўзлар кўп ҳолда сунъий, маъносиз бўлиши мумкин. Ана шундай қолиплар мажмуаси **афъийлу тафъул** деб юритилади.

М и с о л л а р. **Фаъол** қолипидаги сўзлар: **камол, салом, шароф, азоб, (ъазоб), маош (маъош), вақоъ** (тилимизда **ҳеч вақо** ибораси таркибида учрайди);

**фаъал** қолипида: **шараф, Самад, сабақ** (ҳозирги имлода сабоқ), **амал (ъамал), араб (ъараб), таъма** (аслида тамаъ), **тараб** (шодлик), **тааб (таъаб – қийинчилик):**

**Дахр** боғи | **а**-ро кўп ис<sup>1</sup>та-ма-гил ай<sup>1</sup> шу **та**-раб

Ким, гу-ли – шуъ<sup>1</sup>ла-йи ғам, ғун<sup>1</sup>ча-си-дур хо<sup>1</sup>ри **та**-аб. (НШ)

**фаъол** қолипидаги сўзлар: **кашшоф, каззоб, Ҳаллож, Ҳажжож, Хайём, банно (банноъ), аттор (ъаттор), айёр** (ъаййор);

**фъил** қолипидаги сўзлар: **ходим, котиб, зокир, толиб, омил (ъомил), соме (сомий – тингловчи), ноиб (ноъиб);**

**фуъало** қолипида: **фузало, фуқаро, уламо (ъуламо), умаро (ъумаро), шуаро (шуъаро);**

**тафъийл** қолипида: **табриқ, таҳсиқ, ташвиқ, таълим, таъриф** (I. заифлик; II. икки бараварлаш), **тактиъ** (мисрани рукнларга бўлиш).

Не-ким так-ди<sup>р</sup> бұл-са, ул<sup>1</sup> бұл-ур тах-ки<sup>к</sup> бил-гай-сиз,  
Э-рур жан-гу<sup>1</sup> жа-дал, ран-жу<sup>1</sup> ри-ё-зат бар<sup>1</sup>ча бе-ху-да.

(Бобур)

Тафъила(т) қолипида: тажриба, тарбия(т), тавсия,  
тазкира;

тафъийлот қолипида: тафсилот, тақдимот, тарғибот;  
таълимот,

тафаъул қолипида: тасаввур, тараннум, таъаллуқ,  
танаъум, татаббуъ;

истиқъол қолипида: истиқ<sup>б</sup>ол, истиқ<sup>л</sup>ол, истиб<sup>д</sup>ол,  
исте<sup>м</sup>ол, исте<sup>х</sup>зо (исти<sup>х</sup>зоъ);

мафъувл қолипида: мах<sup>д</sup>ум, мак<sup>т</sup>уб, маз<sup>к</sup>ур, мат<sup>д</sup>уб,  
ман<sup>з</sup>ур, мас<sup>ъ</sup>ул, ма<sup>м</sup>мур, мам<sup>н</sup>уъ (манъ этилган);

муфаъъл қолипида: муҳаррир, муҳаддис, мусаввир,  
мураббий;

муфъил қолипида: муқобил, муносиб, мухалиф,  
мусофир, мулоъиб (масхарабоз, кўғирчоқбоз), муовин  
(муъовин);

муфъалат қолипида: муносабат, мулоҳаза(т),  
мурожаат (мурожаъат), мудофаа (мудофаъат);

мутафъъл қолипида: мутахассис, мутакаллим,  
мутааллим, мутафаккир, мутавалли (мутаваллий).

М и с о л (Фавойид ул-кибар”дан):

Мас-ти бе-бо<sup>1</sup>ким қа-чон ҳо<sup>1</sup>лим-за бұл-гай<sup>1</sup> мут-та-лиъ

Ким, қу-ло-ғи<sup>1</sup>ға де-сам сир<sup>1</sup>ри-ни, бұл-мас<sup>1</sup> мус-та-миъ.

Жам-ъ э-тар чоғ<sup>1</sup>да кў-нгул, зул<sup>1</sup>фунг на-ри-шон<sup>1</sup>дур ба-се,

Ле-к со-лур<sup>1</sup>да на-ри-шон<sup>1</sup>лиғ, бұл-ур кўп<sup>1</sup> муж-та-миъ.

Қах-д қил-са<sup>1</sup> ўл-ту-руб, бу<sup>1</sup> тур-фа-ким, лут<sup>1</sup>ф-эт-са ҳам,

Қат-л-и-ши-да<sup>1</sup> бұл-ми-ш-у қотил ба-ғо-ят<sup>1</sup> мух-та-риъ.

...

Ғазалда қофиядош бўлиб келаётган сўзлар муфтаъил қолипида бўлиб, **муртафиъ**, **мубтадиъ**, **мумтаниъ**, **мунфадиъ**, **мунқатиъ**, **мутталиъ** тарзида давом этган. Бу сўзларнинг бирортаси ҳам ҳозирги тилимизда ишлатилмайди. Аммо худди шу қолипдаги сўзлар оз эмас: **мунтазир**, **мўътадил**, **мухтаид**, **муттасил**, **муштарий** ва б.

Ўзақдош сўзларни топиб, қиёслаш эса уларнинг маъносини топишни осонлаштиради. Хусусан, **мутталиъ** (ўзаги ТЛЪ, маъноси – толиъ ато этувчи; **толиъ**, **талъат** сўзлари билан ўзақдош), **мустамий** (ўзаги СМЪ, маъноси – тингловчи, **сомеъ** сўзи билан ўзақдош), **мухтамиъ** (ўзаги ЖМЪ, маъноси – йиғувчи, **жамъ**, **жамоа**, **мажмуа**, **жамият** сўзлари билан ўзақдош), **мухтариъ** (ўзаги ХРЪ, маъноси – **ихтиро** этувчи) ва ҳ.к.

Демак, Навоий араб тилидан олиб ишлатган нотаниш сўзларга ҳозирги луғатимизда бор ўзақдош ва қолипдош сўзларни топиш ана шу сўзларни тушунишга кўмаклашади.

М и с о л:

**Мултафит булбулга сен, эй гул, тиканга ёндашиб,  
Вах, неча ўлтургасен ҳар лаҳза они тиргузуб?**

Бу байтда ҳозирги луғатимизда йўқ биргина сўз – **мултафит**, унинг ўзаги – ЛФТ (тилимиздаги шу ўзақдан ясалган биргина **илтифот** сўзи бор, аммо шунинг ўзи кифоя). Энди мана бу схемага боқайлик:

ЛТФ	→	илтифот	→	мултафит;
↓		↑		↑
НЗР	→	интизор	→	мунтазир.

Иккинчи катордан кўриниб турибдики, **мултафит** – **илтифот**га мухтож дегани. Энди байт мазмуни аён: Эй гул, қачонгача тиканга улфат бўлволиб, сендан **илтифот** кутаётган булбулни ҳар лаҳзада бир тикан санчиб ўлдириб, бир сайраб тирилтираверасан?

Мана бу мисолда эса, вазият бутунлай бошқа – байт асосан араб тилидан ўзлашган сўзлардан таркиб топган:

**Эй, етти манзар тарҳиға меъмори сунъингдин бино,  
Маснуълар фоний вале маслуби сониъдин фано. (ФК)**

Оллоҳга муножотдан иборат бу байт мазмуни насрий баён этилгудай бўлса, бус-бутун рисолани ташкил этади: етти манзар, меъмори сунъ, маслуби сониъ, фоний, фано – бу ибораларнинг ҳар бири катта маъно тапувчи диний-фалсафий тушунчалардан иборат.

М а ш қ. Бу байтдаги сўзларга а) ўзақдош сўзларга; б) қолиқдош сўзларга мисоллар келтиринг.

Ўзбек тилида нисбатан кам қўлланадиган қолиплар ҳам талай. Масалан,

**тафаъъулот: таассурот (таъассурот), тахайюлот;**

**мустафъал: мустаҳкам, мустаҳсан ҳ.к.**

**фуъул: умум (ъумум), фунун (фанлар), нужум (юлдузлар).**

**фуъъл: ушшоқ (ошиқлар), куззот (қозилар), курроъ (корилар);**

М и с о л:

**Чу маъ-шу<sup>1</sup>ку о-шиқ<sup>1</sup> се-н\_ўл-дунг<sup>1</sup> та-мом,  
Са-нга иш<sup>1</sup>ку уш-шо<sup>1</sup>қ-дин вас-са-лом.**

Бу каби қолипларнинг миқдори араб тилида юздан ошади. Уларнинг бир қисми араб тили грамматикаси бўйича сўз ўзгартириш функциясини бажаради ва ўзбек тилига алоқаси йўқ. Аммо катта қисми янги сўз яшаш схемалари бўлиб, бу тоифанинг деярли ҳаммаси ҳозирги тилимизда озми-кўпми даражада учрайди. Навоий улардан кенг ва унумли фойдаланган.

Бошқа маълумотларни Иловага қолдириб, энди мақсадга кўчайлик. Арузда рукнларни худди шу йўсинда – афобийлу тафоъул воситасида қолиплаш қабул қилинган:



**фоъилотун, мустафъилатун, мафoъил, мафъул, фаъул, фоъ** ва ҳ.к.

**Эслаб қолинг:** Бир рукн бир нафас олиб чиқариш билан боғлиқ бўлгани учун рукнда ҳижолаар кўпи билан бештагача етиши мумкин. Мўътадил рукнлар тўрт ҳижолидир. Беш ҳижоли рукн бирор мўътадил рукни узайтириш, уч ҳижоли рукнлар эса қисқартириш йўли билан ҳосил қилинади. Бир ҳижоли рукн фақат мисранинг охирида келади, икки ҳижоли рукн ҳам камдан-кам ҳолда мисра ўртасида учрайди.

Арузда ҳижолаарнинг чўзиқ-қисқалиги жуда муҳим эканлигини ҳисобга олиб, афoъийлу тафoъул қолипларини ёзишда қуйидаги келишувга амал қиламиз:

Қисқа ҳижолаар: **фа, ға, ғи, ғу, ла, лу, ма, му, та, ту;**

Чўзиқ ҳижолаар: **фаъ, фо, ғо, ғий, ғув, ло, лув, то, тун;**

Ўта чўзиқ ҳижолаар: **фоъ, ғол, ғийл, ғувл, лон.**

Рукндаги чўзиқ ва қисқа ҳижолаар нисбати ҳам исталганча бўла олмайди. Арузнинг айрим, анчайин сунъий баҳрларини ҳисобга олмаганда, бу нисбат қуйидаги қонунларга бўйсунди:

1. Рукндаги чўзиқ ҳижолаар миқдори қисқа ҳижолаар миқдоридан кам бўлмайди. Фақат беш ҳижоли рукнларда учта қисқа ва иккита чўзиқ ҳижо қўлланиши мумкин (умумий вақти – уч ярим секунд).

2. Уч-тўрт ҳижоли рукнларда камида битта, беш ҳижоли рукнларда камида иккита ҳижо қисқа бўлади.

Энди шу қонунларга бўйсунадиган рукнларни санаб ўтайлик:

Мўътадил рукнлар:

Мафoъийлун, √ — — —

Фоъилотун, — √ — —

Мустафъилун, — — √ —

Мафъувлоту, — — — √

Узайтирилган рукнлар:

Ма·фо·ъи·ла·тун, √ — √ √ —  
Мус·таф·ъи·ла·тун, — — √ √ —  
Муф·та·ъи·ла·тун, — √ √ √ —  
Му·та·фо·ъи·лун, √ √ — √ — ва б.

Бир чўзиқ ҳижо қисқартирилган рукнлар:

Мафъилун, √ — √ —  
Мафъийлу, √ — — √  
Фоъилатун, — √ √ —  
Мафъулоту, — √ — √  
Фаъилотун, √ √ — —  
Мустафъилу, — — √ √

Уч ҳижоли рукнлар:

Мафъувлу, — — √  
Фоъилун, — √ —  
Фаъийлун, √ — —  
Фоъилу, — √ √  
Фаъийлу, √ — √  
Фаъилун, √ √ —

Юқоридаги рукнлар мисранинг исталган жойида келиши мумкин. Улардан фарқли ўлароқ қуйидаги рукнлар асосан мисра охирида келади:

Фаъийлон, мафъийл √ — ~  
Фоъилон, — √ ~  
Фаълун, фоъил, мафъул — —  
Фаълон, мафъийл — ~  
Фоъ, ~  
Фаъ, фо, —

И з о ҳ л а р. Сўнгги рўйхатдаги рукнлардан биринчи, иккинчи ва тўртинчиси мисра бошида ва ўртасида ҳам келиши мумкин, фақат бунда уларнинг ўлчови мос равишда  $v$  —  $v$ , —  $v$  —  $v$ , — —  $v$  га тенг юради.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ал-балоға” асарида мисра ичида бир ва икки ҳижоли рукнларга мисоллар берилган. Лекин бу соф назарий ҳолатлар бўлиб, амалда учрамайди.

Афобийлу тафоъул қолипларининг араб тили грамматикаси ва аруз вазида қўлланишида муҳим бир фарқ бор: биринчи ҳолда қолипда унлилар тайин бўлади, фақат ундошлар ўзгаради. Масалан, **фурсат**, **қудрат**, **шуҳрат** сўзлари фуълат қолипида, **раҳмат**, **санъат**, **жаннат** сўзлари фаълат қолипида, **мактаб**, **мансаб**, **манбаъ** сўзлари эса бошқа – мафъал қолипида. Арузда эса, қолип фақат қайси ҳижо чўзиқ, қайси ҳижо қиска эканлигини кўрсатиш учун хизмат қилади, холос. Хусусан, саналган сўзлар барчаси бир мафъул=фоъил қолипида, яъни икки чўзиқ ҳижодан иборат.

М а ш қ. Қуйидаги жадвалнинг ўнг устунисидаги ҳар бир қолипга чап устунидан мувофиқ келадиганини топинг (намуна кўрсатилган):

Мафъувлу	мафобийлун
мафъувлун	мафобил
мустафъилун	мафъулотун
мафобилун	мустафъил
мафъувлун	мутафъилун
фаъийлотун	тафъилун
фаълун	фобийлатун
фаъувлун	фобийлун
фобилон	фобийлу
фобилотун	фобилот
фобилун	фобил

## МИСРАЪ ВА РУКН

Шеър мисраси рукнлардан ташкил топади. Хўш, мисрада рукнлар қандай тартибда келиши мумкин? Бу саволга қатъий универсал жавоб йўқ. Асосий талаб: шеър ўқимишли, вазни равон бўлса бўлди. Шунга қарамай, айрим қонуниятларни кузатиш мумкин. Масалан,

### **Мафъийлун мафъийлун мафъийлун мафъийлун**

– энг кенг тарқалган баҳрлардан бири. Бу бежиз бўлмаса керак – шу баҳрда ғазал битиш анча ўнғай.

Юқоридаги вазн мумтоз аруз назариясида **ҳазажи мусаммани солим** деб аталади. Бунда ҳазаж – **мафъийлун** рукнига асосланган баҳр номи, **мусамман** – бу рукн икки мисрада саккиз марта такрорланишини кўрсатади (мусамман – саккизланган дегани), **солим** – барча рукнлар асли холида, ўзгартирилмаган эканини билдиради.

Мумтоз аруз назариясида **ҳазажи мусаддаси ахрами аштари солими аруз** ёки **мақбуз ас-садр ва мақсур ал-ҳашв ваз-зарб** каби узундан-узун номлар қўлланади. Вазн турларининг миқдори ҳақида Бобурнинг мана бу сўзлари тасаввур беради:

**“Одина куни зулҳижжа ойининг иккинчисида қирқ бир қатла ўқур вирдни (дуони) бунёд этдим. Ушбу айёмда бу байтимни:**

**Кўзу қошу сўзу тилиниму дей,  
Қаду хаду сочу белиниму дей,**

**беш юз тўрт вазнда тақтиъ қилдим** (яъни, 504 усулда рукнларга бўлинган! – А.А.). **Бу жиҳатдин рисола тартиб берилди”** (“*Бобурнома*”, *ҳижрий 933 йил воқеалари боби*). Ҳолбуки, бу байт мисраълари атиги 11 ҳижоли. Навоий девонларида эса, 20 ҳижоли ғазаллар ҳам бор. Хулоса

чиқариш мумкинки, рукнлар таркиби бўйича мисраъ турлари, демак, аруз вазни шохобчалари принцип жиҳатидан олганда, ўн мингдан ошади.

Уларнинг мутлақ кўпчилиги ҳеч бир амалий аҳамиятга молик эмас. Шунинг учун биз мумтоз аруз назариясининг бир босма тобоққа етадиган атамалар тизимидан имкони борича озини жалб этишга ҳаракат қиламиз:

**Баҳр** – вазнлар гуруҳи, одатда мисранинг бошидаги бир ё икки, бир неча ҳолда эса уч рукн билан белгиланади. Чунончи,

**Ҳазаж** – мафъийлун рукнига асосланган баҳр,

**Рамал** – фобилотун рукнига асосланган баҳр,

**Ражаз** – мустафъилун рукнига асосланган баҳр.

(Мафъувлоту рукни мустақил баҳрни ташкил этмайди).

“Ҳазойин ул-маоний”даги ғазалларнинг тақрибан ҳар ўнтадан биттаси айнан ҳазаж баҳрининг мусаммани солим вазнида битилган.

М и с о л л а р (“Ғаройиб ус-сизар”дан):

Кўнгул·ни айла·дим юз чоқ иш·қи·дин, | ме·ни маҳ·зун  
Ки, хус·нунг вас·фи ёз·ғай·мен | ки·то·бе қо·за·зи гул·гун.

...

На·во·ий, назм ло·фин кўй·ки, кўз бир кун·лу·ғи эр·мас,  
А·гар юз йил | со·чар·сен табъ баҳ·ри·дин | ду·ри мак·нун.

(№ 439)

\*\*\*

Бу·лут ҳай·вон | зу·ло·ли бирла тир·гуз·ди | ҳа·во жо·нин,  
Се·вун·мак аш·ки·дин шо·до·б қил·ди саб·за муж·го·нин.

...

Гу·ли мақ·су·д ул қон·дур, | На·во·ий·ким, | а·ё·ғинг·дин  
Чи·қар чек·кан·да мақ·сад Каъ·ба·си хо·ри | му·ғий·ло·нин.

(№ 440)

\*\*\*

Му·ҳаб·бат риш·та·син уз·ди·ки, ўл·тур·гай | бу ғам·но·кин,  
Ма·гар ул риш·та бир·ла тик·ми·ш\_эр·ди кўк·ра·гим чо·кин.

...

Де-сам ул ой, | бо-риб чиқ-мас | га-ми кўнг-лум | ди-н, ай-тур-ким:  
“На-во-ий, не | а-жаб, бўл-моқ | қа-мар со-йир, | ҳа-жар со-кин”.  
(№ 441)

Шу вазнда ёзилган яна бир неча машҳур ғазаллар матлаби:

Ме-н о-шиқ-ман | гў-зал юз-га. | Ю-зи ой-га | со-лур ғав-ғо,  
Не юз-дур? | Юз-ла-ри дил-бар. | Не дил-бар? | Дил-ба-ри зе-бо.  
(Низомий Ганжавий. Шоислом Шомухамедов таржимаси)

Ба-ҳор ай-ё-ми-дур до-ғи | йи-гит-лик-нинг | а-во-ни-дур,  
Ке-тур, со-қий, | ша-ро-би но-б-ким, иш-рат | за-мо-ни-дур.  
(Бобур)

Ши-фо-йи васл қад-рин ҳаж-р-и-ла бе-мо-р-ў-лан-дан сўр,  
Зу-ло-ли завқ шав-қин таш-на-и дий-до | р-ў-лан-дан сўр.  
(Фузулий)

Се-ни Лай-ли-йи ра-в-но-дек | а-жо-йиб дил-ра-бо дер-лар,  
Ме-ни Маж-пу-ни шай-додек | қў-йинг-да бир | га-до дер-лар.  
(Маишраб)

(Оташнафас шоир ғазаллари арузда ёзилган, аммо кўп ўринларда ундан чекиниши учрашини назарда тутуши лозим. Масалан,

Ю-руб сўр-дум | та-биб-лар-дин: | “Бу дар-дим-га | да-во бор-му?”  
Та-би-б-ай-тур-ки: | “Эй, но-дон, | бу дар-д-ни бе-да-во дер-лар”

– “дард” сўзида вазн сакталиги бор. Бундай истисно ҳолатлар бугунги шоирлар учун ғазални бармоқ вазнида ёзишга баҳона бўлмайди.)

Ки бул-бул но-ла аф-ғо-н ай-ла-мак-ни ман-ди-н-ўр-ган-ди,  
Ву-жудин шамъ сў-зо-н ай-ла-мак-ни ман-ди-н-ўр-ган-ди.  
(Увайсий)

О-лур ҳар лаҳ-за юз жон чаш-ми фат-то-нинг-за сал-лам-но!  
Тў-кар ҳар дам-да минг қон – тий-ғи муж-го-нинг-за сал-лам-но!  
(Огаҳий)

Са-бо, ар-з ай-ла, то ул зул-фи рай-ҳон бир | ке-либ кет-сун,  
Ки топ-сун бўйи-дин тан ҳар | на-фас жон, бир | ке-либ кет-сун.  
(Муқимий)

Фи-гон-ким, гар<sup>1</sup>ди-ши дав-рон | а-юр-ди шах<sup>1</sup>су-во-рим-дин,  
Га-мим кўп, эй<sup>1</sup> кўнгул, сен бе<sup>1</sup>ха-бар-сан о<sup>1</sup>ху зо-рим-дин.

(Фурқат)

Ю-зунг-ни кўр<sup>1</sup>са-тиб ав-вал, | ў-зинг-га бан<sup>1</sup>да-лар қил-динг,  
Я-на кўнг-лум | о-либ, юз но<sup>1</sup>з бир-ла хан<sup>1</sup>да-лар қил-динг,  
Жа-мо-линг пар<sup>1</sup>та-вин со-чиб, | а-жо-йиб иш<sup>1</sup>са-лар қил-динг,  
Ма-сиҳ-дек бир | бо-қиш-да мур<sup>1</sup>да жис-мим зин<sup>1</sup>да-лар қил-динг,  
Се-нга мен то | қи-ё-мат о<sup>1</sup>ш-но деб ваъ<sup>1</sup>да-лар қил-динг.

(Завқий)

Се-ни ёт-лар | тугул ҳат-то | қи-лур-ман раш<sup>1</sup>к\_ў-зим-дан ҳам,  
У-зоқ-роқ тер<sup>1</sup>му-либ қол-сам, | бў-лур-ман гаш<sup>1</sup> кў-зим-дан ҳам.

(Эркин Воҳидов)

Ҳазаж баҳрининг

**мафoъийлун мафoъийлун мафoъийлун мафoъил**

шакли деярли учрамайди, аммо бошқа вариантлари оз эмас. Масалан,

Ги-риҳ-ги-риҳ | чу ту-гар-сен | е-та-р\_а-ё<sup>1</sup>ги-нга соч,  
Ги-риҳ-ла-рин | чу о-чар-сен | ту-шар қу-ло<sup>1</sup>ч-қу-лоч. (НШ)  
Мафoъилун, фаъилотун, мафoъилун, фаъилун.

Рамал баҳрида бундай ҳолатнинг аксини кўрамыз:

**фoъилотун фoъилотун фoъилотун фoъилотун**

(рамали мусаммани солим) вазнидаги ғазаллар жуда кам.

М и с о л:

Эй жа-ло-лу | раҳ-ма-тинг-дин | гар за-ли-лу, | гар му-аз-зас,  
Саф-ҳа-и кав<sup>1</sup>най-и ў-лу-б\_о<sup>1</sup>тинг та-ро-зи<sup>1</sup>дин му-тар-раз. (НШ)

(Эътибор беринг: вазн ноёблиги яна ғазал мазмунининг мураккаблиги билан ҳамоҳанг.) Рамал баҳрининг мусаммани маҳзуф, яъни

**фoъилотун фoъилотун фoъилотун фoъилун**

шакли энг кенг тарқалган вазндир. Чунончи, Навоий ғазалларининг қарийб ярми (!), Хусайн Бойқаро ғазалларининг барчаси (!), унинг ўғли, Навоийнинг шогирди Ғарибий девонидаги ғазалларнинг деярли ҳаммаси, Бобурнинг 119 ғазалидан элликка яқини айнан шу вазнда ёзилган!

Мисоллар:

Қай·си уй·нинг | шам·ъи·дур у, | қай·си жой·да | хо·на·си?  
Ўр·та·ди жон·ни, сў·ранг, ким·ни·нг э·рур жо·но·на·си?

(Ҳофиз Шерозий, Чустий таржимаси)

Ким·га қил·дим | бир ва·фо·ким, | юз жа·фо·син | кўр·ма·дим,  
Кўр·гу·зуб юз | мех·д, минг дар·ду ба·ло·син | кўр·ма·дим.

\*\*\*

Ке·ча кел·гум·дир де·бо·н ул | сар·ви гул·ру | кел·ма·ди,  
Кўз·ла·рим·га | ке·ча тонг от·қун·ча уй·ку | кел·ма·ди.

\*\*\*

Ким·ки бир кўн·гли бу·зуғ·нинг | хо·ти·рин шо·д ай·ла·гай,  
Он·ча бор·ким | Каъ·ба вай·рон | бўл·са, о·бо·д ай·ла·гай.

(БВ)

Навоий асарларидан мураккаброқ мисол (қошки сўзининг ўта чўзиқ ҳижосини талаффуз қилишда биру чорак ва чорак қоидасига эътибор қилинг):

Оч·ма·га·й эр·динг жа·мо·ли | о·ла·м о·ро | ко·ш·ки,  
Сол·ма·га·й эр·динг ба·ри о·лам·да ғав·ғо | ко·ш·ки. (НШ)

Бобур татаббуъи:

Кўр·ма·га·й эр·дим жа·мо·лин | о·ла·м о·ро | ко·ш·ки,  
Бўл·ма·га·й эр·дим ба·ри о·лам·га рас·во | ко·ш·ки.

Бобурдан мураккаброқ мисол (чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг охиридаги ундоши кейинги ҳижога ўтиб қисқаришига эътибор беринг):



Чун фа-лак күймас ме-ни бир | лах-за вас-л ай-ё-ми-да,  
Тонг йў-қ, эй бе-меҳр, а-гар ўл-сам фи-ро-қинг | шо-ми-да.

Замонавий шеърятдан:

Чар-х у-рар эр-дим фа-зо-да, | юл-ду-зим йўл-до-ш э-ди,  
Юл-ду-зим-га | тер-му-либ юл-дуз кў-зим-да | ё-ш э-ди.  
(Абдулла Орипов)

Ражаз баҳрининг солим шакли кўп учрайди:

Мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун

Мумтоз адабиёт намуналари кўрсатадики, бу вазн айниқса,  
мусажжаъ (ички қофияли) ғазал битишга ўнғай:

Тан-дин ў-қунг-ни чек-са-лар, | оғ-рир-ди-н эр-мас ше-ва-ним,  
Ан-дин қи-лур-мен нав-ҳа-ким, | ай-ру ту-шар | жон-дин та-ним.

Гул-хан ку-ли | ич-ра ни-ҳон, | жис-мим жу-нун-дин-дур ни-шон,  
То тел-ба-лик | бар-қи а-ён | бўл-ғач ку-юп-тур хир-ма-ним.

То иш-қ а-ро | аф-со-на-мен, | ўт ич-ра-ки | де-во-на-мен,  
Ул шам-ъ у-чун | пар-во-на-мен, | ким бўл-ми-ш ўр-тан-мак фа-ним.

Ул шў-ҳ сек-рит-ти са-ман-д, эр-мас на-си-ҳат су-д-манд,  
Ҳар дў-ст бер-са эм-ди пан-д, ул-дур у-луз-рок душ-ма-ним.

Май ич-ка-ли | ул нў-ш-лаб | зо-хир қи-лур | ҳар дам та-раб,  
Бу нав-ъ о-чил-моқ не а-жаб | ан-доқ су ич-қан гул-ша-ним.

Чун о-да-мий-да йўқ ва-фо, | кўр ул на-рий | иш-қи а-ро  
Жав-лон-га-ҳим | даш-ти фа-но, | вай-ро-на-йи | ғам – мас-ка-ним.

Ғам тий-ғи-дин | қоч-моқ ҳа-ва-с | қил-ма, На-во-ий, ҳар на-фас,  
Ул тий-ғи-нинг | даф-ъа-га бас, | юз по-ра хир-қа жав-ша-ним. (ҒС)

\*\*\*

Соқий эрур | ишрат чағи, | афсурда бўл-ма дай била,  
Ўтдек чоғир | келтур, дағи, | суҳбат туго-шур май била.

Келтур шаро-би нобни, | омода кил | асбобни,  
Хуш тут шаби | махтобни | чун бордурур | ул ой била.

Даврон *замин* | бар**бод** қил, | ишрат уйин | **обод** қил,  
Жону кўнгул<sup>ни</sup> шод қил | овози чан<sup>гу</sup> най *била*.

Мажлисда бор<sup>дур</sup> сар-басар | май нап<sup>ғаси</sup>дин шўру шар,  
Борини мас<sup>ту</sup> беҳабар | қил жоми пай<sup>дарпай</sup> *била*.

Ҳамдард<sup>е</sup> ёре кониким, | бир ғамзусо<sup>ре</sup> кониким,  
Абри баҳ<sup>ори</sup> кониким, | Бобур киби | йиғлай *била*.

Бу тоифа ғазалларда кўпинча туроқ бўлиши ҳам диққатга сазовор.

Турли рукнлардан ташкил топган баҳрда ғазал битиш юқоридаги баҳрларга нисбатан мураккаброқ, албатта. Шунинг учун бундай ғазаллар нисбатан кам учрайди.

Мисол:

Фоъилотун | фаъилотун | фаъилотун | фаъилотун  
Суб<sup>ҳи</sup> дав<sup>лат</sup> | ю<sup>зу</sup>нг<sup>эй</sup> тав<sup>са</sup>ни гар<sup>дун</sup> | са<sup>нга</sup> аш<sup>ҳаб</sup>,  
Бо<sup>ши</sup>нг<sup>ус</sup>ти<sup>да</sup>ги дур уй<sup>ла</sup>ки, тонг бо<sup>ши</sup>да гав<sup>ҳар</sup>.

...

Тел<sup>ба</sup>раб кўн<sup>гли</sup> На<sup>во</sup>ий<sup>ни</sup>нг<sup>а</sup>гар ар<sup>ба</sup>да ай<sup>лар</sup>,  
Даф<sup>ъи</sup>ға сил<sup>си</sup>ла<sup>йи</sup> зул<sup>ф</sup>и<sup>ла</sup> бас<sup>дур</sup> | ча<sup>ҳи</sup> ғаб<sup>ғаб</sup>.

(ҒС)

Бошқа мисол (ҳар мисрадаги биринчи ва учинчи рукнларда кетма-кет икки қисқа ҳижо вазн оҳангига ўзига хослик бағишлаётганига ҳамда фоъилатун билан мафоъилун рукнларининг талаффузига эътибор беринг):

Фоъилатун | мафоъилун | фоъилатун | мафоъилун  
Гар ала<sup>мим</sup>га чо<sup>ра</sup> йўк, | бўл<sup>ма</sup>са бўл<sup>ма</sup>сун не<sup>тай</sup>,  
Вар га<sup>ми</sup>ма шумо<sup>ра</sup> йўк, | бўл<sup>ма</sup>са бўл<sup>ма</sup>сун не<sup>тай</sup>.

...

Маш<sup>ъа</sup>ли васл и<sup>ла</sup> улус | шо<sup>ми</sup> мунав<sup>ва</sup>ру ме<sup>нинг</sup>  
Бах<sup>ти</sup>ма бир | ша<sup>ро</sup>ра йўк, | бўл<sup>ма</sup>са бўл<sup>ма</sup>сун не<sup>тай</sup>.

(“Бадойиъ ул-васат”. Бу ғазалга Огаҳийнинг татаббуъи ҳам машҳур.) Тўртала рукн ҳам турлича ғазалга мисол:

Мус	таф	ья	лун	Фа	ъув	лу	Ма	фо	ьий	лу	Фо	ья	лун
—	—	√	—	√	—	√	√	—	—	√	—	√	—
Хай-	хо-	т-	ким,	би-	рав	га-	ми-	дин	зо-	р-	мен	я-	на
Фар-	ё-	д-	ким,	ба-	ло-	га	зи-	риф-	то-	р-	мен	я-	на
Эй	муд-	да-	ий-	ки,	о-	ри-	и_э-	ди	таъ-	ну	сўк-	ма-	ғинг,
Фо-	риғ	де-	гил-	ки,	хар	не	де-	санг	бо-	р-	мен	я-	на
Даф-	ъ_ўл-	ми-	ш	ди	нў-	ши	ла-	бинг-	дин	ма-	ло-	ла-	тим,
Лут	ф ай-	ла,	эй	та-	би-	б-	ки	бе-	мо-	р-	мен	я-	на
Хар	ке-	ча	бир	ку-	ёш	га-	ми-	да	ғус-	са	то-	ши-	дин,
Бош-	дин	а-	ёғ	си-	пех-	р-	де-	к аф-	го-	р-	мен	я-	на
Сў-	фи-	йи-	ақ-	л	сав-	ма-	а-	син	шук-	р-	ким	бу-	зуб
До	рул-	фа-	но-	йи	иш-	қ-	да	хам-	мо-	р-	мен	я-	на
Оғ-	зим	ку-	руб,	да-	мим	ту-	ту-	луб,	сек-	ри-	дим,	не	тонг
Ким,	тел-	ба	чо-	бу-	ким-	га	жи-	лов-	до-	р-	мен	я-	на
Ақ-	л ит-	ти,	ху-	ш	кет-	ти,	кў-	нгул	куй-	ди,	чиқ-	ти	жон,
Шукр	эт,	На-	во-	и-	ё-	ки,	са-	бук-	во-	р-	мен	я-	на

Бу каби арузий шеърнинг вазнини топиб ўқишнинг ўзи мураккаб, ғазал ёзиш эса, етиб бўлмас даражадаги маҳорат талаб этади. Устига-устак, ғазалнинг мазмуни ҳам унинг вазнига монанд равишда чуқур эканлиги кўриниб турибди. Бундай асар олий маҳорат билан илоҳий илҳом омухталигининг натижасидир.

Энди охириги руكن қисқаришининг бошқа вариантларига намуналар кўрайлик.

М и с о л (мафобилун фаъилотун мафобилун фобил):

Кў-зум-да мут<sup>1</sup>та-си-л\_ул эг<sup>1</sup>ма қош ке-рак<sup>1</sup> бўл-са,

Қо-шим-да кўз<sup>1</sup> ё-ру-ғи ул<sup>1</sup> ку-ёш ке-рак<sup>1</sup> бўл-са.

...

Се-нинг би-ла | бо-ри эл но-хуш-ўл-са, эй | Бо-бур,  
Не бўл-гуси | сен-га, ул ё-ри хуш ке-рак | бўл-са.

Арузда сўнги рукнга талаб бошқа рукнларга нисбатан эркинроқ эканлигини айтиб ўтган эдик. Хусусан, охириги рукнда фoъилун ёки мафoъил билан бирга фаълун ва фаълон қолипидаги рукнлар параллел келиши ҳам жоиз. Бобурнинг юкоридаги ғазалида худди шу ҳодиса кузатилади:

Ҳа-би-б иш-қи-да бош-дин | ке-ч, эй кў-нгул, | йў-қ, э-са,  
Бу йўл-га кўй-ма а-ёқ сен-га бош ке-рак | бўл-са

– сўнги рукнлар – фoъилун ва фoъил.

Навоийдан мисол (фoъилотун, мафoъийлун, фoъилотун, фoъил, учинчи мисранинг сўнги рукни – фoъилун):

Не-ча бўл-гай | ма-нга ҳаж-р, ич-ра та-зал-лум, | ё раб?  
Ай-ла бу зул-м, а-ро ҳо-лим-га та-рах-хум, | ё раб!

Ваъ-да-йи қат-л қи-либ ваъ-да-га қил-ғун-ча ва-фо,  
Не-га мен хас-та-ни ўл-тур-ди та-вах-хум, | ё раб? (ҒС)

14 ҳижоли шеърларда рукнлар 4|3|4|3 тартибида келиши ҳам кўп учрайди. М и с о л (Мустафъилун мафoъил муфтаъилун мафoъил):

Хат-тинг а-ро | у-зо-ринг | саб-за и-чин-да ло-ла,  
Ул чаш-ми пур-ху-мо-ринг | ло-ла-да-ғи | га-зо-ла. (Бобур)

Машрабнинг мана бу ғазали ҳам 14 ҳижоли:

Сен-сан се-ва-рим, | хо-ҳ и-нон, | хо-ҳ и-нон-ма,  
Қон-дур жи-га-рим, | хо-ҳ и-нон, | хо-ҳ и-нон-ма.  
Ғам шо-ми фи-ро-қинг-да ка-боб | эт-ти фа-лак-ни  
О-ҳи са-ҳа-рим, | хо-ҳ и-нон, | хо-ҳ и-нон-ма.  
Мустафъилатун фoъилатун мустафъилатун

Аруз баҳрларининг хилма-хиллигига яна бир неча мисол:

Бо-зи-нга ет<sup>1</sup>ма-су-н\_о-шуб<sup>1</sup> ха-зон-дин,<sup>1</sup> ё раб,  
Гул би-ла сар<sup>1</sup>вунга о-себ<sup>1</sup> за-мон-дин,<sup>1</sup> ё раб.  
Фoбилатун фaбилотун мафoбил мафъул

Қа-чон мак-таб<sup>1</sup>да ул мо-ҳи<sup>1</sup> му-ад-даб  
Бо-ру-р\_ўз-дин<sup>1</sup> бо-ру-р-лар аҳ-ли мак-таб. (ФК)  
Мафoбийлун мафoбийлун мафoбил

Ўл-ту-рур гар<sup>1</sup>чи ме-ни гуф<sup>1</sup>торинг,  
Тир-гу-зу-р\_ул<sup>1</sup> ла-би шак-кар<sup>1</sup> бо-ринг. (Бобур)  
Фoбилотун фaбилотун фoбил

Мумтоз адабиётда 13 ҳижоли шеър деярли учрамайди – бундай мисра қай йўсинда рукнларга бўлинмасин, тўмток чиқади, чоғи.

12 ҳижоли шеърлар ҳам кўп эмас. М и с о л (Навоийнинг наът-ғазали, вазни – Фoбилун фoбилун фoбилун фoбилун):

Эй, са-нга<sup>1</sup> муқ-та-до<sup>1</sup>лиқ и-ки<sup>1</sup> кав-н\_а-ро,  
Ан-та хай<sup>1</sup>рул ба-шар,<sup>1</sup> ан-та хай<sup>1</sup>рул ва-ро.

...

Ё на-би<sup>1</sup>юл-ла-ҳ\_аҳ-во-ли-ма<sup>1</sup> қил на-зар  
Жур-му ис-ё-ну о-жиз-ли-ғим<sup>1</sup> мо-та-ро.

То а-нинг<sup>1</sup> бир-ла бўл-ғай, На-во-ий, се-нинг  
Наъ-ту ҳам-динг ба-ё-ни-ға достон-са-ро.(БВ)

11 ва 10 ҳижоли шеърлар эса анча кенг тарқалган:

Ишқ-дин ён<sup>1</sup>са та-ним сўр<sup>1</sup>ма са-баб,  
Куй-са хо-шоқ ё-лин-дин<sup>1</sup> не а-жаб.  
Фoбилотун фaбилотун фoбилун

\*\*\*

Факр аҳ-ли<sup>1</sup>га по-д-шо<sup>1</sup> муҳ-тож,  
Уй-ла-ким, шоҳ-ға га-до<sup>1</sup> муҳ-тож.  
Фoбилатун мафoбилун мафъувл (Навоий)

\*\*\*

Ю-зи-да ул | ла-би хан-дон | кўри-нур,  
Сут-га кўп боқ-са, ба-ле қон | кўри-нур.  
Фобилотун фобилотун фобилун

\*\*\*

Эй ю-зи | нас-рин, | қо-ма-ти | шам-шод,  
Не-ча қилур-сен | жо-ни-ма | бе-дод.  
Фобилун фобил фобилун фобил. (Бобур)

Кўр-сат | жа-мо-линг | мас-то-на-лар-ға,  
Иш-қинг | да куй-ган | пар-во-на-лар-ға.  
Мафъул мафобил мафъул мафобил (Маишраб)

Қо-шинг-га тек-киз-ма-гил | қа-лам-ни,  
Бу хат би-ла | буз-ма-гил | ра-қам-ни.  
Мустафйилун фобилун мафобил (Амирий)

Му-ҳаб-бат-сиз | ки-ши о-дам | э-мас-тур,  
Га-р о-дам-сан | – му-ҳаб-бат их-ти-ёр-эт.  
Мафобийлун мафобийлун мафобил

\*\*\*

Эй сар-ви ра-вон, | на-дур ха-ё-линг,  
Жо-н ўр-та-ди ваъ-да-и ви-со-линг.  
Мустафйилатун мафобилатун (Нодира)

Но-за-нин-лар | дур са-нга, эй | сар-ғ-ноз,  
Иш-қ-бо-зу | иш-қ-бо-зу | иш-қ-бо-з.  
Фобилатун фобилатун фобилун

\*\*\*

И-ло-хи, | ҳар қу-нинг | нав-рўз | бўл-сун,  
Ха-ми-ша | то-ли-ъинг | фе-руз | бўл-сун.  
Фобилун фобилун мафъувлу мафъул (Огаҳий)

Ю-зу қад-динг | кў-риб, жо-но, | ча-ман-да,  
А-си-ринг бўл-ди гул, шам-шо-д бан-да.  
Мафобийлун мафобийлун мафобил (Фурқат)

Аруз дostonлари асосан 10-11 ҳижоли бўлади. Навоий “Хамса”си дostonларининг вазни:

Ҳай·ра·ти аб<sup>1</sup>ро·р кў·риб <sup>1</sup>зо·ти·ни,  
“Ҳай·ра·т\_ул\_аб<sup>1</sup>ро·р” де·дим <sup>1</sup>о·ти·ни.  
Муфтаъилун муфтаъилун фоъилун

Чи·қиб ул тах<sup>1</sup>т·га Фар·ҳо·ду Ши·рин  
Не·чук·ким гул<sup>1</sup>ша·и ич·ра сар<sup>1</sup>еу нас·рин.  
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъил

Кўз·дин чу <sup>1</sup>о·қиз·са аш<sup>1</sup>к сай·ли,  
Маж·нун ки·би ё·д\_э·тар<sup>1</sup>да Лай·ли.  
Мафъувлу мафоъилун мафоъил

Бўл·ди чун бу <sup>1</sup>ра·қам и·ши <sup>1</sup>тай·ёр,  
Кўй·дум\_о·ти<sup>1</sup>ни “Саб·ъа·и <sup>1</sup>сай·ёр”.  
Фоъилотун мафоъилун фаъилун

Та·но·суб <sup>1</sup>би·ла ақ<sup>1</sup>л но·мо·ва·ри,  
Де·ди о·ти·ни “Сад<sup>1</sup>ди Ис·кан·да·рий”.  
Фаъувлун, фаъувлун, фаъувлун, фаъул ёки  
Мафоъил мафоъил мафоъил фаъил

Сўнги рукнда қуйидаги ислоҳлар бўлиши  
мумкинлигини таъкидлаймиз:

фоъилун билан бирга фоъилон, ё фаълон = фоъийл,  
ёки фоъил,

мафоъил билан бир пайтда мафоъийл, ё мафъул, ёки  
мафъол,

фаъилун биргаликда фаълон, ё фаълун, ёки фаъийлун,  
фаъул билан бир қаторда фаълун ёки фаълон.

Жумладан, “Сабъаи сайёр”дан олинган юқоридаги  
байтда сўнги рукн – фаълон.

9 ва 8 ҳижоли шеърлар жуда кам:

Бор·зи·л\_эй\_ҳам<sup>1</sup>дам, ҳар ё·ни,  
Кўн·ғу·м\_ит·миш, <sup>1</sup>топ·қи·л\_о·ни. (ФК)

Умуман, бармоқ вазнидан фарқли ўлароқ, ҳижола сони камайган сари арузда шеър ёзиш қийинлашади. Нозимахонимнинг мана бу ғазали бу борада ўзига хос рекорд:

Мустафъилун мафъил  
Кўзи сузук <sup>1</sup> ни-го-рим,  
Сўзи чучук <sup>1</sup> ни-го-рим.

Боқмай қиё <sup>1</sup> ў-тар-сан,  
Айбим на-чук, <sup>1</sup> ни-го-рим?

Ҳажринг да дар<sup>1</sup>ду ғам-дин  
Қаддим бу-кук, <sup>1</sup> ни-го-рим.

Ҳижро-ни о<sup>1</sup>та-шинг-дин  
Бағрим ку-юк, <sup>1</sup> ни-го-рим.

На-дур хур-ши<sup>1</sup>ди то-бон, (?)  
Сен-сан бу-юк, <sup>1</sup> ни-го-рим.

Вах, эм-ди бит<sup>1</sup>ди то-қат,  
Мен бир ў-лук, <sup>1</sup> ни-го-рим.

Кўк-сум-га боқ <sup>1</sup> – а-лам-дин  
Чо-ки сў-кук, <sup>1</sup> ни-го-рим.

Раҳ-м ай-ла Но-зи-манг-га,  
Кўзи сузук <sup>1</sup> ни-го-рим.

(9-мисраъда вазн бузилган. Ноёб вазнли ғазал учун айб эмас, албатта.)

Навойининг мана бу 20 ҳижоли ғазали эса, аксинча, мисралар узунлиги бўйича рекорд бўлса керак:

Не по-қ Маж-нун<sup>1</sup>ки, бир на-рий чех<sup>1</sup>ра по-қ хусни<sup>1</sup>га зо-р бўл-ғай,  
Бу по-қ иш-қ ич<sup>1</sup>ра по-қ жон тар<sup>1</sup>ки эт-са, не их<sup>1</sup>ти-ё-р бўл-ғай.

...

Ва-фо йў-лин-да <sup>1</sup> На-во-и-й ўл-ди-ю кўр-ма-ди ғай<sup>1</sup>ри бе-ва-фо-лиғ  
Ва-фо ши-о-ри <sup>1</sup> бил-ур-ки, ё-ри<sup>1</sup>га бе-ва-фо-лиғ <sup>1</sup> ши-о-р бўл-ғай.  
Мафъилатун мафъилатун мафъилатун мафъилатун



**Х у л о с а л а р:** 1. Ҳижолар талаффузга кўра уч хил, ўлчовига кўра атиги икки хил бўлгани ҳолда рукнлар жуда хилма-хилдир. Мисраларнинг рукнларга бўлиш усуллари эса, табиийки, яна ўнлаб баробар кўп – назарий жиҳатдан олганда, мингдан ортади. Лекин уларнинг ичида мутлақ кўпчилиги сунъий бўлиб, талаффузга келиши ҳам қийин. Узоқ йиллар тажрибаси асосида атиги 20-30 атрофида аруз баҳрлари ва уларнинг юзтача атрофидаги шохобчалари ўзбек арузидан ўрин олган. Яна такрорлаймиз: арузда рукнлардан мисра тузилишининг бош қондаси бу – шеърнинг равон, ўқимишли чиқишидир.

2. Арузий шеърнинг сўнгги рукни муайян даражада вариацияланиши мумкин.

3. Шеър арузнинг қайси баҳрида ёзилиши тилсимли бир равишда шеър мазмунининг чуқурлиги, ундаги кайфият, руҳият мураккаблиги билан боғлиқ.

4. Арузнинг ҳали очилмаган имкониятлари кўп. Масалан, унинг бетакрор жанрларидан бири бўлган мустаъзод ривожланмай қолиб кетган. Ҳолбуки, мустаъзод каби “синдирилган” шакллар яна ҳам хилма-хилроқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, у гражданлик лирикаси йўналишида ижод учун катта имкониятларга эга.

## **АРУЗ ВАЗНИНИ ЎЗЛАШТИРИШ**

Аруз вазнида ижод қилиш унинг ритмикасини – замзамасини ўзлаштиришдан бошланади. Бу тажрибани, баҳрлар хилма-хил бўлгани учун, улардан тайин бирини танлашдан бошлаган маъқул. Одатда одамнинг ички табиатига мос равишда қайсидир баҳр бошқаларига нисбатан кўпроқ ёқади, унга кўпроқ мойиллик бўлади. Буни аниқлаб олгач, ана шу баҳрдаги ғазал ва

мухаммасларни ўқиш, имкон қадар кўп намуналар ёдлаш ва уларни мунтазам такрорлаб юриш керак.

Мисол учун, вазн сифатида ҳазажи мусаммани солим, ёдлаш учун Навоийнинг мана бу машҳур ғазали танланган бўлсин, дейлик. Уни ўқиганда ва ёдлаганда ҳар мисрадан аввал ёки кейин вазн замзамасини такрорлаш фойдали:

Мафoъийлун | мафoъийлун | мафoъийлун | мафoъийлун  
Мени мен ис<sup>т</sup>аган ўз су<sup>х</sup> батига ар | жуманд этмас,  
Мафoъийлун | мафoъийлун | мафoъийлун | мафoъийлун  
Мени истар | кишининг су<sup>х</sup>батин кўнглум | писанд этмас.  
Мафoъийлун | мафoъийлун | мафoъийлун | мафoъийлун  
Не бахра топ қамен андин | ки, мендин ис<sup>т</sup>агай бахра,  
Мафoъийлун | мафoъийлун | мафoъийлун | мафoъийлун  
Чу улким, баҳ<sup>р</sup>аи андин | тилармен, баҳ<sup>р</sup>аманд этмас.

...

Ёки, рамали мусаммани маҳзуф учун:

Фоъилотун | фоъилотун | фоъилотун | фоъилун  
Жисми бемо<sup>р</sup>имга бо<sup>р</sup>ул | наргиси шах<sup>л</sup>о бало,  
Фоъилотун | фоъилотун | фоъилотун | фоъилун  
Жони хунхо<sup>р</sup>имга ҳам ул | лаъли руҳаф<sup>зо</sup> бало.  
Фоъилотун | фоъилотун | фоъилотун | фоъилун  
Даҳ<sup>р</sup>ичинда | офият нег<sup>с</sup>унки, ичкач | бир қадах,  
Фоъилотун | фоъилотун | фоъилотун | фоъилун  
Ёғдурур о<sup>л</sup>амга ўл шў<sup>х</sup>и қадах пай<sup>мо</sup> бало.  
Фоъилотун | фоъилотун | фоъилотун | фоъилун  
Не балодур<sup>к</sup>им, қутулмас<sup>м</sup>ен балодин | бир нафас  
Фоъилотун | фоъилотун | фоъилотун | фоъилун  
Ким, манго ет<sup>мас</sup> даме ул | шў<sup>х</sup>дин ил<sup>ло</sup> бало.  
Фоъилотун | фоъилотун | фоъилотун | фоъилун  
Во<sup>й</sup>ким, жо<sup>н</sup>имга кўзу | қошу хатту | холидин  
Фоъилотун | фоъилотун | фоъилотун | фоъилун  
Ё адамдур, ё малолат, ё суъубат, ё бало...

Айни битта вазндаги юзлаб ғазал ўқилиб, минглаб байт ёд олингач, кишида шу вазнга мос ритм шаклланади —

шоирнинг нафас олиши ва ҳижоларни чўзиқ-қисқа талаффузи аруз вазнига мослашади.

Навоий, Бобур, Огаҳий каби ижодкорларда ана шундай ритм автоматизмга айланиб кетган. Шунинг учун, дадил айтиш мумкинки, уларнинг шеърларида аруздан четлашадиган мисраъ йўлиқса, бу – хаттот ёки ноширнинг айбидан. Бундай ҳолларда асил вазни тиклашга уриниш керак.

**М и с о л.** “Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами” нашрида 16-ғазал:

Кўр-га-ли хуснунг-ни зо-ру | муб-та-ло бўл-дум са-нга,  
Не ба-ло-лиғ | кун э-ди-ким, | о-ш-но бўл-дум са-нга.

...

Жо-ми Жам бир-ла Хиз-р? су-йи на-си-бим-дур му-дом,  
Со-қи-ё, то | тар-ки жо-ҳ-ай-лаб га-до бўл-дум са-нга,

– бу тарзда учинчи мисранинг иккинчи рукни рамали мусаммани маҳзуф вазнига тушмайди. Аслида

Жо-ми Жам-да | Хиз-р су-йи-ким, на-си-бим-дур му-дом,

ёки **Хи-зир су-йи** деб ёзилган бўлиши мумкин. Бобур ҳам бу жумлани шу вазнда қўллайди – Хизир билан Масийҳ сўзларини вазндош қилиб олади:

Ким Хи-зир су-йин о-ғиз-лан-гай, бо-линг-нинг | қо-ши-да?  
Ким Ма-сих ал-фо-зи-дин де-гай ка-ло-минг | бо-ри-да?

Навбатдаги босқич – ўзлаштирилган вазнда бир мисра шеър битишга уриниш. У алоҳида мисра бўлиши ҳам мумкин – мумтоз адабиётда бир мисрали шеър жанри мавжуд.

**М и с о л** (“Хазойин ул-маъоний” дебочасидан):

Иш Тенг-ри-га | тав-ба-ю | и-во-бат | бўл-гай.  
Мустафилун мафъилун мафъил мафъул

**Мисол** (“Бобурнома”дан): “Тонгласиға алар ҳам калин қустилар, бирисининг худ ҳоли хароб эди, охир бори халос бўлдилар. Мисраъ:

*Ра-си-да буд | ба-ло-е, | ва-ле ба хайр | гу-зашт”.*

Бу машғулоти севимли ғазалнинг ҳар байтига бир мисрадан жавоб айтиш тарзида бажариш ҳам дуруст.

**Ма ш қ.** Мисрани тўлдириш (асру – кўп):

Не-ча йил-лар | — √ — — | — √ ас-ру, | кел-ма-ди,  
Ке-ча кел-гум | дир де-бо-н ул | сар-ви гул-рў | кел-ма-ди,  
Кўз-ла-рим-га | ке-ча тонг от | кун-ча уйқу | кел-ма-ди.

Шундан сўнг энг кўп такрорлаб юрилган ғазалнинг икки-уч байтига тахмис боғлашга уннаса бўлади. (Бутун ғазални мухаммасга тўлдириш билан аруз вазнида етарли малака ҳосил қилгач киришиш лозим. Гап фақат вазнда эмас – мухаммас “атлас кўйлакка бўз ямоқ” кабилида чикмаслиги кераклиги ҳақида I бобда айтиб ўтилди.)

Аруз вазнини ўзлаштиришнинг яна бир йўли – бу даставвал мавзун шеърлар машқ қилиш. Бунда қофияга эътибор қилинмайди, бутун диққат вазнга қаратилади. (Вазн ўзлаштириб олингач, қофияни ўрнига қўйишни ўрганиш у қадар қийин эмас. Бармоқ вазнида ижод қилувчилар, аксинча, биринчи ўринда қофия туради, “ғазал” бу – строфалари *aa ba ca ...* йўсинда қофияланган шеър, вазн эса муҳим эмас деб қаттиқ янглишадилар.) Мавзун шеърлар ўрганиш жараёнининг маҳсули бўлгани учун, девонларга киритилмайди. Биргина Увайсийнинг мана бу шеъри мустасно:

*За-мо-на кул | фа-ти-дин бу | кў-нгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу чар-хи бе-му-рув-ват-дин | кў-нгул доғ ўлди, доғ ўлди*

...

*Ме-ни рас-во | и о-лам-дин | ма-бо-до эх-ти-роз эт-ма,  
Та-кал-лум бир | ли шо-д ай-ла, | кў-нгул доғ ўлди, доғ ўлди.*

А·жаб ап·ъо<sup>ри</sup> мав·зун боғ<sup>ла</sup>·ди Вай·сий<sup>1</sup> ҳа·сад·дин·ким,  
У·мар·хон зу<sup>фу</sup>·нун·дин·ким, <sup>1</sup> кў·нгул доғ ўл<sup>ди</sup>, доғ ўл·ди.

(Шеър чамаси Амирийнинг худди шундай – мавзун шеър машки таъсирида ёзилган. Увайсий асарларининг насларида вазн бузилиши ҳолатлари учрайди. Масалан,

Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,  
Бу кўтах мардуми нофаҳмдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,

байтининг иккинчи мисраси ҳазажи солим вазнига тушмайди. Ҳолбуки, Увайсийдай шоира (яна мавзун шеърда) вазн сакталигига йўл қўйган бўлиши асло мумкин эмас.)

М а ш қ. Увайсий мисрасининг аслини тиклашга уришиб кўринг.

Арузда ижоднинг ибтидоъи – фард, яъни бир байтдан иборат шеър.

Мисоллар:

Аб·ла·х\_они<sup>1</sup> бил·ки, о·лам<sup>дин</sup> ба·қо қил<sup>ғай</sup> та·маъ,  
Аҳ·ма·қ\_ул·ким,<sup>1</sup> о·лам\_аҳ·ли<sup>дин</sup> ва·фо қил<sup>ғай</sup> та·маъ.(ФК)  
(Тамаъ сўзини таъма деб ўқиш мумтоз адабиёт талаффузига зид эканига эътибор беринг.)

Ё·р қад·рин<sup>1</sup> бил·ма·дим, то<sup>1</sup> ё·р·дин ой·рил·ма·дим,  
Ё·р қад·ри<sup>1</sup> мун·ча ҳам душ·во·р\_э·кан·дур<sup>1</sup> бил·ма·дим.  
(Бобур девонидан. Ёр, -вор ўта чўзиқ ҳижолари қўлланишига эътибор беринг.)

Фарднинг хусусий шакли – муаммо, исм яширинган байт. М и с о л:

Бу гул·ша·н\_ич·ра·ки йўқ·тур<sup>1</sup> ба·қо гул<sup>ига</sup> са·бот,  
А·жаб са·ода·т\_э·рур чик<sup>са</sup> ях·ши·лик<sup>1</sup> би·ла от  
(“Наводир уш-шабоб”, муаммолар боби)

– эски ўзбек ёзувида саодат сўзи С<sup>а</sup>ЪОД<sup>а</sup>Т шаклида ёзилади. Агар О ва Т ҳарфлари чиқарилса, С<sup>а</sup>ЪД сўзи (исм) қолади.

Бармоқ вазнидаги шеърнинг кульминацияси сўнгги бандга тўғри келади. Сўнгги банди чиқмаган шеър – чала шеър (*Усмон Азимов*). Арузда эса тамойил бошқа – сўнгги байт кўпинча анъанавий табиатда бўлади. Дейлик, шоирнинг ўз-ўзига мурожаати, насиҳати тарзида. Масалан, Навоий ғазалларининг кўпчилиги “май ичу дунё ғалваларини унут” деб яқунланган. Албатта, ғазалнинг сўнгги байти муҳим, шу сабабли у ҳатто **мақтаъ** деган алоҳида номга ҳам эга. Лекин **матлаъ**, яъни ғазалнинг биринчи байти унинг тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга молик. “Биринчи байт қандай чиқса, бутун ғазал шундай чиқади” – деган ибора ҳам шундан. Қолаверса, мумтоз адабиётда шеърлар сарлавҳасиз бўлади – улар айнан матлаъи билан эслаб қолинади.

Матлаъга қўйиладиган талаблар:

1. **Вазн раволиги**. Бу тушунарли – биринчи байт вазни раво чикса, уни ёдда тутиш ҳам, кейинги байтларни шу вазнга тушириб ўқиш ҳам ўнғай бўлади.

2. **Оригиналик**. Матлаъда муаллиф ҳали ҳеч ким қўлламаган фикр, шеърини санъат, қофия ёки ҳеч бўлмаса радиф ихтиро қилиши лозим. Бу ўринда Навоийга ғоят манзур бўлган байтлардан эслайлик. Ривоятга кўра, шоир қуйидаги байтни бир дарвешдин “тилаб” олган ва уни ғазалгача тўлдирган:

Кўк-ра-гим-дур | суб-ҳ-нинг пи-ро-ҳа-нидин\* | чо-к-рок,  
Кир-ли-ким шаб-нам тў-кул-ган | саб-за-дин нам-но-к-рок. (НШ)

Байтнинг ҳар икки мисраъида фавқулодда ёрқин образ мужассам. Ундан ташқари **чокрок**, **-нокрок** қофиясининг

---

\* Кўйлак, яктак

оригиналлиги ҳам байтни эшитган одамнинг хотирасига “михлаб” кўяди.

Мана бу байт Хусайн Бойқаро ғазалининг матлаби. Уни Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да шундай таърифлайди:

**“Бу радиф ҳам гўеки шариф табъ ва латиф зеҳннинг ихтироъидурким, (ҳозиргача) эшитилмайдур, бағоят ширин ва дилпазир ва рангин воқеъ бўлубтур:**

**Хас-та жо-ним | заъ-фи-ға лаъ|ли ша-кар-бо|ринг и-лож,  
Зо-р кўнг-лум | дар-ди-ға жон|бах-ш гуф-то|ринг и-лож”.**

Хусайний ўта чўзиқ ҳижоларни маҳорат билан қўлаганига эътибор беринг. Ҳар икки мисрадаги маъноси яқин сўзларнинг параллел келиши, илож сўзининг ҳам даво, ҳам чора маънолари, лаъл сўзининг лаб маъносидан ташқари тиббиётда дори сифатида қўллангани, хаста ва заъф, зор ва дард синонимик сўзларга асосланган ийҳом санъати – муаллифнинг юксак маҳоратидан далолатдир.

Бу каби матлаълар “шоҳбайт” дея эъзозланиши бежиз эмас.

3. **Салмоқ.** Ғазалнинг биринчи байтига шундай маъно юкланиши лозимки, уни кейинги байтларда давом эттириш, ривожлантириш мумкин бўлсин ёки кейинги байтларда шарҳлаш учун етадиган салмоққа эга бўлсин.

Бунинг ёрқин мисоли: “Ҳазоин ул-маоний”нинг биринчи девонидаги биринчи ғазалнинг биринчи байти:

**Аш-ра-қат мин | ак-си шам-сил | каъ-си ан-во|рул-ху-до,  
“Ё-р ак-син | май-да кўр” деб | жо-м-дин чиқ|ти са-до.**

Бутун ғазал шу байтдаги тезисни изоҳлашга, ривожлантиришга қаратилган. (Бу ҳақда Алийбек Рустамов қаламига мансуб “Адаблар одобидан адиблар” рисоласининг “Ҳазоин ул-маоний”нинг фотиҳаси” бобига қаралсин.)

Ўзни арузда синаб кўришнинг синалган бир йўли – татаббуъ боғлашдир. М и с о л:

Ўт-га сол-гил | сар-в-ни, ул | қад-ди мав-зун | бўл-ма-са,  
Ел-га бер-гил | гул-ни, ул рух|со-ри гул-гун | бўл-ма-са. (НН)

Бу ғазалдаги инкор руҳи ҳамда “гулни гулгун дея таърифлаш” Навоийнинг ўзини қониқтирмаган чоғи, кейинроқ ғазал радифини сақлаган ҳолда “бўлмаса” сўзидан “бўлсин” (!) деган маъно чиқадиган ғазал битган:

Гул керакмастур менга, мажлисда саҳбо бўлмаса,  
Найлайин саҳбони, бир гул мажлисоро бўлмаса. (ФК)

Хусайн Бойқаро эса матлаънинг аслига жило берган:

Ўтга ёндур сарвни, ул қадди раъно бўлмаса,  
Елга бергил гулни, ул рухсори зебо бўлмаса.

Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ҳам татаббуъ боғлашга уннаган:

Хилватеким бўлса ёру ғайр андо бўлмаса,  
Ваҳ, не хуштур гар менга борур таманно бўлмаса.

Бобур татаббуъи:

Ким кўрар хуршидни ул моҳсиймо бўлмаса?  
Ким сўрар шаккарни ул лаъли шакархо бўлмаса?

Фурқатнинг жавоби:

Умр хуш ўтмас баҳор айёми саҳро бўлмаса,  
Лолазор ичра бисоти айш барпо бўлмаса.

Матлаъга қараганда Фурқат мавзуни бошқа томонга – баҳорги табиат мавзуъига бургандек туюлади. Аммо ғазалнинг иккинчи байтига ўтайлик:

Ҳосил ўлмас бодау жом\_ила мийнодин мурод,  
Жилвагар то соқийи гулчеҳра андо бўлмаса.



## ҚУЛАЙЛАШТИРУВЧИ ВОСИТАЛАР

Арузни тушунадиган, ammo бармоқ вазнида ижод қилувчилар ўртасида “арузда шакл жуда қисик, шеърни унинг вазнига туширгунча мазмунга путур етади” деган фикр юради. Аслида арузда шакл мазмундан устун эмас, аксинча шакл ҳатто мазмунга қурбон қилинади, дейиш ҳам мумкин.

Бобур девонидан м и с о л л а р.

Ме-нга бор-моқ | муш-ки-лу кел|мак са-нга о|сон-ду-рур,  
Уш-бу муш-кил|ни ма-нга, ё | раб, се-н\_о-сон | қил-га-сен,

– вазн тақозоси билан биринчи мисрада **осондур** сўзи **осондурур** шаклида олинган, иккинчи мисрада **қилғайсен** сўзининг иккинчи ҳижоси **қилғасен** тарзида қисқартирилган.

Гаҳ қошинг секретibu гоҳи кўзунг ўйнатибон,  
Не бало фитна менинг жонима ангиз этасен

– **гоҳ** сўзи бир ўринда **гаҳ**, иккинчи ўринда **гоҳи** шаклида ёзилган; **қошингни**, **кўзингни** сўзларида “-ни” кўшимчаси ноошкор қолган; **ўйнатиб** сўзи **ўйнатибон** шаклида қўлланган.

Яна м и с о л л а р:

Ўлдуройин дермусан ё куйдуройин дермусан,  
Ёна бошимга балолар ёгдуройин дермусан? (*Маишраб*)

– вазн тақозоси билан “-ра-“ ўрнида “-ро-“ ёзилган ҳамда **яна** сўзи **ёна** шаклида қўлланган.

Эй сарви равон, надур хаёлинг,  
Жон ўртади ваъдаи висолинг.

...

Ул ойни юзига баҳс этарсен,  
Етмиш магар эй, куёш, заволинг, (*Нодира*)

– вазн талаби билан **ойнинг** сўзидаги қаратқич келишиги кўшимчаси “ни” га қисқартирилган ҳамда юзидан ўрнига юзига деб олинган.

Мени расво қилан кимдурки, бир сиймин бадан нозик,  
Солан бошима савдо кимдур – ул гулпираҳан нозик,  
(*Увайсий*)

– “ган” кўшимчасида “г” ташлаб кетилган, **пироҳан** сўзининг иккинчи чўзиқ ҳижосида “а” ёзилган.

Хаста кўнгулга қилғасен мунча недин жафо, дедим,  
Дема “жафо” ани, санинг дардингадур даво, деди, (*Огаҳий*)

– вазн тақозоси билан **қилғайсен** ўрнида қилғасен ёзилган ҳамда **недин** ва **мунча** сўзларининг ўрни алмаштирилган.

Албатта, нутқ меъёридан бу каби четлашишлар суъйистемол қилинмаслиги лозим. Ҳар қалай, Навоий шеърларида бу каби ҳолатлар жуда кам учрайди. М и с о л:

**Чун қозиюл-ҳожот сен даъвои маҳринг қилғали,**  
**Дарду фиروق андуҳидин келтурмишам икки гуво (БВ)**

– гувоҳ сўзида “х” ҳарфи ташлаб кетилган.

Арузда вазнга солишни енгиллаштирувчи, айна пайтда шеър санъат билан боғлиқ восита – синоним сўзлар. Шоир бисотида бундай сўзлар қанча кўп бўлса, унинг мисраълари шу қадар раво чикади.

М и с о л. **Бет** ва **чиройли** сўзлари ўрнида шеърятда хилма-хил синонимлар қўлланиши яхши маълум. Бу, бир томондан, уларнинг ҳар бири ўз вазнига эгаллиги туфайли бўлса, иккинчи томондан қофия учун керак:

бет, юз, рўй	—	чиройли	√ — √
рў	√, —	гўзал	√ —
чехра	— √, — —	латиф	√ ~
узор	— —, √ ~	жамил	√ ~
ораз	— —	малиҳ	√ ~
важҳ	√ — —	аҳсан	— —
руҳсор,	— ~	нозанин	— √ —
сиймо	— —	зебо	— —
лиқо	√ —	сулув	√ —
...		...	

М а ш қ. Жадвалнинг ҳар бир устунига яна камида бештадан синоним қўшинг.

М а ш қ. Жамол, зебо, моҳитобон, гулрў каби “гўзал юз” маъносида келувчи сўзлар қаторини давом этиринг.

М и с о л. Бобурнинг мана бу ғазалида маънодош ва маъноси яқин сўзлар қўлланишига эътибор беринг:

Қаду хаттинг била кўзу юзунг, эй сарви сийминган,  
Бири сарву бири райҳон, бири наргис, бири гулшан.

Ҳадису лаълу рафтору жамолингдин эрур ҳар дам,  
Тилим гўё, сўзум рангин, кўнгил хуррам, кўзум равшан.

Мени мадҳуши мискин, найлай ул шўҳи бало бирла,  
Мен асру бедилу беҳуд, ул асру пурдилу пурфан.

Фалак жавру жафосидин, ул ой дарду балосидин,  
Чекармен нолау афғон, қилурмен гирияю шеван.

Балою ишқу ёлғузлукдағи ҳижрону ғурбатда  
Отим Мажнун, кишим меҳнат, ишим зору ерим гулхан\*.

Ўқунг бирла хаёлинг, дардингу меҳрингга Бобурдек  
Таним манзил, кўзум маскан, кўкус маъво, кўнгул маҳзан.

\* Гулхан – кулхона маъносида

Арузда вазни мувофиқлаштиришнинг яна бир кенг тарқалган воситаси, бу – турли вариантда қўлланиши мумкин бўлган “хамолсон сўзлар”:

**билан** – бирлан, бирла=бирга, биргаликда, била, ила, -ла; **М и с о л**:

Сендин ойру найлагаймен ийд ила наврўзни,  
Ойу йил хушгур сенинг бирла агар бўлсам била; \* (Бобур)

учун – чун, чу;  
эй – “О!”, э, оё, аё, ё, -о;  
агар – магар, гар, ар.

Агар муслихме-н, ар муфсид, вагар ошикме-н, ар обид,  
Не ишинг бор сенинг зоҳид, менинг не ихтиёрим бор?!

(Бобур)

– **гарчи** – арчи (Бобур: *Ме-н ар-чи дахр* бо-ғи-дин |  
*ха-зон яф-ро-зи-дек бор-дим*);

**каби** – кеби; **у каби** – уйла; **бу каби** – буйла;

**мисоли** – мисли, бамисли, бияйних;

**лекин** – лек;

**нима** – не, на, н-; **нима этай** – нетай, **нима айлай** – найлай; **нима учун** – не учун, невчун, нечук ва ҳ.к.;

**ки** – ким, к-.

**М и с о л** (“Лисон ут-тайр”дан):

Сўнг-ра То-вус | эт-ти уз-рин | иб-ти-доъ,  
Де-ди: – “К-эй сен | бар-ча-миз-га | муқ-та-доъ”

– “**Ки, эй**” жумласи “кэй” деб қисқартирилган.

**-нинг** – -им (менинг = маним, бизнинг = бизим ва ҳ.к.);

---

\* Бу ерда «бўлсам била» жумласи «била бўлсам, била олсам» маъносига ҳам эга эканлишидан «била» сўзи ийҳом санъати ҳосил қилади.

-ни – -н (ҳолини – ҳолин, қилганини – қилганин ва ҳ.к.);

**тағин** – тағи=дағи, доғи;

**у** – ул; **бу** – бул; **шу** – шул, **ўша** – ўшул;

**гўё** – гўйиё, гўйи;

**ва лекин** – вале, вале, вал;

**балки** – балким, бал ва ҳ.к.

Бу каби кўмакчилар мисрада анча эркин жойлаша олади ва шу билан уни мувозанатга келтиришга кўмаклашади. Арузда бу вазифани бажарадиган яна бир восита: “-дир” (-дур, -дурур шакллари билан) ва “-е” кўшимчаларидир.

М и с о л л а р (“Бадоиъ ул-васат”дан):

То се-нинг-дек | қо-ти-ли хун|хо-ра-е бор|дур ма-нга,  
Бил-ла-х, ар ўл|мак-ди-н ўз-га | чо-ра-е бор|дур ма-нга?!

– хунхора, чора сўзларига нейтрал “е” юкламаси кўшилган, бор сўзи бордур, биллоҳ сўзи биллаҳ шаклида олинган, агар сўзи ар деб ёзилиши натижасида ўзидан олдинги чўзиқ ҳижони қисқартирган.

Шах-д а-ро оғуш-та гул-барг-е-ду-рур ул | ик-ки лаб,  
Ҳар сў-з ан-дин|ким чи-қар, ши-ри-н э-са йўк|тур а-жаб,

– гулбарг сўзи “-едурур” кўшимчаси билан уч ҳижога (!) ортирилган, байтда яна “-ким”, “-тур” юкламалари жалб этилган. Ҳижо охирида “у” сўзи чўзиқ ҳижога ўтаверар эди, шунга қарамай бу сўз ул шаклида ёзилиши туфайли вазн раволашган.

Кўнг-лум-ни чу ул | на-ри о-либ-тур,  
Де-во-на бў-лур|га не қо-либ-тур (Бобур)

– бу байтда кўмакчи сўзларнинг чу, ул, -тур, не шакллари қўлланган.

Мана бу мисолларда бир сўзга бир неча кўмакчи юкланган:

**Ўзгалар бирла ичарсен маю мен зор-га ул  
Бодаедурки, эрур таъми ачиг, лаззати талх.**

**Менмудурменким куёш кулбамни равшан айламиш,  
Оби ҳайвон зулматободимни гулшан айламиш. (НШ)**

Кўп вариантлилиқ нафақат кўмакчиларга, балки асосий сўзларга нисбатан ҳам қўлланади: **шоҳ–шаҳ, подшо–подшоҳ–подшаҳ, кошки – кош, гаҳи–гоҳо–гоҳида–гоҳ–гоҳ–гаҳ–гаҳ, бир–бирар, икки–ики, етти–ети, саккиз–секиз, тўққиз–тўқиз, мисли–мисоли, сув–су, юв–ю, ният–нийат, бўлмоқ–ўлмоқ, олдида–олида, побаст–пойбаст–пайваста ва ҳ.к.**

М и с о л:

**Буроқингга тўқуз гунбад бу тўққиз гунбади хазро. (ҒС)**

**Ким сўрар шаккарни ул лаъли шакархо бўлмаса? (Бобур)**

Бу усул шоирлар тахаллусида яна ҳам эркинроқ қўлланганини кузатиш мумкин: **Навойи, Навойи, Навойий; Увайсий, Увайси, Увайс, Вайсий; Муқимий, Муқиймий, Муқийми, Муқийм ва ҳ.к.**

Айнан ўзбек тилида арузий шеър ёзишда яна бир қулайлик – **инверсия**, яъни сўзларнинг ўрнини бемалол алмаштириш мумкинлиги. Қиёслаш учун на араб тилида, на форс тилида бундай имкон йўқлигини таъкидлаймиз: сўзлар ўрни алмаштирилса, маъно ўзгариб кетади.

Инверсия бармоқ вазида ҳам кенг қўллангани учун, атиги бир мисол билан чекланамиз:

**Ишқ аро расволигим элга берур Мажнунни ёд,  
Уйлаким айлар ани кўрган мени маҳзунни ёд (НШ)**

– иккинчи мисрада сўзлар оддий нутқда “уни кўрган маҳзун мени кўрган(дек) ёд айлайди” тартибида келган бўлар эди.

Таъкидлаш лозимки, аруз даҳолари асарларида вазни енгиллаштирувчи воситалар кўпинча семантик юк ҳам ташиydi – улар бир ўринда сабаб-оқибат муносабатини ифодалаб, шеърнинг мантиқий изчиллиги таъминласа, бошқа ўринда интонацияга таъсир этиб, шеърдаги лирик кайфиятни равшанлаштиришга хизмат этади.

## ЎЗБЕК АРУЗИДА ФЕЪЛ

Ўзбек тилида хилма-хил шаклда тусланадиган, шунинг учун ҳижола таркибини мувофиқлаштириш масаласида энг қулай сўз туркуми бу – феъл. Мумтоз адабиёт вакиллари томонидан феълнинг фақат назмда қўлланадиган ўнлаб шакллари муомалага киритилган.

М и с о л. Навоий ғазалларида айламак сўзи куйидаги шаклларда қўлланганини кўрамиз: айла, айлай, айлайин, айлар, айларам, айлаб, айласа, айлагай, айласун, айлаган, айлагач, айламиш, айлағамең, айлағасең, айлагали, айлагуси, айлатур, айлатгай, айлатгуси, айлатгач, айлатмиш, айламон (=айлайман, айлай оламан), айлаяжак ва б.

Ваҳоланки, бу вариантларнинг барчаси бўлишсизлик шаклида (айламас, айламамон, айламагай, айламамиш ва ҳ.к), сўроқ шаклида (айламасму, айларсанму, айлармусан ва ҳ.к), тасдиқ шаклида (айлагайдур, айлабдурур ва ҳ.к) ва яна бошқа шаклларда (айласанг-чи, айлагудек, айламуштек, найлагай, найласун ва ҳ.к) қўлланиши мумкин.

Ваҳоланки, айламак сўзи қилмоқ ва этмак сўзлари билан маънодош ва бу икки сўзнинг ҳам ана шу қадар

хилма-хил шакллари мавжуд. Уларни ўз ўрнида қўллаш вазнини қулайлаштиришдан ташқари нутқни ранг-баранг қилишда ҳам қўл келади. М и с о л:

Иш манга қилмоқдурур ул шўхи бепарвони ёд,  
Ул унутмиш ониким, қилғай мени шайдони ёд.

Хулд аро бўлсам авинг қўйин соғинғум, вах, не тонг,  
Ўрбат ичра айламақ эл манзилу маъво-ни ёд.

Буйлаким, лаълинг майининг шавқидин маст ўлмишам,  
Бодадек қоним тўк, этсам бодайи ҳамрони ёд.

Лаъли элни тиргузурда ўзгаларни ёд этар,  
Ўлтурурда ғамзаси айлар мени расвони ёд.

Рашиқдин беҳуд тилармен халқниким, қилмағай  
Жинси одам ул парийпаркар малаксиймони ёд.

Кўр муниким, андин ўзга кимса борму ёдима,  
Эйки дерсен, қилмағил ул чобуки зебони ёд.

Дайр пири илгидин зуннор этармен орзу,  
Ҳар қачонким, айласам ул дилбари гарсони ёд.

Дўст ёдидин кўнгулни уйла истармен тўла  
Ким, ул айлай олмағай дунёву мо фиҳони ёд.

Чунки туфроғ ўлди ёдингдин Навоий сен дағи  
Нетги қўйсанг журъае туфроққа, айлаб они ёд, (ҒС)

– бирор феъл шакли такрорланмаган.

Бу мисолдан яна кўринадики, қилмоқ ва этмақ сўзлари доим ҳам бир-бирининг ўрнини босавермайди. Чунончи:

– биринчи мисрада иш қилмоқдурур ўрнида иш этмақдурур деб бўлмайди,

– иккинчи мисрада қилғай ўрнига эткай ёзилса, ониким сўзининг “м” ундоши кўчиши натижасида учинчи ҳижо қисқариб қолади,



– учинчи мисрада эса аксинча, **эткаймен** ўрнига **қилгаймен** ёзилса, **зундор** сўзининг ўта чўзиқ хижоси қисқармай қолади ва ҳ.к.

Феъллар яна қай даражада тусланиши мумкинлигига “Хазойин ул-маъоний”дан мисоллар:

Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлига бот,

Демангиз ах**боб**ким, қилмасун бас йиғламоқ,

Ҳажр ўтига истасанг ёқилмағайсен, эй кўнгул,

Кўнгул олурда ажаб дилрабо эмиштуксен,

Ёнида эл кўрсам ўқ санчилмасунму жонима,

Вафо ваъда айлаб жафо айладингло,

Жонму ё лаълинг чучукдур десам, аччиғланмағил,

Басдурур ул ойни кўргандин кўнгул титратмаси.

Билгай ул кофир анга термулмагимни, билсаким

Не тазаллум бирла қотилни қилур наззора сайд?!

**Термуруб турғунча бориб шаҳсуворе кўзлали.**

Навоий лексикасининг нақадар бойлигига феъллар мисолида яна бир карра амин бўлайлик:

Нў·ши ла·би<sup>1</sup>ни ҳар не·ча<sup>1</sup> сўрдум, ў·сон<sup>1</sup>ма·дим,

Ич·мак би·ла<sup>1</sup> ҳа·ё·т зу<sup>1</sup>ло·ли·ни қон<sup>1</sup>ма·дим.

Зо·ҳид де·ди<sup>1</sup>ки, раҳ·н э·ти<sup>1</sup>бон хир·қа дай<sup>1</sup>р·а·ро,

Қил·миш·се·н ан<sup>1</sup>да бут·қа до<sup>1</sup>ғи саж·да, тон<sup>1</sup>ма·дим.

Муғ пи·ри май<sup>1</sup> бе·риб, ти·ла<sup>1</sup>ди жон·ни муғ<sup>1</sup>ба·ча,

Ҳар не·ки де·ди·лар қи·лу<sup>1</sup>ри·дин то·жон<sup>1</sup>ма·дим.

Сар·хай·л э·дим<sup>1</sup> бу ке·ча ҳа·ро·бо·т аҳ·ли·ға,

Ул сал·та·нат<sup>1</sup>ни ле·к ў<sup>1</sup>зум·ға и·нон<sup>1</sup>ма·дим.

Ақ-л\_эт-ти манъ муғ-ба-ча|ю дай-р-дин, | ба-се,  
Кў-п\_ўт-ди ху|ру рав-за-ни, | ле-кин бе-гон|ма-дим.

Шук-р,\_эй кў-нгул|ки, бўл-ма-дим | аф-до-к жав|ри-дин  
О-шуф-та-хo|лу жо-ҳи-ға | до-ғи қу-вои|ма-дим.

Аз-м\_эт-ти-м,\_эй | На-во-и-й,\_ул | ой са-ри бу | ке-ча,  
Маҳ-ваш-ла-р\_оч|ти шуъ-ла-и | рух-со-ру ёи|ма-дим.

Бир замонлар атиги бир байти дор остига олиб бориши мумкин бўлган бу ғазал аслида Навоийнинг мутойибаси, ўз даврида “туркий тил ғазал ёзишга мос эмас”, деган иддаоларга жавобидир.

Ғазал луғати: ўсонмоқ – зерикмоқ, чарчамоқ, машғулотдан ўзни тўхтатмоқ; раҳн этибон хирқа – хирқангни гаровга бериб; дайр, муғ – оташпарастрлар, бутпарастрлар ибодатхонаси, кўчма маънода – майхона; муғ пири – руҳоний, кўчма маънода – майхона эгаси, бошлиғи, муғбача – майхона хизматчиси (ҳозирда: официант ёки официантка); тожонмоқ – бош тортмоқ, рад қилмоқ; сархайл – саф раҳбари, журабоши; ўгмак – мақтамоқ, таърифламоқ; равза – жаннат, жаннатдаги боғ; афлок – фалаклар, тақдир; ошуфтаҳол – паришон, ўзни йўқотиш; жоҳ – мансаб, мартаба, комфортга берилиш; азм – қарор, азм этмоқ – қатъий йўлга чиқмоқ; маҳваш – ойдаи, ой юзли; ёнмоқ – 1) ўтда ёнмоқ, аланга олмоқ; 2) қайтмоқ, қайрилмоқ, ён томонга ўгрилмоқ.

Бу ўринда Навоий тилининг табиати хусусида қисқа фикр-мулоҳаза билдириб ўтиш жоиз. Баъзан иштибоҳли савол қўйилади: Навоий асли қайси тилда ёзган?

### Навоий тили – мумтоз ўзбек адабий тили

Бу тасдиқнинг муҳим далилларидан бири – феъллар.

Айнан феъл туркумига кирган сўзлар тилнинг энг собит (инвариант), замон ўтиши билан ўзагини сақлайдиган унсури эканлиги яхши маълум. Хусусан, Ғарбда Болқон ярим ороли, шарқда Узоқ Шарқ, шимолда Болтиқбўйи, жанубда Ўрта Осиёни қамровчи улкан худудга тарқалиб кетган туркий тилли элатларнинг тил умумийлиги бошқа

сўз туркумларига нисбатан кўпроқ айнан феъллар воситасида идентификация қилинади. Бу услуб нафақат тилларнинг бир оилага мансублигини аниқлашда, айни пайтда, бир оилага мансуб тилларни ўзаро фарқлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

Шу нуқтаи назардан Навоий ғазалларида қўлланган феъллар мажмуаси ўрганилса, Навоий тили бугун амалдаги бўлган барча туркий тиллар ичидаайнан ўзбек адабий тилига энг яқин эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу ҳақиқатни бир мисолда намоёиш этайлик

**Парийвашим қаро бўркинки, бир ён эгри қилибдур,  
Магарки шамъи жамоли фатиласи эгилибдур (ҒС)**

матлаъи билан бошланган ғазалда қуйидаги феъллар иштирок этган: **қилмоқ, эгилмоқ, чиқармоқ, битилмоқ, синграмоқ, тешилмоқ, эмоқ, (б)ўлмоқ, ешилмоқ, игирмоқ, чигилмоқ, тикилмоқ, тиргизмоқ, сўкунмоқ, тирилмоқ, ичмоқ, йиғилмоқ, билмоқ.** Синграмоқ сўзи ҳозир инграмоқ, сиқтамоқ шаклида, игирмоқ – йигирмоқ, ешилмоқ – ечилмоқ шаклида қўлланишини эътиборга олсак, бу сўзларнинг барчаси ҳозирги ўзбек тилига хос эканлигини кўрамыз, бошқа туркий тиллар, хусусан, қарлуқ лаҳжасидаги бошқа тилларда ҳам бу сўзларнинг кўпи ўзгариб кетган.

## II БОБГА ИЛОВА

### АРАБ ТИЛИ ВА АРУЗ

**Навой ижодида араб тилининг ўрни.** Шарқнинг мумтоз шоирлари орасида Алишер Навоий каломи араб тилига хос сўз ва ибораларнинг жуда кўплиги билан ажралиб туради. Бунинг бир неча изоҳи бор. Биринчидан, шоир она тили билан бир қаторда форс тилини болалигидан яхши билган, шунинг учун мактаб ва мадрасада ўқиганда кўпроқ араб тили билан шуғулланган. Кейин Улуғбек мадрасасида ўз даврида диний илмларнинг чуқур билимдони сифатида шухрат қозонган Абу Лайс Самарқандийдан араб тилидан таҳсил олганда, бу борадаги билимини ҳадди аълосига етказган.

Иккинчидан, Навоий болалик ва йигитлик даврида асосан шоир сифатида танилган, аммо ҳаётининг Самарқанд давридан бошлаб у яна ҳам юқорироқ мартабага – файласуф олим ва мутафаккир мавқеига кўтарилган.

Учинчидан, Навоий асарлари ўзбек учун “Қуръон”и карим тилининг соҳилига олиб ўтадиган ўзига хос “кўприк”дир.

М и с о л:

**Журму исён чоҳидин чиқмоқ Навоий илтимос**

**Сендин айлар, негаким йўқтур санга кўфван аҳад (НШ)**

– сўнги жумла “Ихлос” сурасига тегишли. “Қуръон”и каримдан олинган бу каби ибора ва жумлалар Навоий асарларида кўплаб учрайди.

“Қуръон”и карим тили арабча бўлгани учун оятлар тиловат қилинганда, ҳамма ҳам уларнинг маъносини англайвермайди. Навоий асарлари, гарчи тушуниш ҳар доим ҳам осон бўлмаса-да, бари бир ўзбек тилида ёзилган. Шу нуктаи назардан олганда, улар муайян даражада “Қуръон” тафсири вазифасини ўтай олади. Мисол:

**Се-н ўз хулқинг<sup>1</sup>ни тузгил, бўл<sup>1</sup>ма эл ахло<sup>1</sup>қидин хурсанд,  
Кишига чун<sup>1</sup> киши фарзан<sup>1</sup>ди ҳаргиз бўл<sup>1</sup>мади фарзанд.**

...

Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,  
Сенга йўк нафс-дек душман, қила олсанг ани қил банд.

...

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофиъи гар истасанг, бордур  
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд. (ҒС)

Иккинчи байт “Қуръон”и каримнинг “Юсуф” сурасидаги 53-оят билан боғлиқ: “...нафсимни оқламайман. Чунки нафс – агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса – албатта барча ёмонликларга буюргувчидир...”. (Аълоуддин Мансур тафсири)

“Нафси аммора” (буюргувчи нафс) ибораси шу оятдан келиб чиққан. Байт такрор (нафсингга–нафсдек), тарди акс (банд, душман – душман, банд) каби санъатлар билан безатилгани учун уни ёд олиш ўнғай. Уни ҳар такрорлаганда эса, “Юсуф” сурасини хотирга келтиради ва кишига ўз нафси амморасини энгишга кўмаклашади.

Ғазалининг якуний байтидаги Навоийнинг ўқувчига мурожаати ҳам диққатга молик: агар кўнглингдан жаҳлни (жаҳолатни) дафъ этишни истасанг, Навоий боғига сайр қилким, муродингга етгайсан!

Мана бу байт Навоийнинг Муҳаммад алайҳиссалом мадҳига бағишланган наът ғазалининг матлаби:

Зиҳе бошинг уза ваш-шамс зеваридин тож,  
Сочинг саводида тафсири лайлатул-меърож. (НШ)

Табиийки, ваш-шамс, тафсир, лайлатул-меърож жумлаларининг маъносидан беҳабар одам бу байтни тушунмайди. Лекин, иккинчи томондан, бундай байтларни тушунишга интилиш ўқувчининг диний саводини кўтаришга хизмат қилади. (Зиҳ – таҳсинга сазовор, “Ваш-шамс” – сура номи, зевар – безак, савдо – қора ранг, лайлатул-меърож – пайғамбар меърож қилган тун.)

Дўст ёдидин кўнгулни уйла истармен тўла  
Ким, у-л айлай олмағай дунёву мо фикони ёд, (ФК)

– бу байтда Жалолиддин Румий фалсафасининг бош концепцияси “Фиҳи мо фиҳи” (“Ичиндаги ичиндадир”) тилга олинган.

**Чун Навоий назмининг ҳар ҳарфидур шарҳи ғаминг,  
Деса бўлурким, эрур ҳар байти бир байт ул-ҳазан. (ФК)**

Байт ул-ҳазан (“ғам уйи”) Шарқ фалсафасида бу дунёнинг асил моҳиятини ифодалаган. (Байт сўзи “уй” маъносида ўзбек тилида байтуллоҳ ибораси таркибида учрайди, ҳазан эса ўзбек тили луғатидаги ҳазин сўзи билан ўзакдош).

**То ҳақиқий ишқ мастимен кўнгулни қовмушам  
Ониким, андишай ҳусни мажоз айлар, нетай? (НШ)**

Бу байтдаги ҳусни мажоз – Навоий даври эстетик тафаккурига оид тушунча.

**Бировга мусаллам тариқи тасаввуф  
Ки, зотида мавжуд эмастур таҳаллуф**

**Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,  
Эрур истилоҳати зебу тақаллуф.**

...

**Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,  
Навоий, муни бил тарийқи тасаввуф (ФК)**

– бу ғазал шаклан назм, моҳиятан эса тасаввуф тўғрисида жажжи рисола. Мана бу ғазал ҳам бошдан-оёқ Шарқ фалсафаси мавзуида:

**Сипеҳ-р\_осебидин солим қутулмоғлиқ не имкондур  
Ки, меҳре дашту тийғи кулгуси барқи дурахшондур.**

...

**Ҳаёт ичра бақо чун мумкин эрмас Нух бўлсинким,  
Ўлар ҳолатда туғмай ўлган ўғли бирла яксондур.**

**Бақо сарчашмаси зулматда дерлар, йўқки, ул зулмат  
С-кандар охи ўтидин йиғилғон дуди хирмондур.**

**Навоий, ўртабон ўзлук қадам бу йўлга қўй, яънин  
Ки, ҳар ҳамроҳким бўлғай тажарруд монияъи ёндур. (БВ)**

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бир-икки оғиз сўз – Навоий ижодидà форс тилининг ўрни ҳақида. Бу тилда ҳам йирик девон ва қиёси йўқ қасидалар битган зуллисонайн шоир туркий шеърларида форсча сўзларни, арабий сўзлардан фарқли равишда, меъёрида ишлатган. Бир қарашда бу ажабланарли: ахир Навоий форс тилини ниҳоятда мукаммал билган. Қолаверса, унинг замондошлари учун форс тили ҳам она тилидай гап бўлган, араб тили эса, нима бўлганда ҳам, бари бир хорижий тил эди. Айни мана шу ҳолат ҳам исботлайдики, Навоий арабча сўз ва ибораларни кўплаб қўллаган экан, бунда у соф адабий-лисоний вазифадан ташқари бошқа мақсадларни ҳам кўзлаган – биз бу хусусда юқорида фикр юритдик.

Мумтоз адабиётда **сарви гулрў, шўҳи бадхў, моҳи тобон, чархи фалак, захри чашм, пири дайр, рози дил, нури дийда, сарфитнайи олам, расвойи жаҳон, гули сурий, жоми Жам, офтоби оламоро жумлаларидаги каби каби форсча изофа эркин қўлланган. Ҳатто форсий изофа нақши Хотам, сирри мубҳам каби арабча сўзларга, суйи Хизир (Хизир суви), кўйи дард (дард кўчаси) каби туркий сўзларга ҳам татбиқ этилган. Хуллас, шеърлардаги форсча сўз ва изофаларни тушуниш ўзбек ўқувчиси учун кўп ҳам қийинчилик туғдирмайди. Қиёслайдиган бўлсак, Навоий, форс тилидан фарқли равишда, араб тилидан мураккаб иборалар, бус-бутун жумлаларни бемалол жалб қилаверган. М и с о л:**

**Тийраликдур даҳр иши, софий фано жоми-ю, бас:  
Айюҳа-с-соқий лано даъ мо кадар хуз мо сафо,**

– муламмаъ, яъни биринчи мисраъи туркий, иккинчиси арабча байт.

Навоий асарларида форс тилига хос яна бир восита – сўз ясовчи кўшимчалар. Бу борада шоир ҳатто янги сўзлар ихтиро қилишга ҳам мойил бўлган. Масалан,

**Кўз қонидин дема, этагим лоловордур  
Ким, қўҳи дарднинг этаги лолозордур (БВ)**

деб бошланган ғазалда **лолагун, лолакор, лолобор, сийнасўз** (сийнани куйдиргувчи) иборалари ишлатилган.

Навоийдан кейин муайян тарихий шароит тақозоси билан ўзбек шоирлари унинг асарларидаги форсий сўз ва иборалардан фойдаланишда давом этганлар, аммо араб тилидан олинган сўз ва ибораларнинг мутлақ кўпчилиги бегоналашган – бу тилни ўрганиш сусайиб кетган. Оқибатда Навоий асарларидаги айнан араб тили элементлари бугунги ғазалхон учун мушкуллик келтириб чиқаради.

Шунинг учун араб тилидан муайян тасаввурга эга бўлиш – Навоий асарларини тушунишни анча енгиллаштиради. Бу аини пайтда аруз вазнининг асил қонуниятини англаш учун ҳам зарур.

Дарвоқе, Навоий тилининг мураккаблиги тўғрисида гап кетганда, бу хусусият нутқда арабча ва форсча сўзлар кўплиги учунгина эмаслигини назарда тутиш лозим. Шоир асарларида қадимги туркий тилга оид сўзлар ҳам оз эмас. Хусусан, туркий халқлар аждодларининг динига хос бўлган Тангри (Тенгри), учмоқ, тамуғ сўзлари Оллоҳ, жаннат, дўзах сўзлари қаторида баравар қўлланган.

Мана бу байтда учта ана шундай тоифадаги сўз ишлатилган:

**Ёр ирни била қилмангиз, э қанду шакар, лоф,  
Чун оби ҳаёт ўтғониб андин ёшинибдур.**

Байтдаги қадимги туркий сўзлар: 1) **ирни** – лаби (ирин – лаб); 2) **ўтғонмоқ** – уялмоқ; 3) **ёшинмоқ** – яширинмоқ. Мазмуни: Эй қанду шакар, ширинлигингизни ёримнинг лабига қиёсламанг, чунки унинг лаззатлилигидан уялган оби ҳаёт одамлар кўзидан беркинишга мажбур бўлган. Ёр лабини ҳеч ким бундан ошириб таърифлай олмаса керак.

Шунингдек, Навоий ўзбек шеваларига хос кўплаб сўзларни ҳам адабий тилга олиб кирган. Филология фанлари номзоди Бердак Юсуф шоир асарларида Фориш туманидаги Учма қишлоғи шевасига хос бўлган дўлту (сиртлон), бўламоқ (шама қилмоқ), юткамоқ (гапни бошқа томонга бурмоқ) сўзлари учрашини аниқлаган.



**Араб алифбоси** 28 та ҳарфдан иборат:

ا алиф, ب бе, ت те, ث се, ج жим, ح хе (ҳойи хутти),  
خ хе, د дол, ذ зол, ر ре, ز зе, س син, ش шин, ص сод, ض  
зод, ط итқи, ظ изғи, ع айн, غ ғайн, ف фо, ق қоф, ك коф, ل  
лом, م мим, ن нун, ه ҳо (ҳойи ҳаввоз), و вов, ي йо.

Бу алифбога форс ва турк тиллари эҳтиёжи билан яна тўрт  
харф қўшилган:

پ пе, چ чим, ژ же, گ гоф.

Мана шу 32 ҳарфдан 28 таси тайин ундош товушларни  
билдиради (чапда кирил ёзувидаги ўзбек алифбоси ҳарфлари  
берилган):

бе – Б,

пе – П,

те, итқи – Т,

се, син, сод – С

жим – Ж (жажжи сўзидаги),

чим – Ч,

хе, ҳо – Ҳ (“ҳо” ҳарфи сўз охирида “А” товушига ҳам мос келади),

хе – Х,

дол, сод – Д,

зол, зе, зод, изғи – З (“зод” баъзан Д деб ўқилади: хизмат =  
хидмат),

ро – Р,

жо – Ж (аждар, ажиотаж сўзларидаги),

шин – Ш,

ғайн – Ғ,

фо – Ф,

қоф – Қ,

коф – К,

гоф – Г,

нун + коф – НҒ, Ў

лом – Л,

мим – М,

нун – Н.

Девонларда ғазаллар биринчи мисранинг охиридаги ҳарфи бўйича араб алифбосига мувофиқ тартибда жойланади. Хусусан, “з” ҳарфи билан тугаган шеърлар тўрт жойда келади, чунки, зол, зе, зод, изги ҳарфлари ўзбек тилида бир товуш, араб тилида эса турли товушларни белгилайди.

Юқоридаги рўйхатга алиф, вов, йо, айн ҳарфлари кирмаган. Улар алоҳида ёндашувни тақозо этади. Даставвал айн ҳарфининг аруздаги ролини кўрайлик. У араб тилида тайин ундош товушга мос келади (“ҳ” товушининг жаранглиси). Ўзбек тилида расман бундай товуш йўқ, фақат айрим ҳолларда – икки унли ёнма-ён келганда улар орасида “айн”га яқин товуш талаффуз қилинади: оила – оъила, мудофаа – мудофаъа, беўхшов – беъўхшов ва ҳ.к.

Айн ҳарфи фақат араб тилидан ўзлашган сўзларда учрайди ва улар мумтоз адабиётда араб тили имлосига мувофиқ ёзилган. Гап шундаки, уларнинг кўпчилиги “Қуръон”, ҳадислар матнига кирган ва шу тўғрисида маълум маънода муқаддаслашган. Масалан, “Ал-Фотиҳа” сурасининг “Ийёка наъбуду ва ийёка настаъин” оятида икки жойда айн талаффуз этилади.

Таркибида айн ҳарфи бор сўзлар ҳозирги имлода қандай ёзилишини кўрайлик.

1. Сўз бошида ёзилмайди: акс (аслида ʼакс), умр (аслида ʼумр), ишқ (аслида ʼишқ), омон (аслида ʼомон), азим (аслида ʼазим). Баъзан сўз бошида келган “айн” бир ҳарф кейинга ўтказиб ёзилади: эътибор (аслида ʼэтибор), эъзо (ʼэзо), аъзам (ʼазам).

Арузда бу муайян хушёрликни талаб этади: сўз бошидаги айн, ёзилмаса-да, олдинги ҳижодан ундош кўчишини “таъқиқлайди”.

2. Сўз охирида ҳам ёзилмайди: шам (аслида шамъ), жам (жамъ), нав (навъ), толе (толиъ), мавқе (мавқий), воқе (аслида воқий), манба (аслида манбаъ), соме (сомий), авзоъ ва ҳ.к. М и с о л:

**Истасангким ургасен давронға тийги инқитоъ,  
Ул видоъ эткунча сен қилғил бурунроғ алвидоъ. (ҒС)**

Арузнинг қатор тушунчалари айн билан тугайди: мисраъ, матлаъ, мақтаъ, тақтиъ, илми бадий, татаббуъ, маснуъ, мураббаъ, фаръ, музорий ва ҳ.к.

3. Сўз ўртасида айн айриш вазифасини бажарганда албатта ёзилади. Бунда у сўз ичида бўғиннинг биринчи ҳарфи бўлиб келади: суръат, журъат, талъат, масъул, журъа, бидъат, қитъа.

4. Сўз ўртасида унлидан кейин келганда баъзан ёзилади: меъёр, таъмин, маъно, раъно, лаъл, маърифат, яъни, аъло, мўътабар. Бундай ҳолатда у ўзидан олдинги унлини чўзиқ унлига айлантиради.

Айн ҳарфининг бу функцияси қизиқ: агар чўзиқ ҳижо қисқа унлили бўлиб, охиридаги ҳарф айн бўлса, у аслида ундош билан ёпилган чўзиқ ҳижо турига киради. Ўзбек тилида эса “ъ” ундош эмас. Аммо у ўзидан олдин келган қисқа унлини чўзади. Натигада

ундош + қисқа унли + ундош

схемасидаги ҳижо

ундош + чўзиқ унли

схемасидаги ҳижога айланади. Кўриниб турибдики, вазн бўйича ҳар иккиси тенг. Мисол: маъ·но сўзининг биринчи ҳижоси.

Худди шу сингари,

ундош + қисқа унли + ундош + ундош

схемасидаги ўта чўзиқ ҳижо

ундош + чўзиқ унли + ундош

схемасига ўтади ва бу сафар ҳам ҳижонинг вазни сақланади. Масалан, лаъл. Бу хосса айн ҳарфи ёнидаги ундош билан ўрни алмашганда ҳам кучида қолади: жамъ = жаъм.

5. Сўз ўртасидаги айн ёзилмайдиган ҳоллар ҳам кўп: мамур (аслида маъмур), мўмин (муъмин), тақиқ (таъқиқ), муассаса (муъассаса), мутолаа (мутолаъа), дуо (дуъо), маориф (маъориф) ва ҳ.к.

Айн тушириб қолдирилган ҳолатлар хушёрликни талаб этади: ҳижо қисқариб қолмаслиги лозим. М и с о л:

Но-си-ҳо, о<sup>1</sup>шиқ-ли-гим-ни | манъ-қил-динг, | бил-ма-динг  
Ким, на-си-ҳат | бир-ла дафъ ўл-мас қа-зо бўл-ган ба-ло. (ҒС)

Кўриниб турибдики, манъ сўзи “ъ” ҳарфи туфайли ўта чўзиқ, демак, у ташлаб кетилса, мисрада бир ҳижо етмай қолади. Дафъ сўзи ҳам ўта чўзиқ, фақат бу сафар “ъ” ҳарфи кейинги сўзга кўчиб, унинг “даф” қисми оддий чўзиқ ҳижо ҳосил қилмоқда. Агар “ъ” бўлмаса, да-ф ўл-мас деб ўқишга тўғри келар ва да қисқа ҳижо бўлиб қолар эди.

Умуман, Навоий девонларида “ъ” ҳарфи қатнашмайди-ган ғазал йўқ ҳисоби. Мана бу байтнинг биринчи мисраъида учта айн бор:

Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбид  
Ким, меҳр ўтин оғзидин этар ҳар нафас ифшо. (ҒС)

Охиридаги “Ъ” ҳарфи ёзилмагани боис, мажмуъ, масмуъ, тавқиъ, таққиъ, тудуъ, ружуъ каби сўзларнинг иккинчи ҳижоси қисқадай туюлади. Ҳолбуки, бу ҳижолар нафақат чўзиқ, балки ўта чўзиқдир!

М и с о л л а р (“Лисон ут-тайр”дан):

То фу-зу-ли | ўр-га-тиб ул | жамъ-ни,  
Кў-зу-нгиз-дин | ё-шу-руб ул | шамъ-ни

– бу байтда ўта чўзиқ ҳижолар “биру чорак ва чорак” қондаси билан ўқилса, вазн чиқади. Аммо мана байтда айн ундош сифатида талаффуз этилмаса, вазнга тушириш қийин:

Ким-са-га ав<sup>1</sup>вал-зи ғам мам<sup>1</sup>муъ-дур,  
О-да-ми-дин | сўнг-зи ғам мат<sup>1</sup>муъ-дур.

(“Ғам-ташвишдан боши чикмаётган одамга ҳақиқат излаш на ҳожат?” – деган саволга Худхуднинг жавоби. Навойдан яна бир ҳикмат: одамзод ўтиб кетган ташвишларни унутиши лозим, ҳаётнинг маъноси навбатдаги ташвишлар билан яшашдан иборатдир.)

6. Кўп ҳолларда тушиб қолган айн ўрнини ўзакдош сўзларга қиёслаб аниқлаш мумкин.

М и с о л л а р: Масъуд, Саъди (Саъдулла) → ўзаги СЪД → ўзакдош сўзлар: саъодат, Саъид; шеър, ашъор → шоъир, мушоъира, шуъур; маъшуқа → ъишқ, ъошиқ, таъашшук; Талъат → толиъ, матлаъ, тулуъ, Муталлиъ, мутолаъа, матлаъ.

7. Араб тилида айн тўлақонли ундош, бошқа ундошлардан ҳеч бир кам жойи йўқ. У ҳатто халқ – халлоқ, жабр – жаббор, азим – муаззам, атир – аттор – муаттар, қудс – қуддус – муқаддас сўзларида бўлгани сингари иккиланади. М и с о л:

Лаълича эмас оғзи қилур вақти такаллум,  
Гўёки қилиптур бу хижолатдин ўзин гум (НШ)

матлаъли ғазалда қофиядош сўзлар шундай давом этган: табассум, тараххум, тазаллум, таваххум, тараннум. Ғазалнинг 6-байти:

Чун бода йиқор даврда не софу не дурдий,  
Чун давр ўтар хоҳ аламу хоҳ танаъум.

Сўнги сўз танаум ёки танаъум деб ўқилса, вазн ҳам, қофия ҳам бузилади.

Араб тилида айн билан уйқаш яна бир ҳамза деган товуш бор. У талаффузда қисқа йўтални эслатади (кюкклаут) ва араб тилига ўзига хос колорит бағишлайди. Араб ёзувининг илмий адабиётдаги транскрипциясида апостроф белгиси ‘ билан кўрсатилади: ‘амон, ‘адаб, ма‘мул, нбтидо‘.

Ҳамза ҳам айн каби бизнинг ёзувимизда бирда “ъ” ҳарфи билан кўрсатилади, бирда ёзилмайди: даъб, каъс, масъул, маъмул, маъво, нашъа, таъсир; доир (аслида доъир), доим (доъим), абр (ъабр), Жазоир (Жазоъир), коинот (коъинот), мабда (мабдаъ), масала (масъала), масалан (масъалан), савол (суъол), мутаассир (мутаъассир), раис (раъис), рўё (аслида руъё), Навоий (Навоъий), одоб (ъадоб), адаб (ъадаб) ва ҳ.к.

Бошқа тилларда, хусусан, ўзбек тилида ҳам унли товуш билан бошланадиган сўзлар бошида аслида ҳамзага ўхшаш ундош талаффуз этилади, фақат араб тилидан бошқа тилларда у ёзувда

акс этмайди. Араб тилида эса ҳамза аниқ талаффуз этилади ва шунинг учун ёзувда махсус ҳаракат белгиси билан кўрсатилади. **Ҳамза** ҳаракат белгиси бўлгани учун бирор ҳарф устига ёки остига қўйилади.

Демак, ўзи ҳаракат белгиси бўлса ҳам, қаерда ҳамза бўлса, ўша ерда ҳарф бор!

Шунинг учун бу китобда ҳамза ҳам “ъ” ҳарфи билан ёзилган. Бунинг яна бир сабаби бор: ҳозирги ўзбек тилида **айн** билан ҳамза қоришиб кетган. Чунончи, кирил ёзувидаги ўзбек алифбосида ҳар иккиси “ъ” ҳарфи билан, лотин ёзувидаги алифбода эса ’ (апостроф) билан ифодаланиб келмоқда.

Аслида **айн** ва **ҳамза** фарқ қилади. Масалан, **маъмур** сўзида “ъ” ҳарфи “айн” бўлганда у обод (одамлар яшашига мослашган) деган маънони беради (**иморат, меъмор, таъмир** сўзлари билан ўзақдош), “ҳамза” бўлса, “бужурилган, мутасадди” маъносини беради (**амр, амир, маъмурият** сўзлари билан ўзақдош).

Ёзувимизда бир хил ўрин олган бу икки товушнинг бошқа бир фарқи муҳимроқ:

“айн” ёзувда ҳеч қачон тушиб қолмайди; сўз бошида келса, олдинги сўздан ундош кўчишига йўл қўймайди;

“ҳамза” сўз бошида ундош кўчишига монёълик қилмайди, бунда у талаффуз этилмайди (сўз ўзагида қатнашган ҳоллар мустасно).

**Чўзиқ ва қисқа унлилар.** Араб тилида атиги учта унли мавжуд: **а, и, у**. Уларнинг ҳар бири қисқа ёки чўзиқ талаффуз қилиниши мумкин, шунинг учун унлиларни олтига деса бўлади.

Ўзбек тилига қисқа унли, чўзиқ унли тушунчалари хос эмас, шу сабабли ёзувимизда унлининг чўзиқ-қисқалиги фарқланмайди. Араб тилида эса унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги маънога таъсир қилади Бу ҳолат ёзувда ҳам акс этади.

**М и с о л л а р:** **Алим** сўзида биринчи унли чўзиқ бўлса, у “олим” – билувчи, илмли маъносини, иккинчи унли чўзиқ бўлса, “алийм” – хабардор маъносини беради.

**Анвар** (унлилар қисқа) – энг ёруғ, **анвор** (иккинчи унли чўзиқ) – нурлар.

**Ҳамид** сўзида қайси унли чўзиқчилигига қараб, “ҳомид” – мақтовчи ва “ҳамийд” – мақтовга сазовор маъноси чиқади.

Шунинг учун кишининг исми “Ҳомид” бўлиши мумкин, аммо “АбдулҲомид” бўлмайди, “АбдулҲамид” эса тўғри бўлади.

Эски ўзбек ёзувида, араб тилидаги сингари, қисқа унлилар ёзилмаган. Шунинг учун, масалан, МЛК ўзагидан фақат қисқа унлилар билан фарқланадиган мулк, милк, малак сўзлари бир хил ёзилган, малик сўзи МЛИК, малака(т) сўзи МЛКТ, мамлакат сўзи ММЛКТ шаклида ёзилган. Бундай сўзларни матн мазмуни (контекст)га таянибгина тўғри ўқиш мумкин.

Лекин “Қуръон”и қарим каби масъулиятли матнларда, луғатлар ва дарсликларда, ёзув тўғри ўқилиши учун, қисқа унлилар **ҳаракат белгилари** деб аталувчи махсус белгилар билан кўрсатилади.

Ҳаракат белгиси ўзидан олдин келган ундош ҳарфга тиркалади. Ҳаракат белгиси тиркалмаган ҳарф **сокин ҳарф** дейилади.

**Аруз вазни.** Мумтоз аруз вазни ана шу ҳаракатли ва сокин ҳарф тушунчаларига асосланади. Аруз вазнидаги шеърда:

1) мисраларда ҳарфлар сони бир хил бўлади;

2) мисраларда ҳаракатли ва сокин ҳарфлар тартиби бир хил бўлади;

3) агар мисра бошида ва ўртасида икки сокин ҳарф ёнма-ён келса, иккинчиси ҳаракатли деб ҳисобланади.

М и с о л:

Кўнглум ўртансин агар ғайрингга парво айласа,  
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавкунгни пайдо айласа.

...

**Ғайр** зикрин **ошқоро** қилса лол ўлсун тилим,  
**Қайси** бир тил ҳамки зикринг **ошқоро** айласа. (ҒС)

Биринчи байт транскрипциясини кўрайлик. Бунда қуйидагиларга келишамиз:

– ёзиладиган ҳарфларни, (жумладан унлининг чўзиқлиги белгиси сифатида келган “алиф”, “вов”, “йо”ни) катта ҳарфлар билан, ҳаракат белгиларига мос қисқа унлиларни кичик курсив ҳарфлар билан ёзамиз,

– айн ва ҳамза ундошларини тиклаймиз,

– “нг” ундоши учун Ё белгисини қўллаймиз,

– эски ўзбек ёзувига мувофиқ сўз оралиғини қолдирмаймиз,

• – қонуният якқол бўлиши учун, ёзув машинкаси (courier) прифтини танлаймиз:

ҚўЛЛУМўРТАНСУУНАГАРҒАЙРИЎГАПАРВОЎЪАЙЛАСаА,  
ҲАРКУЎУЛҲАМКИМСЕНИШАВҚУЎНИПАЙДОЎЪАЙЛАСаА,

– биринчи ва иккинчи қоида якқол кўриниб турибди, яъни, ҳар икки мисрада рошпа-роса 26 тадан ҳарф ва 15 тадан ҳаракат белгиси бор ҳамда уларнинг тартиби тўлиқ устма-уст тушади.

Энди кейинги байтни қўшайлик:

ҚўЛЛУМўРТАНСУУНАГАРҒАЙРИЎГАПАРВОЎЪАЙЛАСаА,  
ҲАРКУЎУЛҲАМКИМСЕНИШАВҚУЎНИПАЙДОЎЪАЙЛАСаА,  
ҒАЙРЭЗИКРИЎЪОШҚОРООҚИЛСАЛОЛУСУНТИЛИМ,  
ҚАЙСИБИРТИЛҲАМКИЗИКРИЎЪОШҚОРООЪАЙЛАСаА,

– ҳарфлар сони аввалгидек 26 тадан, аммо учинчи мисрада иккита, тўртинчи мисрада битта ҳаракат белгиси кам. Кузатиш мумкинки, учинчи мисрада икки марта, тўртинчи мисрада бир марта ҳарфлар учлиги тизилиб турибди (остиға чизиб кўрсатилган). Бу ҳолларда мумтоз арузнинг учинчи қоидаси амал қилиши, яъни ўртадаги ҳарф ҳаракатли деб ҳисобланиши лозим. Ана шу “фиктив” ҳаракат учун Ø белгисини қўллайлик:

ҚўЛЛУМўРТАНСУУНАГАРҒАЙРИЎГАПАРВОЎЪАЙЛАСаА,  
ҲАРКУЎУЛҲАМКИМСЕНИШАВҚУЎНИПАЙДОЎЪАЙЛАСаА,  
ҒАЙРЭЗИКРИЎЪОШҚОРООҚИЛСАЛОЛУСУНТИЛИМ,  
ҚАЙСИБИРТИЛҲАМКИЗИКРИЎЪОШҚОРООЪАЙЛАСаА,

– натижада вазн идеал даражада намоён бўлади.

Араб ёзувиға асосланган аруз вазнининг бу қадар мукамаллиги унинг форс ва турк дунёсига ёйилишида муҳим роль ўйнаган. Албатта, мумтоз адабиётимиз намояндалари томонидан аруз ўзбек тили қонун-қоидаларига мувофиқлаштирилган, аммо вазннинг назарий асоси – ҳаракатли ва сокин ҳарф тушунчалари сақланган. Аруз назарияси Шайх



Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий ва Мирзо Бобур рисолаларида мана шу асосда баён қилинганини таъкидлаган эдик.

Аруз вазни бутунлай бошқа – ҳижо тушунчасига асосланган баёни Абдурауф Фитрат рисоласида келтирилган\*. Бу назария энди араб ёзуви билан боғланмаган. Шуннинг учун қуйидаги хулоса ўринлидир:

**аруз вазни ўзбек тили табиатига ҳам батамом мувофиқдир.**

Хусусан, Навоийнинг юқоридаги байтларида бугунги луғатимизга кирмаган бирорта ҳам сўз йўқ, шунга қарамасдан вазн ҳижо ҳисобида ҳам идеалдир.

Китобнинг 2-бобида айнан ўзбек арузи баён қилинди.

Қизиқувчилар учун арузнинг ҳар икки назарияси ўртасидаги мутаносибликни келтираимиз\*.

Мумтоз аруз назариясида	Содалаштирилган аруз назариясида
Ҳаракатли ҳарф	Бўгин бошидаги қисқа унли ёки ундош+қисқа унли
Сокин ҳарф	1) сўз охиридаги ундош, 2) сўз охиридаги чўзиқ унли, 3) кетидан ундош келган ундош, 4) кетидан ундош келган чўзиқ унли
Сабаби ҳафиф	Оддий чўзиқ ҳижо
Сабаби сақийл	Икки қисқа ҳижо
Ватади мажмуъ	Бир қисқа ва бир чўзиқ ҳижо
Ватади мафрук	1) бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижо, 2) ўта чўзиқ ҳижо
Фосилаи суғро	Икки қисқа ва бир чўзиқ ҳижо
Фосилаи кубро	Уч қисқа ва бир чўзиқ ҳижо
Асил рукн	Мўътадил рукн
Зиҳоф	Рукнни ўзгартириш (кўшлиги зиҳофот)
Фаръ	Ўзгартирилган рукн номи (кўшлиги фуруъ)

\* Проф. Ш.Шомуҳамедов аруз вазнини ҳижо тушунчасига асосида ўлчашни европалик арузшунослар киритган, деган маълумот келтиради.

\* Аруз атамаларининг асил маънолари ва келиб чиқиш тарихи тўғрисида Э.Талабовнинг қўлланмасидан маълумот олиш мумкин.

Садр	Байт биринчи мисрасининг бошидаги рукн
Аруз	Байт биринчи мисрасининг охиридаги рукн
Ибтидоъ	Байт иккинчи мисрасининг бошидаги рукн
Зарб	Байт иккинчи мисрасининг охиридаги рукн
Ҳашв	Мисра ўртасидаги рукн(лар)
Баҳр	Муайян рукндар билан бошланган туркум
Мусамман	Тўрт рукдли мисра (саккиз рукдли байт)
Мусаддас	Уч рукдли мисра (олти рукдли байт)
Мураббаъ	Икки рукдли мисра (тўрт рукдли байт)
Солим	Ўзгармаган рукн ва улардан тузилган баҳр
Ҳазаж	Мафъийлун рукнига асосланган баҳр
Рамал	Фоъйлотун рукнига асосланган баҳр
Ражаз	Мустафъилун рукнига асосланган баҳр
Мунсарих	Мустафъилун мафъулоти рукндар жуфтлигига асосланган баҳр
Музорий	Мафъийлун фоъйлотун рукндар жуфтлигига асосланган баҳр
Муқтазаб	Фоъйлотун мафъийлун рукндар жуфтлигига асосланган баҳр
Мужтасс	Мафъилун фоъйлотун рукндар жуфтлигига асосланган баҳр
Сарий	Мустафъилун мустафъилун фаъилун схемасига асосланган баҳр
Жадид	Фоъйлотун фоъйлотун мафъилун схемасига асосланган баҳр
Қарийб	Мафъилун мафъилун фоъйлотун схемасига асосланган баҳр
Ҳафиф	Фоъйлотун мафъийлун фоъйлотун схемасига асосланган баҳр
Мушокил	Фаъилотун мафъийлун жуфтлигига асосланган баҳр
Мутақориб	Фаъулун рукнига асосланган баҳр
Мутадорик	Фоъилун рукнига асосланган баҳр
Мунсарихи мусаддас	Мустафъилун мафъулоти мустафъилун баҳри
Музорийи мусаддас	Мафъийлун фоъйлотун мафъийлун баҳри
Мушокили мусаддас	Фоъйлотун мафъийлун мафъийлун баҳри
Комил	Мутафъилун рукнига асосланган баҳр

Вофир	Мафoъилатун ружнига асосланган баҳр
Тавил	Фoъилун мафoъийлун жуфтлигига асосланган баҳр
Мадид	Фoъилотун фoъилун жуфтлигига асосланган баҳр
Басит	Мустафъилун фoъилун жуфтлигига асосланган баҳр
Тажнис	Ёзилиши бир хил, маъноси ҳар хил сўз ва жумлалардан ташкил топган қoфия
Туяқ	Қoфияси тажнисдан иборат тўртлик
Рубойй	Арузнинг махсус вазнларида ёзиладиган тўртлик (бошқа баҳрлардан фарқли равишда тўрт мисраъ ана шу вазнларнинг тўрт хилида бўлиши мумкин)

### Зихофот ва фуруъ (руки ўзгаришлари)

Амал номи	Амал	Натижа (фаръ)
Қабз	Мафoъийлун → мафoъилун	мақбуз
Кафф	Мафoъийлун → мафoъийлу	мақфуф
Харм	Мафoъийлун → мафъувлун	ахрам
Харб	Мафoъийлун → мафъувлу	ахраб
Шатар	Мафoъийлун → фoъилун	аштар
Ҳазф	Мафoъийлун → фаъувлун	махзуф
Қаср	Мафoъийлун → мафoъийл	мақсур
Хатм	Мафoъийлун → фаъувл	ахтам
Жабб	Мафoъийлун → фаъул	мажбуб
Залал	Мафoъийлун → фoъ	азлал
Батар	Мафoъийлун → фаъ	абтар
Хабн	Фoъилотун → фаъилотун	махбун
Кафр	Фoъилотун → фoъилон	мақфур
Шакл	Фoъилотун → фаъилоту	машкул
Ҳазф	Фoъилотун → фoъилун	махбун махзуф
Қаср	Фoъилотун → фoъилон	мақсур
Қатъ	Фoъилотун → фаълун	мақтуъ
Ташъис	Фoъилотун → мафъулун	мушаъяс
Жаҳф	Фoъилотун → фаъ	мажхуф
Тасбиъ	Фoъилотун → фoъилотон	мақтуъи мусаббаъ
Рабъ	Фoъилотун → фаъл	марбуъ
Хабн	Мустафъилун → мафoъилун	махбун

Тавий	Мустафьилун → муфтаьилун	матвий
Қагъ	Мустафьилун → мафьувлун	мақтуъ
Тахлий	Мустафьилун → фаъувлун	мухаллаъ
Ҳазз	Мустафьилун → фаълун	махзуз
Рафъ	Мустафьилун → фoъилун	марфуъ
Хабл	Мустафьилун → фаъилагун	махбул
Изола	Мустафьилун → мустафьилон	музол
Тарфил	Мустафьилун → мустафьилотун	мураффал
–	Мустафьилун → мафoъилон	матвийи музол
–	Мустафьилун → мафoъилотун	махбуни мураффал
–	Мустафьилун → муфтаъилотун	матвийи мураффал
Хабн	Мафьувлоту → мафьулоту	махбун
Тайй	Мафьувлоту → фoъилату	матвий
Хабл	Мафьувлоту → фаъилоту	махбул
Вақф	Мафьувлоту → мафьулон	мавкуф
Кашф	Мафьувлоту → мафьулун	макшуф
Салм	Мафьувлоту → фаълун	аслам
Жадъ	Мафьувлоту → фoъ	маждуъ
Нахр	Мафьувлоту → фаъ	манхур
Рафъ	Мафьувлоту → мафьулу	марфуъ
Қабз	Фаъувлун → фаъувлу	мақбуз
Қаср	Фаъувлун → фаъулу	мақсур
Ҳазф	Фаъувлун → фаъувл	махзүф
Салм	Фаъувлун → фаълун	аслам
Сарм	Фаъувлун → фаълу	асрам
Батар	Фаъувлун → фаъ	абтар

Баҳрни номлаш н а м у н а с и (“Мезон ул-авзон”да келтирилган вазни энг мураккаб мисоллардан бири).

Сен-дин ма<sup>1</sup>нго та-ҳам-мул<sup>1</sup> э-мас бир за<sup>1</sup>мон йи-роғ-лиқ,  
 Жон риш-та<sup>1</sup>си э-рур чу<sup>1</sup>се-нинг сун-бу<sup>1</sup>линг-га боғ-лиқ.  
 Мафьувлу фoъилотун мафoъийлу фoъилотун

Бунда:

– мисраъ бошидаги рукнлар жуфтлигига кўра баҳр – музорий, ҳар мисра тўрт рукнли, демак, музорийи мусаммаи;

– биринчи ва учинчи рукнлар қискартирилган, жадвалга кўра, мафoъийлундан ҳосил қилинган мафьувлу рукни – ахраб, мафoъийлу

рукни – макфуф, иккинчи ва тўртинчи рукнлар солим қолган. Шунинг учун баҳр номи:

### **музориъи мусаммани ахраби макфуфу солим аруз ва зарб**

Яна ҳам тўлиқроқ айtilса, музориъи мусамман: садри ахраб ва солим ҳашви аввал ва макфуф ҳашви соний ва солим арузу зарб. Лўндаси, мафъувлу фозилотун мафозийлу фозилотун.

Байтни қуйидаги усулда рукнларга ажратиш ҳам мумкин:

Сен-дин ма-нго | та-ҳам-му-л э|мас бир за-мон | йи-роғ-лик,  
Жон риш-та-си | э-рур чу се|нинг сун-бу-линг|га боғ-лик.  
Мустафъилун мафозилун мустафъилун мафозил

### III боб

## АРУЗ ЗАВҚИ

### НАВОЙНИНГ ҚОФИЯ САНЪАТИ

Маълумки, қофия – шеърнинг бадиий асар бўлишида ҳал қилувчи омил эмас. Қофиясиз ҳам шеър қиёмида бўлиши мумкин. Айни пайтда қофияси жойида-ю, аммо поэзияга алоқаси йўқ тизмалар жуда сероб. Бу икки ойдин ҳақиқат аксиома бўлишига қарамай, шеърда қофиянинг ўрнини камситиш ҳам тўғри эмас. Образли қилиб айтганда, агар шеър ўн саккиз ёшли қиз бўлса, вазн унинг қомати, бадиият – чехраси, мазмун – феъл-атвори, шеър руҳи унинг қалбига ўхшатилса, қофияни кўзларига қиёслаш мувофиқ бўлади.

Қофия – сўзларнинг охиридаги ҳарфлар (товушлар) бир хил келиши (сўзи, юзи, кўзи, изи каби). Лекин бу таъриф жуда жўн ва яроқсиз. Аслида қофияда ўзига хос фан ва санъат мавжуд. Шарқ мумтоз адабиётида шеър санъати “илми бадеъ”, “илми вазн” билан бир қаторда “илми қофия”ни ҳам ўз ичига олган, бу мавзуда рисоалар битилган. Мумтоз шеърятимизда қўлланган вазн ва қофия илми ҳақида У.Тўйчиевнинг “Ўзбек поэзиясида аруз системаси” рисоласи, А.Ҳожиаҳмедовнинг “Мумтоз адабиёт малоҳати” қўлланмаси орқали танишиш мумкин.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, классик қофия илми анча мураккаб. Бу ердаги аҳвол ҳам аруз вазнига ўхшаш: мумтоз аруз назарияси мураккаблиги сабабли ғазалнависликка мойил ижодкорлар учун тушуниш ва ўзлаштиришга қийин (улар илмий ходим эмас-да).

Натижада кўплаб “ғазалнавис”ларнинг шеърлари аруз талабларига жавоб бермайди. Бу ҳолатнинг арузшунослар томонидан танқид қилиниши эса, танқид аслида тўғри ва адолатли бўлишига қарамай, юкмайди, муҳими, шоирларни арузда ижод қилишга ундамайди, ҳатто совутади. Ушбу китобнинг иккинчи бобида аруз вазнининг соддалаштирилган назариясини тақдим қилган эдик. Энди қофия назариясининг соддароқ йўсинда баён этамиз.

Мумтоз қофия назарияси ҳам вазн сингари ҳарф ва ҳаракат тушунчаларига асосланади. Шунинг учун ҳозирги шеърнависларнинг кўпчилиги қофия илми ва санъати ҳақида тушунчага ҳам эга эмас. Шунини назарда тутиб, соддалаштирилган қофия назариясини баён этамиз. Бу шеърнависларга ҳам, шеърхонларга ҳам оз бўлса-да нафи тегади, деб умид қиламиз.

Қофия шеърнинг кўп жанрига хос, аммо у фақат ғазал жанрида ниҳоятда яққол намоён бўлади. Одатда шеърда 2-4 тадан сўз қофиядош бўлиб келса, ғазал учун 7-12 тадан қофиядош зарур. (Қасидани қофия нуқтаи назаридан узунроқ ғазал деб қараш мумкин.)

Даставвал шеърга хусн бағишловчи бу муҳим тушунчага аниқлик киритиб олиш лозим. Қофияга аниқ таъриф бериш учун дастлаб шеърда қайси мисралар қофияланишини (шеър строфикасини) белгилаб олиш керак. Ғазалда бу – биринчи ва жуфт рақамли мисраълар. Уларни қофияланувчи мисралар деб аташ табиий. Ҳар бир мисра охирида такрорланадиган сўз ёки сўзлар гуруҳи радиф деб аталади.

Қофияланувчи мисраларда радифдан олдин келувчи сўзлар ўзаро қофияланиши лозим. Уларни қофиядор сўзлар деб атаймиз. Барча қофиядор сўзларда бир хил кўшимчалар такрорланиши мумкин. Бундай кўшимчалар радифга ўхшаш ўрин тутади. Шунинг учун уларни радифа деб атаймиз. Чин қофияни ажратиш учун қофиядор сўзлардан

радифаларни ажратиш керак. Шунда қофиядош сўзлар қолади. **Қофия** – ана шу қофиядош сўзларнинг охирида такрорланадиган ҳарф ёки бир неча ҳарф гуруҳидир\*.

Қофиядор сўзлардан радифани чиқариб, қофиядош сўзларни ажратиш юзаки қофияланган, аслида эса қофияси йўқ шеърларни фош қилади. Масалан, сочларингдан, лабларингдан, кўзларингдан, менгларингдан сўзларининг охирида 9 тадан ҳарф (8 тадан товуш) такрорланади, лекин шунга қарамай уларда қофия йўқ: сўзларнинг такрорланаётган қисми “-ларингдан” радифа бўлиб, у соқит қилинса, соч, лаб, кўз, менг ўзақлари қоладики, бу сўзлар мутлақо қофиядош эмас.

Энди қофия ва у билан билан боғлиқ тушунчаларга мисоллар ҳарайлик.

**Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб,**  
**Деди: кўрким Кавс буржидин туғуштур офтоб (ҒС)**

– радиф ҳам, радифа ҳам йўқ, қофия “-об”: бениқоб, офтоб, шаккароб, жавоб ...

**Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро,**  
**Бир қаро туфроғ дегайким тушти мушки ноб аро (ҒС)**

– радифа йўқ, радиф – аро, қофия яна “-об”: сероб, ноб, меҳроб ...

**Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,**  
**Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул (*Лутфий*)**

– радиф беш сўзли, радифа йўқ, қофия “-о”: шайдо, расво, таманно ...

**Сўзи ҳажринг ичра йўқ бирён кўнгулнинг тоқати,**  
**Бўлмас эрмиш куйган элнинг ўт била кўп улфати (ҒС)**

---

\* Куйида Қофия тушунчаси кенгайтирилади.



– радиф йўқ, радифа – биргина “-и” қўшимчаси, қофия “-ат”: тоқат, улфат, тийнат ...

На хуш бўлғай иковлон маст бўлсак васл боғинда,  
Қўлум бўлса анинг бўйнида-ю, оғзим қулоғинда,

– радиф йўқ, радифа: “-инда”, қофия “-оғ”: боғинда,  
қулоғинда, аёғинда = айоғинда ...

Дилрабо, сендин бу ғамким, менда бордур, кимда бор?  
Фурқатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор? (БВ)

– радиф тўрт сўзли, радифа “-ким” қўшимчаси, қофиядош  
сўзлар: ғам, алам, нам ...

Ол хабар, ул сарвиноз уйқусидин турганмукин?  
Ногаҳон турган эса, туш-муш, сўранг, кўрганмукин  
(Муқимий)

– радиф йўқ, радифа “-ганмукин”, қофия “-ур”: тур, кўр,  
ўлтур ...

Қофияга алоқадор тушунчаларни бир мисолда  
жамлайлик:



\* Мумтоз адабиётда у, ў ҳарфлари ва “ув” бирикмаси Қофиядош саналади.

Бу ғазалда қофиядош сўзлар: **аҳмар** (қизил), **аҳгар** (чўғ), **ахтар** (юлдуз), **гавҳар**, **ханжар**, **шаппар** (шаппарак, кўршапалак), **озар** (олов), **ништар**, **махзар**, **бовар** (*бовар қилмоқ* – ишонмоқ). Юқоридаги таърифга мувофиқ қофия – “-ар”. Бунда “а” қисқа унли бўлиб, эски ўзбек ёзувида алоҳида ҳарф билан ёзилмаган, керак бўлганда ҳаракат белгиси билан кўрсатилган. Шунинг учун мумтоз қофия илмида уларга турлича атама қўлланган: “р” ҳарфи – равий, “а” эса тажвиҳ деб аталган.

Мумтоз қофия илмининг бу каби хусусиятлари ҳозирги ёзувга хос эмас. Шунинг учун хоҳ мумтоз адабиётнинг бугунги нашрларини ўқиш бўлсин, хоҳ замонавий шоирларнинг ижодий амалиёти бўлсин, таъсис, дахил, ишбоъ, равий, ҳуруж, мазид каби ўнлаб қофия билан боғлиқ атамалардан самара кўп эмас. Лекин қофия санъатининг муҳимлиги шубҳасиз. Шуни ҳисобга олиб, бу ерда тегишли тушунча ва нафосатни ҳозирги ёзувда очиб беришга мўлжалланган қоида таклиф этилади. Бунинг баробарида қофия тушунчасини кенгайтириб, унинг воситасида Навоийнинг қофия санъатидаги хусусиятларни намоён этишга ҳаракат қилинади.

Шу мақсадда юқоридаги қофиядош сўзларни эски ёзувга мослаб қайта ёзиб чиқайлик (II бобга қаранг): ЪаҲМаР, ЪаҲГаР, ЪаХТаР, ГаВҲаР, ХаНЖаР, ШаППаР, ЪаОЗаР, НаШТаР, МаҲЗаР, БаОВаР.

Кўриниб турибдики, бу сўзларнинг қофияси фақат “ар”дан иборат дейиш уларнинг оҳангдорлигини тўлиқ акс эттирмайди – аслида қофиядошлик анча чуқур. Айтайлик, **гавҳар**, **асар**, **гуллар**, **келар**, **шар**, **самовар** сўзлари ҳам шу қофияга эга, аммо бу сафар қофиядошлик “ар”дан нарига ўтмайди.

Сўзларнинг оҳангдошлигини намоён этиш учун қофия формуласини киритамиз. Бунда иккита махсус белги жалб этилади:

& – қисқа унли учун белги,  
# – чўзиқ унли ва ундош белгиси.

Қофиядош сўзларда такрорланадиган ҳарфлар (сўзнинг қаерида келишидан қатъи назар) қофия формуласида ҳам ўзи ёзилаверади, такрорланмайдиган ҳарфлар эса юқоридаги ишоралар билан алмаштирилади.

Бундан ташқари, қофия таркибидаги ҳарфларни қора (ёғли) шрифтда, радиф ва радифаларни эса курсив билан ажратамиз.

**М и с о л л а р.** Юқорида келтирилган мисоллар учун қофия формулалари:

бениқоб, офтоб, шаккароб, жавоб, ... , формуласи– **#об**,  
сероб аро, ноб аро, меҳроб аро, ... – **#об** аро,  
шайдо қиладурган бу кўнгулдир, бу кўнгул, расво ...,  
таманно ... – **#о** қиладурган бу кўнгулдир,  
тоқати, улфати, тийнати, ... – **#ати**,  
боғинда, кулоғинда, айоғинда, ... – **#оғинда**,  
аҳмарму экин оё, гавҳарму..., – **#а##арму экин оё**.  
Бу мисолларда қофиянинг тузилиши анча содда. Энди мураккаброқ мисолларга ўтайлик.

**Ул ойки, жафо нардини хўблардин утуптур,  
Ё раб, не бало, меҳру вафони унутуптур.**

– радиф йўқ, “-уптур” радифа (утмоқ – ўйинни ютмоқ).  
Қофияни тўлиқ аниқлаш учун хўблардин сўзининг “н” ҳарфи кейинги сўзга уланиши лозим: **-н утуптур, унутуптур, бугуптур, қурутуптур, ...** формуласи: **#утуптур**.

**Хилватин айлабмудур ул шўҳи сийминбар қаро,  
Тун саводи бирла кийгандек маҳи анвар қаро**

– формуласи: **#ар қаро**.

**Илоҳо, подшоҳо, кирдгоро,  
Санга очуқ ниҳону ошкоро**

– формуласи: **#оро.**

**Кўзунг не бало қаро бўлуптур,  
Ки жонга қаро бало бўлуптур**

– формуласи: **#&#о #&#о бўлуптур.**

Навоий девонларида қофияси анча чуқур ғазаллар ҳам кўп. Мисол:

**Неча бўлғай манга ҳажр ичра тазаллум, ё раб?  
Айла бу зулм аро ҳолимга тараххум, ё раб**

– қофиядошлар **таваххум, тақаллум, танаъум, табассум, таъаззум, тақаддум** тарзида давом этади; формуласи: **та#а#<sup>2</sup>ум, ё раб** (**#<sup>2</sup>** белгиси тегишли ундош иккиланганини ифода этади).

М а ш қ. Бу мисолда Навоий қўллаган қофиядошлар ўзагини тошинг, сўнг **тақаллум, табассум** сўзлари қолишидан фойдаланиб, маъносини аниқланг.

**Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малюлатдур санга,  
Лутфунг ўлса, роз менингдекдин фароғатдур санга**

– қофиядошлар қатори: **на одат, на ҳолат, мунча офат, тароват, ҳарорат, ҳақорат**; формуласи: **#а#о#атдур санга.**

**Нуктайи холинги кўздин доимо маъдум эзур,  
Нуктайи хол эрмас улким, нуктайи маъхум эзур**

– қофиядошлар қатори: **маҳрум, марқум, маълум, маҳқум, маъсум, маъдум**; формуласи: **ма##ум эзур.**

**Бўйкумга қайда қилғай ул ой қўлини мойил  
Ким, басодурур қўлда ит бўйинига ҳамойил**

– қофиядошлар қатори: хойил, зойил, шамойил, қойил, сойил, ‘ойил, формуласи: #ойил.

**Юзунгда зарварақ ҳар ёнки лутфи бениҳоятдур,  
Жамолинг мусҳафида ҳар бири гўё бир оятдур**

қофиядошлар: ҳидоят, киноя(т), кифоя(т), ҳикоят, сироят, бидоят, шикоят, ри(ъ)оят; формуласи: #и#ойатдур.

Бу қадар чуқур оҳангдорлик Алишер Навоий қофия санъатининг бир хусусияти бўлса, бошқа бир хусусияти – кутилмаган қофиядош сўзлар. Хусусан, юқоридаги мисолда бир оят қофиядоши бошқаларидан ажралиб турибди.

**Мисоллар:**

**Кўнгуллар қути ширин до-с-тоңинг,  
Бағирлар қони лаъли дурфишонинг**

– матлаъли ғазалда ниҳон, жон, нотагон, кон, гулситон каби форс тилидан ўзлашган сўзлар қофиядош қилиб олинган. Ғазал мақтасининг қофиядоши эса – ёнинг:

**Навоий ишқ водийсиға кирди,,  
Хатарлиқ йўлдур, эй аҳбоб, ёнинг!**

(ёнмоқ – 1. куймоқ; 2. қайтмоқ; 3. Ёнламоқ, ёнга сурилмоқ).  
“Хазойин ул-маоний”да кенг бу қўлланган усул (приём) ушбу ғазалда айниқса нафис чиққан:

**Қоматингга ҳар замон юз жилва, эй зебо ниҳол,  
Нотагон кўнглумга ҳар бир жилвасидин ўзга ҳол.**

Шеър хаёл, инфиъол, хол, дол каби араб тилидан ўзлашган қофиядошлар билан давом этар экан, орада мана бу байт келади:

Бош кўяй дедим аёғи туфроғига, деди: “Кўй”,  
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: “Ол”.

Маъшуқа жавобидаги «кўй» (*майли, кўй ва кўйсанг-чи, «ол»* сўзларининг икки маънолигини (*қизил ва олмоқ* феълининг буйруқ майли) ийҳом санъатининг гўзал намунаси. Бу ғазалнинг мақтаёи ҳам навоийона:

Эй кўз, онсиз ўзга юз кўрмакни қилмишсен ҳавас,  
Хажр тийғидин ўюл ёхуд Навоийдин уёл.

Мана бу матлаъ

Нуктаси мафҳум ўлур, бўлмас вале мафҳум оғиз,  
Тонг эмастур ҳеч мафҳум ўлмаса маъдум оғиз

– билан бошланадиган ғазалда қофиядош сўзлар мафъувл қолипидаги арабча сўзлар: **мафҳум** (фаҳмлланган), маъдум (мавжуд эмас), маълум, мавҳум, марқум, мактум, маҳрум, масмум, мазмум. Мутойиба қабилидаги бу ғазал унинг руҳига мос қофиядош билан тугайди:

Эй Навоий, махлас истар бўлсанг эл тил, оғзидин  
Назмдин ҳам тилни тийгил, насрдин ҳам юм оғиз

(*махлас – ихлос*). Мана бу ғазалнинг қофиядошлари ҳам гаройиб:

Эй чучук жоним сенинг ширин лабинг, (турунж – лимон,  
Мевайи жоним турунжи ғабғабинг. ғаб-ғаб – ияк)

Мен киму ўпмак юзунг кўзгусини, (наъл – қадок, чандиқ,  
Бас муяссар бўлса наъли марқабинг. марқаб – от, улов)

Неча элни кеча, ё раб, эй кўнгул,  
Кўймағай уйкуға “Ё раб, ё раб”инг.

Ушбу ғазал қофиясига яна бир санъат хос:

Ваҳ, неча жисмини ғамдин нотавон этгай фироқ,  
Нотавон жисмимға ҳар дам қасди жон этгай фироқ.

Жисмиим айлаб нотавон, жонима қасд айлаб нишон,  
Қасд қилған жонни расвойи жаҳон эткай фироқ.

...

Ич, Навоий май бағир қонидегу бехуд йиқил,  
Неча васл уммидидин бағрингни қон эткай фироқ,

– қофияси “-он”, *эткай фироқ* эса радиф. Аммо қуйидаги байтда Навоий гўё “шеър доим ҳам формулага сифавермайди” дея, киноя қилиб кетганлар:

Куйди жоним васлида, эл рашкидин то етти ҳажр,  
Васл мунглуғ жонима ўт солди то неткай фироқ.

қофиядош сўзлар қатори – нотавон, жон, жаҳон, нишон ... Бу сўзларга *неткай* сўзининг “н” ҳарфи воситасида то сўзи қофиядош қилинган!

Дарвоқеъ, радиф мисраъ охиридагина эмас, қофиядан олдин келиши ҳам мумкин. М а с а л а н,

Кўз қонидин дема, этагим лоловордур  
Ким, кўхи дарднинг этаги лоловордур

– деб бошланадиган машғур ғазалда қофияли мисралар лола бордур, лолакордур, лола хордур, лола ёрдур, лолабордур билан тугайди. Шунинг учун қофия *лола#ордур* формулага мос дейиш тўғрироқ бўлади. Бундаги лола сўзи ички радиф ҳосил қилади.

“Хазойин ул-маоний”даги яна бир хусусият – қофияларнинг ниҳоятда ранг-баранглиги. Масалан, “Ғаройиб ус-сифар” да 100 дан зиёд турдаги қофия кўлланган. Улар орасида: #&до, #оро, #&ло, #айб, иб#, ос#, анж#, ож#, их#, #ух, #ах, #аз, #еш, #оъ, #оф, #аф, #иғ, #енг, #анг, #ўнг, #оза, #&ста, #ўй каби ниҳоятда ноёб қофиялар бор. Масалан,

Оғзининг сирри манга маълум агар эмас – не айб?  
Ҳеч кимга заррае чун бермаиш Ҳақ илми ғайб.

Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж  
Ки, ранж чекмаса ҳаргиз муяссар ўлмас ганж.

Ва яна

Баданға келмади то азми кўюнг айлади руҳ  
Ки, руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.

Бошқа бир нодир қофияли ғазал матлаби:

Ики ғунчанг эрмас, эй гулчехра, тенг,  
Оғзинг асру тору кўнгулунг асру кенг

– қофиядошлар: **тенг, кенг, менг, енг** (кийим қисми), **энг** (юз қисми), **енг** (енгмоқ феълидан), **денг** (демоқ феълидан)  
– барча қофиядошлар соф туркий сўзлар эканлиги диққатга сазовор.

Саналган қофияларнинг мураккаблигини ҳис этиш учун келтирилган байтларни ғазалга етказишга, мухаммас ёки татаббу боғлашга уннаб кўриш кифоя.

Ҳолбуки, қофия топишнинг ўзи билан билан шеър битмайди.

Қофияни менсимаслик аслида – шоирнинг чаптастлигидан эмас, балки сўз бойлигининг камбағаллигидан нишона. Сув томчида акс этганидай, қофия муаллифнинг умуман бадий маҳоратини ўзида акс эттиради.

“Ғаройиб ус-сиғар”га қайтайлик. Девондан “-о” қофияли 44 та ғазал жой олган. Худди шу қофияли шеърлар мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакиллари асарларида ҳам кўп. Сабаби равшан: **савдо, ғавғо, шайдо, тўтиё, раъно, истиғно, сиймо, зебо ёки адо, мубтало, фидо, наво, ҳумо, раво** каби сўзлар ўзбек адабий тилида мўл, устига-устак, улар нозик поэтик маъноларга эга, хуллас, айна шеърбоп.



**Эътибор қилинг:** ҳар икки гуруҳ сўзларида қофия формуласи “#о”, аммо аруз вазнида **раъно** сўзини **ҳаво** сўзига қофиядош қилиб бўлмайди – вазн бузилади. Бу фарқ яққол кўриниши учун биринчи гуруҳ сўзларнинг (савдо, ғавго, шайдо, тўтиё, раъно, истиғно, сиймо, зебо) қофия формуласини **#&##о** шаклида, иккинчи гуруҳникини эса (адо, мубтало, фидо, наво, ҳумо, раво) **#&##о** шаклида олган маъкул. Шунда шеър қофияси ҳақида маълумот тўлароқ бўлади.

“Ҳазойин ул-маоний”нинг очқичи бўлиб келадиган (“Қуръон”и каримда “Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим” ояти сингари) биринчи ғазалда қофия “о” бўлиб, қофиядошлар иккинчи гуруҳга мансуб:

**Ашрақат мин акси шамсил-каъси анвор ул-худо,  
“Ёр аксин майда кўр” деб, жомдин чиқти садо.**

...

**Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин  
“Ишрабу, ё айюҳал-атшон” келур ҳар дам нидо.**

Бу ғазал бежиз асар бошланишига жойланмаган – унда Навоий дунёқарашининг бош концепцияси мужассам. Бизни ҳозир ғазалнинг қофияси қизиқтиради. Қарангки, қофия ҳам оддий эмас: шоир “-о” қофияси билан чекланмай, уни чуқурлаштирган: анвор\_ул-худо, чиқти садо, ғамзудо, ичкан гадо, жон фидо, ибтидо, моъадо, қилғай адо, зоҳидо, ҳар дам нидо. Формуласи: **#&до** (хатто **#&##&до**). Буларнинг бари “Ё, Худо!” иборасига қофиядошлиги ҳам бежиз эмас.

Қизиқ ҳолат: Навоий мазмунига бу қадар катта аҳамият берган ғазал қофияси билан ҳам ажралиб турибди. Наҳотки, “о” қофияси кифоя бўлган ўринда шоир уни “-до” гача кучайтириш билан атайин шуғулланган бўлса? Йўқ, албатта. Зотан, шеър устида ҳар қандай “зўравонлик” унинг мазмунига, руҳига путур етказди.

Юқоридаги ғазалда мазмуннинг чуқурлиги билан шакл гўзаллиги, жумладан, қофиянинг нодирлиги эгиз ходисалардир. Ғазал буюк шоир тафаккурида, қалбида узоқ муддат маромига етилганки, ҳам шаклан, ҳам мазмунан мукаммал равишда туғилган.

Албатта, Навоий ғазалларида ўта ноёб қофиялар билан бир қаторда нисбатан тез-тез такрорланадиганлари ҳам талай. Масалан, “Ғаройиб ус-сиғар”да 10 та ғазал “-у” қофияли. “Этмишам” радифли ғазалда қофиядошлар: **бўй**, **хўй**, **жўй** (1. ариқ; 2. истовчи), **гўй** (1. тўп, шарча; 2. сўзловчи), **мўй**, **тўй**, **рўй**, **пўй** (югуриш).

Ниҳоят, турк ва форс тилларида ижод қилувчи барча шоирлар шеърларидаги каби Навоий девон ва дostonларида ҳам “-он” ва “-ор” қофиялари кенг қўлланган.

Маълумки, бир хил қофиядош сўзлар қайта ва қайта қўлланаверса, у сийқалашиб кетади. Бу, айниқса, “он” қофиясига тегишли. Бунинг чораси – шеър қўшимча санъатлар билан бойитилиши керак. Мисол учун сийқанинг сийқасига айланиб кетган **жон** ва **жонон** сўзларини олайлик. Улар Навоий шеърларида ҳам ниҳоятда кўп учрайди, аммо шоир сийқаликка йўл қўймайди.

### Мисоллар.

**“Қилмамиш жонин фидо, жононға етмас” дер эмиш,  
Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анга,**

– бу байтда ирсоли масал (халқ мақолини шеърга жойлаш), тарди акс (мисраларда **фидо** ва **жон** сўзларининг ўрни алмашиб келиши) ва муболаға (**юз жон фидо**) санъатлари қўлланган.

**“Ҳажр ўлумдин талх” эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени  
Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо**

– бу ерда ирсоли масалга (кўштирноқ ичига олинган) хусни таълил санъати кўшилган: иккинчи мисрадаги лирик қаҳрамон илтимоси “айрилиқ ўлимдан қаттиқ” мақоли (аргумент) билан далилланган.

**Жонни жонон гар тилар, биллаҳки, миннат жонгадур,  
Ҳар нечук ҳукм этса, тегмас жонга жонон бирла баҳс,**

– иккинчи мисрада жон сўзи “жонга тегмоқ” мураккаб феъли таркибида, яъни биринчи мисрадагидан фарқли функцияда келади.

**Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур,  
Бу жиҳатдин бир-бириси бирла жонажон эрур**

– матлаъли ғазал бошдан-аёқ “Жон ва жонон” можаросига бағишланган. Ғазалнинг бетақрор бадий хусусиятлари Н.Комиловнинг шу номдаги мақоласида очиб берилган (“Навий. Ғазаллар, шарҳлар” тўплами).

Қайд этиш лозимки, “-он” бирикмаси қайси рукнда келишига қараб, икки хил қофия тапшил этади:

1-тоифа: қофия формуласи **#&#он**, вазн схемаси  $\vee$  — бўлган сўзлар: **жаҳон, замон, амон, нишон, арғувон ...**;

2-тоифа: қофия формуласи **#&##он**, вазн схемаси — — бўлган сўзлар: **пайкон, даврон, ҳижрон, пари(й)шон ...**

**Гулистон, зарафшон** сўзларида қофия иккинчи тоифага мансуб. Худди шу сўзларни Навоий кўпроқ **гулситон, зарфишон** шаклида, яъни биринчи тоифа вазнида ишлатган. Шу сингари, **жонажон** сўзи биринчи тоифага, **жонон** сўзи эса, иккинчи тоифага мансуб.

Қофиядаги бу фарқ қофиядош сўзлар мисранинг қайси рукнида келишга таъсир этиши диққатга молик. Буни пайқаш учун радифи ҳам, радифаси ҳам бўлмаган мисолларга мурожаат этайлик. “Ҳазойин ул-маоний”да қофияси **#&#он** бўлган ғазаллар кўп, лекин уларнинг бари 15 ҳижоли рамал баҳрида:

Фoъилoтун фoъилoтун фoъилoтун фoъилун

М а с а л а н,

**Баски қадди ғунчадек эл кўнглин олиб қилди қон,  
Гулбуни ноз ўлмиш эл кўнглидин ул сарви равон**

– қофияли мисраларда охирги рукнлар: **нотавон, андин нишон, кўздин ниҳон, ошён, арғувон, заъфарон, бир замон, тортиб фиғон бўлса,**

**Арғувоний тўнмудурким, киймиш ул сарви равон,  
Ё магар сарв равон қилмиш либосин арғувон**

– матдаъли ғазалда: **навжавон, нотавон, корвон, бир авон, паҳлавон;**

**Лоланинг ғунчасидек кўнглум ўлуштур тўла қон,  
Ваҳки, эл ғофилу куйдурди мени доғи ниҳон**

– бу сафар: **доғи ниҳон, ҳозаён, ерда нишон, марг\_аён, ичинда жон, ме\_ҳ\_мон, ну\_қ\_сон, бирла фиғон.**

Иккинчи томондан, қофияси **#&##он** бўлган радифсиз ва радифасиз ғазаллар ҳар бир девонда атиги 1-2 тадан бўлиб, вазни 16 ҳижоли ҳазаж баҳрида:

Мафoъийлун мафoъийлун мафoъийлун мафoъийлун

М а с а л а н,

**Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,  
Қуюндек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон**

– қофиядошлар қатори: **поён, сиришким қон, ҳижрон, дармон, имқон, пинҳон, сомон, кулбаи аҳзон, кишваридин жон, осон;**

**Эрур саргашта хоки тан аро мажнун кўнгул ҳар ён,  
Тўн этгандек қуюн жисмиға Мажнунни саргардон**

– қофиядошлар: урён, хайрон, ҳижрон, тўфон, имкон, осон, бўстон, афгон.

Бу мисолларда Навоий қофия санъатидаги муҳим хусусият яққол кўзга ташланади: қофия сийқа (“он”), аммо қофиядошлар жуда хилма-хил. Хусусан, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 115 ғазал қофияси “он” (10 % ни ташкил этади), бироқ шунга яраша 300 дан зиёд (!) қофиядош қўлланган. Жумладан: гирибон, босқон, часпон, шўбон (чўпон), дастафшон, абирафшон, дурахшон, дарахшон, биёбон, қалқон, фалон, жовидон, аломон, остон, лавҳи нисён, тоқи айвон, гарди майдон, фаттон, шабистон, унвон, нолон, хурдадон, озурдажон, шайх Санъон, Кайвон, дурри ғалтон, арғувон, ҳаросон, ризвон, рахшон, навжавон, тавъамон, бесомон.

129-саҳифада келтирилган ғазал қофияси ҳам “-он”, аммо сўзлар бутунлай бошқа: ўсонмадим, қонмадим, тонмадим, тожонмадим, инонмадим, бегонмадим, қувонмадим, ёнмадим, формуласи: #&#онмадим.

Навоийнинг қофия санъати хусусидаги мулоҳазаларимизни қуйидаги ғазал билан якунлаймиз.

Вайрона<sup>е</sup>дур масканим, | андин манга | бисё<sup>р</sup> ғам,  
Оҳим била | эшикта ўр<sup>т</sup>, | ашким била | дево<sup>р</sup> нам,  
(аланга)

Нўшидин<sup>э</sup>лга гуфтигў, | эй, ҳаж<sup>р</sup>, | ичар<sup>м</sup>ен мен оғу,  
Ко-ш<sup>ў</sup>лсаму | кўнглумни бу | анду<sup>ҳ</sup>-дин | қутқо<sup>р</sup>-сам.

Қил иш<sup>қ</sup> дай<sup>р</sup>ида макар, | суккониға | солғил назар  
(қамишзор) (маскай) (сокивлар)

Ким, бор бу маж<sup>маъ</sup> ичра ҳар | дурдийкашу | ҳаммо<sup>р</sup> – Жам.  
(жамоа) (қуйка ичувчи) (майпас)

Ҳар ерки ан<sup>да</sup> бир нафас | ишратқа топ<sup>сам</sup> дас<sup>т</sup>-рас,  
(имкониёт)

Юз қатла ай<sup>лар</sup>мен ҳавас<sup>ким</sup>, бўлса эр<sup>ди</sup> ё<sup>р</sup> ҳам.

Сокий, бугун | майни унут, | мендек даме | хуноба ют,  
Мутриб наво<sup>ю</sup> навҳа тут, | созингга боғ<sup>ла</sup> то-р бам.  
(хуй) (баланд пардали тор)

Десамки, эй | бадмеҳ-р ўғул, | юзунг кўриб | ой тутти йўл,  
Дер: ер қуйи | гар борди, ул | бир шабраву | ай-ё-р кам.  
(қароқчи) (удлабурро)

Мискин Наво<sup>ий</sup> берса жон, | эй дийда, ҳар | дам тўкма қон,  
Ул ҳар неча | қилса фиғон, | сен асрағил | зинҳо-р дам.

### “...Толиби илм керак”

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижодида кичик жанрдаги шеърлар – рубоий, туоқ, қитъа ҳамда 5-6 байтли ғазаллар катта ўрин эгаллайди (ҳатто тўрт байтли ғазални ҳам учратамиз). Бунинг сабаби тушунарли: бутун умрини назмга бағишлаш имконига эга бўлиб, шу туфайли катта мерос қолдирган шоирлардан фарқли равишда, Бобур бадий ижод билан шуғулланишга жуда кам вақт ажрата олган. Унинг асарларидаги самимийликнинг сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак: шеърлар ё илҳомнинг дабдурустдан ташрифи натижасида лирикага мойил қалб қаъридан қайнаб чиққан ёки, аксинча, узоқ вақт давомида ў-ю, хаёлни банд этган фикрларнинг фавкулудда қуюқ ифодаси тарзида қоғозга тушган. Фурсат етишмаслиги-ю, замонанинг “тафриқа ва ғавғо”си эса, шоирни кўпроқ қисқа шеърлар билан чекланишга мажбур этган. Буни Бобурнинг ўзи ҳам изоҳлайди: “Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эрдим. Вале ғазал тугатмайдур эрдим”, – бу сўзлар Бобур 17 ёшлигида, Самарқандни иккинчи бор эгаллаган, Навоийдан мактуб олган даврида ёзилган. Шундан сўнгра ҳам, ҳатто Ҳиндистонда ўз салтанатини ўрнатгандан кейин ҳам Бобурнинг ҳаёти сокин кечган деб бўлмайди.

Бобур кўпроқ кичик жанрларда ижод қилгани, ғазалларининг ихчамлиги адабий меросининг қимматини орттирса орттирадики, асло камайтирмайди. Аксинча, улар сиқик назмий сатрларга катта бадиий ва фалсафий юк ортиш мумкинлигини намойиш этади. Мана шундай дурдоналардан бири:

**Ким ёр анга илм толиби илм керак,  
Ўргангали илм толиби илм керак.  
Мен толиби илму толиби илме йўк,  
Мен бормен илм толиби илм керак.**

Одатда бу тўртлик (қисқалик учун унга “Илм керак” деб сарлавҳа қўямиз) Бобур шеърлари нашрларида рубоийёт бўлимига киритилади.

Агар Бобурнинг ўзи девон тузган бўлса, мазкур тўртлик қайси бўлимга киритилгани ҳам тайин бўлар эди. Аммо бундай девон бизгача етиб келмаган. Ҳолбуки, шоир ўзининг бир девонга етарлик шеърларини жамлагани маълум. Бу борада “Бобурнома”нинг 914 х. йил воқеаларига бағишланган саҳифаларида маълумот бор: “Фўлод Султонга девонимни йибордим. Девоннинг орқасида биргина қитъани битидим”. Шу билан бирга, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон” (1994, “Фан” нашриёти) китобининг сўзбошисида Абдурашид Абдуғафуров “Бобур девони” деб ҳисобланадиган қўлёзмаларнинг нашрлари асосида уларнинг бирортаси ҳам анъанавий девон тушунчасига тўла жавоб бермаслигини қайд этади. Шунинг учун Бобурнинг ўзи “Илм керак” тўртлигини рубоий санаганми ё йўқми, уни муаллифнинг ўзи қайси бўлимга киритган бўлар эди – аниқлаш қийин.

Бу масалага тўртликнинг ўзидан келиб чиқиб ойдинлик киритиш мақсадида унинг хусусиятларини таҳлил қилайлик. Тўртлик вазни мумтоз адабиётда қабул қилинган рубоий вазнларидан ҳазажи аҳраб баҳрига яқин, аммо унга

айнан тушмайди. Бошқа томондан, рубойда тўрт мисра тўрт хил вазнда келиши мумкин – бу Навоийнинг “Мезон ул-авзон” рисоласида таъкидлаб ўтилган. (Рисоланинг рубойга бағишланган бўлимида олтига рубой мисол қилиб келтирилган. Улардаги жами 24 мисра – 24 та вазнда.)

“Илм керак” тўртлигида эса вазн ғазал жанридагидек қатъий:

<b>Ким</b>	<b>ё-</b>	<b>р</b>	<b>нга</b>	<b>ил-</b>	<b>м</b>	<b>то-</b>	<b>ли-</b>	<b>би</b>	<b>ил-</b>	<b>м</b>	<b>ке-</b>	<b>рак</b>
<b>Ўр-</b>	<b>ган-</b>	<b>га-</b>	<b>ли</b>	<b>ил-</b>	<b>м</b>	<b>то-</b>	<b>ли-</b>	<b>би</b>	<b>ил-</b>	<b>м</b>	<b>ке-</b>	<b>рак</b>
<b>Мен</b>	<b>то-</b>	<b>ли-</b>	<b>би</b>	<b>ил-</b>	<b>му</b>	<b>то-</b>	<b>ли-</b>	<b>би</b>	<b>ил-</b>	<b>ме</b>	<b>йў-</b>	<b>қ</b>
<b>Мен</b>	<b>бо-</b>	<b>р-</b>	<b>мен</b>	<b>ил-</b>	<b>м</b>	<b>то-</b>	<b>ли-</b>	<b>би</b>	<b>ил-</b>	<b>м</b>	<b>ке-</b>	<b>рак</b>
–	–	√	–	–	√	–	√	√	–	√	√	–

(Учинчи мисранинг охирги ҳижоси қисқа, аммо бу аруз талабларига зид эмас.)

Тўртликнинг яна бир ғалати хусусияти – унда қофия йўқ. Бунинг ўрнига рубойда қофияланиши лозим бўлган биринчи, иккинчи ва учинчи мисралар “толиби илм керак” сўзлари билан тугалланади. Қофия йўқ экан, демак, бу уч сўз радиф ҳосил қилмайди. Рубой эса қофиясиз бўлмаслиги маълум. Демак, “Илм керак” тўртлиги рубой жанрига мансуб эмас.

Балки Бобур рубойни қофиясиз ёзгандир? Бу саволга билвосита далиллар асосида бўлса ҳам “йўқ, мумкин эмас” дея жавоб бериш керак. Гап шундаки, мумтоз адабиёт шоирлардан вазн ва қофия қоидаларига қатъий бўйсунини талаб этган. Бобур ҳам ана шу адабиёт намояндасидир. У ҳатто аруз назариясига оид йирик ва мукамал рисола ҳам ёзиб қолдирган. Гарчи мавзудан бир оз четга чиқилса-да, Бобур қофиясиз рубой битиши мумкин эмас эди, деган фикрни асослаш мақсадида, унинг қофия санъати устида тўхтайлик.



Авалло, одатда шоир девонларига киритиладиган 208 та рубоидан “Илм керак”дан бошқа 207 тасида қофияланиш қатъий – ааба шаклида. Ҳатто 18 та рубоид, Навоийга эргашиб, аааа шаклида қофияланган. Масалан,

**Ишқингда кўнгул харобдур, мен не қилай?  
Ҳажрингда кўзум пуробдур, мен не қилай?  
Жисмим аро печу тобдур, мен не қилай?  
Жонимда изтиробдур, мен не қилай?**

Бошқа бир мисол “Бобурнома”дан. Салтанат учун курашаётган Бобур учун қийин кечган ҳижрий 904 йил воқеалари баёнида ўқиймиз:

**“Самарқанд ва Андижонга муқарраран юрушуб, ҳеч иш очилмай, яна ёниб Хўжандга келдук...**

**Хўжанд бир муҳаққар ердур. Бир бекнинг авқоти анда ташвиш билан ўтар. Бир ярим йил, икки йилга ёвуқ аҳл ва аёл била анда эдук. Ул мусулмонлар ҳам бу муддатга имкони борича харж тортмоқда ва хизмат қилмоқда тақсир қилмадилар. Яна не юз била Хўжандга борилғай, Хўжандга бориб ҳам киши не қилғай?”** Мана шундай аччиқ вазиятни қоғозга туширар экан, Бобур байт илова қилиб кетади:

**Бормоққа не маскане муяссар,  
Турмоққа не маъмане муқаррар**

– бу ўзбек шеърятида кам қўлланадиган тарсеъ санъатининг ноёб намунасидир. Бу санъат айнан қофия билан боғлиқ; байтнинг ҳар икки мисрасидаги барча мос сўзлар ўзаро қофияланади.

**Қуйидаги рубоид ҳам беқиёс қофия санъати билан машҳур:**

**Туз оҳ Заҳириддини Муҳаммад Бобур,  
Юз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобур.  
Сарриштаи айшдин кўнгулни зинҳор  
Уз, оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобур.**

## Бундай санъатни Бобур

Шоҳ Султон Увайс бин Маҳмуд,  
Моҳ Султон Увайс бин Маҳмуд

– матлаъи билан бошланадиган бус-бутун ғазалда ҳам қўллаган.

Яна бир мисол “Мухтасар”дан. Навоий шеърларидаги қофия санъатининг мукамаллиги яхши маълум. Бобур “сўз мулкининг султони” билан бу борада баҳслашишга ҳам саъй этади:

“Бу вазнда мусажжаъ (яъни *ички қофияли*, қуйидаги ғазалларда остки чизик билан ажратилган) ғазал кам айтибдурлар. Мир Алишер Навоий бир неча ғазал айтибтур, жумладин бир лўли йигитнинг таърифида бу ғазал воқиб бўлубтур:

Не лўливашдур ул қотилки қон тўрмаккадур яксар,  
Қиё боқмоқлари поки итик, мужгонлари – ништар.

Юзидин ким хижилдур гуд, паршон ҳар тараф кокул,  
Сочин гулбарг уза сунбул, тўкуб кофур уза анбар.

Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узди,  
Қамардек ҳола кўргузди, узори даврида чамбар.

Либоси нози часпондур, гаҳи туз қадди чавгондур,  
Замоне гўйи ғалтондур, зиҳи чобук, зиҳе дилбар.

Жунун шамъин қилур равшан, кўнгулга телбаликдур фан,  
Паридек бўлғали царранда ул шўхи пари пайкар.

Бу байтнинг учинчи сажъининг қофияси маъмул бўлубтур (амалда татбиқ қилинибди). Бу навъ ҳашвда маъмул риъоят қилмоқ ғолибан қойилнинг (сўзловчи, яъни *Навоийнинг*) ихтироъидур.

Навоий бўлди лўливашки, келмиш анга лўли хуш,  
Қани бир жом лўликашки, лўлий тутса бир соғар.

Тамаъ тунма фалақдин қомким, ханжар қилур ошом,  
Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўли ёр магар.

(“Наводир ул-шабоб” девонида сўнги мисранинг якуни – “лўлийи бозийгар” – вазнга мос келади, “ёр магар” эса вазнга зид.) Бу ғазал раққоса лўли қиз ҳақида, ҳатто “лўли” деб эрқалатилган лўливаш, яъни қиёфаси ёки қилиқлари лўлига ўхшаш ҳиротлик ёки самарқандлик қиз ҳақида бўлиши ҳам истисно эмас.)

Навоий ғазалидан сўнг Бобур таҳлилга ўтади: “Бу байтнинг мисраъларининг ҳашвидағи қофиялари рукннинг охирида воқиъ бўлмайду”, – бу сўзлар Навоий ғазалининг сўнги байти хусусида. Аруз талабига кўра бу байт ҳижо ва рукнларга қуйидагича бўлинади:

Та-маъ тун-ма<sup>1</sup> фа-лак-дин қо:м ким, хан-жар<sup>1</sup> қи-лур о:шом,  
Я-нги ой шак-ли-дин ҳар шо:м ул лў-ли-йи бо-зир-гар.

Бобур иккинчи ва учинчи рукнларнинг чегараси ички қофия ҳосил қилувчи “қом” ва “шом” сўзларининг орасига тушаётганига эътироз билдирган. Бундай қофия ҳақиқатан ҳам ноёб ҳодиса.

Бобур давом этади: “Мусажжаъ ғазалларнинг матлаъида сажъ камроқ риъоят қилибтурлар”, – бу сўзлар энди умуман ғазалнавислик ҳақида. – “Агар риъоят қилинса, яхшироқ бўлғусидур, нечукким:

Қаро зулфунг<sup>1</sup> фи:роқида<sup>1</sup> паришон рў:з-горим бор,  
Юзунгнинг иш-тиёқида<sup>1</sup> не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағрим<sup>1</sup>ни қон қилди,<sup>1</sup> кўзумдин қон<sup>1</sup> равон қилди,  
Нега ҳолим<sup>1</sup> ямон қилди,<sup>1</sup> ме-н\_андин бир<sup>1</sup> сўрорим бор.

Жаҳондин манга ғам бўлса,<sup>1</sup> улусдин гар<sup>1</sup> адам бўлса,  
Не ғам юз мунча ҳам бўлса,<sup>1</sup> санингдек ғамгусорим бор.

Агар муслих<sup>1</sup>ме-н,\_ар муфсид,<sup>1</sup> вагар ошиқ<sup>1</sup>мен, ар обид,  
Не ишинг бор<sup>1</sup> сенинг зохид,<sup>1</sup> менинг не их-тиёрим бор?!

Фигоним ош'ти булбулдин, | ғами йўқ зар'ра бу кулдин,  
Басе, Бобур, | ўшал гулдин | кўнгулда хо-р-хорим бор.

Бу дилбар ғазалнинг қофияси ҳам, сажъи ҳам мукаммал эканлиги кўриниб турибди. Бобур бошқа мусажжаъ ғазалларида ҳам ана шу мукаммалликдан чекинмагани диққатга лойиқ.

Хуллас, шеърнинг бу жиҳатига шу қадар эътибор билан қараган шоир қофиясиз рубойй ёзган бўлиши эҳтимолдан йироқ. Шу боис “Илм керак” тўртлиги рубойй эмас, деган хулосага келамиз.

Энди тўртликнинг мазмунига мурожаат этайлик. Бу юмуш ҳам осон кўчмайди. Шу боис бўлса керак, Бобур асарларининг турли нашрларида “Толиби илм” тўртлигида тиниш белгилари турлича тарзда қўйилган.

Таажжубли ҳолат шундаки, мазмунининг мураккаблиги билан ҳам тўртлик ўқувчини ўзига тортади. Ҳаммаси бўлиб атиги 10 калима. Тўрт қатор шеърда 8 марта “илм”! Илм, илм, илм..., толиби илм керак, толиби илм керак... Тўртлик бир-икки ўқишдаёқ хотирага нақшланиб, тилда айлана бошлайди: “Ким ёр анга илм, толиби илм керак...”

“Навоий асарлари луғати”да “толиби илм” – ўқувчи, студент дея изоҳланган. Боринги, мадраса талабаси, бугунги кунда, айтайлик, магистр ёки аспирант ҳам бўлсин. Шунинг учун “толиби илм” иборасини шу маънода “толиби-илм” деб, битта қўшма сўз шаклида ёзган маъкул. Натижада биринчи мисра қуйидагича ўқилади:

**Ким ёр анга илм, толиби-илм керак.**

Яъни: “Кимга илм ёр бўлса, унга толиби-илмлар керак, у ўз илмини бошқаларга ўргатиши фарз”. (Бу мисрани бошқача талқин қилиш ҳам мумкин: “Ким ёр анга илм толиби, илм керак”. Яъни, ким илм толибларига ёр бўлса, унинг ўзига ҳам илм зарур. Лекин бундай талқин сунъийдир. “Толиби илм” жумласининг қуйида

келтирилган яна бир маъноси ҳам борки, у биринчи мисрани бошқача талқин қилишга имкон беради.)

“Толиби илм” жумласининг биринчи мисраъидаги маъноси иккинчи мисраъда қовушмайди: “Илм ўрганиш учун талаба (билан) бўлиш керак” деган фикр Бобурдай шоир тилидан айтилган бўлиши эҳтимолдан йироқ. Бу ерда “Навий асарлари луғати”даги “толиби илм” жумласининг этимологик (арабчадан олинган) маъноси мувофиқроқ: толиби илм – айнан “илм талабгори”.

Илмга талабгорлик эса, шунчаки толибликка (талабаликка) нисбатан анча кенг ва чуқур. Чунончи, аввал ҳам, ҳозир ҳам талаба (студент, магистрант, аспирант) мақомига эга, аммо мутлақо илмга талабгор бўлмаган одамлар кўп учрайди. Қолаверса, талабалик – вақтинчалик статус, зоҳирий мақом, илмга талабгор бўлиш эса, давр билан чегараланмаган, ботиний эҳтиёж аломатидир.

Демак, иккинчи мисра шундай талқин этилиши мумкин: илм ўрганиш учун талабалик – “толиби-илм” бўлишнинг ўзи кифоя эмас, илмга талабгор бўлиш, интилиш керак.

Учинчи мисранинг маъноси, бир қарашда, “мен толиби илмман, аммо толиби илм эмасман” дегандек туюлади. Ҳар қалай, бу мисрадаги “толиби илм” ҳам талаба эмаслиги равшан. Айни пайтда якки марта такрорланаётган “толиби илм”ни ҳар икки ўринда “илм талабгори” деб тушуниш ҳам маъно бермайди. Шу боис бу жумланинг яна бошқа маъноларини излашга тўғри келади. Бунинг учун “толиб” сўзининг таржимасини Х.К.Барановнинг “Арабча-русча луғати”дан излаймиз. Унда бу калиманинг изловчи, талаб этувчи, сўровчи, тингловчи каби маънолари саналади. Нормал ҳолатларда талаб этиш эҳтиёжмандликдан келиб чиқади. Шунга асосланиб, учинчи мисрани шундай тушуниш мумкин: “Мен илмга эҳтиёжмандман, аммо, таассуфки, илм излаётганим йўқ”. Шу билан бирга тўртинчи мисра ҳам ойдинлашади: “Ким токи тирик экан,

илмга эҳтиёжманддир ва у илм изламоғи керак”. Яъни, бу мисрага машҳур “Бешиқдан то қабргача илм излангиз” деган ҳадис мазмуни жо этилган. Айни пайтда биринчи мисранинг яна бир жоиз талқинига эга бўламиз: кимга илм ёр бўлса, у (яна ҳам кўпроқ) илмга эҳтиёж сезади. Ҳақиқатан, илмнинг поёни мавжуд эмас, демакки, илмга интилишнинг ҳам чеку чегараси йўқ, кимда-ким “илмнинг бу соҳасини мен батамом эгаллаб бўлдим” деса, бу такаббурликдан бошқа нарса эмас.

**Шундай қилиб, “Илм керак” тўртлигининг талқинларидан бири қуйидагича бўла олади:**

**Ким ёр анга илм, толиби-илм керак.  
Ўрганғали илм толиби илм керак.  
Мен толиби илму, толиби илме йўқ,  
Мен бормен – илм толиби, илм керак.**

Бу талқиндан тўртлик жанри ҳақида шундай хулоса келиб чиқади: уч мисра охирида “толиби илм керак” жумласи уч турли маънода ишлатилган. Шунинг учун **“Илм керак” тўртлиги туюқдир.**

Туюқ, Навоий таърифига кўра, туркий адабиётга хос жанр бўлиб, қофия ўрнида тажнис қўлланиши билан характерланади. Тажнис дегани жинсдошлик, шаклдошлик, ёзилиши (тўғрироғи, талаффузи) бир хил, маъноси турли сўз ва жумлаларни билдирадиган тушунча.

Тажнис туюқдан ташқари ғазал, маснавий жанридаги шеърларда ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, Бобурнинг маснавийларидан биридаги

**Лаззати егулуку ичкулуғунг,  
Хушийи кайфияту ичкулуғунг**

байтининг қофияси тажнисдан иборат: “ичкулуғунг” сўзи биринчи мисрада “ичадиганинг”, иккинчи мисрада эса “сархуш ичимлик ичишга майлинг” маъносида келади.

Айниқса, Навоий дostonларида тажнисли байтлар мунтазам учрайди.

Туоқнинг энг содда кўриниши – омоним сўзларни тажнис сифатида олиш. Бобур девонида бундай туоқнинг уникал намунасини учратамиз:

Васлидин сўз дерга йўқ ёро менга,  
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, менга.  
Ўқунг этти кўп ямон ёро менга,  
Марҳами лутфунг била ёро менга.

(“Ёро” сўзининг маънолари: 1) мадор (форсча); 2) “Эй, ёр!” 3) яра – “яраламоқ, ярадор қилмоқ” сўзидан; 4) яра – “ярамоқ, асқотмоқ” сўзидан.)

Тажниси омоним сўзлардан тузилган туоқ бу жанрнинг энг содда туридир. Аслида тажниснинг кўринишлари анча хилма-хил. Мисол учун, Бобурдан яна бир нафис туоқ:

Мени беҳол айлаган ёр – ой дурур,  
Ким анинг васли менга ёройдурур.  
Гар висоли бўлмаса, кетар ерим –  
Ё Хуросон, ё Хитой, ё Ройдурур.

Бу туоқда умуман омоним сўзлар қўлланмаган, балки “ёройдурур” иборасини уч усулда сўзларга бўлишдан тажнис ҳосил қилинган. Айнан шу усул туоқларда кўп қўлланади. Бобур “Илм керак” тўртлигида тажниснинг “толиби илм керак” жумласини турлича ўқишдан иборат янги турини ихтиро қилган.

Шу ерда мулоҳазаларимизга нуқта қўйса бўлар эди. Лекин эътироф этиш зарурки, ҳозиргача гап асосий масаланинг атрофида кечди, холос. Бобурнинг “Илм керак” миниатюрасини ўқир эканмиз, бизни унинг жанр хусусиятлари билан бирга, ҳатто кўпроқ моҳияти қизиқтириши даркор: Тўртлик қай вазиятда яратилган?

Нима мақсадда ёзилган? Шоир нимани кўзда тутган? Муаллифнинг қайта ва қайта “илм керак”, “толиби илм бўлиш керак” дея даъвати кимга қаратилган?

Тўртликда 8 марта такрорланган “илм” сўзининг саноксиз маънолари ва қамровсиз мазмуни бор. “Илм” тушунчасини исломшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилган Йел университети (АҚШ) профессори Ф.Роузентал “Илм тантанаси” рисоласида бу сўзнинг Шарқ олимлари асарларидан олинган 107 та (!) таърифини келтиради. Бугун унинг маъноси яна ҳам кенгроқ эканлигига шубҳа йўқ.

Хуллас, ўзбек халқининг даҳо мутафаккири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Илм керак” туюғи фалсафий поэзиянинг энг ноёб дурдоналаридан бири бўлиб, унда умрини улуғ ниятларни амалга ошириш учун курашга сарфлаган табаррук зотнинг орзу-армони, авлодларига абадий рағбати ифода этилган.

## *Аруз тақдири*

Алишер Навоийнинг ёшлик йиллари мураккаб кечган. У кейинроқ ҳам куч-қувватининг катта қисмини салтанат тинчлиги-ю, юртни обод этиш, адабиёт ва санъатга ҳомийлик ишларига сарфлаган. Шунга қарамай буюк шоирнинг ижодий мероси нақадар улуғвор эканини тасаввур қилмоқчи бўлсак, кўз ўнгимизда Марказий Осиёнинг осмонўпар тоғлари гавдаланади. Бу «тоғли ўлка»нинг энг баланд чўққилари – «Хазойин ул-маоний» ва «Хамса» шу қадар фалакка бўй чўзганки, қараганнинг юрагини энтиктиради. Бу «тоғларнинг геологияси» ҳали узоқ ўрганилиши керак. Ҳозирча эса, уларнинг бағридаги «маъдан»лар бугунги авлоднинг аксарияти учун сирли ва тилсимлигича ётибди, фақат айрим жойларидан оқиб чиқиб



турган бадият ва руҳият «чашмалари» қисман маънавий чанқоғимизни босишга жалб этилган, холос.

Навоий ижоди билан дастлаб танишган В.В.Бартольд сингари айрим европалик олимлар юзаки ёндашув оқибатида шоир асарларини «форсчадан таржима», дея ҳақиқатдан тойиб кетган, уларнинг бошқа бир гуруҳи эса буюк шоир ижодини «анъанавий адабиёт» дея баҳолашдан нарига ўтолмаган. Фақат Е.Э.Бертельс сингари Навоий даврининг тарихини ҳам, унинг тилини ҳам яхши билган, шунинг учун буюк шоир ижодий меросини аслида ўқиган ва чуқурроқ англаган олимларгина Навоийнинг адабиёт ва умумбашарий тафаккур тарихидаги ўрнини тўғри баҳолай олганлар. Айрим истисноларни айтмаса, адабиёт тадқиқотчилари учун Навоий ижоди ҳамон мураккаб мавзуларидан бири бўлиб келмоқда, Ўрта Осиёдан ташқарида умуминсоний аҳамиятга молик бу даҳонинг ижодий мероси деярли нотанишлигича қолмоқда.

Албатта, ўзбек навоийшунослари улуг пирлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Шоир ижодини ўрганган ғарблик олимлар ҳам Навоий даҳосининг жаҳон адабиёти миқёсидаги буюкликнинг ҳис этадилар. Лекин улар ҳам, булар ҳам ана шу буюкликнинг моҳиятини тўлиқ очиб беришга, кенг оммага етказишга ожизлик қилаётгандек туюлади.

Не чораки, табдил қилинса, Навоий каломининг ўзига хос жозибаси, нафосатига путур этади, шарҳлашга киришилса, шарҳ матни ўн марталаб кўпроқ ҳажм талаб этади. Бошқа тилларга таржимани гапирмаса ҳам бўлади. Насрий асарларини-ку, қай савиядадир ўтириш мумкиндир, аммо назмий асарларини мутаносиб ва муносиб тарзда таржима қилиш инсон имкониятидан ташқаридаги юмуш бўлса керак.

Хуллас, Навоий шеърятини шу қадар баркамолки, уни аслида ўқишдан бошқа имкон ҳам, илож ҳам йўқ.

Лекин яхши маълумки, бу ҳам енгил машғулот эмас.

Қизиқ ҳолат: бошқалар-ку, ўз йўлига, ҳатто шоирларимиз орасида ҳам Навоийни «тушунмайман» дейдиганлар кўп. Навоийни ўқимайдиганлар ҳатто «ғазалнавислар» орасида ҳам оз эмас.

Навоийни бир-икки ўқиганда тушунилмаса, шу билан тўхташ, бас қилиш тўғрими? Аруз вазни бармоққа нисбатан мураккаброқ бўлса, уни ўрганишга куч сарфламай қўя қолиш керакми? Бундай мантиқдан ажиб хулоса чиқади – квант механикаси қийин бўлса, бўлғуси физик унинг ўрнига бу фаннинг осонроқ бобларини ўрганиши кифоя; материаллар қаршилиги фани қийинлик килса, бўлғуси инженер уни ўрганмаса ҳам бўлаверади; эски ўзбек ёзувини ўрганиш машаққатли бўлгани учун кирилл ёзуви билан ҳам тарихчининг куни ўтаверади ва ҳ.к.

Аслида интилган учун қийин нарсанинг ўзи йўқ. Аслида ҳаётнинг маъноси – қийинчиликларни енгил.

Буюк шоир умрини мумтоз ўзбек адабиётини юксалтиришга бағишлар экан, ўз «мулки» – ана шу адабиётнинг келажаги ҳақида қайғурган, албатта. Шу ўй билан келгуси авлодлар учун қўлланмалар ёзган: вазн маҳоратини эгалласин деб «Мезон ул-авзон» рисоласини, она тилининг қадрига етсин, уни авайласин деб «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини, ёш ижодкорларга далда бўлсин деб «Мажолис ун-нафоис» тазкирасини. Ҳамда камолот йўлининг дастури сифатида «Лисон ут-тайр» дostonини.

«Лисон ут-тайр» – аллегорик асар. Сюжети – 30 та қуш (си мурғ) Симуриғни излайди. Достоннинг анъанавий талқини – у Навоийнинг ўзи эътиқод қилган таъаввуф тариқатига бағишланган. Бу талқинга кўра достоннинг бош ғояси «Аллоҳни танимоқчи бўлсанг, ўзингни тани» деган принципдан иборат. Унда буюк шоир ниятни декларация

қилиш осон, аммо уни амалга ошириш ниҳоятда қийинлиги, ғоят оғир синовлардан ўтишга иродаси чидаган одамгина ана шу ниятга етади, деган ғояни баён қилади.

Ўрта асрлар Шарқда ана шундай синовларга дош берган тасаввуф пирлари ҳам, оддий одамлар ҳам анчамунча бўлган.

Бугун бундай саодат насиб этган зотлар борми? Балки бордир, лекин муаллифга маълум эмас. Масалан, «Тавҳид» талабини олиб кўрайлик. Шу муносабат билан келтирилган ҳикояда Мансур Халлож туш кўради. Тушида Муҳаммад алайҳиссалом шайхнинг «Ана л-ҳаққ» («Мен – ҳақмен») хитоби хусусида шундай дейди :

**Сен ажаб кўтаҳназарлик айладинг,  
Буйла ерда бесабарлик айладинг.**

...

**Ҳамл қилдинг менлику сенликка йўл,  
Бу икилик васфидин пок эрди ул.**

Яъни, Расуллуллоҳ Халложга ўз «мен»идан кечолмагани, аксинча, унга урғу бергани хусусида танбеҳ беради.

У даврларда ҳаёт ҳозиргига нисбатан беқиёс даражада оддий бўлган ва тасаввуфнинг ҳақиқий намояндалари халқ томонидан эъзозланган. (Бу эса ўз навбатида таъмагир шайхлар кўпайишига сабаб бўлган – Навоийнинг бир қанча сатира руҳидаги ғазаллари ана шу рикор шайхларга қаратилганининг сабаби шу.) Ҳозирги даврда одам учун нафақат ўз «мен»идан, шунчаки нафсини енгиш ҳам осон эмас.

Шунинг учун энди «Лисон ут-тайр»нинг тасаввуфий талқини кўпроқ илмий-адабий аҳамиятга молик дейилса, катта хато бўлмайди.

Лекин дostonда иккинчи планда келадиган ғоя – инсон учун камолот йўлида қандай қийинчиликларга дуч келиши мумкинлиги, уларни сабр ва матонат билан енгиб ўтсагина

хаёт ҳақиқатини топа олиши ҳамisha долзарблигича қолади.

Бу талқинни ҳеч иккиланмай ўз олдига ижодни, хусусан, адабий фаолиятни мақсад қилганларга нисбатан татбиқ этиш мумкин. Айниқса, умуман олганда мумтоз адабиётимиз дурдоналарини ўқишни ўрганиш, хусусан эса аруз сирларини эгаллаш кишидан муайян машаққат чекишни тақозо этади, албатта. Бугунги авлод учун бу юмуш қийин экан, ҳолат «Лисон ут-тайр» қушлари эсга тушади: улар зўр кўтаринкилик билан йўлга отланадилар, аммо унинг дастлабки қийинликларига дуч келиб, осонгина мақсаддан воз кечмоқчи бўладилар:

**Қилдилар Худ<sup>1</sup>худга боре<sup>1</sup> илтимос**

**Ким:** —«Таваққуф<sup>1</sup> қил даме, эй<sup>1</sup> руҳшунос, таваққуф қил – тўхта

**Бизда баъзи<sup>1</sup> нотаваон бўл<sup>1</sup>миш баса,** нотаваон – заиф, ожиз

**Йўл борурдин<sup>1</sup> хаста жон бўл<sup>1</sup>миш баса.**

**Баъзи олли<sup>1</sup>ға келибтур<sup>1</sup> мушқилот**

**Ким, сенинг раъ<sup>1</sup>йинг<sup>1</sup>ди-н<sup>1</sup>ис-тар<sup>1</sup>лар нажот.**

**Баъзи оллин<sup>1</sup>да суубат<sup>1</sup>лар дурур,** суубат – қийинчилик

**Ул суубат<sup>1</sup>дин уқубат<sup>1</sup>лар дурур”.**

Уларнинг хаёли, орзуси асли бошқа нарсада эди:

**Согиниб о<sup>1</sup>судалиқ бир<sup>1</sup>ла ватан,**

**Боғу бўстон<sup>1</sup> бирла гулзо<sup>1</sup>ру чаман.**

ком – мақсад

**Наф-с коми<sup>1</sup>ю фароғат<sup>1</sup> маъмани,**

маъман – ишончли жой

**Ай-ш ойи<sup>1</sup>нию ишрат<sup>1</sup> гулшани.**

ойин – принцип

Бу сатрларда каромат мавжуд эмасми?

Қушларга пирлик қилган Худхуд (попушак)нинг мантиқи ва нотиклик маҳорати туфайли қушлар кўзлаган манзилларига – камолот чўққисига етадилар.

Навоий асарлари, хусусан, «Лисон ут-тайр» Худхудни эслатмайдими?

Худхуд ўз функциясини муваффақиятли бажарган экан, «кушлар» ҳам ўз навбатида ана шу мантиққа қулоқ тутганлари, нутқдан таъсирланганлари ҳам муҳим бўлган.

Навоийни ўқиш ва ундан таъсирланиш керак.

Нутқнинг таъсирчанлиги ҳар доим шакл ва мазмун мукамаллиги билан боғлиқ. Худхуднинг нутқида эса Навоий каломи акс этган.

Адабий тафаккур борасида Навоийнинг ўзи камолот йўлида энг қийин водийларни босиб ўтган. У буюк мақсадни кўзлаб, ана шу мақсад йўлидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, ўз тили, нутқи устида қаттиқ ишлагани, муттасил билимини орттириб, тафаккурини юксалтириб боргани тайин. Мана шундай жараён давомида сўз санъатида миқдор сифатга ўтиб, «диалектик сакрашлар» рўй беради.

Худди «Лисон ут-тайр» кушлари водийдан водийга ўтиб, ўз идеалларига яқинлашгани каби:

**Чун Талаб водийсиға қўйсанг қадам,  
Оллингға ҳар дам келур юз минг алам.**

**Талаб водийсидан ишқ (бу ердаги талқинда шеърға муҳаббат) водийсиға:**

**Куймаган ишқ\_ичра эрмас | иш-қ\_боз,  
Оши-қ\_эрмас | улки эрмас | жонгудоз. жонгудоз – жон қийновчи**

Ундан маърифат водийсиға. Навоий маърифатга эришиш йўлининг хилма-хиллигига урғу берган: «Водиедур юз туман минг онда йўл». Бу йўлнинг натижаси:

**Маърифат хуршиди чун қилди тулуъ, хуршид – қуёш  
Ҳарким ўз мақсудиға айлаб ружуъ. тулуъ – кўтарилиш  
... ружуъ – юзланиш**

**Чун ки партав солди ул покиза нур партав – ёруғлик**

Навоий «қушлари» водийма-водий қийинчиликларни енгиб, етгинчи манзилга – **фақру фано** мақомига эришадилар. Бу – жуда юксак мақом. Достоннинг бир боби Навоий нима учун «Лисон ут-тайр»да тахаллусини «Фоний» деб олганига изоҳ беради:

**Мунда фоний бўлмай иш ўлмас тамом,  
«Фоний» ондин топти назмим ихтимом.**

Бу байтда Навоий фано мақомига етганига ишора бордай... (Валлоҳу аълам.)

XX асрда силлабо-тоник ва ҳатто тоник вазнларда кўплаб назм дурдоналарини яратишга муваффақ бўлинди, сарбаст техникаси ҳам пухта эгалланди. Булар-ку яхши. Лекин бунинг учун аруз вазнидан воз кечиш, уни «ўғай»га чиқариш шартмиди?

Яхши ҳамки, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чустий, Чархий каби арузнавислар ижодида шамъдай липиллаб турса-да, у ўчмади.

Бундан буён – ақли машиналар, Интернет, синтетик муסיқа асрида арузнинг тақдири қандай кечади?

Умид қиламизки, аруз яна майдонга чиқади. Албатта, янгилашиб, янгича ҳис-гуйғулар олами, янгича тафаккур билан, ҳатто янги воситалар билан. Балки у аввалги устувор мавқеини тиклай олмас, аммо аруз вазни адабиётимизда муносиб ўрин эгаллайди.

Бир қарашда мутлақо асосиз туюладиган юқоридаги «даъво»ни далиллашга уринайлик. Европа шоирлари ҳам то XVIII асргача арузга ўхшаш вазнда, таъбир жоиз бўлса, арузий-тоник вазнда ёзишган: урғули ва урғусиз ҳижолар рукнларга уюшиб, аруздаги каби қатъий қоидаларга бўйсунishi лозим бўлган (масалан, Шекспир сонетлари). XIX асрдан вазн мунтазамлиги шоирларга халал бера

бошлаган – аввал силлабизм ва тоника қоришиқ, сўнг ҳар қандай низомдан холи сарбаст вазни олдинга чиққан. Бунинг бош сабаби – шеърятда замон руҳининг акс этиши эди. Зотан, XIX аср Европа тарихида алғов-далғов инқилоблар даврини бошлаб берди. Ижтимоий ғалаёнлар шеърятда сокин лирик кайфиятдан кўпроқ шиддатли туйғуларни тақозо қилган. Бунинг шабадаси XX аср бошида бизнинг ўлкамизга ҳам етиб келди. Шу туйғулар мумтоз адабиёт вазн ва строфикасидан қониқмаслик, ҳис-ҳаяжонни чертиб-чертиб ифодалаш туйғуси пайдо бўлди. Бу туйғу Чўлпоннинг Исмоилбей Ғаспиралига ёзган мактубида жуда ёрқин ифодаланган ва айни Чўлпон дастлабкилардан бўлиб, сарбаст вазнида пафосли шеърлар ёза бошлаган.

Айтиш мумкинки, даврнинг бу эврилиши, умуман олганда, жамиятимиз учун ҳам, адабиётимиз учун ҳам хосиятли бўлди: зиёлиларда ўзликни таниш, истиқлол, тараққиёт ғоялари уйғонди, ўлмас асарлар яратилди. 20 аср охирлагани сайин, совет тузумида ҳаёт сиртдан сокин бўлиб туюлса-да, ижтимоий-иқтисодий бўҳрон аломатлари аёнлаша боргани сабабли поэзияда яна сарбастга эътибор кучайди.

Схематик тарзда бўлса ҳам айтиш мумкинки, сарбаст шоирнинг ички олаmidан ташқи оламига қаратилган туйғуларини ифодалаш учун мувофиқроқдир. Ташқи оламдан шоирнинг ички оламига йўналган туйғуларни беришда эса, ҳеч бир вазн аруз билан баҳслаша олмайди. Мисолларга мурожаат этайлик.

**Бу менинг кенг кўнглим**

**ғавғони, жанжални,**

**Тўполон, кўзғалиш, чувалаш,**

**исёни, тўфонни**

**суядир.**

Шунинг-чун дунёни,

жаҳонни,  
тоғ ва тош –

Ҳаммасин ағдармоқ,

ёнадир,  
куядир...

Ўйнат эй, пўртана,

тўхтатма,  
қувват ол,

Чоғ келгач, эриниб

ётма, ухлама,  
бўлмасин йўқлама.

Кўп эзган душмандан,

наст жондан  
ўчни ол,  
ўчни ол,  
ўч ол... (1920 йил)

Бу шеърда Чўлпоннинг истибдод ва таассубга қарши туйғуси жуда ёрқин акс этган. Бундай кечинмани арузда ифодалаш мушкул. Зеро, умуман, аруз чақирик, хайқирикни ёқтирмайди, ярашмаган панду насихатга айланиб қолади. Шунинг учун «Сен етим эмассан» каби шеърлар сарбастда кучли янграгани ҳолда, Собир Абдулла, Ҳабибий ва улар издошларининг «долзарб» мавзулардаги ғазаллари муваффақиятсиз чиққан. Зотан, аруз инсоннинг ички оламига хос туйғуларни ифодалаш учун ихтиро этилган. Масалан:

Фалакдин ях<sup>1</sup>шилиқ етқай<sup>1</sup> дебон, кўнглунг<sup>1</sup>ни шод этма,  
Ямовлиғким<sup>1</sup> етар, ҳоло<sup>1</sup> унут, ўтқан<sup>1</sup>ни ёд этма.

Замона аҳ<sup>1</sup>лиға гар юз<sup>1</sup> қуёшча кўр<sup>1</sup>гузубсен меҳр,  
Вафо зинҳор<sup>1</sup>-ким бир зар<sup>1</sup>ра чоғлиғ эъ<sup>1</sup>тимод этма.

Нужуму чар<sup>1</sup>х деб ўкма<sup>1</sup> гадонинг бах<sup>1</sup>ялик шолин,  
Тутунни чар<sup>1</sup>х, учқунлар<sup>1</sup>ни анжум эъ<sup>1</sup>тиқод этма.



(эътимод – умид, ишонч; ўжмак – мақтамоқ; нужум – бу ерда: Сомон йўли; чарх – осмон; баҳя – жияк, безак; анжум – юлдузлар)

Бу байтларда аччиқ киноя билан ифодаланган абадий ижтимоий муаммо ҳақидаги қалб азиятини аруздан бошқа вазнда бериш мушкул. (Шу сабабдан ҳам форс тилидаги мумтоз адабиёт намуналари ўзбек тилига таржима қилинганда, уларнинг вазнини имкон қадар сақлаш лозим. Шеърнинг руҳи сўздагина эмас, вазнга ҳам сингиган бўлишини, вазн ўзгарса, хусусан, аруздан чекинса, ана шу руҳиятга заҳа егишини назардан қочирмаслик керак).

Диққатга сазоворки, мумтоз адабиётдан қоникмаётганини билдирган Чўлпон ҳам, орадан ҳеч қанча ўтмай, «Қаландар ишқи» номли шеърят дурдонасида арузга мурожаат этган!

XXI асрда аруз яна мавқеини тиклашига бошқа асос ҳам бор. Янги мингйиллик мамлакатимиз учун тинч ва мунтазам тараққиёт даври бўлғай, иншооллоҳ. Тинч ва мунтазам тараққиёт шароитида эса, шоир қалбини ҳаёт, ҳаётнинг маъноси, руҳ ва унинг тақдири ҳақидаги ўйлар кўпроқ банд эта бошлайди. Бундай ўйлар одатда бир нуқтага келиб тўхтамайди. Тафаккур ва хаёл дарёсига чуқурроқ ва яна чуқурроқ шўнғишни талаб этаверади. Бу каби лирик ҳолатларни ифодалаш учун эса арузнинг борган сари чуқурлашиб борадиган тўлқинсимон вазни жуда мувофиқдир.

Арузда ифодаланадиган туйғулар боқийлигини яна бир бор таъкидлаш ортиқча эмас. Масалан, тинч тараққиёт кишиларнинг моддий аҳволини яхшилаш боради. Кўпчилик бойийди ҳам. Шунда ҳаёт сабоқ берадики, бойлик комфорт яратиши мумкин-у, аммо саодатни таъминлашга кафил бўла олмайди. Ҳатто, аксинча, бойликка бино қўйиш «ҳеч кимнинг меҳрига зор эмасман» деган туйғуни туғдириши, тошбағирликни келтириб чиқариши мумкин. Бу дунё ҳисоб-китобли, меҳрафшонлик ҳам, бемеҳрлик ҳам

кимнинг меҳрига зор эмасман» деган туйғуни туғдириши, тошбағирликни келтириб чиқариши мумкин. Бу дунё ҳисоб-китобли, меҳрафшонлик ҳам, бемеҳрлик ҳам қайтадиган ҳодиса. Ҳеч қандай бойлик инсоний меҳр ўрнини боса олмаслиги эса яхши маълум. Одамлар орасидаги муносабатга нисбатан «меҳр» тушунчасининг адабиётдаги аксини аруз деса, хато бўлмайди. Негаки, меҳрга ташна, ҳамдардга зор одам уни ресторан ёки дискотекадан топмайди, аммо, масалан Навоий девонидан топади:

Эй кўнгул, то | дар-д кў-йи|да га-до-лиғ | топ-ма-динг,  
Бил-ки, аҳ-ли | дар-д и-чин-да | по-д-шо-лиғ топ-ма-динг,  
Кўр-ма-динг ҳар|ғиз на-во, то | бе-на-во-лиғ | топ-ма-динг,  
Баҳ-ри иш-қ ич|ра, На-во-ий, | о-ш-но-лиғ | топ-ма-динг,  
То бу бир кўз|ни А-рас, ул | бир-ни О-му | қил-ма-динг.

Алишер Навоий даҳоси олдидаги бурчимиз – хоҳ бармоқда бўлсин, хоҳ сарбаст, хоҳ арузда – юксак бадий асарлар яратиб, адабиётимиз шуҳратига шуҳрат кўшиш, тилимизнинг обрўсини янада кўтариш. Оллоҳ сўзга мўъжизавий қудрат бахшида этган экан, унинг миллат маънавиятини шакллантиришдаги роли ғоят катта.

### *Икки жаҳонни икки илқида тутган шоир*

Баъзан Навоий ижоди намуналарида камчилик кўриш ҳоллари учраб қолади. Масалан,

**Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасин,  
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасин,**

байти тўғрисида Фитрат томонидан танқидий фикр

Бу борада ўз мулоҳазаларимизни баён қилишга уннар эканмиз, гапни мазкур байт таҳлилидан аввал умуман Навоий ижодий меросига ёндашув масаласидан бошлаш мақсадга мувофиқ туюлади.

\*\*\*

Шундай даҳолар борки, уларнинг ижоди, хоҳ тайин миллат тақдири билан боғлиқ равишда ўрганилсин, хоҳ умумжаҳон мезонлари билан ўлчансин, идеал деб эътироф этилиши лозим. Бундай ҳодисалар хусусида «беайб – парвардигор» ёки "ҳар тўқисда – бир қусур" каби мақолларга таяниб фикр юритиш тўғри бўлмайди.

Алишер Навоий сиймоси ва ижоди ана шундай феноменлардан биридир. Лўндаси, **Навоий ижоди ҳар қандай қусурдан холи**, демокчимиз. Ҳар қалай, инсоният тарихида умуман идеал дейиш мумкин бўлган ижод намунаси бор бўлса, бу сифат, бизнингча, биринчи навбатда Навоий шеърлятига тааллуқлидир.

Тўғри, буюк шоир ўзининг биринчи девони – «Бадойиъ ул-бидоя» учун ёзилган "Дебоча"сида мажмуага киритилган ғазаллар турли савияда эканлигини, бу жанрнинг юксак намуналари билан бир қаторда нисбатан сустроқ ғазалларини ҳам киритишни лозим топганини айтиб ўтади.

Лекин улуғ шоирнинг бу эътирофи унинг меросига муносабатда "Навоий шеърларида ҳам камчиликлар бор" деган тезис учун баҳона бермайди. Чунки, **биринчидан**, Навоийнинг зикр этилган эътирофи – ислом дунёсининг барча буюк намояндаларига хос бўлган камтарликдан деб тушунилиши лозим. Қолаверса, Муҳаммад алайҳиссаломнинг "Мен ҳам бир инсонман, хато ва камчиликларга йўл қўйишим мумкин" дегани тўғрисида ҳадислар бор, аммо бундан Оллоҳ

элчисининг нафақат пайғамбарлик фаолиятини, балки оддий турмушдаги хатти-ҳаракатларини тафтиш қилиш ҳуқуқи келиб чиқмайди.

Тўғри, Навоий пайғамбар эмас. Лекин нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти миқёсида олганда ҳам пайғамбар мавқеидаги зотдир. У бежиз «ўзбек халқининг даҳосини ўзида мужассамлантирган мутафаккир» деб баҳоланмаган.

**Иккинчидан**, адабиётнинг маҳорат чўққиси сари юксалишда, сўз санъатининг сир-асрорларини эгаллашда бошқа ижодкорлар ўн йиллар ичида босиб ўтган йўлни Алишер Навоий ўсмирлик давридаёқ ортда қолдириб кетган, унинг дастлабки девони тартиб берилганидаёқ даҳо санъаткор даражасига кўтарилиб улгурган эди.

Далил учун бир мисол келтирайлик:

**Бўлмиш андоқ мунқатий аҳли замондин улфатим,  
Ким, ўзум бирлан чиқишмас ҳам замоне суҳбатим.**

**Эй хуш улким, тутмиш эрди ваҳш ила саҳрода унс,  
Мудҳиш аҳволе мангоким, бор ўзумдин ваҳшатим.**

**Истарам қочмоқ адам водийсидинким, киргали  
Вомиқу Фарҳоду Мажнун бас ғулувдур хилватим.**

**Тўлғанурмен ўзлугумдин чиққали, буким эрур  
Дард водийсида саргардон қуюндек ҳайъатим.**

**Эй ажал, тан хирқасин куйдурки, бўлмиш бас оғир  
Бу маломат ўқлари бирла тикилган қисватим.**

**Эй фалак, анжум ушоқ тошин йиғиб бошимға ур,  
Чун фано майхонаси хиштидин ўлди турбатим.**

**Етти кўкни кўк варақлардек совурғай ҳар тараф,  
Тоқи минойий аро чирмашса оҳи ҳасратим.**

**Қўй дуру феруза баҳсинким, нужуму чархни**

**Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим.**

**Лаълдек бошим осилсун ғарқайи хуноб ўлуб,  
Лаъл тиккан салтанат тожига бўлса рағбатим.**

**Эй Навоий, икки оламдин кечиб топдим висол,  
Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатим.**

Ҳайратомуз ғазал! Ўқиган сари кишини ҳаяжонга ботирадиган байтлар. Ҳолбуки у ҳижрий 870 (милодий 1465/66) йилда тартиб берилган «Илк девон»дан ўрин олган, демак, Навоийнинг ёшлигида (!) ёзилган.

Анча кейин, «Ҳазойин ул-маоний» тартиб берилганда (1498-99 йиллар) шоир бу ғазалга яна бир байт қўшган:

**Турфа кўрким, халқ коми бирла умрум бўлди сарф,  
Турфароқ буқим бировга ёқмади бир хидматим.**

Хуллас, Навоий шеърлари, адабиётнинг энг инжиқ ёндашувидан келиб чиққанда ҳам, барча мезон ва меъёрлар талабларига қатъий жавоб беради, улар зиғирдай бўлса-да сакталикдан мутлақо холи, дея даъво қилишга журъат этамиз. Мабодо, Навоий шеърларининг у ёки бу қўлёзмасида, у ёки бу нашрида сакталик учраса, бунга муаллиф эмас, балки хаттот ва ноширларнинг бефарқлиги ёки малакасидаги етишмовчилик оқибатидир. Мабодо, унинг шеърларида адабиётнинг юксак мезонларига мос тушмайдиган байт ёки мисра учраса, даставвал ўша мезонларнинг ўзи тафтиш қилиниши, ҳеч бўлмаганда аниқланган номутаносиблик сўнгги ҳақиқат тарзида эмас, балки муаммо тариқасида баён этилиши мақсадга мувофиқ.

Фикр, туйғу, таассурот, кайфият, кечинма, ҳаяжон шеър бўлиб қуюлиб келганда, уларни қоғозга битишда сўз излаш, сўзларни вазнга тушириш, қофия танлаш,

бадий санъат билан безаш каби муаммолар Навоий учун мутлақо бегона бўлган – бундай муаммолар билан сўз мулкининг султони болаликдаги машқлари чоғида йўлиқса йўлиққандир, аммо шеърнависликнинг бундай даражаси "Навоий" деб аталадиган чўққининг пойидан ҳам анча пастда туради.

Навоий шеърларида вазн, қофия, бадий санъат шу қадар мукаммалки, бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда ғайриоддий ҳодиса, англаш қийин тилсим бўлиб туюлади. Сўз бойлиги чароғон юлдузли осмондай кўзни жимирлатади, улардан маъно-мазмун чашма сувидек қайнаб чиқади, жумлалар маржон тизмасидай терилган, мисралар равон, назмда энг инжа туйғулар камалакдай товланади. Муҳими – шеърда ана шу хусусиятлар ифода этилиши Навоий учун нафас олишдек жўн ва табиий ҳолатга айланган, бир сўз билан айтганда, автоматизм касб этган. Худди шу туфайли шоир дилида қандай фикр, қандай туйғу туғилмасин, улар бир йўла ва равон шеърда ифодаланган – гўё тоғ чанғиси чемпиони мунтазам машқини олган трассада сирпанганидек.

Айтиш мумкинки, Навоий учун арузда шеър айтиш она тилида сўзлашдан кам фарқ қилган.

Навоий каломининг мукаммаллиги устида етарлича тафаккур қилмаган, ё бунга ҳафсаласи бўлмаган, ёки мақсад йўналишини тўғри олмаган киши – у ғарблик тадқиқотчи бўладими ёки шарқлик танқидчи – шоир шеърларида камчилик, номукаммаллик кўриши мумкин. Ўтмишда кимдир Навоий асарлари билан юзаки танишиш оқибатида шоирни "форсчадан таржимон" дея баҳолаган, кимдир "мазмун шаклга қурбон қилинган" дея таъна тошини отган, яна кимдир "ижодида асосан ўша давр учун анъанавий бўлган мавзулар етакчилик қилади" деб ҳукм қилган, яна кимдир бошқа нуқсларни «ихтироъ» этган.

анъанавий бўлган мавзулар етакчилик қилади" деб ҳукм қилган, яна кимдир бошқа нуқсларни «ихтироъ» этган.

Аслида бундай иддаоларнинг барчаси нисбий, Навоий шеърляти эса мутлақ.

Аслида Навоий шеърларининг ҳар бири, ҳатто ҳар бир байти нимаси биландир оригинал, қайсидир жиҳати биландир бетакрор. Навоий ижодида бирон-бир шеър йўқки, унда гўзал туйғулар, самимий инсоний кечинмалар, нозик фалсафий мушоҳадалар, бир сўз билан айтганда, уммон қадар тубсиз ва кенг мазмун бўлмасин.

Аслида Навоий ижодида шакл мукамаллиги билан мазмун муазамлиги ўзаро уйғун ва чамбарчас боғлиқ: шоир учун шеър ёзиш она тилида сўзлаш, нафас олишдек табиий жараёнга айланган экан, ижод жараёнида унинг фикри, ўйи нима билан банд бўлган? Табиийки, мазмун билан, руҳият билан, «қалбига қулоқ тутиш» билан! Фикрни ойдинлаштириш учун ижоднинг бошқа соҳаларидан мисолларга мурожаат этайлик. Микеланжелонинг мармар ҳайкаллари бу санъатнинг чўққиси ҳисобланади. Ирвинг Стоуннинг «Заҳмат ва фарах» биографик романида тасвирланишича ҳайкалтарош мирмарга ишлов бериш санъатини эгаллаш учун кечаю кундуз, тамадди қилишни ҳам унутиб меҳнат қилган. Бунинг натижасида у ижод қилганда бошида ғоя туғилса бас – қўллари ана шу ғояни автоматик тарзда мармарда мужассамлаштириш даражасига етган. Бу каби маҳорат йўлини машҳур бастакор ва мусиқачилар, рассомлар, опера кўшиқчилари ва балет раққослари ҳам босиб ўтади.

Ёки футбол ўйинига диққат қилинг. Ўйин давомида ҳар бир футболчининг кўзи кўпроқ тўпда бўлади, диққати асосан тўпни бошқаришга қаратилади. Лекин Пеле сингари ўйинчиларнинг маҳорати, хусусан, тўпни бошқариш техникаси шундай босқичга етадики, натижада уни

комбинациялар ижод қилишга йўналтирилади. Бу хусусият – маҳорат такомиллашуви жараёнида миқдорнинг сифатга ўтиши ижоднинг барча турига хос қонуният, барча даҳолар босиб ўтган йўлдир.

Навоий эса даҳоларнинг даҳоси. Шунинг учун унинг шеърлари мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакиллари шеърларидан тилсимли хусусияти билан фарқ қилиб туради. Шунинг учун ҳам Навоий асарлари ўзини идеал деб тан олишга мажбур этади.

**Учинчидан**, Навоий асарлари мазмунининг чуқурлиги, ҳатто ўта мураккаблиги билан ажралиб туради. Кўпинча унинг айна бир шеърда ишқий, ижтимоий, фалсафий, диний ва бошқа биз билган ва билмаган маънолар мужассам бўлади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун юқоридаги ғазал ёрқин мисол.

Қолаверса, Навоий нафақат буюк шоир, айна пайтда яна ҳам буюкроқ мутафаккир, файласуф, замонасининг улуғ алломаси бўлган. Мисол учун, Аристотель асарларини мутолаа қилган киши уларни шундай – бир ҳатто икки-уч бор ўқигани билан тушуниб кетавермайди. Ҳатто юнон тилини ниҳоятда яхши билган Флоробий, Ибн Сино, Беруний каби буюк иқтидор эгалари ҳам «устоди аввал» асарларининг мағзини чақиш учун кўп йиллар сарфлаган, шарҳлашга интилган. Улардан кейинги олимлар учун шарҳлар ҳам мураккаблик қилганки, шарҳларга шарҳ («ҳошия») битишга тўғри келган.

Ҳақиқатан, "Ҳайрат ул-аброр", "Садди Искандарий", "Лисон ут-гайр" – нафақат бадиий дoston, айна пайтда фалсафий рисоалардир. Уларда инсоннинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, ижтимоий муносабатлар ҳақидаги Навоийнинг дунёқарашлари баён этилган. Ҳатто бус-бутун фалсафий рисола мазмуни ифода этилган рубоий, байтлар ҳам оз эмас.



Тўртинчидан, Навоий шоир ва мутафаккиргина бўлиб қолмай, ўша давр жамияти ҳаётидаги, оддий одамлар орасидаги муносабатлардан тортиб то умумдавлат, умуминсоний муаммоларгача дуч келган, умри давомида фаол ижтимоий жараёнда бевосита иштирок этган арбоб ҳам эди. Навоийнинг болалигидаги давр алғовдалғовлари, ўсмирлик ёшида йўлиққан ташвишлар, йигитлигида бошига ёғилган бало-қазолар бир неча тарихий шахс таржимаи ҳоли учун кифоя қилган бўларди. Лекин тақдири азал бу билан ҳам қаноатланмай, Навоийни умрининг сўнгги дамларигача "саҳийларча" хилма-хил синовларга рўбарў этиб турган. Бугун биз уларни тасаввур қилишимиз ҳам осон эмас.

Буларнинг бари киши билан ёққан қор сувлари баҳорда тоғ бағрига симирлиб, ёзда тош ёриқларидан отилиб чиққан чашмадай Навоийнинг ғазал, қитъа, рубоий, дoston боблари тарзида қоғозга тушган. Гоҳ муножот, гоҳида фарёд бўлиб, гоҳ ҳасратли ўй, гоҳо аччиқ киноя тарзида: **"Ишқим ошуби (кўнгул ғалаёни, ҳаяжон) тугёнида ҳар суубатким (қийинчилик) юзланур эрди, чун бир ҳамдard рафиқим йўқ эрдиким, дардимдин шаммае (бир оз бўлса-да) изҳор қилғаймен, бирор байт бирла ул ҳол мазмунин назм қилиб кўнглумни холий қилур эрдим ва жунуним шиддати (ўзни йўқотиш, экстаз) ғалаёнида ҳар ошубеким, олимпға келур эрди, чун ҳамзабон мушфиқим йўқ эрдиким, махфий ўтумни ошкор этгаймен, бирор матлаъ била ул маънони адо қилиб, қаттиғ ҳолимни шарҳ этар эрдим"**.

Унутмаслик лозимки, ана шу суубат, дард ва жунун шиддатига қиёсланган тафаккур ғалаёнлари-ю, кўнгулнинг яралари Навоийнинг инжа ва безовта қалбининг тубига шароб қуйқасидай чўкиб борган, юрагида чандиқлар қолдирган, охир-оқибат, олтмишга тўлиб-тўлмай оламдан кўз юмишига сабаб бўлган.

Навоий ўзини "ўз куйининг оловида куйиб кул бўлган қакнус қушига" ўхшатиши ҳам шундан. Болалик чоғидаёқ ўзига "Навоий" тахаллусини танлаганида ҳам мўъжиза мавжуд эмасми? Зотан, наво – шунчаки мусиқа тури эмас, у аслида "қалбни титратувчи куй" маъносини билдиради (таниқли навоийшунос ва таржимон Сергей Иванов шоир тахаллусини "вдохновенно поющий" деб таржима қилади).

Навоий айтадиганини айтиб, ёзадиганини ёзиб қолдирган. Эндиги вазифа – бу хазинани истифода этиш. Бунинг учун биринчи навбатда мутолаа, мулоҳаза ва мушоҳада билан бир қаторда шарҳ ва талқинлар керак.

Талқин хусусида. Навоий шеърларининг муҳим хусусияти – улар турлича талқин қилиниши мумкинлигида. Аслида бу ҳолат Бетховен симфониялари, Пикассо картиналари каби санъатнинг бошқа турларига оид барча буюк асарларнинг барчасига хос. Бир қарашда сўз санъати мусиқа, тасвирий санъатга нисбатан конкретроқ мазмунга эга, шунинг учун айна бир матнни турлича талқин қилишга ўрин йўқдай туюлади. Аслида сўзлар аксарияти кўпмаънолидир. Жумладаги сўзларнинг турли маънолари ўзаро турлича муносабатга киришиб, яна ҳам кучлироқ жумла кўпмаънолигини туғдиради. Бунда, ҳатто муаллиф дастлаб кўзда тутмаган маънолар келиб чиқиши ҳам мумкин. Шунингдек, жумладан сўзловчи бевосита кўзда тутган мазмундан ташқари унинг онги ички қатламларидаши (З. Фрейд бўйича онгостидаги) туйғулар сингиган бўлиши ҳам мумкин. Биз бу ҳолатни, хусусан, авлиёлар кароматида кўрамиз.

Рус филологи Д.Н.Шмелев сўзнинг кўпмаънолик хусусиятини янада бўрттиради. Унинг фикрича, нутқ чекланган воситалар билан инсон тажрибасининг чеку чегараси йўқлигини ифода эта олади. (Проблемы семантического анализа лексики. Москва, 1973). Ёки, масалан, Л.С.Переломов Конфуцийга бағишланган

тадқиқотида (Москва, 1998) бу донишманднинг "Учиться и своевременно претворять в жизнь – разве не в этом радость?" деган ўғити файласуфлар томонидан юзга яқин маънода талқин этилганини бирма-бир санайди.

Навоий шеърларида фалсафий тафаккур бадий воситалар орқали ифодалангани учун хилма-хил талқин имконияти яна ҳам кенгроқ.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай талқин – субъектив, у матндаги объектив ҳақиқатдан ташқари талқин қилувчи яшаган давр ва ижтимоий муҳитга, унинг тушунчаси ва ҳатто кайфиятига ҳам боғлиқ бўлади. Натижада биз айни бир жумланинг турлича, ҳатто бир-бирига зид мазмундаги талқинларини учратамиз. Масалан, "Қаро кўзим" деб бошланувчи ғазалнинг ҳозиргача ўнга яқин талқини чоп этилди.

Матнни турлича талқин этишга интилиш, умуман олганда, ижобий ҳодиса. Албатта, талқин сунъий бўлмаса. Кимнинг талқини тўғрироқ, деган саволга келсак, бу ҳал этилиши мураккаб муаммо. Хусусан, Навоий асарларининг талқинига нисбатан бугун бу масалада ким ҳам ҳакамлик қила олади? Балки, кўпчилик эътироф этадиган талқинни тўғрироқ, дея тан олиш лозимдир? Лекин бу принцип ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди – юзлаб одам ноҳақ-у, бир одам ҳақ бўлиб чиққан ҳоллар тарихда оз эмас.

Айтайлик, Мансур Халлож ҳақмиди ё унинг устидан ҳукм чиқарган шайхлар? Унинг атиги икки сўздан иборат "АНА-Л-ХАҚҚ" ибораси устида мунозаралар неча аср давом этган.

И з о ҳ. Мазкур ибора араб ёзувидан ҳозирги ёзувга "ана-л-хаққ" деб ўгирилса ҳам, "ана-л-Хаққ" деб ёзилса ҳам маънога путур этади – биринчи ҳолда ХАҚҚ тушунчасининг талқин доирасидан «Хаққ» (Оллоҳнинг исмларидан бири) маъноси тушиб қолади, иккинчи ҳолда эса, аксинча, «Оллоҳ» маъноси конкретлашиб, «ҳақиқат» маъноси тушиб қолади. Эски ўзбек

ёзувида бош ва кичик ҳарфлар фарқланмаганининг ўзиёқ турлича талқин туғдирган. Иккинчи томондан, шоирлар бу хусусиятдан шеърӣ санъат яратишда фойдаланишган.

**М и с о л.**

**Бунда фоний бўлмай иш ўлмас тамом,  
Фоний ондин топти назмим ихтимом**

– биринчи мисраъдаги «фоний» сўзи сифат, уни бош ҳарф билан ёзиш тўғри бўлмайди, иккинчи мисраъдаги «Фоний» сўзи шоир тахаллуси бўлиб, бош ҳарф билан ёзилиши шарт. Энди мана бу парчани кўрайлик:

**Эй, адамдин борчаға халлоқи жуд,  
Бори жуд аҳлиға файёзи вужуд....**

**Ҳар неким васфингда таҳрир айлагум,  
Сехр агар қилғумки тақсир айлагум.**

**Мен не бўлғумким, агар алломалар  
Сурса йиллар васфинг ичра номалар.**

**Бўлсалар инсоф сори мунсариф,  
Ажзга бўлмоқ керактур муътариф.**

**Фонийи девонайи ошуфтаҳўй  
Неча сўз гар сендин этти гуфтигўй,**

**Сахву тақсирин карамдин афв қил,  
Номаи аъмолидин маҳв айлагил,**

– «Лисон ут-тайр»дан олинган бу парчада «Фоний» сўзи ҳар икки маънода – ҳам тахаллус, ҳам сифат вазифасида келмоқда.

Мазмуннинг матнда акс этиш қонуनларини, талқин хоссаларини ўрганиш ҳозир фаннинг муҳим соҳасига айланган. Давлат арбобларининг интервью чоғида айтадиган фикрлари, ҳужжатлар матни ҳар доим ҳам бир

кийматли бўлавермаслиги муаммонинг амалий аҳамияти ҳақида тасаввур берса керак.

Мақола аввалида Навоийнинг биргина байти анчамунча мубоҳаса объектига айланиши мумкинлиги тилга олинган эди. (Қаранг: Сувон Мели, «Ҳазиллашманг даҳо билан», "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2002 йил 34-сон; Иброҳим Ҳаққул, "Англаш заковати", шу газета, 2002 йил, 50-сон.) Баҳсга Фитратнинг қуйидаги мулоҳазаси сабаб бўлган: *"Навоийнинг*

*Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демаки, жсон бўлмасун,*

*деганидаги қайтиш (санъати – А.А.) мана шундай кераксиз қайтишлардандир, Чунки бу "икки жаҳон бўлмасун" деганига рози бўлмай, "йўқ, жсон бўлмасун" дейдир. Ҳолбуки, иккинчи фикри биринчисидан кучсизрақдир".*

Ҳар икки олимнинг мулоҳазалари билан бирга ёндашувлари ҳам ўзига хос: бири кўпроқ Ғарб тафаккури манбаларидан далил изласа, иккинчиси асосан Шарқ мутафаккирларининг меросини жалб этади.

Фитратнинг юқоридаги фикри муносабати билан баҳсга қўшилар эканмиз, биз аввало Фитрат Навоийни буюк даҳо деб билганини таъкидлаймиз. Масалан, у "Навоийнинг форсий шоирлиги ҳамда унинг форсий девони хусусида" мақоласида шундай ёзади: *«Навоий энг улуғ форс шоирларининг энг машҳур, энг қийин асарларига форсийча жавоблар, назиралар ёзган. Машҳур Хисрав Деҳлавийнинг... бир қасидаси бор: оти "Баҳр ул-аброр"дир. Жомийнинг унга бир назираси, ўхшатмаси бор, оти "Лужжат ул-асрор" бўлиб, Хисравникига кўра кучсизрақдир. Навоий ҳам буларга "Туҳфат ул-афкор" отли 26 байтдан иборат бир ўхшатма ёзган:*

**Оташин лаъли ки тожи хусравонро зевар аст,  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст**

– деб бошланган қасида, Жомий, Давлатшоҳ каби танқидчиларнинг шаҳодатларига кўра, Хисравникидан қолишмайди». (Бу қасиданинг ўзбек тилига бир таржимаси 1977 йилда Шоислом Шомухамедов нашрга тайёрлаган "Алишер Навоий шеърятидан" китобига, бошқа таржимаси 2002 йилда чоп этилган Абдул Қодирнинг "Ишқим чечаклари" китобига киритилган.)

Бу ва бошқа мисолларни таҳлил этиб, Фитрат шундай хулосага келади: *"Навоийнинг бошқалар билан бўлган адабий мунозаралари ва мана бу чиройлик намуналар Навоийнинг форс тилида ҳам теран, уста бир санъаткор эканини кўрсатади. Унинг форсийчада кучсиз бўлгани тўғрисида Бобурнинг маълумотини кўб-да қабул эткусимиз келмайди"*.

Навоийнинг мазкур байтига қайтсак, у аслида ҳар жиҳатдан мукамалдир. Байтнинг бош ғояси «ишқ» эканлиги равшан. Бу сўзнинг маъноси мумтоз адабиётда ғоят хилма-хил. Эътиборни "жон" ва "жаҳон" сўзларига қаратайлик.

Хўш, Навоий байтида қайси бир "жон"у қандай "икки жаҳон" устида сўз бормоқда? "Жон" сўзи ҳам, "жаҳон" сўзи ҳам икки маънода англаниши мумкин. Биринчидан, индивидуал маънода – тайин шахсга нисбат берилиб. Масалан, «Хўп, десанг жонинг чиқадими?» «Тухмат қилиб, икки жаҳонингни куйдирма».

Иккинчидан, глобал маънода – "умуман жон" ва "умуман жаҳон". Масалан, «Жон бошқа, руҳ бошқа», «Бу дунё – фоний, у дунё – боқий». Мана шу маъноларнинг қай бири танланишига қараб, 4 хил контекстга эга бўламиз:

	"Жаҳон" – индивидуал	"Жаҳон" – глобал	...
"Жон" – индивидуал	1-контекст	2-контекст	
"Жон" – глобал	3-контекст	4-контекст	
...			

Биринчи контекст шундай талқинни беради:

*Ишқдан маҳрум одамнинг икки дунёси ҳам маънисиз.  
Икки жаҳонини қўй, у ҳатто тирик одам бўлиб яшашига  
(тузилишига) арзимамайди.*

2-контекст Фитрат талқинига мос келади:

*Севмаган, севилмаган одам учун у дунё ҳам, бу дунё  
ҳам йўқ ҳисобида.*

*У икки дунё туғул жондан воз кечгани яхши.*

3-контекстга мос талқин:

*Ишқ ҳақида тушунчага эга бўлмаган одам учун бу  
дунё ҳам, у дунё ҳам қадрсиз.*

*Унга нисбатан ҳатто Ердаги ҳаётнинг маъноси йўқ.*

4-контекстга мувофиқ талқин:

*Икки жаҳон – ишқ туфайлидир.*

*Одамзод – ишқ туфайлидир.*

Хўш, муаллифнинг ўзи қайси талқинни назарда  
тутган?

Бу саволга конкрет жавоб беришга уриниш Навоий  
матни мазмунини торайтиришга олиб келади.

Таъкидлаймизки, биз "жон" ва "жаҳон" сўзларининг

иккитадан маъносини қарадик, холос. Борди-ю, уларнинг бошқа маънолари ҳам жалб қилинса-чи? (Бундай имконият учун жадвалчада уч нуқтали катаклар қолдирилди.) Яна "ишқ" сўзининг, айтайлик, "Маҳбуб ул-қулуб"да санаб ўтилган маънолари (дунёвий ишқ, платоник ишқ ва тасаввуф тушунчаси) бирма-бир контекстга жалб қилинса-чи? Равшанки, талқин вариантлари сони кескин ортади.

Хуллас, бир байтда – бир олам мазмун! Энг оддий муҳаббатдан то ишқи илоҳийгача; энг индивидуал туйғудан то инсониятнинг неча минг йиллик тафаккур тажрибасигача.

Буларнинг бари атиги икки мисрада, атиги олтига ўзақдан ясалган ўнтагина сўзда!

Қолбуки, бу "Ҳамса"нинг биргина байти, холос.

Бу қадар поёнсизлик Навоийнинг кўплаб байтларига хос, дейишга асос етарли.

Зотан, Навоий ҳазратлари кўлларига қалам олганларида фаришталар давот тутган, ижод қилар эканлар неча буюк пирларнинг руҳлари бошлари узра чарх уриб турган. «Садди Искандарий» достонининг ниҳоясида шундай байтлар битилган:

**Тутуб Жомию Хисрав икки қўлум,  
Низомий сори бошладилар йўлум.**

**Тўқуб ашк мендек асири ғаме,  
Вале ҳар қўлумға тушуб оламе,**

**Вале мен бўлүб гарчи ўздин ниҳон,  
Кириб икки илгима икки жаҳон.**

Сўнги байтда "жаҳон" сўзининг фақат глобал маъноси кўзда тутилаётгани равшан.



Қамраш учун тасаввур ожиз манзара: Навоий икки жаҳонни икки қўлида тутиб турганини тасаввур қилиб кўрайлик!

Нима бўлганда ҳам икки жаҳонни икки илқида тута олган шоир «Икки жаҳон демаки, жон бўлмасин» дейишга батамом ҳақлидир.

Навоий ижод пайтида ўз "мен"имдан ниҳон бўлдим, дейди. Бу эътироф унинг тариқотда жуда юксак мавқеъга кўтарилганини, унинг шеърляти эса илоҳий илҳом маҳсули эканлигининг яна бир исботидир.

## НАЗМНИНГ ЕТТИНЧИ ОСМОНИ

**Муқаддима.** Шоҳбекат. Тумонат одам. Ҳар ким ўз ишию ташвиши билан банд. Кимдир олис сафар тараддудида бўлса, кимдир йиллар ўтиб кўрмаган яқинини кутишга чиққан, биров шошилган, бошқасининг хотири парижон. Ғала-ғовурга елкадаги магнитофондан ажнабийча ашула, совға-салом дўконидаги телевизордан “модний” хонанданинг чинқироқ хиргойиси, қантариб қўйилган автомобилнинг радиосидан тайинини аниқлаб бўлмайдиган оҳанг жўр бўлади.

Шоҳбекат биносининг томига эълонлар учун ўрнатилган карнай бир оз ғичирлаб, сўнг ундан куй таралади:

**“Қаро кўзим, келу мардумлуғ эмди фан қилғил”.**

Вожаб! Қўшиқ бошланиши билан борлиқ ўзгара бошлади: одамлар бирин-кетин сўзлашдан тўхтаб тин олди, магнитофон, телевизор, автордиолар аввал пасайиб, пасайиб, охири уни бутунлай ўчди. Ҳатто учиб юрган кушлар ҳам шохларга қўнишиб, чуғур-чуғурини бас қилди.

Карнайдан таралаётган қўшиқ одамларнинг турқи, ёши, жинси, кийиниши, касби-коригу забонидан қатъи назар, қалбига йўл топмоқда эди:

**Юзунг висолига етсун, десанг, кўнгулларни...**

Ёз саратонида аёвсиз нур пуркаётган куёш қўшиқнинг ноласидан хижолат чекиб, шапалоқдай пар булутдан юзига парда тортди. Дим ҳаводан шалвираб қолган теракларга ҳам мадор кириб, япроқлари куй оҳангига мос чапак чала бошлади. Майин шаббода томлардан сирғалиб тушиб, одамлар оралади. Унинг эпкини ҳў-ў қариянинг опшоқ соқолини, анови аёлнинг ҳарир рўмолини, бир гўп қизларнинг кокилларини елпиб ўтди.

Исми машхур мумтоз куйга адаш хонанда қўшиқни яхши кўриши, уни юз бор, балки минг бор такрорлагани учун ижро роса сайқал топгани сезилиб турар, шу боис у шавқ билан, вужуд-вужуди билан кўйламоқда эди. Қўшиқ тошларни юмшатиб, музларни эритишга қасд қилгандай авж пардаларга кўтарилди:

**Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафик, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилгил.**

Бу орада зангори осмон абри атлас тусига кирди. Шоҳбекат тепасидаги булут пардаси қуюқлашиб, гўё қўшиқ сари пасайиб келди. Ортига куйдан баҳраманд бўлмоқчи фаришталар йиғилган-у, уларнинг нафасидан булут эриб, оромбахш ёмғир тарзида томчилади.

**Навой анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилгил.**

Қўшиқ тугади. Одамлар баданига инган сув зарраларини артишга тутиндилар. Кимларнинг юзидаги томчиларда киприклардан сизиб чиққан кўз ёшлари омухта эди...

Ҳа, “Қаро кўзум” ғазали билан айтилган “Ушшоқ” кўшиғида самовий сеҳр бор. Мумтоз мусиқа билан Навоий сўзи пайваста бўлган бу кўшиқни қайта-қайта эшитсангизда жонга тегмайди, аксинча, ўзига ошно қила боради.

Бундай олиб қараса, кўшиқ мусиқасини дилрабо, Навоийнинг ғазалини эса тушунарли деб бўлмайди. Ҳатто ҳеч иккиланмай “Қаро кўзум” ғазалини даҳо шоирнинг энг мураккаб асарларидан бири дейиш мумкин. Буни ғазал такрор ва такрор шарҳланганидан, турли йўналишда талқин қилишга кўп уринилганидан ҳам кўрса бўлади. Адабиётшунос Н.Жумахўжаевнинг маълумотича бу ғазалга ўндан ортиқ (!) шарҳлар битилган.

Хуллас, ғазал – ғоят мураккаб, мусиқа ҳам шунга яраша.

Унда нима учун “Қаро кўзум” кўшиғи бу қадар машҳур?

Буни фақат бир нарса билан изоҳлаш мумкин – чуқур мусиқага ғазалнинг мукамаллиги кўшилиб, кўшиқ идеаллик хусусиятини касб этган.

Ана шу мукамаллик хусусида фикрлашайлик.

1. **Вазн.** Ғазал арузнинг мураккаб вазнларидан бири – мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ/аслам баҳрида ёзилган. Вазннинг мураккаблигига қарамасдан у мукамал, шу туфайли ғазал ўқиш ва куйлаш учун ниҳоятда равон.

Рукнлар												
1-рукн			2-рукн				3-рукн			4-рукн		
Ма-фо-ъи-лун			фа-ъи-ло-тун				ма-фо-ъи-лун			фав-лун		
Ҳижола												
√	-	√	-	√	√	-	-	√	-	√	-	-
Қа-	ро	кў-	зум	ке-	лу	мар-	дум-	ли-	ғэм-	ди	фан	қил-
Кў-	зум	қа-	ро-	си-	да	мар-	дум	ки	би	ва-	тан	қил-
Ю-	зунг	гу-	ли-	га	кў-	нгул	рав-	за-	син	я-	са	гул-
Қа-	динг	ни-	ҳо-	ли-	га	жон	гул-	ша-	нин	ча-	ман	қил-
Та-	ко-	ва-	ринг-	га	ба-	ғир	қо-	ни-	дин	хи-	но	боғ-
И-	тинг-	га	ғам-	за-	да	жон	риш-	та-	син	ра-	сан	қил-
												ғил.
												ғил.
												ла
												ғил.

Фи-	ро-	қ	то-	зи-	да	то-	шил-	са	туф-	ро-	ғим,	эй	чарх,
Ха-	мир	э-	тиб	я-	на	ул	тоғ-	да	кў-	ҳ-	кан	қил-	ғил.
Ю-	зунг	ви-	со-	ли-	за	ет-	сун,	де-	санг	кў-	нгул-	лар-	ни
Со-	чинг-	ни	бош-	тин	а-	ёғ	чин	и-	ла	ши-	кан	қил-	ғил.
Ха-	зон	си-	по-	ҳи-	га,	эй	бо-	ғ-	бон	э-	мас	мо-	неъ,
Бу	бо-	ғ	то-	ми-	да	гар	иг-	на-	дин	ти-	кан	қил-	ғил.
Ю-	зи-	да	тер-	ни	кў-	руб	ўл-	са-	м_эй	ра-	фик,	ме-	ни,
Гу-	лоб	и-	ла	ю-	ву	гул	бар-	ги-	дин	ка-	фан	қил-	ғил.
На-	во-	йи,	ан-	жусу-	ма-	ни	шав-	қ	жон	а-	ро	туз-	санг,
А-	нинг	бо-	шоғ-	лиғ	ў-	қин	шам-	ьи	ан-	жусу-	ман	қил-	ғил.

Вазннинг ноёблиги кўриниб турибди. Лекин мураккаблик сунъий эмас, балки ғазалнинг руҳига мувофиқ: ҳар мисрада қисқа ҳижолар етакчилигидан сўнг, иккинчи рукннинг охири ва тўртинчи рукнда кетма кет иккитадан чўзиқ ҳижо келиши мисраларга ўзига хос ритм бағишлайди – бу рукнлар алоҳида урғу, таъбир жоиз бўлса, салобат билан ўқилади. Натижада арузга хос бўлган умумий хусусият – қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг мунтазам такрорланишидан ташқари, кўшимча, яъни чўзиқ ҳижолар жуфтлигининг такрорланишидан иборат ритм юзага келади:

.....мар-дум ..... қил-ғил,  
 .....-нгул рав- ..... гул-шан,  
 .....жон гул- ..... қил-ғил,  
 .....ғир қо- ..... боғ-ла

Ғазалнинг еттинчи мисрасида истиснога дуч келамиз: у бошқа мисралардаги каби фаъ-лун эмас фаъ-лон қолишида – бир чўзиқ ва бир ўта чўзиқ ҳижо билан тугайди: “Эй, чарх!”.

Сўнги рукндаги бу ҳол аруз талабларига зид эмас. Лекин Навоийдек маҳорат соҳиби учун шу биргина ҳижони ҳам фаълун қолипига солиб кетиш асло қийинлик қилмас эди. Демак, бу тасодиф эмас, балки ғазал руҳидан келиб чиққан.

Олдинги уч байт ва яна кейинги байтда (“боғбон” деганда кимни тушунишга қараб, олтинчи байтда ҳам) шоир бевосита ғазал адресатига мурожаат қилган бўлса, тўртинчи байтда нутқини фалакка қаратмоқда. Шунинг учун охириги ҳижо алоҳида зарбга эга бўлган:

**Эй, ча-а-а-рх!**

Натижада байтнинг эмоционаллик хусусияти кучайган.

**2. Қофия ва радиф.** Ғазалда анча кам учрайдиган қофия қўлланган. Қофиядош сўзларнинг рукн охирида келиши ҳам ғазалнинг ифодалигига ҳисса қўшади. Қофиянинг асосий элементи (равий) “н” товуши эканлиги бутун ғазалга интиқлик бағишлайди. Айтайлик, “н” ўрнида бошқа товуш келса, ғазал интонацияси ўзгариб кетар эди. Қиёслаб кўринг:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди касб қилғил,  
ёки

Қаро кўзум, келу мардумлиғни одат қилғил.

Ғазалнинг радифи – ҳар байтнинг охирида такрорланувчи “қилғил” сўзи ҳам ғаройиб. “Қил” ва “ғил” бўғинларининг қофиядошлиги, бир томондан, “қофия ичида қофия” ҳосил қилса, иккинчи томондан, бу сўзнинг радиф бўлиб келиши лирик қаҳрамон нутқидаги илтижо, ундаш руҳига айнан мувофиқ. Айни пайтда “қилғил” мурожаатида “қилсанг ҳам майли”, “кошки қилсанг” каби маъно жилолари бор. Бу сўз ўрнига мантиқан унга ўзакдош бошқа радиф қўйилса, масалан, “қил” дейилса, буйрукни,

“қилсанг” – маслаҳат, “қилсанг-чи” – жеркиш ёки гинани ифодалар, ҳатто “қилгин” – сўзи ҳам расмийлиги билан ғазал жозибасчига путур етказар эди.

3. Сўз. Ғазалда нозик инсоний туйғулар ифода этилгани учун унинг сўз таркиби ҳам шунга яраша: инсоннинг зоҳирий қиёфаси (кўз, қорачиғ, юз, қад, соч), ботиний дунёси (кўнгил, бағир, жон), маконий муҳит (ватан, равза, гулшан, чаман, тоғ, боғ), азият белгиларини ифодаловчи сўзлар (ришта, расан, фироқ, игна, хазон, тикан) маржондек тизилган. Матнда ўша давр ҳаёти билан боғлиқ сўз ва тушунчалар, ҳозир истъомолдан чиқиб кетган архаизмлар ҳам талай. Гарчи мумтоз адабиёт намуналарини луғат билан сўзма-сўз таржима қилиб ўқишдан самара кўп бўлмаса-да, аммо бусиз уларни тушуниш ҳам мушкул. Шуни назарда тутиб, академик А. Рустамовнинг “Адиблар одобидан адаблар” китоби ҳамда “Навоий асарлари луғати”га мурожаат этамиз:

**Мардум** – 1) халқ, одам, фуқаро (граждан маъносида); 2) кўз қорачиғи;

**мардумлиғ** – халқларварлик, одамийлик, одамгарчилик, ҳиммат, саховат; 2) кўз қорачиғи бўлиш;

**равза** – боғ; жаннат боғи;

**таковар** – от, чопқир, ўйноқи от; кенгроқ маънода: узоклашишга сабабчи улов (транспорт, бутунги кунда айниқса енгил автомобиль, самолёт);

**бағир** – жигар; кенгроқ маънода: одамнинг ичи, юраги, кўкраги, биқини;

**ғамзада** – 1) айнан “ғам урган”, ғамда қолган (қиёсланг: аламзада); 2) ғамза ичида, ғамзага мойил ҳолатда;

**ришта** – ип, ингичка ип, боғлаш воситаси; **жон риштаси** – жон ипи (қадимда одамнинг жони унинг танасига ип билан боғланган, деган ақида бўлган; “жони узилди” ибораси шундан келиб чиққан);

**расан** – арқон, йўғон ип, чилвир; занжир, кишан;  
**фирок** – айрилиқ, айрилиқ ғами; **фирок тоғи** – айрилиқнинг тоғдай ғами;

**чарх** – косиблар (кулол, чархчи, йигчи)нинг айланиб турувчи асбоби; фалсафий маънода: фалак, тақдир, айланиб турувчи осмон, замона; бу ерда: яратувчининг чархи;

**хамир этмоқ** – хамир қилмоқ, қормоқ, бирор нарса ясап учун яримфабрикат тайёрлаш; бу ерда: инсон тупроқдан яратилгани учун, тупроққа одам киёфасини беришдан аввал лой ясалиши кўзда тутилади (валлоху аълам);

**кўҳқан** (ғазалда “кўҳқан” талаффуз қилинади) – айнан: тоғ қазувчи, кон очувчи; адабиётда: “Фарҳод ва Ширин” достонининг қаҳрамони Фарҳоднинг касби, лақаби;

**чин** – хитойи тароқ, денгиз чиғаноғидан ясаган, сочни турмақлаш воситаси;

**шикан** – жингалак; сочни турмақлаш;

**хазон сипоҳи** – 1) куз изғирини; 2) меваларни деб боғни (пайкални) пайхон қилувчи шум болалар тўпи;

**монёъ, монийъ** – ман қилувчи, таъқиқловчи, олдини олувчи; эмас монёъ = монёъ эмас – таъқиқлай олмайди, қутқара олмайди;

**анжуман** – 1) йиғин; 2) юлдузлар осмони; 3) қизгинлик;

**шавқ** – шавқ, ҳаяжон; **анжумани шавқи жон** – жондаги (кўнгилдаги) шавқ анжумани, шавқнинг қизиши, кўнгилнинг яйраши;

**бошоқ** – бу ерда: камон ўқи (найза)нинг металдан ясалган учи; **бошоқлиғ ўқ** – узоқроққа етиши, тўғри учиши, қаттикроқ санчилиши учун учига металл учлик бириктирилган камон ўқи (найза);

**шамъи анжуман** – анжуман, йиғинларни ёритувчи шам, йирик, кўп ёруғлик берадиган шам, қандил.

Албатта, ҳар қандай луғатдаги сингари, ғазал сўзларининг келтирилган изоҳлари нисбий, ҳатто анчайин субъектив, айрим маънолар ортиқча, бошқа маънолар эса тушиб қолган бўлиши мумкин. Мусиқа, тасвирий санъат каби мумтоз адабиётнинг юксак намуналари ҳам ўқувчидан ўз тушунчаси ва руҳиятидан келиб чиққан ҳолда завқ олишни тақозо этади.

4. **Санъат.** Навоий каломида ҳар бир сўз луғавий маъно-мазмунга эга бўлишдан ташқари, муайян бадий юк ҳам ташийди. Шеърдаги бадий санъатларни таҳлил қилиш бир пайтлар ҳатто “Илми бадеъ” деб аталувчи фан даражасига кўтарилган. Шеърини санъатларга бойлиги жиҳатидан “Қаро кўзум” ғазалиётнинг ноёб намунаси. Бу ҳақда адабиётшунос В. Раҳмонов хулосаси: “Қаро кўзум” ғазали ҳақида бир китоб ёзса бўлмайдими? Чунончи мен шу ғазалнинг матлаби устида бош қотирдим-у, биргина бадий нукта назаридан кузатишларим бир дафтар бўлди. Яъни, қисқача қилиб айтсам,

**Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум кеби ватан қилғил**

– байтидан ўнта бадий санъат топдим. Булар: нидо, сифатлаш, илтифот, тарди акс, тажнис, ийҳом, иштиқоқ, тақрир, ташбих, амр, мураддаф”.

**Нидо** – ғазални ғазал бағишланган шахсга (объектга, адресатга) мурожаатдан бошлаш. Ўз ҳолича, масалан, шеърни “Эй, ёр” ёки “Аё рафик” деб бошлаш бу ҳали санъат эмас, албатта. Нидо санъат бўлиши учун қўшимча сифатга эга бўлиши керак. Масалан,

**Маҳвашо, сарвиқудо, лоларухо, сиймтано. (ҒС)**



Биз ўрганаётган ғазал “Қаро кўзум” деб бошланар экан, шу мисранинг ўзидаёқ кўз унинг муҳим унсури – қорачиғ билан боғланиб нидо санъатга айлантирилган.

**Амр.** Байтдаги нидога “қилғил” радифи мувофик келиши амр санъати намунасидир. Бу радифнинг хусусияти, ҳамда **мураддаф** (радиф қўллаш) санъати ҳақида юқорида сўз юритилди.

**Сифатлаш.** “Қаро кўзум” жумласи билан Навоий ҳам ёрнинг кўзини сифатлайди (кўзнинг қоралиғи), ҳам ёрнинг ўзини (ёрнинг қора кўзлилиғи)!

**Илтифот** – ёрга унинг сифати, гўзаллигини тилга олиш воситасида мурожаат этиш, мурожаатнинг ўзида гўзаллигини таъкидлаб, лутф қилиш санъати.

**Такрир** – сўзларнинг (бизнинг мисолимизда: қаро, кўз, мардум) байтда тақорланиши. Мумтоз адабиётда тақрирнинг нафис намуналари кўп, масалан,

**Менмудур менким, сенинг васлинг муяссардур менга.** (ҒС)

**Тарди акс.** Такрирнинг махсус кўриниши. Биринчи мисрада “қора” сўзи аввал, “кўз” сўзи кейин қўлланган бўлса, иккинчи мисрада уларнинг ўрни алмаштирилиб бутунлай бошқа маъно чиқарилган. Тарди аксга яна бир мисол:

**Солди ўт хижрон манга, ё рабки, сол хижронга ўт.** (ҒС)

**Тажнис** – шакли бир хил, маъноси турли сўзлардан ёки бир сўзнинг бир неча маъносидан санъат ясаш. “Қаро кўзум”нинг биринчи байтида тажниснинг ҳар икки тури мавжуд:

**Қаро кўзум** – бир маъноси: кўзимнинг қораси; иккинчи маъноси: қора кўзлигим;

**мардумлиғ** – кўз қорачиғидай бўлиш ҳамда одамийлик, одамгарчилик.

**Ийҳом** – шеърдаги сўз бир неча маънога эга бўлибгина қолмай, бу маъноларнинг ҳар бири ҳам умумий мазмунга мувофиқ келишидан иборат санъат, яъни тажниснинг нозик ва нафис шакли. Хусусан, биринчи мисрадаги “мардумлиғ”нинг ҳар икки маъноси ҳам жоиз бўлгани учун ийҳом ҳосил қилади, иккинчи мисрада эса “мардум”нинг фақат қорачиғ маъноси жоиз бўлгани учун ийҳомдан холи.

**Иштиқоқ** – бир ўзақдан ясалган бир неча сўзни маҳорат билан кўллаш. Бу ерда унинг содда кўриниши учрайди: “мардум” ва “мардумлиғ”. Иштиқоқнинг кучлироқ намунасини кейинги байтда кўрамиз: “Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан”.

**Ташбиҳ** – ўхшатиш. Навоий “мардум киби” ўхшатиши билан ёрни шунчаки кўз қаросида ватан тутишни эмас, балки кўзда қорачиғ ўрнашгандай ватан тутишни илтижо қилади. Шу сабабли бу ташбиҳда айни пайтда **тамсил** – мисол келтириш санъати ҳам мавжуд: азиз одам ҳақида “кўзимнинг қорачиғи” деган ибора қўлланади.

Албатта, фақат матлаъдагина эмас, ғазалнинг ҳар бир байтида шеър санъати намуналари маҳорат билан қўлланган.

**5. Талқин.** Тушунилиши қийин бўлган сўзлар таржима этилди. Лекин бунинг натижасида ғазал мазмуни батамом ойдинлашди, деб бўлмайди. Айниқса, тўртинчи, олтинчи ва сўнгги байтлар маъноси очилганича йўқ. Гап шундаки, нутқ давр билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, унда ана шу даврга хос воқелик акс этади. Хусусан, бугун электр ёруғига ўрганган авлод Навоий замонида тунлари катта йиғин – анжуманлар қандай ёритилганини тасаввур этиши қийин. Ҳозирги ёшларга ҳатто XX аср ўрталаригача қўлланган “тошфонарь”, “варшав чироқ”, “бешинчи шиша”, “пилигини кўтар” каби иборалар маъносиз.

Ғазалнинг сўнгги байтидаги “анжумани шавқи жон” иборасини луғат ёрдамида англаб етса бўлар, аммо

кейинги мисрани “учига темир қадалган ўқни шамъ қилгин” деб ўқиган билан барибир нимадир етишмайди. Академик А.Рустамов ўз китобида сўнги байтни талқин этар эканлар, “бошоқ, яъни ўқ учи шаклан шамнинг алангасига ўхшайди” дея изоҳ берадилар. Бу изоҳ ҳам барибир тўлиқ қониқиш ҳосил қилмайди. Балки шам (машъала) ўқнинг учига санчилиб, мажлисхона деворига маҳкамлангандир.

Бизнингча гап бунда эмас. Бир неча аср аввал ёзилган матнлардаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини бугун ҳар доим ҳам айнан тиклаб бўлавермайди. Қолаверса, бундай тадқиқот жуда шарт эмас. Ҳақиқий шеър сўзларнинг маъно-мазмунидан ташқари кайфияти, руҳияти билан ҳам ўз вазифасини бажараверади. Мисол учун, Абдулла Ориповнинг “Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унутдим” деган мисрасидаги сўзлар луғатсиз ҳам тушунарли, аммо тўғилиши табиий бўлган “Қанақа сирли тушлар?” деган савол ўринсиз.

Академик А.Рустамов “Қаро кўзум”нинг сўнги байтидаги руҳиятни шундай изоҳлайди: “Навоий... шамънинг тунги анжумандаги вазифасини, яъни ёритиш ва шу билан анжуманни қизитиш хизматини кишининг жонидаги шавқ анжуманида маъшукнинг ўқи ўтайди, дейди. Ўқдан мурод маъшук туфайли ошиққа етадиган жабру жафолардир”. Мана шунинг ўзи кифоя.

**6. Мақсад.** Ҳазал кимга қаратилган? Бу – яна ҳам мураккаброқ савол. Ҳазалнинг кўпчилик мухлислари “қора кўз”ни маъшуқа қиз, Ҳазалнинг ўзини эса ишқий, аниқроғи дунёвий муҳаббатга бағишланган, деб тушунади. Навоий дунёқараши билан чуқурроқ таниш кишилар эса, “Навоий Ҳазалида аёл кишига мурожаат этади, аммо Ҳазалда куйланаётган ишқ – пок (платоник) муҳаббатдан иборат”, дея хулоса чиқаради. Ҳазални ҳатто тасаввуфий маънода талқин қилишга уринишлар ҳам бўлди. Академик

А.Рустамов юқорида зикр этилган китобининг шу ғазалга бағишланган “Қоракўз ким?” бобида шундай мулоҳаза юрताди:

“Мана шу ғазалга оммавий ахборот воситаларида турлича шарҳлар берилди. Буларда маъқул фикрлар билан бирга номаъқуллари ҳам баён этилди. Шулардан бири Навоийнинг манзури йигит эмас, қиз деб тушунтириш, иккинчиси, энг номаъқули – инсон эмас, худо деб талқин қилиш бўлди”. Сўнг ғазални байтма-байт изоҳлагач, “энг номаъқул” фикрни бирон-бир баҳсга ўрин қолдирмайдиган қатъийлик билан рад қилиб, давом этади: “Энди Навоийнинг бу ғазалидаги манзури йигитми, қизми, деган саволга йигит деб жавоб беришимиз керак бўлади. Чунки ит билан ўқдан унинг овчилиги маълум. Унинг йигитлигини тан олмасликка ҳаракат қилиш Навоийнинг ишқи маънавий ишқ эканлигини ҳисобга олмаслик натижасидир”.

Мумтоз адабиётни тушуниб етишда биз домлага шогирдликка ярашимиз ҳам даргумон. Шунинг учун уларнинг фикрларини эътироф этмай иложимиз йўқ. Албатта, “энг номаъқул” талқин хусусидаги хулосалари мутлақо тўғри: “Қора кўзум”ни илоҳий ишқ йўналишида талқин этиш – Навоийнинг ишқ мавзусидаги деярли барча асарига тасаввуфий тус беришнинг бир намоёни бўлиб, ҳозир, чамаси, бундай “мода”нинг даври ўтди.

Айни пайтда “Қоракўз ким?” деган саволга домланинг “овчи йигит” деган жавоби ғазалдаги от, ит ва бошоқлик ўқ образларига асосланаётгани учун бу сафар вазият бошқачароқ. Ҳар қалай, шоир мурожаат этаётган шахс “овчи ёки овдан қайтаётган йигит киши” деган хулоса учун асос биринчи хулосадагичалик қатъий эмас. Шундан келиб чиқиб, академик А.Рустамовнинг фикрини “ғазалнинг тарихий-илмий талқини” деб атаймиз, аммо шу билан бирга ғазалда шоирнинг манзури ким эканлиги бевосита

айтилмагани учун, бошқа талқинларга имкон сақланишини қайд этамиз. Жумладан, шоир мурожаат этаётган шахс – унинг манзурасидир, деб тушуниш “эркин бадий талқин” деб қабул қилиниши мумкин. (Эркин Воҳидовнинг айнан шу ёндашувга асосланган шарҳлари машхур.) Зотан, Шарқ бадий адабиётида шартлилик муҳим ўрин тутиши яхши маълум. (“Итинга ғамзада жон риштасин расан қилғил” мисраси ана шу шартлиликнинг бир намунасидир.)

Нима сабабдан Навоий “Қаро кўзум” ғазалида мурожаат этилувчи образни мунозараларга ўрин қолдирмайдиган тарзда конкретлаштирмаган экан? Масалан,

**Оти саркаш, тўни заркаш, ҳусни дилкаш, нутқи хуш,  
Кўрмадук бу навъ маҳваш чобуку раъно йигит**

– байтли ғазалидаги каби?

Бунда бир ҳикмат бўлиши керак.

Ғазал объекти Навоий учун балки суҳбатини ёқтирадиган ёш йигит, айтайлик, теурий шахзодалардан бири бўлгандир, балки узоқ вақт кўрмаган дўстидир, балки кўнглига мақбул бўлган таниш қиздир. Ҳар қалай, ов, овчининг оти, ов қуроллари – буларнинг барини кўчма маънода қиз образига мувофиқ тарзда талқин этиш мумкин. Лекин “маъшуқ”нинг жинси Навоий учун муҳим бўлмаган бўлса керакки, шоир уни конкретлаштиришни лозим топмаган.

Бу ўринда академик А.Рустамовнинг ўзи йўл кўрсатади: “Маънавий ишқда жинс ва ёшнинг аҳамияти бўлмайди. Ёш ошиқнинг маъшуқи бир нуруний чол ёки кампир, қари нозирнинг манзури ёш ўғлон ёки қиз бўлиши мумкин”. Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, ғазалда бирор марта бўлсин “ишқ”, “муҳаббат” сўзлари, ҳатто уларга маънодош ва ўзакдош сўзлар қўлланмаган. Шундай экан, хулосага келамиз: ғазалнинг мақсади – конкрет жинсли ва ёшли

**маъшук эмас, умумлаштирувчи маъшук сиймосига мурожаатдан иборат.**

**7. Рух.** Яна замонамизга қайтайлик. Шундай ҳақли савол туғилади: Хоҳ маънавий бўлсин, хоҳ дунёвий – ишқий мавзудаги кўшиқлар жуда сероб, шундай ғазаллар яна ҳам кўп. Лекин нима учун мураккаблиги, у қадар тушунарли эмаслигига қарамай, айнан “Қаро кўзум” бу қадар жозиба кучига эга? Бу кўшиқнинг Мулла Тўйчи ёки Юнус Ражабий ижросидаги ёзувини тинглаганда ёки бугун уни Муножот Йўлчиева куйлаганда нима учун киши бу қадар мутаассир бўлади? Бу кўшиқдан таъсирланадиган, завқ оладиган, уни севиб тинглайдиган кишиларнинг кўпчилигидан маънавий ишқ гоёси ҳам, абстракт маъшук образи ҳам, “анжумани шавқи жон” тушунчаси ҳам нақадар йироқлиги тайин.

Буни шундай изоҳлаш мумкин: “Қаро кўзум”га ва у орқали “Ушшоқ” кўшиғига нутқий информациядан ташқари, бетакрор **руҳий информация** ҳам жо бўлган. Албатта, руҳий информациянинг тапшувчиси бари бир сўз, нутқ, лекин алоҳида-алоҳида сўзлар ёки жўн мисралар эмас, балки фавқулудда ҳолат муносабати билан илоҳий илҳом таъсирида инсон қалбида мавж урган туйғуни беназир ғазалга айлантирган Навоий каломидир.

**Бу туйғу – соғинч туйғусидир.**

Энг оддий, шунинг учун жажжи болакайдан тортиб ёши юздан ошган мўйсафидгача, фарзанди шаҳарга кўчиб кетган онадан синфдош дўстларини кўмсаган талабагача, жулдур кийимли ўксик нотавондан тортиб мультимиллионергача, дилбандини йиллаб кўришга имконсиз бечорадан чилласи чиқмаган келинчаги уйда қолган, ўзи сафардаги ёш куёвгача хос бўлган туйғу – соғинч, кўмсаш, интизорлик, ностальгия. Нафақат инсонга, балки жониворларга, ҳатто баҳорга интиқ майсаю дарахтларга ҳам нисбат берса бўладиган категория.

Тасаввур қилайлик, соғиниб-соғиниб, ахийри соғинч ўрнини “фироқ тоғи” эгаллаган, соғинч ҳисси пасайиш ўрнига армон бўлиб дилининг тубига чўккан кишининг рўпарасидан даб дурустдан маъшуқи (маъшуқаси) чиқиб қолди. Мана шундай вазиятда ҳосил бўладиган туйғулар ғазалда ҳақиқий поэтик маҳорат билан ифода этилган.

Даставвал ҳаяжондан энтиккан лирик қаҳрамоннинг кўзи “маъшуқ”нинг кўзи билан тўқнашади:

**Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.**

– кейин унинг юзига разм солади, сўнг назари қадди бўйлаб сирғалади:

**Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан.  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.**

Шоир, гўё фироқнинг айбдоридай, унинг отига (замонамизда, масалан, автомобилига) ва итига (қўпол бўлса ҳам тамсил: ҳамроҳи, кузатувчисига) кўз кирини ташлайди:

**Таковарингга бағир қонидин хино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.**

Шоирнинг нигоҳи “маъшуқ”нинг оёғи остидаги, тўғрироғи, пойафзалидаги чангта тушиб нидо этади:

**Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.**

Кейин унинг чехрасига қайтади ва шамолда тўзғиб, юзини тўсайтган кокилларига разм солади:

**Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил<sup>1</sup>.**

Вақт эса беаёв, югурик дарёдай оқаверади, у билан умр ҳам ўтиб боради. Шундай экан, дийдор ғанимат, унинг қадрига етиш лозим:

**Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас моний,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.**

Соғинч туйғуси шу даражага кўтарилиши мумкинки, интизор “маъшук”нинг висолига етиш қувончидан ўлимга ҳам рози, унинг учун энди ўлим ҳам фарахбахш:

**Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юв-у, гул баргидин кафан қилғил,**

– бу ғазалнинг кульминацияси, у айнан қўшиқнинг авжига тўғри келиб, куйловчининг ҳам, тингловчининг ҳам қалбини ларзага солади.

Ғазал гениал шоирнинг ўзига ўз мурожаати билан ақунланади:

**Навоий, анжумани шавқи жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.**

“Хазойин ул-маоний” девонларидаги барча ғазаллар тоқ сондаги байтлардан ташкил топган. Навоий буни китъаларидан бирида алоҳида таъкидлайди:

**Навоий шеъри тўққуз байту ўн бир байту ўн уч байт,  
Ки, лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнундин<sup>2</sup>.**

---

<sup>1</sup> Бу байт ғазал адресати аёл бўлиши ҳам мумкинлигининг эҳтимоли орттиради: агар “боштин-аёғ”ни “ҳаммаси” деган маънода тушунсак, жинсга нисбатан бетараф, бордию унинг маъноси “бошдан то оёққача” дейилса, унда фақат қизларга хос белги бўлади.

<sup>2</sup> Дурри макнун – яғирин дур, инжу. <sup>3</sup>Таназзул айлай олмас – паст эмас, пастга тушмас. <sup>4</sup>Рутба – мартаба. <sup>5</sup>Етти гардун – етти осмон.



**Буким албатга етти байтдин ўксук эмас, яъни  
Таназзул айлай олмас<sup>3</sup> рутба<sup>4</sup> ичра етти гардундин<sup>5</sup>.**

Биргина “Қаро кўзум” саккиз байт. Бу таажжубли ҳолат, албатга. Уни фақат шундай изоҳлаш мумкин: ғазал илҳомнинг бир зарби билан туғилган ва шу ҳолатда қоғозга битилган; унга туртки берган ҳодиса Навоий учун азиз хотирот бўлган бўлса керак, тўққиз байтга тўлдиришни лозим топмаган.

Ҳақиқатан, санъатнинг юксак намунаси яратилишиданоқ мукамал бўлади ва давр ўтиши билан бу сифатини сақлайди.

**Хотима.** Муҳташам сарой. Салобатли залга нозиктаъб жамоа йиғилган. Оврупача маданият соҳиблари оз эмас. Ёшлар – йигит-қизлар ҳам талай. Йиғилганларнинг кайфияти кўпроқ шўх ва ўйноқи номерларга мойил. Лекин навбати келган бўлса керак, саҳнага миллий кийимдаги ҳофиз чиқиб келди, стулни микрофондан орқароққа тортиб, унга омонатгина қўнди. Танбурини бир-икки чертиб созлагандай бўлди-ю, дутор жўрлигида “Қаро кўзум” кўшиғини бошлади. Мумтоз мусиқа, мумтоз шеърият. Ҳазми енгил эмас. Шунинг учун айрим қиёфаларда “роса чўзмасайди” деган норозилик аломатлари қалқиди. Кўпчилик эса, “чидаб ўтказамиз-да энди” дея ўзаро шивирлашга тушди.

Ҳофиз кўзларини ярим юмиб, залдагилар билан иши йўқдай, қўшиқни гўё ўзи учун куйлар, овози баланд ҳам, ширали ҳам эмас. Микрофон унинг овозини кучайтиришга қурби етмаётгандай эди.

Ажабо, зал биров тараддуланиб бўлса-да жимиб, оҳиста сўнг сув куйгандай сукутга чўмди – кетма-кет кучайтиргич билан ижро этилган оҳангларнинг қулоқни батанг этувчи товушига кўниккан томошабин аҳли учун жонли овоз ғайритабиий туюлди, шекилли, микрофонсиз куйлашга журъат қилган ҳофизга қизиқиш уйғонди. У эса

вужудининг ҳар бир ҳужайраси билан куйлаётгандай, қўшиқ сўзларига маст бўлиб, ғазал руҳиятининг уммонига шўнғиб борар эди. Пардадан пардага, байтдан байтга ўтган сайин қўшиқнинг сеҳрли жозибаси залдагиларни қамраб ола бошлади.

Энди кимдир унинг оҳангига мос тебранар, кимдир лабларини қимирлатиб, ўзича жўр бўларди, кимларнингдир эса киприкларига нам югурди...

Ҳофизнинг овози кучайиб, залнинг энг олис бурчакларигача чулғади. Ҳатто шифтга осилган улкан қандил резонансга тушиб тебрангандай туюлди. Ҳофизнинг аввал пешонасида, сўнг юзларида тер инжулари йилтиллади...

Қўшиқ авжига кўтарилганда эса, уни маржон-маржон тер босиб бўлган эди.

Ниҳоят қўшиқ тугади. Лекин ҳофиз туришга шошилмади, танбурини тиззасига тираб, унга таянганча бир оз қимирламай ўтирди. У гўё “вақтларингизни олганим учун узр” демоқчига ўхшарди. Зал ҳам ҳаракатсиз кутиб ўтирарди. Уч-тўрт сония ўтгач, у ер-бу ердан чапак товуши чиқди. Худди сигнал кутиб тургандай, ҳамма баравар чапакка кўшилди-ю, зални гулдирос босди. Ҳофиз енгил тортиб, лаблари майин жилмайишдан қимтинди. Сўнг ўрнидан туриб таъзимга эгилди.

У парда ортида кўздан ғойиб бўлди ҳамки одамлар қарсакни тўхтатмадилар. Лекин энди олқишлар ижрочининг маҳоратидан кўра кўпроқ қўшиқнинг ўзига қаратилган эди. Йўқ, шундай қўшиқни тинглашга муяссар бўлганлари учун, улар ўзларини олқишламоқда эдилар.

## СҮНГСҮЗ

Китобни интиҳосига етказиш насиб этгани учун Яратганга шукр айтамыз. Унинг юзага келиши ва чоп этилишида ўзларининг фойдали маслаҳатлари ва танқидий мулоҳазалари билан ўртоқлашган, бегараз ёрдам берган ҳамда кўлёмани китоб ҳолига келтриш борасида меҳнат қилган барча-барчага муаллиф чуқур минатдорчилик билдиради.

Таҳриба кўрсатадики, кўлём ва китобнинг напсрдан чиққан варианти янглиш ва камчиликлардан холи бўлишига ҳар қанча интилинмасин, унда билиб ёки билмай йўл қўйилган сакталиклар, мунозарали ўринлар бўлади. Бу борада ўз кузатув, фикр ва мулоҳазаларини билдирадиган закий китобхонларга аввалдан миннатдорлик изҳор қиламиз ҳамда улуғ аждодимиз ва пиримиз Низомиддин Мир Алишер Навоий далдасига таважжуҳ этамиз: аруз фанининг олиму орифларидин илтимос қиламизки, ҳар ерда саҳву хато ўтган бўлса, маъзур тутгайлар ва ислоҳ қалами била тузатиб ўтгайлар.

То чарх давойиридин ўлғай айём,  
То шеър хаёлотиға йўқтур анжом,  
То байт тарокибида бўлғай ибҳом,  
Топсун шеър била жаҳон аҳли низом\*.

---

\* “Мезон ул-авзон” хотимасидан. **Давойир** – даврлар, доиралар, осмоннинг суткалик айланишлари; **анжом** – охир, тугалиш, якун; **тарокиб** – таркиблар, тузилиш, конструкция, комбинация; **ибҳом** – ноаниқлик, мавҳумлик, гумон, чалкашлик

## МАНБАЪЛАР:

**Алишер Навоий.** *Мукаммал асарлар тўплами.* “Фан”, 1987-2003.

**Захириддин Мухаммад Бобур.** *Мухтасар.* 1971, “Фан”; *Бобурнома.* “Шарқ”, 2003; *Девон.* “Фан”, 1994.

**Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий.** *Фунун ал-балога.* “Ўзбек тили ва адабиёти” журнаלי, 2002 йил, 1-сон – 2003-йил, 3-сон.

**Абдурауф Фитрат.** *Аруз ҳақида.* 1997.

## ҚЎШИМЧА АДАБИЁТ:

**С.Алиев.** *Аруз илми.* 1995.

**О.Носиров.** *Ўзбек адабиётнда газал.* Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

**А. Рустамов.** *Аруз ҳақида суҳбатлар,* “Фан”, 1972; *Адиблар одобидан адаблар,* “Маънавият”, 2003.

**Э. Талабов.** *Араб арузи.* Тошкент, ТошДУ нашриёти, 1977.

**У.Тўйчиев.** *Ўзбек поэзиясида аруз системаси,* “Фан”, 1985.

**М.Хамраев.** *Очерки теории тюркского стиха.* Алма-Ата, “Мектеп”, 1969.

**Ш.Шомухамедов.** *Форс-тожик арузи.* Тошкент, ТошДУ нашриёти, 1970.

**А. Ҳожиаҳмедов.** *Мактабда аруз вазнини ўрганиш,* 1995; *Мумтоз бадийят малоҳати.* “Шарқ”, 1999.

*Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар.* “Камалак”, 1991.

*Умрбоқий қўшиқлар.* (Э.Очилов нашрга тайёрлаган). “Шарқ”, 2002.

Абдулла АЪЗАМ

АРУЗ

*Алишер Навоий ва Заҳририддин  
Муҳаммад Бобур сабоқлари*

Муҳаррир *Шужур Курбон*  
Бадий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*  
Техник муҳаррир *Рустам Исакулов*  
Мусаҳҳиҳлар *Назира Шакарова*

Босишга рухсат этилди. 28.04.2006 й.  
Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>  
Босма табоғи 14. Адади 1000 нусха.  
Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 74

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33